

**ЎЗБЕКИСТОН
ГЕОГРАФИЯ ЖАМИЯТИ
АХБОРОТИ**

**ИЗВЕСТИЯ
ГЕОГРАФИЧЕСКОГО
ОБЩЕСТВА УЗБЕКИСТАНА**

42 - жилд

**ТОПОНИМИКА ВА УМУМГЕОГРАФИК
МАСАЛАЛАР**

Тошкент-2013

Ўзбекистон География жамияти ахбороти. 42-жилд.
Илмий мақолалар тўплами. Тошкент, 2013 йил. 197 бет.

География жамиятининг 42-жилди, “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Қонун ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қароридан келиб чиққан ҳолда, географик жой номлари (топонимика)нинг долзарб масалаларига бағишланган. Шунингдек, тўпланда умумгеографик мавзулар ҳам ёритилган.

Тўплам мақолаларидан географ талабалар, илмий тадқиқотчи-изланувчилар ҳамда география фани муаммолари билан қизиқувчи барча мутахассислар фойдаланиши мумкин.

Бош муҳаррир: А.С.Солиев

Таҳрир хайъати: Ш.А.Азимов, А.Қ.Абдуллаев, Т.М.Мирзалиев,
А.Н.Ниғматов, Э.Ю.Сафаров, А.А.Қаюмов,
Ф.Ҳ.Ҳикматов, А.Эгамбердиев (масъул котиб)

Масъул муҳаррирлар: П.Н.Ғуломов, М.Т.Миракмалов

Эслатма! Ахборотномада берилган мақолалар мазмуни ва рақамли маълумотлар учун бевосита муаллифнинг ўзи масъулдир.

ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕОГРАФИК НОМЛАРНИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ, ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Миракмалов М.Т., Солиев А.С.

Мамлакатимизда сўнги йилларда географик номларни ўрганишга алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, ушбу масала мамлакатимизда устувор вазифалардан бири саналиб, давлат миқёсида турли қонун ва қарорлар қабул қилинмоқда. Чунончи, 2011 йил 12 октябрда “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Мазкур қонун Ўзбекистондаги географик номларни нормаллаштириш, стандартлаштириш (қатъийлаштириш), географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш, географик номларнинг давлат реестрини тузиш, номлардан фойдаланиш, тўғри ёзиш ва, ниҳоят, географик номлар бўйича илмий тадқиқотлар ўтказиш учун асосий меъёрий ҳужжат ҳисобланади.

Ушбу қонун тўрт боб ва 24 та моддадан иборат. Қонунда географик объектларнинг номларига қўйиладиган талаблар, географик объектларнинг номларини белгилаш, туманлар, шаҳар ва вилоятларга ном бериш, уларнинг номларини ўзгартириш, аҳоли пунктлари, табиий объектлар, транспорт ва муҳандислик-техника инфратузилмаси объектларини номлаш ва уларнинг номларини ўзгартириш, бу хусусда комиссия тузиш, географик объектлар номларининг давлат реестри, улардан фойдаланиш, номларни сақлаш, географик объектларнинг номлари масаласини молиялаштириш масалаларига катта эътибор қаратилган. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган.

2012 йил 16 октябрда “Географик объектларнинг номлари тўғрисида” ги Қонунга мувофиқ географик объектларнинг номлари соҳасидаги ишларни тартибга солиш чора-тадбирлари ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 295-сонли

қарори эълон қилинди. Қарорда асосан мамлакатимизда географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масаласига жиддий эътибор берилган. Унга мувофиқ, географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича Республика комиссияси ҳамда ҳудудий комиссиялар тузилди. Мазкур комиссияларга мамлакатимиздаги кўпгина географик объектларнинг номларини ўрганиш, уларни номлаш ва қайта номлашга тегишли таклифлар киритиш, тавсия этилаётган номларни географик объектларнинг номлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги юзасидан давлат экспертизасидан ўтказиш, ушбу масалаларни ўрганиш жараёнида географик объектларнинг тарихий-маданий мерос, халқимизнинг маънавий-этноик қадриятлари билан боғлиқ номларни асраш, уларнинг асосиз қайта номлашнинг олдини олиш, географик объектларни ўзбек халқининг миллий, маданий анъаналари ва минталитетига ёт бўлган номлар билан қайта номлашга ва уларга ном беришга йўл қўймаслик каби масалаларга алоҳида урғу берилган. Зеро, ўлкамиздаги географик объектларнинг номлари, уларнинг маъноси, келиб чиқиши ва умуман топонимикага оид маълумотлар узок ўтмишга эга. Бинобарин, қадимги дунё олимлари – Геродот (“Тарих”), Страбон (“География”), Помпоний Мела (“Хорография”), Плиний (“Табиий тарих”) асарларида топонимикага оид маълумотларни учратиш мумкин.

Шарқда, жумладан, Ўрта Осиёда ҳам топонимикага қизиқиш қадимдан бошланган. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Абу Райҳон Берунийнинг “Қонуни Масъудий”, “Ҳиндистон”, “Сайдана”, Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғатит турк”, Ибн Синонинг “Денгиз қирғоқлари”, муаллифи ноаниқ “Худуд ал-олам” асарларида топонимикага оид жуда кўп маълумотларни

топиш мумкин.

Захириддин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома" китоби мумтоз ўлкашунослик асари бўлиши билан бирга, айна пайтда унда топонимикага тегишли маълумотлар ҳам оз эмас. Шунингдек, Абу Ҳайён (XIII-XIV асрлар), Жалолиддин Туркий (XIV-XV асрлар), Мирзо Улуғбек (XIV-XV асрлар), Абулғозихон (XVI аср), Қори Раҳматулла Бухорий (Возих) (XIX аср) асарларида топонимика ва географик терминшунослик бўйича фикрлар билдирилган. Бу жихатдан Абулғозихоннинг "Шажараи турк", Мирзо Улуғбекнинг "Тўрт улус тарихи", Қори Раҳматулла Бухорийнинг "Хотиралар", "Сайрам рисоласи" номли асарлари айниқса диққатга сазовордир.

Юртимизда географик номшунослик ва терминшуносликнинг XX асрдаги ривожланишида маҳаллий тадқиқотчилар билан бирга Ўрта Осиёни ўрганган рус олимларининг ҳам ҳиссаси катта бўлди. Булар орасида В.В.Бартольд, В.П.Семенов-Тяньшанский, Э.М. Мурзаевларни алоҳида кўрсатиш ўринли.

Ўрта Осиё ўлкасидаги географик номларни ўрганишда венгриялик олим Армений Вамберий (1832 - 1913) нинг ҳам хизмати катта. Бу ҳудудга маҳфий саёҳат қилган олимнинг "Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи", "Марказий Осиёнинг географик номлари" китоблари диққатга сазовор. Унинг луғатида 600 га яқин географик ном ва термин берилган.

Ўзбекистонда топонимларни географик жихатдан тадқиқ этишни **Ҳ.Ҳ.Ҳасанов** бошлаб берган, десак муболаға бўлмас. Ҳ.Ҳасановнинг топонимикага бағишланган "Географик номлар имлоси" (1962), "Ўрта Осиё жой номлари тарихидан" (1965), "Ер тили" (1977), "Географик номлар сири" (1980) каби асарларидан ташқари Москвада чоп этилган "Ценный источник по топонимике Средней и Центральной Азии" ("Топонимика Востока", 1962), "Отрар или Тараз?" ("Топонимика Востока", 1969), "Историко – топонимическая схема Средней Азии" ("Топонимика Востока", 1969) ва бошқа

илмий мақолалари мавжуд.

Ҳ.Ҳасанов ўз тадқиқотларида топонимларнинг келиб чиқиши, маъноси, тўғри ёзилиши ва талаффузи, қайси тилларга мансублиги, миллий ва бошқа тилларда ёзилиш шакллари, топонимик терминларга қараб тадқиқ қилиш усулларига катта аҳамият берган. Шу билан бир қаторда, топонимларнинг сўз ясалиш усулига ҳам алоҳида эътибор қаратган. "Жой номларига зехн солсангиз, улар аксари икки сўздан (Иссиқкўл, Денов, Чуқурсой, Қизилқум, Боботоғ каби), камдан-кам бир ёки уч сўздан (Нов, Зах, Изза, Орол, Сўх, Шахрихонсой) ясалгани маълум бўлади.¹

Олимнинг географик номлар транскрипцияси соҳасидаги хизматлари таҳсинга сазовордир. "Географик номлар имлоси" китоби (1962) топонимларни ўзбек тилида тўғри ёзилишига бағишланган.

"Ўрта Осиё жой номлари тарихидан" (1965) номли асар топонимиканинг назарий масалаларига бағишланган, шунингдек, унда топонимик луғат ҳам берилган бўлиб, алифбо тарзида айрим географик номлар изоҳлаб берилган. Асарнинг илова қисмида эса Ўрта Осиёдаги тарихий географик номлар изоҳи жой олган.

Ҳ.Ҳасановнинг "Географик номлар сири" (1985) асари географик топонимиканинг ривожланишига катта ҳисса бўлиб қўшилди. Унда айрим географик номларнинг келиб чиқиши тарихи ва маъноси, Беруний ва Бобур топонимикаси хусусида, географик номларнинг келиб чиқишига оид турлари, уларга мисоллар, топонимикага тегишли қизиқарли саволлар, топономлар – географик номлардан ҳосил бўлган сўзлар, топонимик ўлкашунослик каби масалалар ёритилган, топонимлар ҳосил қилишда қўлланиладиган турли тиллардаги терминлар ҳамда дунёдаги йирик географик объектлар номларининг изоҳи берилган. Изоҳли луғат ёрдамида дунё харитасида турли тилларда тез-тез

¹ Қаранг: Ҳасанов Ҳ. Ўрта Осиё жой номлари тарихидан. –Т.: 1965. –Б. 32.

учрайдиган географик номлар маъносини билиб олиш осон. Мазкур китобдаги маълумотлардан ҳар қандай география ўқитувчиси топонимика бўйича қизиқарли саволлар ва ўйинлар, викториналар ва кроссвордлар тузиши ва хуллас, дарслар самарали ўтиши учун керакли маълумотлар олиши мумкин. Шунингдек, топонимика билан шуғулланаётган ёш географ, филолог, тарихчи тадқиқотчилар ҳам топонимика соҳасидаги назарий билимларини янада кенгайтиришлари, қимматли маълумотлар олишлари мумкин.

Ўрта Осиё ўлкаси, хусусан Ўзбекистон топонимларини атрофлича тадқиқ этган яна бир тадқиқотчи **С.Қораев**дир. Бу тадқиқотчи топонимларнинг этимологиясига оид анча салмоқли иш қилган. У топонимларни, айниқса этнотопонимларини чуқур ўрганган. Олимнинг илмий хулосалари "Географик номлар маъноси" (1978), "Географик номлар маносини биласизми?" (1970), "Тошкент топонимлари" (1991), Ўзбекистон вилоятлари топонимлари (2005), *Топонимика* (2006) китобларида баён этилган.

С.Қораевнинг "Ўзбекистон ойконимлари" номли тадқиқот иши мамлакатимиздаги аҳоли пунктларининг тарихий-географик шаклланишини топонимик тадқиқ этишга бағишланган. Унда қайд этилишича, Ўзбекистон топонимлари, асосан, лингвистик нуктаи назардан ва регионал топонимик тадқиқотларга бағишланган. Бу борада, битта докторлик¹, 15 та номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинган.

Тадқиқот ишида географик номлар классификацияси масаласига ҳам эътибор қаратилган. Ўзбекистон ойконимлари иккита катта гуруҳга бўлинган:

1. Табиий географик ойконимлар.
2. Социал-иқтисодий ойконимлар.

Ушбу классификация таниқли

географ-топонимист Э.М.Мурзаев илмий қарашларига асосланган бўлиб, бундай бўлиниш ҳам нисбийдир. Чунки ҳар қандай топоним, айниқса ойконимлар ижтимоий – иқтисодий омил маҳсулидир.

Табиий географик ойконимлар гидроойконимларга, ороойконимларга, фитоойконимларга, зоонимик ойконимларга бўлинган. Мутахассисларнинг фикрича, инсон ва табиат муносабатларининг дастлабки босқичларда географик жой номларида табиат ва табиат ҳодисалари кўпроқ акс этган.

Социал-иқтисодий ойконимларни С.Қораев антропоойконимлар, этноойконимлар, саноат ойконимлари, савдо-транспорт ойконимлари, ижтимоий ойконимлар, идеологик ойконимлар, мигроойконимларга бўлиб ўрганишни таклиф этган.

Географик терминология ва топонимика соҳасида самарали меҳнат қилаётган олимлардан яна бири – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими **П.Н.Ғуломов**дир. Бу соҳадаги илмий изланишларни П.Ғуломов 1956 йилда "Ўқувпед-давнашр" (ҳозирги "Ўқитувчи") нашриётида ишлаган вақтдан бошланган. Дарсликларни таржима ва таҳрир қилиш жараёнида географик термин ва топонимларни ўзбек тилида тўғри ёзилиши соҳасида ҳам домла самарали меҳнат қилди. Бу соҳада "Географик терминларнинг изоҳли луғати" (1979, ҳаммуаллифлар С.Қораев, Р.Раҳимбеков), "Географиядан қисқача русча-ўзбекча атамалар ва тушунчалар луғати" (1993), "Жўғрофий атамалари ва тушунчалари изоҳли луғати" (1994), "Топонимика ва географик атамашунослик" (2000), "Топонимика ва географик terminshunoslik" (2005, ҳаммуаллиф М.Т.Миракмалов) ўқув қўлланмалари ва бир неча илмий мақолалари нашр этилган. Ушбу ишларда П.Н.Ғуломов географик жой номлари ва географик терминларнинг тўғри ёзилиши, таржима қилиниши, кенг ёйилиши, ўқув ва илмий адабиётлардан мустаҳкам ўрин олишига ва саводхонлик масалаларига катта эътибор берган.

География фанлари номзоди

¹ Караев С.К. Ойконимия Узбекистана (историко-географическое исследование формирования названий населённых пунктов Республики). Диссертация на соиск.уч.степени доктора геогр. наук в форме научного доклада. – Ташкент, 1998. – С. 5

Қ.Сейтнийзов (1998)нинг ишлари Қорақалпоғистон топонимларини ўрганишга қаратилган. Унда Қорақалпоғистон ўнг сохил шимолий туманлари (Бўзатов, Қораўзак, Кегейли, Чимбой ва Тахтақўпир) географик жой номлари тадқиқ этилган, яъни уларни тўплаш, изохлаш, гуруҳлаштириш, этимологиясини ўрганиш, номларнинг қорақалпоқ ва рус тилларида тўғри ёзилиши масалаларига эътибор қаратилган. Шунингдек, географик номларининг турлари харита-схемаси ишлаб чиқилган.

Жиззах вилояти топонимларини ўрганган **Қ.Ҳакимов** (2010) географик жой номларининг шаклланишида минтақа ижтимоий-иқтисодий географик хусусиятларини очиб беришга йўналган тадқиқот ишини бажарган. Унда Жиззах вилоятидаги жой номларининг номланиш қонуниятлари ва уларнинг географик жиҳатлари аниқланган, вилоят ойконимлари харитаси ишланган, янги объектларни номлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Кейинги йилларда географлардан Ю.Аҳмадалиев ва А.Низомовларнинг топонимикага бағишланган илмий ишлари ҳам эълон қилинмоқда.

Ўзбекистонда географик номларнинг ўрганилишида филолог ва тарихчи олимларнинг ҳам хизматлари катта. Т.Нафасов, Н.Охунов, Л.Каримова, О.Бўриев, З.Дўсимов, Х.Эгамов, М.Мамедов, С.Найимов, С.Турсунов, Т.Эназаров ва бошқа олимларнинг топонимик тадқиқотлари Ўзбекистон ва унинг айрим худудлари бўйича географик номларни филологик ва тарихий нуқтаи назардан ўрганишга бағишланган.

Ҳозирги кунда юқорида қайд этилган Қонуннинг қабул қилиниши географик номларни чуқур, илмий тадқиқ этиш, атрофлича ўрганиш билан бир қаторда географлар, топонимистлар, тилшунослар, тарихчилар ва харита-шунослар олдига қуйидаги вазифаларни қўяди:

Биринчидан, географик объектлар номларининг ўзбек тилидаги, энг мақбул, умумэътироф этилган шаклдаги тўғри

ёзилган реестрини тузиш.

Иккинчидан, топонимикага оид илмий тадқиқотларни янада кенгайтириш ва чуқур изланишлар олиб бориш.

Учинчидан, вилоятлар, шаҳар ва туманлар топонимия комиссиялари учун мутахассислар тайёрлаш.

Тўртинчидан, дарсликлар, харита ва атласлардаги географик номларни тўғри ёзиш, номларнинг изоҳли луғатларини тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор бериш.

Бешинчидан, Ўзбекистон худудидаги географик объектларнинг номлари билан бирга ҳорижий мамлакатлардаги номларнинг ўзбек тилидаги транскрипциясини қатъийлаштириш.

Олтинчидан, ҳудудий географик номларни ўрганишга алоҳида аҳамият бериш.

Еттинчидан, вилоят, туман, йирик шаҳарлар кесимида географик номларнинг маълумотлар базасини яратиш.

Саккизинчидан, Ўзбекистоннинг ҳар бир худуди бўйича тармоқ (мавзули) топонимик хариталар яратиш.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, юқоридаги вазифаларни амалган ошириш учун географик жой номларини ўрганишни вилоятлар, туманлар билан бир қаторда кичик худудлар доирасида олиб бориш масаласига ҳам катта эътибор бериш талаб этилади.

Айниқса, географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масаласига алоҳида эътибор бериш зарур. Сабаби, юқорида қайд этилган Қарорда кўрсатилишича, географик объектларни номлаш ва қайта номлашда маҳаллийчилик, ошна-оғайнигарчилик, хизмат мартабасини суиистеъмол қилиш ҳолларини истисно қилиш, янги ном бериш ва ўзгартиришда ҳолислик ва ошқораликка риоя қилиш масаласига ҳам алоҳида урғу берилган. Булардан ташқари, Қарорда кўрсатилишича, географик объектларни кишиларнинг исмлари билан аташ, тарихий воқеалар шарафига номлаш ва қайта номлаш соҳасида белгиланган чекловларга амал қилиш, шунингдек, объектларга ном беришда маҳаллий аҳолининг географик,

тарихий, миллий, этник, тилга оид ва бошқа хусусиятларини ўрганиш ҳамда ҳисобга олиш, бир маъмурий-худудий бирлик доирасида бир хил номлар берилишига йўл қўймаслик керак.

Қарорда белгиланган вазифаларни амалга оширишда албатта соҳа мутахассисларининг ўрни беқиёс. Ана шу мақсадда Қарорнинг 8-бандиди топонимика мутахассислиги бўйича магистратура босқичида кадрлар тайёрлаш масаласи ҳам белгилаб қўйилган. Мазкур масала Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги назорат режасининг 6-бандида ҳам кўрсатилган. Шулардан келиб чиқиб, топонимика мутахассислиги бўйича малакали кадрлар тайёрлаш, топонимика курси бўйича бакалаврият йўналишидаги ўқув соатлари миқдорини ошириш, айрим ташкилот ва муассасалар ҳамда ҳокимиятлар учун

ўқув курсларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Хулоса қилиб айтганда, келгусида географик жой номларини чуқур тадқиқ этиш, илмий асослаш, ҳар бир регион учун географик номлар ва терминларнинг тарқалиш қонуниятларини аниқлаш, уларнинг хариталарини яратиш ҳамда тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш, географик лингвистика илмий йўналишини асослаш, энг муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бундай тадқиқотлар натижасида келгусида Ўзбекистоннинг топонимик атласини яратиш, географик номларнинг “Қизил китоб”ини тузиш имконияти яратилади ва, айтиш мумкин, “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Қонун ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг юқорида тилга олинган қарори ижроси таъминланган бўлади.

Адабиётлар:

1. “Географик объектларнинг номлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. –Тошкент, 2011 йил 12 октябрь. № ЎРҚ – 303 (*Халқ сўзи газетасининг 2011 йил 13 октябрдаги № 198 (5365) сони*).
2. «Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ географик объектларнинг номлари соҳасидаги ишларни тартибга солиш чора-тадбирлари ҳақида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 октябрдаги № 295 сонли қарори.
3. Аҳмадалиев Ю. Фарғона вилояти топонимлари.-Фарғона, 2011.
4. Назаров К., Эназаров Т. Жой номларини йиғиш сўроқлиги. – Тошкент: Университет, 1995. 33-б.
5. Низомов А., Раҳимова Г., Расулова Н. Топонимика. Ўқув қўлланма. – Тошкент: “Шарқ”, 2012.
6. Караев С. Ойконимия Узбекистана (историко-географическое исследования формирования названий населённых пунктов Республики). –АДД. – Ташкент, 1998.
7. Сейтнийязов К.М. Топонимы северных районов правобережья Каракалпакии. – АКД. – Ташкент, 1998.
8. Ҳакимов Қ.М. Жой номларининг шаклланишида минтақанинг ижтимоий-иқтисодий географик хусусиятлари(Жиззах вилояти мисолида). – АКД. – Тошкент, 2010.
9. Ҳасанов Ҳ.Ҳ. Географик номлар сири. – Тошкент: Ўзбекистон, 1985. - 120 б.
10. Эназаров Т.Ж. Номшунослик масалалари. – Тошкент: 2010. 112-б.
11. Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари. – Тошкент: “O’zbekiston Milliy ensiklopediyasi”, 2005. – 240 б.
12. Qorayev S. Toponimika. – Toshkent: O’zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, 2006. - 320 b.
13. G’ulomov P.N., Mirakmalov M.T. Toponimika va geografik terminshunoslik. – Toshkent: «Universitet», 2005.

Резюме

В статье, исходя из принятого Закона по географическим названиям, а также Постановления Кабинета Министров РУз № 295 от 16 октября 2012 года, кратко рассматриваются история и современное состояние топонимического изучения территории республики, определены основные направления дальнейших исследований в Узбекистане.

Тавсия этувчи:

проф. Ҳикматов Ф.Ҳ.

ТОПОНИМЛАРНИНГ ТУРЛАРИ ВА ЖОЙ НОМЛАРИНИ РАЙОНЛАШТИРИШ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

Ғуломов П.Н.

Топонимларни районлаштириш масаласи уларни турларга ажратиш масаласи каби жуда мураккаб. Чунки жой номларини районлаштириш учун аввал уларни турларга бўлиб олиш, таснифлаш зарур. Жой номларини турларга ажратиш билан, яъни таснифлаш масаласи билан кўп олимлар шуғулланишган. Шулардан Э.М.Мурзаев ҳамда Х.Х.Ҳасанов таснифлари географлар учун кўпроқ диққатга сазовор.

Э.М.Мурзаев “География в названиях” номли асарида топонимларни таснифлаб, уларни 10 та турга ажратади. Булар қуйидагилар:

1. Рельефнинг муайян хусусиятларига боғлиқ вужудга келган топонимлар .

2. Сув объектларига, уларнинг белгиларига боғлиқ пайдо бўлган жой номлари.

3. Ўсимлик турларига боғлиқ жой номлари-фитотопонимлар.

4. Ҳайвонлар турлари билан боғлиқ пайдо бўлган топонимлар – зоотопонимлар.

5. Инсонлар исми, фамилияси, тахаллуси билан боғлиқ вужудга келган топонимлар- антропонимлар.

6. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ топонимлар. Буларга касб-корлик, фойдали қазилмаларни қазиб олиш, қазилма бойликлар конлари билан боғлиқ ҳолда вужудга келган жой номлари киритилади.

7. Савдо ва транспорт билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлган жой номлари.

8. Ижтимоий номлар. Аҳолининг ижтимоий қатламлари билан боғлиқ номлар.

9. Этнотопонимлар - халқ, уруғ, қабилалар номлари билан боғлиқ вужудга келган номлар.

10. Идеологик - сиёсатга оид номлар. Бундай номлар ҳукмрон синфлар дунёқарашини акс эттиради.

Х.Х.Ҳасанов “Географик номлар

сири” китобида жой номларини 10 та гуруҳга ажратади:

1) жойнинг ҳолати, хосияти, ер юзаси ва иқлимга боғлиқ номлар;

2) сувга боғлиқ номлар- гидротопонимлар;

3) ўсимлик ва ҳайвонларга боғлиқ номлар;

4) фойдали қазилмаларга боғлиқ номлар;

5) ҳунар-касбдан, маъмуриятдан олинган номлар;

6) халқ, қабила, уруғларга боғлиқ номлар;

7) шахсларнинг исм-фамилияларига кўйиладиган номлар;

8) афсонавий ва диний номлар;

9) ғаройиб номлар;

10) янги замон номлари.

Бу ҳар иккала тасниф ҳам географик топонимика учун аҳамиятли бўлиб, бошқа таснифларга нисбатан анча тўлиқ.

Бизнингча, топонимларни таснифлашда икки босқичли системани қўллаш зарур. Биринчи босқичда топонимларни йирик гуруҳларга ажратиш ва ҳар бир йирик гуруҳ ичида турлар аниқланиши тўғрироқ бўлар эди. Шу нуқтаи назардан қараганда барча топонимларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1. Жойнинг, яъни географик объектларнинг табиий хусусиятларига боғлиқ ҳолда пайдо бўлган номлар – топонимлар.

2. Ижтимоий-иқтисодий, сиёсий хусусиятлар, ҳолатлар билан боғлиқ ҳолда вужудга келган номлар.

3. Афсонавий ва ғаройиб номлар.

I. Жойнинг табиий хусусиятига боғлиқ номларнинг ўзини қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

1. Жойнинг географик ўрнига боғлиқ ҳолда пайдо бўлган топонимлар. Масалан, Северная Земля ороллари, Жануби-шарқий бурун, Орқа Олой, Шимолий денгиз, Хоккайдо (Шимолий) ороли ва бошқалар.

2. Жойнинг ўзига хос хусусиятига боғлиқ номлар. Қорақурум – сувсиз, хунук тош уюмлари, Гренландия – яшил ер, Исландия – муз ўлкаси, Тошлоқ тумани, Йўғонтепа, Терскай Олатови ва бошқалар.

3. Жойнинг рельефига боғлиқ топонимлар. Буларга Қумтепа, Сойлик, Шипицберген (Найзатош), Белисиник тоғи, Октоғ, Қозоғистон Супасимон ўлкаси, Бешиктоғ, Ўртадарё, Одамтош, Қўйтош ва бошқалар мисол бўлади.

4. Жойнинг иклими, метеорологик элементларига боғлиқ номлар. Боғишамол, Совуқдара, Шамолли ороллар, Шамолсиз ороллар, Кунгай Олатови, Терскай Олатови.

5. Сув билан боғлиқ номлар-гидронимлар. Денгиз, кўл, дарё, булоқлар, қудуқлар номлари ва улар билан боғлиқ ҳолда ҳосил бўлган ойконимлар. Бундай топонимлар сувнинг сифати, ранги, шўрлиги, тозаллиги, мазаси, ҳарорати ва бошқа хусусиятига боғлиқ равишда номланади. Бундай топонимлар сувнинг қандай сув эканлиги ва хусусиятларига боғлиқ равишда яна кичик турларга бўлинади. Сарисув, Ширинбулоқ, Коризқудуқ, Ойнакўл, Жиннидарё ва бошқалар.

6. Ўсимликлар, уларнинг турлари билан боғлиқ номлар. Конибодом, Толдиқўрғон, Олмалик, Дубровка, Қорақамиш.

7. Ҳайвонларга боғлиқ жой номлари. Ғазалкент, Қоплонқир, Куркулдак, Чивинтепа, Бўрижар, Илонўтди ва бошқалар.

8. Фойдали қазилмаларга боғлиқ ҳосил бўлган топонимлар. Газли, Олтинтопан, Қорамой, Тошқўмир, Темиртов, Небитдоғ, Апатит, Магнитная тоғи, Гугурттоғ, Тузкон ва бошқалар.

II. Ижтимоий-иқтисодий хусусиятлар, ҳолатлар билан боғлиқ вужудга келган топонимлар.

Бу гуруҳдаги топонимлар турли халқлар, элатлар, уруғлар, уларнинг ривожланиши, босиб ўтган йўллари (тараққиёти, яшаган ерлари), сиёсий тузуми, тарихи, шуғулланган касб-хунарлари билан боғлиқ ҳолда вужудга

келади ва ўзида шундай ҳодиса-воқеаларни акс этдиради. Бундай топонимларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Касб-хунар ва маъмуриятдан олинган номлар. Ҳамма касб-хунарга боғлиқ пайдо бўлган топонимлар мавжуд. Оҳангарон, Эгарчи, Ўқчи, Тақачи, Камонгарон, Ўрда, Қозикўча, Маҳкама, Пахтакор, Тандирчи, Шифокорлар шаҳарчаси, Тракторсозлар шаҳарчаси ва бошқалар.

2. Тарихий номлар. Мамлакат тарихида рўй берган воқеа, ҳодисалар билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлган топонимлар. Масалан, Жангоҳ, Хадра, Эскижува, Қорёғди, Бешоғоч, Чақар, Бородино майдони, Ўқчи кўча, Янги маҳалла, Эски Тошкент, Халқлар дўстлиги майдони ва бошқалар.

3. Халқ, қабила, уруғлар билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлган топонимлар, яъни этнотопонимлар. Бундай номларни ҳамма жойда учратиш мумкин. Этнотопонимлар дунёнинг қаерида қандай халқлар яшагани, улар қаерлардан қаерларга боргани, хатто нима билан шуғуллангани ҳақида маълумот беради. Ҳ.Ҳасанов Ўрта Осиёдаги шундай жой номларидан 76 тасини мисол қилиб келтиради. Дунёнинг бошқа жойларда ҳам бундай топонимлар кўп. Кўпчилик давлатлар номлари халқ номидан олинган. Ўзбекистонда бундай номлар қишлоқ, туман, овул ва бошқа ойконимларда кўп учрайди.

4. Кишиларнинг исм-фамилиялари, тахаллуслари билан боғлиқ номлар – антропонимларни ҳам ижтимоий-иқтисодий хусусиятлар билан боғлиқ топонимлар гуруҳига киритиш мумкин. Чунки, номи топонимга айланган кишилар ўша давр ижтимоий ҳаёти билан боғланган бўлади. Йирик олимлар, кашфиётчилар, давлат арбоблари, сайёҳлар, бунёдкорлар, саркардалар номлари кўпинча топонимларга айланади. Масалан, Амундсен денгизи, Беринг бўғизи, Ливингстон шаршараси, Навоий шаҳри, Амир Темур дарвозаси.

5. Диний номлар. Хариталарда динларга боғлиқ ҳолда вужудга келган жой номлари ҳам кўп учрайди. Улар

диний байрамлар, муқаддас ва авлиё шахслар, диний маросим ва одатларга боғлиқ ҳолда пайдо бўлади. Диний номларга ўзбек тилида авлиё, ота, бобо, бува, ҳазрат сўзлари, Европа тилларида сан сент, святой, святая сўзлари қўшиб айтилади. Авлиёота, Зангибува, Шавкат-бобо, Сантяго, Святая Елена, Санмарино ва бошқалар.

6. Замонавий номлар. Жамият тараққиёти тўхтовсиз давом этади. Мамлакатларнинг халқаро турли хил алоқалари ривожланиб боради, янги-янги алоқалар, ишлаб чиқариш ривожланади, халқларнинг сиёсий қарашлари ўзгаради, янги раҳбарлар, йўлбошловчилар пайдо бўлади. Буларнинг ҳаммаси жой номларида ҳам ўз аксини топади. Масалан, ўтган 20 асрда аввалига инқилоб намёндалари исм-фамилиялари билан боғлиқ жой номлари, кейинроқ Зарбдор, Ёшларобод, Илғор, Янгиўзғор, Янгиҳаёт, Гулистон каби янги топонимлар вужудга келди. Чет эллар билан алоқалар кучайган сари уларга хос номлар ҳам кириб келади. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин янги жой номлари пайдо бўла бошлади. Мустақиллик майдони, Истиқлол, Эркинлик, Бунёдкор ва бошқалар.

III. Афсонавий ва ғаройиб номлар.

Баъзан ўша жойга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган, ҳатто табиатда ҳам, жамиятда ҳам кузатилмаган нарса, ҳодиса, воқеалар номлари билан боғлиқ топонимлар ҳам учраб туради. Бундай номларни афсонавий номлар деймиз. Фарҳод қояси, Шриланкадаги Одамато тоғ чўққиси, Тошкентдаги Алвасти кўприги (гўё шу жойга Ҳазрати Али

қадам босган эмиш), Тошкент шаҳридаги Кайковус ариғи, Сулаймон тоғларидаги Кўҳи Қоф, Яжуз-Мажуз Ери ана шундай номлардир.

Биз Дунё харитасидаги географик номларнинг маъносини кўпинча тушунмаймиз. Сабаби улар хилма-хил тилларга мансуб. Агар уларнинг маъносига эътибор берилса, баъзи номларнинг жуда ғаройиб эканини кўрамиз. Бир хиллари кўрқинчли, бир хиллари кулгили, бир хиллари ҳазиломуз эканини ҳам биламиз. Ўрта денгизда Эчки ороли, Антлантикада Ит ороли, Қирғий ороли, Тинч океанда Тошбақа ороли, Ўрта Осиёда Борсакелмас ботиғи, Америкада Ажал водийси, Осиёда Дашти Маргоҳ, Дашти Ноумид, Гадейтопмас, Жўжаўғри, Чўнтак қишлоқ, Чарчаманг, Лаббай тоға, Хо-дарвеш ва бошқалар.

Республикаимизда топонимларни районлаштириш масаласига бағишланган биронта илмий ишни тополмадик. Тўғри, топоним ҳосил қилувчи терминлар асосида топонимларни, асосан ойконимларни районлаштириш билан г.ф.д. С.Қораев озроқ шуғулланган. Лекин эълон қилинган топонимик хариталар ҳам йўқ. Бизнингча, топонимларни районлаштириш ҳам топонимларнинг бир хусусияти асосида бўлмай, комплекс хусусиятлар ҳисобга олиниши зарур. Ҳар бир тур топонимларнинг тарқалган ҳудуди, уларнинг зичлиги, ёзилиш ва талаффуз шаклининг ўзгарганлиги эътиборга олиниши керак.

Топонимларни районлаштиришда уларнинг иккита йирик гуруҳи асос қилиб олиниши ва ҳар бир гуруҳ таркибий қисмларига қараб ажратилиши зарур.

Адабиётлар:

1. Мурзаев Э.М. География в названиях. – М.: “Наука”, 1979.
2. Никонов В.А. Введение в топонимику. – М.: “Наука”, 1965.
3. Суперанская А.В. Что такое топонимика? – М.: “Наука”, 1985.
4. Ғуломов П.Н., Уринбаева Ф.Б. Қорақалпоғистон топонимларини таснифлаш масалалари // Ўзбекистон География жамияти ахбороти, 38- жилд. – Тошкент, 2011. 39-43-бетлар.
5. Ҳакимов Қ.М. Жой номларининг шаклланишида минтақанинг ижтимоий-иқтисодий географик хусусиятлари (Жиззах вилояти мисолида) // Номзодлик диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2010.
6. Ҳасанов Ҳ.Ҳ. Географик номлар сири. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1985.

Резюме

В данной статье рассматривается вопрос районирования топонимов и приводится новая их классификация, в которой топонимы объединяются в три большие группы и в пределах группы выделяются типы.

Тавсия этувчи:

доц. Миракмалов М.Т.

ТОПОНИМИКА И ЗАКОНЫ

Кареев С.К., Саидов А.Х.

Топонимы, географические названия, или наименования географических объектов – ценнейшие памятники духовной культуры человечества.

За годы независимости в Республике Узбекистан созданы правовые основы в области наименований географических объектов.

Закон «О порядке решения вопросов административно-территориального устройства, наименования и переименования топонимических объектов в Республике Узбекистан» (1996) регулирует вопросы наименования и переименования административно-территориальных единиц, населенных пунктов, составных частей населенных пунктов, физико-географических, геологических, природоохранных объектов, то есть не охватывает всего спектра географических объектов и не дает их четких определений. Отдельные вопросы, связанные с наименованиями географических объектов, регулируются также **Законами «О государственном языке Республики Узбекистан» (1989 г.), «О геодезии и картографии» (1997).**

В Узбекистане принят **Закон «О наименованиях географических объектов»**, основной целью которого является регулирование отношений в области наименований географических объектов, бережно относиться к наименованиям городов и сел и других социально-экономических объектов, этих свидетелей истории и языков, народов и народностей всех времен и эпох, в целостности и сохранности с соответствующими справками передать их будущим поколениям.

Принятие **Закона «О наименованиях географических объектов»** вызвано необходимостью формирования правовых основ регулирования отношений в области наименования и переименования географических

объектов, установления, нормализации, государственной регистрации, использования и сохранения наименований географических объектов как составной части исторического и культурного наследия народов Республики Узбекистан.

Закон базируется на положениях Конституции Республики Узбекистан и открыл новый этап в развитии законодательного процесса и юридического закрепления основных принципов применения наименований географических объектов.

Предметом правового регулирования закона является установление правовых основ присвоения наименований географическим объектам и переименования географических объектов, установления, нормализации, государственной регистрации, использования и сохранения наименований географических объектов Республики Узбекистан.

Закон основан на следующих принципах:

первый принцип: единая, государственная политика, направленная на совершенствование регулирования отношений в области наименований географических объектов;

второй принцип: научно-методологический подход к установлению и нормализации наименований географических объектов;

третий принцип: правильное использование и сохранение наименований географических объектов как составной части исторического и культурного наследия народов Республики Узбекистан.

Закон занимает в системе законодательства положение базового, системообразующего закона в области наименований географических объектов, на основе которого осуществляется развитие нормативно-правовой базы по

регулированию отношений в данной сфере.

В Законе к вопросу присвоения наименований географическим объектам и их переименования тоже уделено большое внимание. Это и понятно. Ибо в советские годы многие исторические географические наименования перечеркнуты и заменены «красными словами» или фамилиями вождей, руководителей партии и правительства. В годы независимости правда восторжествовала и многие исторические названия восстановлены, но несмотря на это в республике немало нестандартных, лженаучных географических имен, которые нуждаются в переделке.

Необходимо добиваться, чтобы географические названия были нестандартными и постоянными, чтобы они несли национально-историческую и культурную информацию. Географические названия должны быть четкими и простыми, краткими и легко запоминающимися.

Следует избегать безликих, неудачных географических наименований. Избежать ошибок можно, только придерживаясь требований научной топонимики, науки прикладной, имеющей свою историю, но часто остающейся на задворках при решении серьезных проблем.

Сфера действия Закона распространяется на регулирование отношений в области наименований географических объектов, находящихся на территории Республики Узбекистан, а также наименований географических объектов Земли, открытых исследователями и учеными Республики Узбекистан.

В Законе «О наименованиях географических объектов» применяются следующие основные понятия:

Географические объекты – целостные и относительно устойчивые образования Земли естественного и искусственного происхождения, которые существуют или существовали в прошлом и характеризуются определенным местоположением.

Наименования географических объектов – собственные наименования географических объектов, которые используются для их отличия и распознавания;

Установление наименования географического объекта – выявление наименования географического объекта в целях его дальнейшей нормализации;

Нормализация наименования географического объекта – выбор наиболее используемого и приемлемого наименования географического объекта, определение и утверждение формы написания данного наименования;

Переименование географического объекта – изменение существующего наименования географического объекта в случаях и порядке, установленных настоящим Законом;

Специально уполномоченный государственный орган в области наименований географических объектов – Государственный комитет Республики Узбекистан по земельным ресурсам, геодезии, картографии и государственному кадастру (Госкомземгеодезкадастр Республики Узбекистан);

Государственная экспертиза предложения о присвоении наименований и переименовании географических объектов – комплекс топонимических, этнографических, лингвистических, картографических и иных исследований, проводимых Госкомземгеодезкадастром Республики Узбекистан и направленных на установление соответствия предложений о присвоении наименований и переименовании географических объектов требованиям законодательства.

В статье 4 Закона закреплены требования к наименованиям географических объектов. **Присваиваемое географическому объекту наименование должно:**

- отражать наиболее характерные признаки географического объекта;
- вписываться в существующую систему наименований географических объектов той же местности, на которой

расположен данный географический объект;

- учитывать мнение местного населения;

- состоять, как правило, не более чем из трех слов;

Присвоение областям, районам, городам, поселкам, кишлакам, аулам, имен людей, а также присвоение им наименований в честь исторических событий, как правило, не допускается. Присвоение улицам, проспектам, махаллям, площадям, паркам и другим составным частям населенных пунктов имен отдельных людей, общественно-политических деятелей, как правило, не допускается, за исключением личностей, оставивших глубокий след в истории Узбекистана.

В Законе определено установление наименований географических объектов. Наименования географических объектов устанавливаются во время картографирования территории, проведения топонимических исследований, а также при подготовке предложений о присвоении наименований и переименовании географических объектов на основе:

- во-первых**, документов соответствующих органов государственной власти и управления, органов самоуправления граждан, предприятий, учреждений и организаций;

- во-вторых**, данных официальных картографических и справочных изданий, статистических, архивных, исторических и иных источников;

- в-третьих**, опросов среди местного населения, а также краеведов, географов, историков и других специалистов.

При установлении наименований географических объектов, с одной стороны, учитываются географические, исторические, национальные, этнические, языковые и другие особенности жизни местного населения, а с другой – исключаются вводящее в заблуждение сходство наименований географических объектов, пренебрежительные значения, несовместимость этих наименований с историей, традициями и культурой

народа Узбекистана.

Присвоение наименований и переименование районов, городов, областей осуществляются палатами Олий Мажлиса Республики Узбекистан по предложению Кабинета Министров Республики Узбекистан, внесенному на основании ходатайств хокимов областей и города Ташкента.

Для рассмотрения предложения о присвоении наименований и переименовании районов, городов, областей Кабинетом Министров Республики Узбекистан создается **республиканская комиссия по вопросам присвоения наименований и переименования географических объектов**.

Кабинет Министров Республики Узбекистан рассматривает ходатайства хокимов областей, города Ташкента о присвоении наименований и переименовании районов, городов, областей и направляет их вместе с соответствующими документами для получения заключения в республиканскую комиссию.

Республиканская комиссия организует всестороннее изучение представленных документов, передает их в Госкомземгеодезкадастр Республики Узбекистан для проведения государственной экспертизы на предмет их соответствия требованиям законодательства о наименованиях географических объектов. По итогам проведенной работы и с учетом результатов государственной экспертизы республиканская комиссия выдает соответствующее заключение, которое представляется в Кабинет Министров Республики Узбекистан.

Кабинет Министров Республики Узбекистан с учетом заключения Республиканской комиссии подготавливает предложения о присвоении наименований или переименовании географических объектов и вносит их на рассмотрение палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан. Палаты Олий Мажлиса Республики Узбекистан рассматривают предложения Кабинета Министров Республики Узбекистан и

принимают соответствующее решение.

Присвоение наименований и переименование поселков, кишлаков, аулов осуществляются Кенгашами народных депутатов областей по предложению хокимов районов. Для рассмотрения предложений о присвоении наименований и переименовании поселков, кишлаков, аулов, населенных пунктов и их составных частей хокимами областей создаются комиссии областей по вопросам присвоения наименований и переименования географических объектов (далее – комиссия области).

Хоким района с учетом мнений местного населения, предприятий, учреждений, организаций готовит предложения о присвоении наименований и переименовании поселков, кишлаков, аулов, населенных пунктов и направляет их вместе с соответствующими документами для получения заключения в комиссию области.

Комиссия области организует всестороннее изучение представленных документов, передает их в Госкомземгеодезкадастр Республики Узбекистан для проведения государственной экспертизы на предмет их соответствия требованиям законодательства о наименованиях географических объектов. По итогам проведенной работы и с учетом результатов государственной экспертизы комиссия области выдает соответствующее заключение, которое направляется хокиму района, внесшему предложение о присвоении наименований и переименовании географического объекта.

Хоким района в соответствии с заключением комиссии области готовит предложения о присвоении наименований или переименовании географических объектов и вносит их на рассмотрение Кенгаша народных депутатов области. Кенгаш народных депутатов области рассматривает предложение хокима района и принимает соответствующее решение.

Присвоение наименований и переименование составных частей

населенных пунктов (махалли, проспекты, улицы, площади, парки, скверы) осуществляются Кенгашами народных депутатов районов, городов по предложению хокимов районов, городов, внесенному на основании ходатайств органов самоуправления граждан, предприятия, учреждений, организаций. В районах, входящих в состав городов, предложения вносятся хокимами районов в Кенгаш народных депутатов городов.

Хоким района, города направляет предложения о присвоении наименований и переименовании составных частей населенных пунктов (махалли, проспекты, улицы, площади, парки, скверы), рассмотренные комиссией района, города, соответственно в комиссию Республики Каракалпакстан, области, города Ташкента, которая организует всестороннее изучение подготовленных материалов на предмет их соответствия требованиям законодательства о наименованиях географических объектов и выдает соответствующее заключение.

Хоким района, города в соответствии с заключением соответственно комиссии Республики Каракалпакстан, области, города Ташкента готовит и вносит предложение о присвоении наименования или переименовании составных частей населенных пунктов (махалли, проспекты, улицы, площади, парки, скверы) на рассмотрение Кенгаша народных депутатов района, города. Кенгаш народных депутатов района, города рассматривает предложение хокима района, города и принимает соответствующее решение.

Присвоение наименований и переименование природных объектов, объектов транспортной и инженерно-технической инфраструктуры осуществляются Кабинетом Министров Республики Узбекистан по предложению органов государственного, и хозяйственного управления, органов государственной власти на местах. Рассмотрение предложений о присвоении

наименований и переименовании природных объектов, объектов транспортной и инженерно-технической инфраструктуры осуществляется республиканской комиссией.

Кабинет Министров Республики Узбекистан принимает к рассмотрению предложения органов государственного и хозяйственного управления, органов государственной власти на местах и направляет их вместе с соответствующими документами для получения заключения в республиканскую комиссию.

Республиканская комиссия организует всестороннее изучение представленных документов, передает их в Госкомземгеодезкадастр Республики Узбекистан для проведения государственной экспертизы на предмет их соответствия требованиям законодательства о наименованиях географических объектов. По итогам проведенной работы и с учетом результатов государственной экспертизы республиканская комиссия выдает соответствующее заключение, которое представляется в Кабинет Министров Республики Узбекистан. Кабинет Министров Республики Узбекистан с учетом заключения республиканской комиссии принимает соответствующее решение по вопросу присвоения наименований и переименования географических объектов.

В Законе закреплены полномочия Госкомземгеодезкадистра Республики Узбекистан в области наименований географических объектов. **Госкомземгеодезкадастр Республики Узбекистан:**

во-первых, проводит по представлению республиканской комиссии, комиссий Республики Каракалпакстан и областей государственную экспертизу предложений о присвоении наименований и переименовании географических объектов, подготавливает и направляет им соответствующие заключения и рекомендации по данным вопросам;

во-вторых, осуществляет работы по нормализации наименований географических объектов;

в-третьих, ведет Государственный реестр наименований географических объектов;

в-четвертых, предоставляет в установленном порядке юридическим и физическим лицам информацию о наименованиях географических объектов, включенных в Государственный реестр наименований географических объектов.

Статья 14 Закона определяет порядок проведения государственной экспертизы предложений о присвоении наименований и переименовании географических объектов.

Заключения государственной экспертизы учитываются при выдаче заключений республиканской комиссией, комиссиями Республики Каракалпакстан и областей. Для проведения государственной экспертизы Госкомземгеодезкадастр Республики Узбекистан вправе привлекать специалистов органов государственного и хозяйственного управления, органов государственной власти на местах, предприятий, учреждений, организаций, ведущих ученых, деятелей науки и культуры, а также иных лиц, обладающих специальными познаниями в соответствующих сферах деятельности.

Статья 16 Закона устанавливает Государственный реестр наименований географических объектов. **Государственный реестр наименований географических объектов – систематизированный свод сведений в отношении наименований географических объектов, который ведется с целью их государственной регистрации.**

Государственную регистрацию наименований географических объектов осуществляет Госкомземгеодезкадастр Республики Узбекистан с внесением их в Государственный реестр наименований географических объектов в порядке, установленном законодательством. Органы, осуществляющие присвоение наименований и переименование географических объектов, обязаны в десятидневный срок предоставить в Госкомземгеодезкадастр Республики

Узбекистан соответствующие документы о присвоении наименований и переименовании географических объектов для внесения в Государственный реестр наименований географических объектов. Информация о наименованиях географических объектов, включенных в Государственный реестр наименований географических объектов, в установленном порядке предоставляется юридическим и физическим лицам Госкомземгеодезкадастром Республики Узбекистан.

Зарегистрированные наименования географических объектов являются обязательными для использования:

во-первых, органами государственной власти и управления, органами самоуправления граждан, предприятиями, учреждениями и организациями при осуществлении их деятельности;

во-вторых, в учебных, картографических, справочных, энциклопедических изданиях, объявлениях, рекламе, дорожных знаках, почтовых отправлениях.

Наименования географических объектов охраняются государством. Самовольная замена одних наименований географических объектов другими, использование искаженных наименований географических объектов не допускаются.

Резюме

Мақолада Ўзбекистон Республикасида “Географик объектларнинг номлари ҳақида”ги Қонунга мувофиқ ном бериш қоидалари ва тартиби баён этилган.

Рекомендует:

доц. Гулямов П.Н.

ЗАМОНАВИЙ ЖОЙ НОМЛАРИ ВА УЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Аҳмадалиев Ю., Отакулов Ф.

Кириш

Ватанимиз мустақилликка эришгандан сўнг миллий ўзлгимизни англаш, бебаҳо кадрятларимизни тиклаш, мустабид тузум даврида асосиз равишда ўзгартириб юборилган кўплаб қадимий жой номларини қайта ўз ўрнига қўйиш, янги жойларни миллий мафкурамиз ва тилимиз қонуниятларига мос ҳолда номлаш имконияти юзага келди. Кишилар ўзлари яшайдиган кўча, маҳалла, қишлоқ ёки шаҳарларнинг номланишига, мавжуд номларнинг маъносига, тўғри айтилиши ва ёзилишига катта қизиқиш ҳамда эътибор билан қарамокдалар. Бир сўз билан айтганда халқимизнинг жойларга ном танлаш, яъни миллий топонимик маданияти қайта тикланмоқда. Бу ҳақда Президент И.А.Каримов ўзининг “Юксак маънавият- енгилмас куч” асарида шундай ёзади: “Ҳолбуки, аждодларимиз ўзлари яшайдиган маҳалла, шаҳар ва қишлоқлар, боғ-ҳиёбонларга ном танлашга жуда катта эътибор берган.

Мисол учун, Тошкентнинг ўн икки

дарвозасига берилган чуқур маъноли, гўзал номларни олайлик. Самарқанд, Бешёғоч, Кўкча, Чигатой, Сағбон, Лабзак, Тахтапул, Қорасарой, Камолон, Қўймас, Қўқон, Қашқар дарвоза деган номлар авваломбор ўзининг аниқ тарихий-жуғрофий маъноси билан ажралиб туради”.

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йили 30-августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида маъмурий-худудий тузилиш, топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тўғрисида”, 2011 йил 4 мартда қабул қилинган “Географик объектларнинг номлари тўғрисидаги” қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий-худудий тузилишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПК-120-сонли қарорлари ушбу масалани давлат сиёсати даражасига кўтарди.

Бирламчи маълумотлар ва уларнинг

тавсифи

Бошқа соҳаларда бўлгани каби ушбу соҳада ҳам ўз миллатимиз, мустақил давлатимиз манфаатлари нуқтаи назаридан келиб чиқиб, туб ўзгаришлар амалга оширилди. Кўплаб жой номлари ўз халқимиз, миллатимиз манфаатларини эътиборга олган ҳолда ўзгартирилди. Уларни илмий асосда ўрганиш, маъносини англаш, топонимик хариталарни тузиш, такрорий (адаш) номлар пайдо бўлишига йўл қўймаслик, тўғри ёзиш, кўрсаткичлар билан таъминлаш, келажак авлодлар учун асраб қолишга қаратилган миллий топонимик сиёсат юритила бошланди. Мазкур сиёсат тамойилларидан келиб чиқадиган вазифаларни мукамал бажариш кўп жиҳатдан амалдаги қонунлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга боғлиқ. Шунинг учун мамлакатимизда мазкур соҳани тартибга солувчи ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

Албатта, бу сиёсатни ҳаётга тадбиқ этиш, унда белгиланган кўрсатмаларга оғишмай амал қилиш бугунги кунда жойларда фаолият кўрсатаётган топонимик комиссиялар фаолиятига боғлиқ. Мазкур комиссия аъзоларининг жойларга ном бериш ва уларни қайта номлашларида топонимика фани соҳасидаги айрим зарурий билимлар мажмуасига эга бўлишлари бизнингча фойдадан ҳоли эмас. Чунки, устоз, география фанлари доктори, профессор Ҳ.Ҳасанов ёзганидек: «Янги туғилган чақалоққа от қўйиш осон. Чунки юзлаб тайёр исмлар бор, улардан фақат ўзингизга маъқулини танлаб оласиз. Аммо жой номлари тайёр эмас. Уларни «ўйлаб топиш» керак, исмини жисмига монанд қилиш керак» (5). Мавжуд топонимик қонуниятларни ўрганиб чиқиб, номлашнинг бир қанча ўзига хос хусусиятларини (белгиларини), тамойилларини кўрсатиб бериш мумкин. Улар жой номларнинг адреслик функцияси, топонимик позитивлик, нисбий негативлик, ўзлашма номлар, географик номларнинг қаторлар қонуни ва бошқалар (2; 3; 4).

Топонимика фанида жойларга ном

беришда дастлабки эътибор берилиши зарур бўлган энг муҳим тамойил жой номларнинг **адреслик функцияси** ҳисобланади, чунки фақат унинг ёрдамида бир географик объектни иккинчисидан ажратиш, фарқлаш ва аниқ ўрнини топиш мумкин. Жой номи, яъни топоним–географик объектнинг аниқ манзилидир. Географик номларнинг адреслик функцияси нақадар муҳимлигини В.А.Никонов куйидагича таърифлаган: «Бир лаҳзага фараз қилайлик, сайёрамизда географик номлар ўчириб ташланди. Шаҳарлар, қишлоқлар, дарёлар, денгизлар, тоғлар, давлатлар, кўчалар ҳаммаси номсиз. Натижада, транспорт изидан чиққан, одамлар қаерга юришини, юкларни қаерга туширишни, тез ёрдам машинаси қаерга боришини билмайди, жаҳон хўжалигининг инқирозга, инсониятнинг эса ибтидоий жамоа даврига тушиб қолиш хавфи пайдо бўлган, бунинг ҳаммаси кичкина бир географик ном туфайлидир» (4. с.8).

Асосий натижалар ва уларнинг муҳокамаси

Юртбошимиз И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият–енгилмас куч” асарида ўтмиш даврлар ишлаб чиқаришнинг маълум соҳаси мавжудлигидан дарак берувчи, бирор буюмни изловчига адресни (манзилни) кўсатиб берувчи топонимлар ҳақида фикр билдирилиб, шундай ёзилади– “Қадимий номларда ота-боболаримизнинг ҳаёт ва тафаккур тарзи яққол ўз аксини топган. Масалан, Тошкентнинг Эскишаҳар қисмидаги Пичоқчилик, Чархчилик, Кўнчилик, Дегрезлик, Тақачи, Эгарчи, Ўқчи, Заргарлик, Парчабоф сингари маҳалла номлари бу ерда хунармандчилик нақадар ривожланганлигидан, халқимизнинг азалдан ўтроқ ҳаёт кечириб, юксак маданий турмуш даражасига эга бўлганлигидан далолат беради”. Шу нуқтаи назардан Фарғона шаҳридаги давлат университети жойлашган кўчаларни **Мураббийлар, Университет** деб номланиши жуда ўринлидир.

Топонимик позитивлик қонунда – жой номларнинг географик

объектларнинг табиий ёки ижтимоий-иқтисодий аломатларини, яъни реал воқеа-ходисаларни ўзида акс эттириши талаб қилинади. Кўпчилик географик номларнинг вужудга келишида оддий географик терминлар асосий рол ўйнайди. Ариқ, боғ, булок, дара, дарё, доvon, жар, кўприк, кўча, тепа, тоғ, сой ва ҳоказо каби географик терминларнинг олдига ёки орқасига бир от, сифат, сон ёки қандайдир кўшимча қўшилса, объектларнинг хусусиятларини акс эттирадиган топонимлар ҳосил бўлади. Бунда жойнинг хусусиятини акс эттирувчи умумий географик тушунча ҳамда ибораларнинг конкретлашуви ва индивидуаллашуви қонуниятлари юз беради. Масалан, “жар” сўзи табиий географик термин сифатида “ўйилган, салбий рельефга эга бўлган жой” маъносини билдирувчи турдош от бўлса, унинг муайян бир объектга боғланиши натижасида топоним ясалади. Вилоятдаги Аноржар, Жарарик, Жарбоши, Жарқишлоқ, Жаркўрғон, Оқжар каби жой номлари ушбу қонуният асосида вужудга келган. Шунингдек, рельефни акс эттирувчи, сувликни ифодаловчи географик объектлар ҳам аҳоли маскани жойлашган ҳудуднинг ўзига хос (индивидуал) белгиси сифатида олиниб жой номлари ясалади.

Масалан, Фарғона вилоятида **Бешарик, Дамарик, Жарарик, Олтиарик, Оқарик, Учарик, Хўжаарик, Қумарик** ёки **Азизтепа, Арабтепа, Арзиктепа, Гўртепа, Зиндонтепа, Китконттепа, Оқтепа, Симтепа, Сочтепа (Чочтепа), Тоштепа, Тошлоктепа, Шаҳартепа, Шўртепа, Қизилтепа, Қораттепа, Қоровултепа, Қумтепа, Қўштепа** каби номлар мазкур қонуният асосида юзага келган.

Нисбий негативлик қонунида бирор жойга ном беришда шу ҳудуд учун нисбатан кам бўлган, ҳаммани диққат эътиборини белги (мўлжал) сифатида тортадиган табиий ва ижтимоий объектлар танлаб олинади. Чунончи, чўл зонасида чўл, тоғли ҳудудларда тоғ, пахта кўп экиладиган районларда пахта кишилар эътиборини у қадар кўп

тортмайди. Шунинг учун кишилар юқоридаги каби жойларга ном қўйишда бошқалардан қандайдир хусусияти билан фарқ қилиб турган географик объектларни қидиришади. Фарғона вилоятининг текис чўлли ҳудудларида тепалик ёки сув бор жойлар кишилар эътиборини тортади. Юқорида таъкидланганидек, вилоятнинг рельефи текислик бўлган ҳудудларида тепа сўзи қатнашган ўттиздан ортиқ жой номларининг қайд этилиши мазкур қонуният натижасидир.

Сув билан боғлиқ топонимларни номлашда ҳам уларнинг ўзига хос хусусиятларига, яъни сони, шакли, чуқурлиги кабиларга аҳамият берилади. Таркибида, анҳор, қақир, ариқ, булок, жўй, кўл, машат, об, сой, қудук иборалари мавжуд номлар вилоятда кўп тарқалган. **Бешарик, Олтиарик, Оқарик, Совурбулок, Тошбулок, Қайнарбулок, Қиёқбулок, Болтакўл, Дамкўл, Қувасой** шулар жумласидандир. Чор-атроф чўл ёки пахта майдонлари билан қопланган ҳудудларда дарахтлар ҳам кишилар диққатини тортиши шубҳасиз. Вилоятда **Бехизор, Бодомзор, Дўланазор, Қайрағочзор, Мевазор, Олмазор, Олчазор, Теракзор, Токзор, Толзор, Тутзор, Узумзор, Ўрикзор, Чаманзор, Чилонзор, Шафтолизор** каби қишлоқ ва маҳаллалар номи ҳам мазкур қонуният асосида яратилган.

Аҳоли масканларини шу ерда яшаган миллат, уруғ-қабилла, элат номи билан аташ кенг тарқалган. Вилоятдаги топонимлар орасида уруғ-қабилла номларини билдирувчи **Айрончи, Бешбола, Бешкапа, Бўжай, Дўрман, Жалоир, Галаботир, Кенагас, Минг, Найман, Қангли, Уйғур, Қашқар, Қурама, Қўнғирот** сингари номлар кўп такрорланади. Баъзан топоним таркибидаги бир элемент этноним бўлиши кузатилади. **Арабон, Араббанд, Араблар, Арабмозор, Арабхона, Арабқишлоқ, Араб-қўрғонча, Аравон, Янги Араб, Эски Араб, Арабтўпи, Араб** маҳалла каби қишлоқлар номи араб халқи номи билан боғлиқдир.

Маҳалла ва кўчаларга ном беришда амал қилинадиган навбатдаги тамойил кўча ёки маҳаллада мавжуд бўлган ишлаб чиқариш ва савдо объектларининг жойнинг ўзига хос хусусияти сифатида танлаб олиншидир. Вилоятда тўқувчилик (**Астарбоф, Бахмалбоф, Йўрмадўз**), ҳунармандчилик (**Кулолон, Косагарон, Кўнчи, Пичоқчи, Тандирчи, Ўқчи**), савдога алоқадор (**Бозорбоши, Ёғбозори, Сарбозорча, Янгибозор**) номлар кўп учраган. Бундай номларни манзилгоҳни кўрсатишдан ташқари даракчилик (индикаторлик) вазифасини ҳам бажаришини ҳисобга олиб, жойларга ном бериш жараёнида кўпроқ аҳоли масканларига тавсия этиш мақсадга мувофиқ.

Ўзлашма номлар (таржима номлар) қонуни - топонимикадаги бу қонуниятнинг моҳияти шундаки, географик номларнинг шакли, эшитилиши ўзгаргани билан мазмуни ўзгармасдан қолади. Масалан, Фарғонада **Сурхтепа – Қизилтепа, Обишир-Ширинсув, Жўйдам – Дамарик** каби номлар учрайди.

Географик номларнинг қаторлар қонунининг - моҳияти жой номлари ҳеч қачон яқка - ёлғиз, ўз ҳолича пайдо бўлиб қолмайди, балки ҳар доим бир-бирига нисбатан номланади деган ҳулосада кўринади. Жой номининг келиб чиқишини, маъносини аниқлаш учун энг аввало у ягона эмас, балки бошқа номлар қаторида пайдо бўлганлигини тушуниш муҳимдир. Қаторлар қонуни бўйича вилоятимизда жойларга *катта* - *кичик* (**Катта Амробод, Катта Бешкапа, Катта Ганжировон, Катта Оқтепа, Катта-Қашқар, Катта-Кенагас, Катта-Тағоб, Катта-Турк, Кичик Бешкапа, Кичик Турк, Кичик-Кенагас, Кичик-Тағоб**), *паст* - *юқори* (**Пастки, Пастки Арча, Юқори, Юқори арча, Юқори Манғит, Юқори-қишлоқ**), *эски* - *янги* (**Янги йўл, Янги маҳалла, Янги турмуш, Янги ҳаёт, Янги чек, Янги чорсу, Янгиараб, Янгиариқ, Янгийўл, Янгиқишлоқ, Янгиқўрғон, Янгиобод, Янгисой, Эскиараб, Эски, Эскийпан**) сингари сифатлардан фойдаланиб

берилган номлар талайгина топилади.

Топонимларни изоҳлаш учун фойдаланиладиган дастлабки усул **топоформантлар** усулидир. Формант (лотинча форманс – ҳосил қилувчи) деб, сўз ясайдиган, лекин ўзи мустақил ишлатилмайдиган унсурларга айтилади. Топонимларни формантларга қараб ўрганиш соҳасида кейинги ўн йилликларда катта ишлар қилинди. Бу усулда номлар таркибида кўплаб такрорланадиган элементлар бир хил маънони англатиши эътиборга олинади. Фарғона вилоятида ҳам топонимлар таркибида энг кўп келадиган аффикслар (топоформантлар)га қараб топонимларнинг этимологиясини очиб бериш мумкин.

Топонимикада –зор аффикси билан ифодаланган топонимлар маълум ўсимлик турини бир ҳудудда кўп тарқалганини билдиради. Вилоятда **Анжирзор, Бодомзор, Гулзор, Дўланазор, Қайрағочзор, Кўкаламзор, Кўчатзор, Лимонзор, Лолазор, Мевазор, Нокзор, Олмазор, Теракзор, Токзор, Толзор, Тутзор, Узумзор, Ўрикзор, Чаманзор, Чилонзор, Шафтолизор, Юлғунзор** каби қишлоқ ва маҳаллалар номи қайд этилади.

Фарғонада -кат, -кент аффикси қатнашган **Заркент, Навкат, Чимкент** каби қишлоқ номлари кенг тарқалган. Бу аффикс қишлоқ, шаҳар ёки аҳоли масканига нисбатан ишлатилиб, аҳоли яшайдаган масканларнинг янгилигини, тупроқ таркибини ифодалаши мумкин.

Топонимикада обод аффиксоиди қатнашган жой номлари энг кўп тарқалган. Обод сўзи тожикча об-сув, обод-сувли, сув етарли жой деган маънони билдиради. Бу сўз шаҳар, қишлоқ, умуман, аҳоли манзилгоҳларига нисбатан ишлатилади. Асосий маъноси «гуллаган» демакдир. Вилоятда «обод» аффиксоидининг кишилар исмига қўйилишидан **Азимобод, Бекмирзаобод, Ғаниобод, Исломобод, Йўлдошобод, Матқулобод, Мирзаобод, Сатторобод, Солижонобод, Усмонобод, Ҳайдаробод** сингари қишлоқ номлари яратилган бўлса, кишиларнинг амали, мансабидан

келиб чиқиб, **Амиробод, Бекобод, Султонобод, Хонобод** номлари яратилганлигини кўриш мумкин.

Фарғона вилоятида -чи (**Бугдойчи, Бўтқачи, Карнайчи, Кўмирчи, Сандиқчи, Ипакчи, Ўқчи, Овчи, Қушчи, Қўчқорчи**) -кор (**Пахтакор, Ғаллакор, Сохибкор,**), -ли, -лик, -лик аффиксларидан (**Боғдор-чилик, Далачилик, Жиякчилик, Кўнчилик, Сўкчилик, Тароқчилик, Косибчилик, Пиёзчилик, Пичоқчилик, Эгарчилик**) ташкил топган топоформантлар ҳам кенг тарқалган.

Хулоса

Географик номлар турлича йўллар билан пайдо бўлади ва баъзан бир неча минг йиллик тарихга эга. Халқ жонли тилидаги сўзлардан таркиб топган, ҳеч қандай буйруқ ва кўрсатмасиз, маъно - мазмун, фонетик ва грамматик жиҳатдан тўғри кўйилган географик ном чинакам халқ мулкидир. Топонимиканинг юқорида кўрсатилган қонуниятларини билмасдан туриб, фақат чиройли

сўзлардан иборат географик номлар кўйиш эса тарихга, тилга, фанга кўнгилдагидек хизмат қила олмайди.

Жойларга ном кўйиш шартларини устоз Ҳ.Ҳасанов куйидагича кўрсатган эди: «биринчи шарт шуки, номнинг аниқ маъноси бўлиши, юз, икки юз йилдан кейин ҳам жаранглаб, маъноси англашилиб туриши лозим. Иккинчидан, номда камситиш аломатлари, уят ва дағал сўзлар бўлмаслиги керак. Учинчидан, кўйиладиган ном тилнинг грамматик қоидаларига мос келиши зарур. Тўртинчидан, бир хилдаги номлар кўпайиб кетмасин. Чунки бир вилоят, шаҳар ёки тумanning ўзида бир хил ёзиладиган ном иккита бўлса, чалкашлик туғилади». Вилоятнинг шаҳар ва туман ҳокимиятлари қошида ташкил этилган топонимик комиссиялар фаолиятида юқоридаги билимлардан фойдаланиш топонимик сиёсатини амалга оширишда, номларимизнинг узоқ вақт ўзгармасдан халқимизга хизмат қилишига оз бўлсада кўмак беради.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият - энгилмас куч. – Тошкент: “Маънавият”, 2008. –б. 19.
2. Охунов Н. Топонимлар ва уларнинг номланиш хусусиятлари. – Тошкент: “Фан”, 1989. - 56 б.
3. Qoraev S. Toponimika. – Toshkent, 2006. - 320 b.
4. Никонов В.А. Введение в топонимику. – М.: Наука, 1965. - 178 с.
5. Ҳақимов Қ. М. Жой номларининг шаклланишида минтақанинг ижтимоий-иқтисодий географик хусусиятлари (Жиззах вилояти мисолида) // География фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2010.
6. Ҳасанов Ҳ. Ўрта Осиё жой номлари тарихидан. – Тошкент, 1965. - 80 б.
7. Ҳасанов Ҳ. Географик номлар сири. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1985. - 120 б.

Резюме

В данной статье рассматриваются современные требования к топонимам, возникающих из законодательных документов. Приводятся основные закономерности топонимики.

Тавсия этувчи:

доц. Гуломов П.Н.

ТОПОНИМИКА ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

Ҳақимов Қ.М.

Ишнинг мақсади: Мазкур мақоланинг асосий мақсади топонимика фани жамиятнинг ҳозирги босқичида қандай амалий ёрдам кўрсатиши мумкинлигини илмий нуқтаи назардан таҳлил қилишдан иборат.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси: Мавзу илмий жиҳатдан рус топонимист олимлари Э.М.Мурзаев, В.А.Никонов, ўзбек географ олимлари

Ҳ.Ҳасанов, С.Қораев ва Ю. Аҳмадалиевлар томонидан ўрганилган. Хусусан, профессор Э.М.Мурзаев бу масалага алоҳида эътибор қаратган.

Мавзунинг долзарблиги: “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (ЎРҚ-303. 12.11.2011 й.) ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 16.11.2012 йили, № 295-сонли қарорини ижросини

таъминлашда амалий ёрдам беради.

Географик ном – жамиятдаги реал воқеаликни ифода этади. Шу боис, ном географик объектнинг қайси бир хусусиятини ифода этишидан қатъий назар, у жамият манфаатлари учун хизмат қилади. Бошқача айтганда, географик ном ҳар қандай ижтимоий ҳодиса каби, муайян тарихий даврда пайдо бўлади ва уларда инсониятнинг англаш қобилиятининг эволюцияси мужассамлашган.

Мутахассисларнинг фикрича, ҳар бир номнинг салмоғи биринчи навбатда у билан боғлиқ бўлган географик объектнинг қанчалик машҳурлиги билан белгиланади. Номнинг танилишига эса, географик объектнинг ҳудудий жойлашуви, давр ва замонда эгаллаган мавқеи ва бир қанча бошқа ижтимоий - тарихий омиллар ҳам таъсир кўрсатади. Маълумки, географик номлар кишилик жамияти тараққиётининг дастлабки босқичида ижтимоий эҳтиёж туфайли пайдо бўлган ва давр индикатори сифатида номлар доимо жамиятда содир бўлаётган турли ўзгаришларни (сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, илмий-техникавий, фан тараққиёти) ўзида акс этиб боради.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ҳозирги жамиятга топонимика қандай амалий ёрдам кўрсатиши мумкин, деган масала кўпчиликни қизиқтиради. Шу сабабдан, топонимиканинг жамият ривожланишининг ҳозирги босқичидаги амалий ёрдамини қуйидаги беш тамойил асосида ўрганиш мақсадга мувофиқ:

Биринчиси – номнинг адреслик функцияси. Ҳозирги замонда ҳам, узоқ тарихий даврларда ҳам, маъносидан қатъий назар, географик номларнинг кишилик жамияти учун энг муҳим ва зарурий вазифаси, унинг адреслик функцияси ҳисобланган. Шу сабабдан, ҳар қандай ном - географик объектнинг ёрлиғи, унга биркитилган махсус сўздир.

Географик номнинг бу ўта муҳим ва амалий функцияси доимо бир маромда узлуксиз ишлаб туриши лозим. Баъзан, муайян ҳудудда битта номнинг бир неча бор такрорланиши, жой номини адреслик функциясига путур етказди.

Хусусан, бир вилоят ёки, айниқса, бир туман микёсида битта ном бир неча бор такрорланса, ном мазмун жиҳатдан қашшоқлашади ва энг асосийси давлат идоралари, транспорт, алоқа, медицина, ёнғин хавфсизлиги каби ташкилотлар ишида чалкашликларни келтириб чиқаради.

Географик тамойиллар асосида яратилган топонимлар бир қанча афзалликларга эга. Улар орасида энг муҳими номлар тез-тез ўзгармайди, узоқ вақт сақланиб қолади, жойнинг ҳозирги кунда ўзгариб, унитилиб кетган табиий ва иқтисодий географик хусусиятлари, дастлабки ландшафт тури ҳақида қимматли маълумот беради. Географик омиллар асосида пайдо бўлган номларнинг яна бир афзаллиги, уларни адреслик функциясини тўла бажаришга имкон пайдо бўлади, сабаби номлашда кўча ёки маҳалладаги асосий, ўзига хос табиий ёки иқтисодий-ижтимоий объектга мўлжал олиниб, географик номнинг даракчилик хусусияти намоён этилади.

Иккинчиси – номнинг маънавий-маърифий аҳамияти. Ҳар бир географик номда муайян маъно ва мазмун яширин, уларни ўрганиш кишида ўтган аждодларига нисбатан фахр ва ғурур ҳиссини уйғотиб, ватанпарварлик туйғусини шакллантиради. Масалан, Франциянинг Санкт-Петербургдаги консули, дипломатик қабул вақтида шаҳарнинг собиқ ҳокими В.Матвиенкога мурожаат қилиб, шаҳардаги ҳозирда Робеспьер номи билан аталадиган кўчага, унинг қадимги номи – Францияни қайта тиклашни илтимос қилган. Матвиенко хайрон бўлиб: «Находки, сиз Робеспьерни ёмон кўрсангиз» деб сўраганда, консул «асло ундай эмас, мен Францияни севаман!» деб жавоб берган.

Географик объектлар номи «ўлик» сўзлар эмас, балки замирида халқ ҳаёти, тарихи, тили ва шунга ўхшаш бошқа кўплаб сирларни асраётган маънавий озуқа манбаидир. Шу сабабдан, радио ва телевидение, даврий матбуот, илмий-тадқиқот муассасаларига аҳолининг турли қатламларидан шаҳар ва

қишлоқлари номларини изоҳлашни сўраб мурожаат қилишади. Қизиқувчиларнинг истак ва хоҳиши инобатга олиниб, сўнги йилларда газета ва журналлар саҳифаларида, илмий-оммабоп нашрларда топонимик мавзуларга оид бир қатор мақолалар эълон қилинди. Географик номлар ҳақида оммабоп қитоблар, топонимик луғатлар, маълумотномалар нашр қилинмоқда. Буларнинг барчаси, шубҳасиз, халқнинг, хусусан ёшларнинг камол топиши, онг ва тафаккурининг шаклланиши ҳамда уларнинг маънавий, маърифий савиясини юксалтиришда хизмат қилади.

Учинчиси – номнинг таълим ва тарбиявий аҳамияти. Мутахассисларнинг таъкидлашича, география дарсларида топонимик маълумотлардан фойдаланиш яхши самара беради. Топонимлар маъносини изоҳлаш, географик объектнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида қўшимча маълумот беради ва ўқувчилар билимларини мустаҳкамлайди. Маълумки, географик номлар турли тарихий шароитлар ва тиллар такомиленинг маҳсули ҳисобланади. Шунинг учун ҳам тарихчилар, археологлар ва этнографлар топонимикага тобора кўпроқ мурожаат қилишмоқда. Топонимист олимлар, Ер сайёрасини англаш ҳамда буюк географик кашфиётлар тарихини ўрганиш бевосита топонимика билан чамбарчас боғлиқ, деб ҳисоблашади.

Айниқса, география тарихи бошқа фанларга нисбатан топонимикага кўпроқ мурожаат қилади. Топонимика асосларини билиш картограф ва топографлар учун ҳам жуда муҳим. Филологлар тил тарихи, унинг шаклланиш жараёни, ривожланиш босқичлари каби муаммолар ечимини топишда кўпроқ атоқли отларга, яъни тил таркибини бошқа луғавий қисмлари билан бирга узвий алоқада ривожланган топонимик лексикага мурожаат қилишни мақсадга мувофиқ деб эътироф этишади.

Тўртинчиси – географик объектларни номлаш ва қайта номлаш. Маълумки, жой номларининг ўзгариши ҳамда янги номларнинг берилиши

доимий жараён, у жамиятдаги ўзгаришларга бефарқ эмас ва кўпинча тарихий шароит тақозоси билан амалга ошади. Географик номлар орасида инсон қўли билан яратилган объектлар (шаҳар, қишлоқ, кўча ва хоказо) номлари кўпроқ ўзгаради. Шунинг ҳам қайд қилиш керакки, географик номларни ўзгартиришга кўп ҳам мафтун бўлиш керак эмас, замонавий топонимлар иштиёқида тарихий жой номларидан воз кечиш мутлақо ярамайди.

Юқорида қайд қилингандек, бу жараён кўпроқ тарихий воқеалар ҳамда жамиятдаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, лисоний ва бошқа ўзгаришлар билан боғлиқ. Географик объектнинг номини ўзгартириш зарурияти пайдо бўлган тақдирда, ҳар бир ҳолатга алоҳида ёндашган маъқул, нима сабабдан алмаштириш зарурияти пайдо бўлганлигини аниқлаш даркор. Жой номи ўзгардимиз объект ва унинг номи билан боғлиқ ахборотлар ҳам ўтмишга айланади, ҳар бир топоним ўз даврининг маҳсули экан, янги ном билан аталган объект қанча қадимий бўлмасин, худди эндигина барпо этилган аҳоли пунктидек туюлади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, вилоят, шаҳар ва туманларда эски тузум мафкураси билан боғлиқ бўлган, шўролар даври ғояларини тарғиб қилувчи, ҳеч қандай миллий маъно, хусусият касб этмайдиган номлар билан аталиб келинган юзлаб географик объектлар номлари ўзгартирилди.

Баъзан, топонимнинг асл маъносини билмасдан туриб, уни ўзгартириш ҳоллари ҳам учрайди. Шунинг таъкидлаш жоизки, реал ҳаётда номнинг пайдо бўлишига асосий туртки бўлган сабабни аниқламасдан туриб, уни ўзгартириш қонунга хилоф ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси «Географик объектларнинг номлари тўғрисида» ги Қонунида (2011 йил 12 октябрь № ЎРҚ - 303) белгилангандек, географик объектлар номларининг бирини бошқасига ўзбошимчалик билан алмаштиришга йўл қўйилмайди.

Бешинчиси – номларнинг экологик

функцияси. Кейинги йилларда олиб борилган географик тадқиқотларда номларнинг экологик функциясига эътибор кучайди. Баъзан, қўйилган ном шу жойни асраб - аввайлашга, уни муқаддас билишга, илохийлаштиришга сабаб бўлган. Бундай номлар маҳаллий халқнинг маънавий дунёсини инъикос этган, улар ёрдамида ер, сув, ҳаво, ҳудуднинг флора ва фаунаси, бир сўз билан айтганда, барча табиат компонентлари муҳофаза қилинган. Натижада, географик номлар ёрдамида атрофдаги табиат компонентларига зарар тегмаган, аксинча табиий бойликлардан оқилона ва тежамли фойдаланишга ҳаракат қилинган. Шунингдек, топонимлар халқнинг тинч ва осуда яшаши ҳамда аҳоли масканларини тоза ва обод бўлишига хизмат қилган.

Маълумки, туркий халқлар

қадимдан ер ва сувни муқаддас билишган. Хусусан, сув уларнинг ҳаёти ва хўжалик фаолиятида муҳим рол ўйнаган. Этнограф олим Г.П.Снесарев (1978) ёзишича, Амударё узоқ ўтмишда Вахш деб аталган ва қадимги хоразмликлар сув маъбуди Вахшвара ва ҳосилдорлик маъбуди Анахита шарафига, ҳар йили баҳор фаслида “сув бўлсин, ҳосил бўлсин, тўқчилик бўлсин” деб, дарёга қорамол қурбонлик қилишган. Халқ ҳуқуқий муҳофаза усулини қўллаб, жой номлари ёрдамида она табиатдаги биологик хилма-хилликни сақлаб қолишга, атроф-муҳитни асраб-аввайлашга ҳаракат қилган. Бундай топонимлар манзилни аниқ белгилаб туришидан ташқари аҳолида юксак этно-экологик маданиятнинг шаклланишига ҳам хизмат қилган.

Адабиётлар:

1. Караев С. Топонимия Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1991. - 130 с.
2. Мурзаев Э.М. География в названиях. – М.: Наука, 1979. - 166 с.
3. Ҳасанов Ҳ. Географик номлар сири. – Тошкент: Ўзбекистон, 1985. - 120 б.
4. География ва кадрлар // Илмий семинар материаллари. – Тошкент, 2001. - 210 б.

Резюме

В статье рассматриваются практические значения топонимики на современном этапе развития общества.

Тавсия этувчи:

доц. Ғуломов П.Н.

«ЕР ТИЛИ» БИЛАН СИРЛАШГАН ОЛИМ

Қурбонов К., Ҳакимов Қ.

Ҳар қандай географик объектнинг “сири” унинг номида мужассам. Шу сабабдан, номнинг асл маъносини англаган мутахассис, жой ҳақида аниқ бир фикр айтиши мумкин. Маълумки, топонимистлар жой номларини ўрганиб, уларни “ер тили” деб баҳолашган. Ернинг “тили”ни тушиниш учун қадимги тилларни ўрганиш, тарихий манбалардан хабардор бўлиш, жойнинг географик ўрнини аниқ билиш керак бўлади. Ана шундай машаққатли ишга умрини сафарбар қилган топонимист олимлардан бири профессор Суюн Қораевдир.

Филология фанлари номзоди (1969), география фанлари доктори (1998),

Қирғизистон миллий универ-ситетининг фахрий профессори, Халқаро Чингиз Айтматов академиясининг академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси (1962), таниқли топонимист, географ ва тилшунос олим, кенг камровли адиб ҳамда журналист, моҳир таржимон Суюн Қораевич Қораев 1930 йилда, Жиззах вилояти Зомин туманидаги Тамтум қишлоғида маърифатли оилада туғилган.

Суюн Қораев отасидан араб ёзувини ўрганиб, эски китобларни ўқий бошлаган. Қишлоқда саводлироқ киши бўлмаганидан 1943-1947 йилларда

С.Қораев мактаб филиалида мудир ва бошланғич синфларнинг ўқитувчиси бўлиб ишлаган. 1947-1952 йилларда Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ) да ўқиб, география факультетини тугатган.

Олим жойлар номи билан ўтган асрнинг ўрталаридан бошлаб қизиққан. Ана шундан буён ўтган олтмиш йилдан ортиқроқ вақт давомида С.Қораев географик номларни чуқур ўрганди, профессионал топонимист олим бўлиб етишди. Академик А.Муҳаммаджонов таъбири билан айтганда, С.Қораев синчков, захматқаш ва серқирра олим. Унинг сўнгги ярим аср давомида яратган бир неча луғат, монография ва рисола, уч юздан ортиқ илмий мақолалари халқ мулкига айланди.

Кенг қамровли олим ва публицист С.Қораевнинг илмий ва ижодий фаолияти бир неча йўналишга эга, география ва географик терминшунослик, топонимика, лингвистика, этнонимика, таржимонлик. Уни нашриёт, миллий энциклопедия таҳририяти, тил ва адабиёт институти, “Ергеодезкадастр” давлат кўмитасида кечган олтмиш йилдан ортиқроқ илмий, амалий ва таржимонлик фаолиятида топонимика ва географик терминшунослик олимнинг асосий илмий йўналиши бўлиб келган.

С.Қораев топонимикадан 1969 йилда номзодлик, 1998 йилда докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган. Унинг илмий асарлари топонимиканинг назарий ва амалий масалаларига, топонимлар этимологиясига, шунингдек ойконимия, этнонимия, тарихий топонимияга бағишланган. Олимнинг топонимикага бағишланган салмоқли илмий мақолалари Ҳамдўстлик мамлакатларида (Москва, Бишкек, Душанбе, Боку, Волгоград), узоқ хорижда (София, Нью-Йорк, Хельсинки, Анқара) ҳам чоп этилган.

С.Қораевнинг докторлик илмий даражасини олиши Ўзбекистон топонимика фанининг ривожланишида сезиларли воқеа бўлган. 1998 йилда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг махсус Илмий

кенгаши олимнинг 45 йиллик самарали илмий хизматларини инобатга олиб, унга диссертация ёзмадан илмий маъруза шаклидаги ҳимояси учун география фанлари доктори илмий даражасини беришни лозим топди.

С.Қораев терминология соҳасига ҳам алоҳида эътибор бериб келади. Олимнинг бу соҳага оид биринчи мақоласи «География дарсликларидаги термин ва географик номлар тўғрисида», 1953 йили «Совет мактаби» журналинда босилган. «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1954 йил 2-март сониди, 1953 йилда нашр этилган «Географик терминлар луғати»га тақриси, Москвадаги «География в школе» журналининг 1954 йилги 4-сониди «Экономическая география Узбекской ССР» дарслигидаги терминлар ҳақида тақриси, шундан сўнг газета, журналлар ва тўпламлар саҳифаларида бир неча терминологик мақола ҳамда лавҳалари ва, ниҳоят, «Вопросы географии» журналининг 81-сониди (Москва, 1970, 187-192 б.) эса «Географические термины в зоне контактирования узбекского, кыргызского и таджикского населения» номли йирик илмий мақоласи эълон қилинган.

Олим ўзининг деярлик йигирма йиллик топонимик ва терминологик тажрибаси ҳамда билимларини «Географик номлар маъносини биласизми?» китобида («Ўзбекистон» нашриёти, 1970 йил) умумлаштирди. Муаллиф бу китобда 500 дан ортиқ мақолада тарихий, лисоний ва географик манбаларга асосланиб, Ўзбекистондаги 2000 дан ортиқ географик номларнинг келиб чиқиши ҳақида сўз юритган. Бу асарнинг қимматли жиҳатларидан бири шундаки, географик номлар таркибида учрайдиган 120 дан ортиқ географик терминлар атрофлича изоҳлаб берилган. Ушбу терминларнинг яримига яқини шу вақтгача ўзбекча географик адабиётда, ҳатто изоҳли луғатда ҳам учрамайдиган, соҳа билағони профессор Э.М. Мурзаевнинг ибораси билан айтганда илмий муомалага киритилмаган, чинакам маҳаллий халқ терминлари эди.

Чунончи, алам - «муқаддас жойда ўсган дарахтнинг шохларига ёки мазорга қоқилган таёққа осилган латта-путалар» (Аламлисой), ангор - адабий тилда анғиз, арна - «жар» (Хоразмда - канал), ақба - «довон», бараз - «тоғдаги текис майдон», бел - «довон», бўктар - «тоғ этаги», газа - «тоғ қирраси», депсан - «адирдаги текислик», жўна - «чўзинчоқ тепалик», заяк - «партов ер», зов - «тик яланг қоя», мўла - «тош-шағалдан ясалган белги», санглоқ - «силлиқ тошли сойлик», секи (секилов) - «зинасимон ёнбағир», шибер - «ўтлоқ ботқоқлик», танги - «тор дара», тарма - «қор кўчкиси», чағат - «қирра тошли кунгай ёнбағир, чем - «ғов, тўсик», шағил - «майда тошли тик сойлик», чалқа - «текис майдон», кўрик - «дарё бўйидаги ўтлоқ» каби халқ терминларини биринчи бўлиб географияга, топонимикага олиб кирди.

С.Қораев 1978 йилда «Ўзбекистон» нашриётида босилган «Географик номлар маъноси» китобида ҳам ўз принципига содиқ қолиб, 50 га яқин географик терминга изоҳ берган, шундан 15 дан ортиғи географик адабиётларда биринчи марта қайд қилинаётган терминлар ҳисобланган. Масалан, болдир - «дўнг тумшук», варз, варзик - «экинзор», далварзин - «чолдевор», доман - «тоғ этаги», жовиз - «заранг ер», канда - «ташландиқ сувлар тўпланган чуқур ариқ», миёнкол - «оралиқ канал», обгир - «сув олинадиган жой», хотинсув - «секин оқадиган сой, жилға», эрсув - «шиддат билан шарриллаб оқадиган сув», чиғанок - «сойнинг тирсағи», қашат - «баланд қирғоқ» ва ҳоказо.

С.Қораевнинг қайд қилишича, у географик терминларга бой, мулоим тоғли ҳудудда туғилиб улғайган ва шунинг учун ҳам халқ географик терминларини яхши билади. Олимнинг хулосаларига қараганда халқ географик терминларни ҳар доим ҳам маҳаллий терминлар деб бўлмас экан. Жумладан, танги - «тор дара» термини нафақат Зомин тумани ва унга қўшни туманларида учрайди, балки бу термин Тожикистон, Афғонистон, Озарбойжонда ҳам маълум кенг тарқалган.

С.Қораевнинг ёзишича, Устюрт платосида қайд қилинган чинк термини Қозоғистонда - «шинг», Қирғизистонда - «чинг» шаклларида, хаттоки, Эронда ҳам ушбу терминни учратиш мумкин. Зомин ва Бахмал туманларида тик жарлик чинк дейилади. Худди шундай, олим томонидан бароз, депсан, зов, шибер, чалқа каби терминларнинг ҳам жуда катта ҳудудларда тарқалганлиги аниқланган.

Ўзбекистонда топонимик лексикани, географик терминларни ўрганиш ишини С.Қораев бошлаб берган. «Ўзбекистон топонимларини ҳосил қиладиган асосий терминлар ва бошқа сўзлар луғати», («Ўзгеодезкадастр», 2004 йил, 150 бет) олимнинг бу соҳада эълон қилинган ишларидан энг йиригидир. Луғат жой номлари таркибида учрайдиган 3500 дан ортиқ терминлар ва бошқа сўзларни, жумладан 350 та географик терминларни ўз ичига олган ва ҳар бир сўзга қисқача изоҳ берилган. Муаллиф географик адабиётда қайд қилинмаган географик терминларни қамраб олишга алоҳида аҳамият берган.

Масалан, шаршара термини жой номлари таркибида шаршарак, шарилловуқ, шалдиروق, шариллоқ, шаркирама, шарловуқ каби шаклларда учраш экан. Маълумки, кўпинча кичик дарёлар - сойлар шариллаб оқади ва баландликдан отилиб тушганда шаршара ҳосил қилади. Лекин катта сувлар - дарёлар баланддан тушганда гувиллайди, гумбурлайди, гулдирайди. Шунинг учун ҳам гулдирама, гулдирувуқ, гулдиоров, гурилловуқ, гуркиров кабилар катта шаршараларнинг номларидир.

С.Қораев ўзининг олий мактаблар учун чиқарган «Топонимика» (2006 йил, 340 бет) қўлланмасида ҳам топонимик лексикага, айниқса географик терминларга алоҳида ўрин берган. Чунончи, муаллиф гидронимларни ҳосил қиладиган сўзлардан 130 дан ортиқ, рельеф шакллари, яъни оронимларни ҳосил қиладиган 350 дан кўпроқ терминларга изоҳ берган. Бу терминларнинг талай қисми, чунончи бадок (афдоқ), кўрбулоқ (сўқирбулоқ),

откудук, тағоб, хотинсув, эрсув каби гидронимик, атав, байир, белчагач, жўнағар, кунчибоқ, рош, чалқа, қўлат каби оронимик терминлар ҳозиргача илмий адабиётларга киритилмаган лексик бирликлардир.

Бу терминлар С.Қораев тамонидан тарихий манбалардан, ўзбек халқ тили шевалари луғатидан, диалектологик ва топонимик адабиётлардан, хусусан мукамал топонимик карталарда қайд қилинган сон-саноксиз географик номлар таркибидан, олимнинг ўзи туғилиб ўсган Зомин ва Моргузар тоғларидан бевосита йиғиб олинган. Аслида, географик номлар, шуниндек, географик терминлар тилнинг лексик таркибини бойитишнинг ўлкан манбаидир.

С.Қораевнинг лотин ёзувига ўтиш

масаласини биринчи бўлиб совет давридаёқ кўтариб чиққанлигини алоҳида қайд қилиш керак (“Ўқитувчилар газетаси” 29.09.1990 й.). Йирик филолог топонимист олим сифатида ономастикага оид 30 дан ортиқ халқаро, регионал ва республика конгресс ва конференцияларда маърузалар билан катнашган.

Бошқача айтганда, С.Қораев сўнги йилларда топонимика ва унинг турли тармоқларига ўзининг кўп қиррали илмий салоҳияти билан катта ҳисса қўшиб, аҳолининг топонимик маданиятини кўтариш ва географик объектларни номлаш принципларини амалга жорий қилиш соҳасида жиддий ишлар қилиб келаётган олимлар сирасига киради.

Резюме

В статье рассмотрены некоторые аспекты научной деятельности д.г.н., профессора С.Караева.

Тавсия этувчи:

доц. Ғуломов П.Н.

НОМЛАРНИНГ ТАСНИФЛАНИШ МАСАЛАСИ

Эназаров Т., Даурова Х.

Кириш

Биламизки, номларнинг таснифланиши масаласи анча баҳсли ва мунозарали ҳолатдир. Ном деганда жонли ҳамда жонсиз нарсаларнинг бири-биридан фарқловчи атамаси, яъни номлари тушунилади. Жонли нарсалардан фақатгина кишилар исмлари ҳам номлар жумласига киради. Қолганларнинг номлари ном термини билан аталади.

Асосий қисм

Номлар юзасидан анча вақтдан буён илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Шу билан биргаликда номларнинг таснифлаши ҳақида тўхталганда одатда қуйидаги икки тушунчани аралаштириб юбормаслик керак. Акс ҳолда, ушбу соҳада чалкашликлар юзага келади ва хатоликлар кўпаяди:

1. Таснифлаш тушунчаси.

2. Номларнинг таснифланиши масаласи. Уларни қуйида мисоллар воситасида махсус баён этамиз.

1. Таснифлаш тушунчаси. Бу тушунча илмий терминлардан бири бўлиб, мавжуд нарсаларни, керакли номларнинг характерли хусусиятларига асосланиб махсус тартибда гуруҳлаш, бўлаклаш маъноларида қўлланилади. Шунинг учун мазкур тушунча илмий ишларда фаол ишлатилади. Олдинги даврда ушбу термин ўрнида классификация термини ишлатилган.

2. Номларнинг таснифланиши масаласи. Ушбу масала анча баҳсли масалалардан бири саналади, чунки номшунослик соҳасида ким тадқиқот олиб борган бўлса, албатта, номларнинг таснифи масаласига муносабат билдириб ўтишганлигини эътироф этиш керак¹.

¹ Қаранг: Абдурахмонов Д., Бектемиров Х. Ўзбек халқ дostonларининг ономастикаси // Ўзбек халқ ижоди. Т., Фан, 1967. Б. 177-196; Абдурахмонов Д. Бешкент район топонимикаси // Ўзбек шевалари лексикаси. Т., Фан, 1966. Б. 383-401; Аслонов А. Шофиркон тумани микропонимиясининг лингвистик таҳлили. Филология фанлари номзоди

илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Т., 2005; Атажонова А. Ж. Хоразм этнотопонимлари ва уларнинг луғавий асослари. ФФНА. Т., 1996; Бегматов Э. Топонимияда ўз ва ўзлашган қатлам масаласи // Ўзбек тилининг лексик-грамматик хусусиятлари. Т., 1981. 65-72-бетлар; Бегматов Э., Жумаев А., Сагторов Г. Ўзбек ономастик терминологияси ва уни нормалаш проблемалари // Ўзбек тили терминологияси ва унинг тараққиёт перспективалари. Т., Фан, 1986. Б.8-10; Бегматов Э. Жой номлари - маънавият кўзгуси. Т., Маънавият, 1998; Бўриев Сурхон Нормуродович. Ургут тумани микротопонимларининг лексик-семантик таҳлили. НДА. Т., 2010; Дўсимов З. Хоразм топонимлари. Т., Фан, 1985; Дўсимов З., Тиллаева М. Топонимика асослари. Т., 2002.; Ёкубов Шарифжон. Навоий асарлари ономастикаси. ФФНД. Т., 1994; Каримова Л. Ўзбек тилида топонимларнинг ўрганилиши. Т., Фан, 1982; Кенжаева С.Э. Ўзбек антропонимларининг семантик ва социолингвистик тадқиқи. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Т., 2011; Латипов Ж. Марғилон шаҳри ва унинг атрофи топонимияси. ФФНД. Т., 1975; Найимов С. Н. Бухоро области топонимияси. Т., 1984; Нафасов Т. Қашқадарё область топонимлари. ФФКД. Т., 1968; Нафасов Т. Қашқадарё область топонимлар кизил китоби // Ономастика Узбекистана. Т., 1989. 197-202-бетлар; Нафасов Т. Ўзбек номномаси. Қарши, Насаф, 1993; Отажонова А. Хоразм этнотопонимлари. Т., Фан, 1997; Охунов Н. Тил ва жой номлари. Т., Ўзбекистон, 1988; Охунов Н. Топонимлар ва уларнинг номланиш хусусиятлари. Т., Фан, 1989; Охунов Н. Жой номлари таъбири. Т., Ўзбекистон, 1994; Рахимов С. Хоразм минтақавий антропонимияси. Фил.фан.номзодидисс.автореферат. Т., 1998; Сагтаров Ф. Ўзбек исларининг туркий қатлами. Фил.фан.номзодидисс.автореферат. Т., 1990; Турсунов С. Сурхондарё вилояти топонимлари. Т., 2008; Туробов А. Самарқанд вилояти этноойконимларининг таҳлили. ФФНД. Т., 1999; Улуков Н. Ўзбек тили гидронимларининг тарихий-лисоний тадқиқи. Т., Фан, 2008; Холмўминов Х. Бойсун ноҳияси ва унинг атроф худуди микротопонимлари. Фил.фан.номзодидисс. автореферат. Т., 1993; Худайбергенов С. Ўзбек антропонимияси тизимининг вариантдорлиги. Фил.фан.номзодидисс.автореферат. Т., 2008; Эназаров Т. Жой номларини йиғиш сўроқлиги. Т., 1995; Эназаров Т. Ж. Жой номларининг мукамал таснифи этимологик таҳлил асосидир // Геодезия, картография ва кадастр журналі. 2000 йил. 1(3)-сон. 12-16-бетлар; Эназаров Т. Ж. Топонимлар таснифи ҳамда таҳлилида узвийлик ва давомийлик // «Ўзбек тили бўйича давлат таълим стандартларини жорий этиш масалалари». Республика илмий-амалий конференция

Номларнинг ўзига хос хусусиятлари уларнинг таснифидан аниқроқ тарзда кўринади. Уларнинг таснифи юзасидан бир қанча фикр-мулоҳазалар билдирилганлигини эътиборга олиб,

материаллари. Кўкон, 2003. 52-55-бетлар; Ўринбоев Б. Жиззах вилояти топонимлари. Жиззах, 1992; Ўринбоев Б. Самарқанд вилояти топонимларининг изохи. С., 1997; Ўринбоев Б. Асрлардек барҳаёт номлар. С., Зарафшон, 2003; Қиличиев Э. Ўзбек тили ономастикаси. Т., 2004; Қораев Т., Воҳидов Р. Адабий тахаллуслар ҳақида. Т., Ўқитувчи, 1978.; Қораев С. Географик номлар маъноси. Т., Ўзбекистон, 1978; Қораев С. Тошкент топонимлари. Т., Фан, 1991; Қораев С. Ўзбекистон вилояти топонимлари. Т., «O'zbekiston milliy ensiklopediyasi», 2005; Ҳасанов Ҳ. Географик номлар имлоси. Т., Фан, 1962; Ҳасанов Ҳ. Ер тили. Т., Ўқитувчи, 1977; Ҳасанов Ҳ. Географик номлар сири. Т., Ўзбекистон, 1985; Вопросы ономастики Казахстана. Алматы, Ылим, 1986; Гарипова Ф. Г. Исследования по гидронимии Татарстана. М., Наука, 1991; Гельдиханов М. Местные географические термины Туркменистана. АКД. Баку, 1973; Жучкевич В. А. Общая топонимика. Минск, Вышэйшая школа, 1980; Закиров А. А. Топонимия Джизакской области Узбекской ССР. АКД. М., 1991; Зинин С. И. Микротопонимия Ташкента // Общественные науки в Узбекистан. Т., 1967, №7, с.55-57.; Имя нарицательное и собственное. М., Наука, 1978; Кадырова Ш. М. Микротопонимы Ташкента. АКД. Т., 1970; Караев С. К. Топонимия Узбекистана. Т., Фан, 1991; Караев С. К. Ойконимия Узбекистана. Диссертация на соискание ученой степени доктора географических наук в форме научного доклада. Т., 1998; Курбанов А. Вопросы Азербайджанской ономастики. Баку, 1986; Мельхеев М.Н. Географические имена. М., Учпедгиз, 1961; Мурзаев Э. М. География в названиях. М., Наука, 1979; Никонов В. А. Введение в топонимику. М., Наука, 1965; Ономастика и норма. М., Наука, 1976; Ономастика Калмыкии. Элиста, 1983; Ономастика Узбекистана. Т., Ўқитувчи, 1987; Т., Ўқитувчи, 1989; Подольская Н. В. Словарь русской ономастической терминологии. М., Наука, 1988; Принципы топонимики. М., Наука, 1964; Проблемы Азербайджанской ономастики. II. Баку, 1988; Ҳасанов Х. Узбекская топонимия // Материалы конференции по ономастике Узбекистана. Джиззах, 1985. С. 16-17; Агеева Р. А. Происхождение имен рек и озер. М., Наука, 1985.; Адиллов М., Пашаев А. Азарбајчан ономастикасы. Баку, 1987; Атаниязов С. Туркменистанын топонимияси. Ашгабад, Ылым, 1981; Девонакулов А. Асрори номҳои кишвар. Душанбе, Ирфон, 1989; Исаев Д. Жер-суу аттарынын сыры. Фрунзе, Мектеп, 1977 ва бошқалар.

Ўзимизнинг бу соҳадаги мулоҳазаларимизни баён этмоқчимиз. Шу ўринда номларни таснифлаш масаласига ҳам тўхталиш лозим бўлади. Биз номларни қуйидагича таснифлаш йўлидан боришни лозим кўрдик:

2.1. Номларни ташкил қилган луғавий бирликларнинг қайси луғавий қатламга оидлигига кўра таснифи:

1.1) ўз қатлам сўзларидан ташкил топган номлар (улар қадимий туркий; туркий; эски ўзбек адабий тили; ҳозирги ўзбек адабий тили; бошқа туркий тиллар сўзларидан ташкил топади);

1.2) ўзлашган қатлам сўзларидан шаклланган номлар. Бундай номлар: а) форс-тожик тилидан ўзлашган сўзлардан юзага келадиган номлар; б) араб тилидан ўзлашган сўзлардан шаклланган номлар; в) мўғул тилидан ўзлашган сўзлардан юзага келадиган номлар; г) ҳинд тилидан ўзлашган сўзлардан пайдо бўлган номлар; д) рус тилидан ўзлашган сўзлардан юзага келадиган номлар; е) рус тили орқали бошқа тиллардан ўзлашган сўзлардан шаклланган номлар;

1.3) юзага келиши номаълум бўлган номлар (уларнинг изоҳи, этимологик таҳлилини номшуносликнинг бугунги имконият ва ютуқларидан келиб чиққан ҳолда ҳозирчалик амалга ошириб бўлмайди).

2.2. Номлар объектларининг ҳажмига кўра таснифи: 2.1) микрономлар; 2.2) макрономлар; 2.3) ўртача номлар.

2.3. Номлар объектларининг турига кўра таснифи: 2.3.1) антропоним – кишиларнинг исми, фамилияси (отасининг исми), шарифи, тахаллуси ва лақаблари ҳисобланади; 2.3.2) агрооним – шаҳардаги майдон, бозор ва экинзор ерларнинг номлари; 2.3.3) агионим – илоҳий (диний) номлар; 2.3.4) астионим – шаҳар номлари. Астионимлар туман, вилоят ва республика доирасида таснифланади. Шунингдек, улар туркий компонентли ва бошқа тилларнинг элементларидан шаклланишига кўра икки гуруҳга таснифланади; 2.3.5) венусоним – Венера планетасидаги табиий географик объектлар номи; 2.3.6) гелоним –

ботқоқликлар номи; 2.3.7) геоним – Ер, географик жараён ва горизонт номлари; 2.3.8) гидроним – сув иншоотлари (дарё, ариқ, ҳовуз, сув омбори кабилар)нинг номи; 2.3.9) годоним – шаҳар кўчалари номлари; 2.3.10) дримоним – ўрмон участкаси номи; 2.3.11) дромоним – йўл ва йўлакчаларнинг номлари; 2.3.12) зооним – ҳайвон номлари; 2.3.13) зоотопоним – ҳайвон номлари билан ясалган топонимлар; 2.3.14) комоним – ойконимнинг тури бўлиб, қишлоқ номи; 2.3.15) ктематоним ва идеоним – сарлавҳа ва асар номлари; 2.3.16) муқаддаслаштирилган жой номлари – диний ҳамда илоҳий, шунингдек, зиёратгоҳ жойларнинг номлари; 2.3.17) некроним – қабристонларнинг номлари; 2.3.18) ойконим – шаҳар, қишлоқ, гузар, маҳалла, овул каби топообъектларнинг номи; 2.3.18.а) ойконимларнинг бир тури бўлган шаҳар номлари астионимлар деб ҳам аталади; 2.3.19) океаноним – денгиз ва океан номлари, уларнинг ичи ҳамда атрофидаги объектларнинг номлари; 2.3.20) ороним – баланд, пастликлар, тоғ, тепа, адир, қоя кабиларнинг номлари; 2.3.21) парагогоним¹ – корхона, ташкилот номлари; 2.3.22) планетоним – планеталар номи; 2.3.23) фитоним – мавжуд ўсимликларнинг номлари; 2.3.24) эрготопоним – фабрика, завод, шахта кабиларнинг номларидан юзага келган топонимлар (жой номлари); 2.3.25) хрематоним – материаллар номи; 2.3.26) хрононим – тарихий воқеалар номи; 2.3.27) хороним – вилоят, туман, шаҳар ва табиий географик объектлар номи; 2.3.28) этноним – уруғ-қabila, элат ва халқларнинг номлари. Бу термин иккинчи бир ном билан қавм ҳамда генонимлар ҳам дейилади; 2.3.29) кино номлари; 2.3.30) бадиий асарлар номлари (шеър, ғазал, туюқ, қисса, роман, драма, поэма, дoston сингарилар), улар қўштирноққа олинган ҳолда ёзилади; 2.3.31) газета номлари; 2.3.32) журнал номлари; 2.3.33) материаллар номи; 2.3.34) сарлавҳалар; 2.3.35) мучал

¹ Эназаров. Т. “Ўзбекистон топонимикаси” номли махсус курсни ўқитиш методикаси (Махсус курс бўйича маъруза матнлари). – Т., 1999. 26-бет.

номлари; 2.3.36) университет ва институтлар номи; 2.3.36.А.) мактаб, коллеж, лицейлар номи; 2.3.37) театрлар номлари; 2.3.38) футбол командалари номлари; 2.3.39) стадион (ўйингоҳ) номлари; 2.3.40) радио каналлари номлари; 2.3.41) теледастурлар номи; 2.3.42) расм номлари; 2.3.43) ҳайкаллар номлари; 2.3.44) бекатлар номлари; 2.3.45) телефонлар номи; 2.3.46) танга ва пул номлари; 2.3.47) машина номлари; 2.3.48) компьютер номлари; 2.3.49) китоб номлари; 2.3.50) кийим номлари; 2.3.51) ранг номлари; 2.3.52) табиат ҳодисалари номи; 2.3.53) материаллар номи; 2.3.54) кийим-кечаклар номи ва бошқалар.

2.4. Номларни тарихийлигига кўра иккита катта гуруҳга бўлиш мумкин:

2.4.1. Тарихий номлар – тарихан шаклланган ва айна вақтгача сақланиб қолган номлар.

2.4.2. Замоनावий номлар – ҳозирги кунда шаклланган ҳамда фаол ишлатилаётган номлар.

2.4.1. Тарихий номлар уч гуруҳга бўлинади:

2.4.1.1. Маъноларини билиш мумкин бўлган тарихий номлар.

2.4.1.2. Маъноларини қисман билиш мумкин бўлган тарихий номлар.

2.4.1.3. Маъноларини умуман билиш мумкин бўлмаган тарихий номлар.

2.4.2. Замоनावий номлар ҳам учта гуруҳга бўлинади:

2.4.2.1. Фаол ишлатиладиган замоनावий номлар.

2.4.2.2. Қисман фаол бўлган замоनावий номлар.

2.4.2.3. Умуман фаол бўлмаган замоनावий номлар.

2.5. Илмий изоҳланишига кўра номлар таснифи¹:

2.5.1. Илмий изоҳланиши ишонарли номлар.

2.5.2. Илмий изоҳланиши ишонарсиз номлар.

2.6. Этимологик таҳлиliga кўра номлар таснифи:

2.6.1. Этимологик таҳлил қилиш мумкин бўлган номлар.

2.6.2. Этимологик таҳлил қилиш мумкин бўлмайдиган номлар.

2.7. Номларнинг турлича тарзда айтилиши ва ёзилишига кўра таснифи:

2.7.1. Бир хил ҳолатда айтиладиган ҳамда ёзиладиган номлар: Ўзбекистон, Тошкент, Самарқанд, Хоразм, Қозоғистон, Туркменистон кабилар мисол бўлади.

2.7.2. Икки хил айтиладиган ва ёзиладиган номлар. Уларга баъзи бир киши исми, шариф (антропоним) ларининг турлича айтилиши, ёзилиши мисол бўлади. Уйда Салим, Олтин деб, мактаб ва расмий жойларда Ҳалим, Ойдин деб айтилиш ҳоллари тез-тез учраб туради. Шунингдек, топонимлар сирасида эса туб аҳоли ўз юртини бошқача номласа, расмий жиҳатдан ўша жойлар иккинчи номлар билан ўзгача номланиши ҳам кузатилади. Бунга мисоллар анчагина. Масалан, Германияни аслида немислар Дойчланд деб аташи, Грузия, Гуржистон, Жоржия деб юритиладиган грузинлар юрти Сакартвело дейилиши, Арманистон деб аталган юртни арманлар Хаястан, Венгрияни туб аҳолиси Магъяр, японлар ўз ўлкаларини Ниппон, финлар ўз она ерларини Суоми, деб аташса, Ҳиндистон эса хинд тилида Бхарат деб юритилиши далил ҳисобланади.

Хулоса

Номлар юзасидан амалга оширилган бундай тасниф амалда биринчи марта қилинаётгани учун кўпчиликка ноаниқдай туюлади. Аммо номларнинг илмий таснифининг мана шундай шаклда бўлиши айна пайтда табиий ҳолдир. Демак, номларни уларнинг мажмуидан келиб чиққан ҳолда таснифлаш ҳам баҳсли, ҳам қизиқарли жараёнлардан бири саналади. Чунки унда номларга хос назария ва амалиётнинг бир бутун тизимлигини кузатиш мумкин бўлади ҳамда хатоликларнинг, яъни турли такрорийлик, чалкашликларнинг олди олинади.

¹ Дўсимов З. ва Нафасов Т. ўзбек олимларидан биринчилардан бўлиб топоним, яъни номларнинг изоҳли таҳлиliga оид тадқиқотларни олиб боришган.

Резюме

Вопросы классификации имён – это весьма сложная и трудная проблема. К именам относятся названия одушевленных и неодушевленных предметов, а также различные термины. Из одушевленных имен только антропонимы являются собственно именами.

В числе остальных одушевленных или неодушевленных имен можно выделить термины. В данной статье дана классификация в соответствии с вышеизложенными принципами с примерами их употребления в современном узбекском языке.

Тавсия этувчи:

доц. Ғуломов П.Н.

ВОПРОСЫ ИЗУЧЕНИЯ ГЕОГРАФИЧЕСКИХ НАЗВАНИЙ РЕСПУБЛИКИ КАРАКАЛПАКСТАН

(в историческом, географическом, лингвистическом аспекте)

Баллиева Р., Ходжаева Г.А., Уринбаева Ф.

Любое географическое название исторический, является памятником культуры каждого народа. Такова его природа. Уходят века, люди, события, в памяти о них остаются, дела людей, воспоминания, в том числе в виде топонимов – названиях рек и озер, сел и городов. Одной из важных проблем в топонимике является сохранение древних, важных исторических топонимов, поскольку они содержат в себе какие-либо сведения о жизни наших предков.

Географические названия – это выражение ментальности людей, их мироощущения, культуры, быта, обычаев, психологического состояния. Они являются неотъемлемой частью современной цивилизации и представляют собой уникальную топонимическую среду, без которой невозможно существование человечества.

Изучение географических названий выявлением их своеобразия, историей возникновения и анализом изначального значения слов, от которых они образованы, занимается топонимика. Значит, топонимы являются неотъемлемой частью нашего духовного мира.

В настоящее время, современное общество и цивилизацию, взаимоотношение стран и народов невозможно представить без географических названий. Поэтому системное изучение топонимов не ограничивается только определением смысла названия, а вместе с этим даёт

возможность решить некоторые другие задачи, такие как население, чем занимаются люди, история, язык, этнография, образ жизни, традиции и обычаи и т.д.

После получения Узбекистаном независимости в связи с изменением господствующей идеологии по всему Узбекистану в целом прокатилась новая волна переименований. В первую очередь эта волна затронула явно идеологизированные наименования типов. В связи с этим возникли некоторые проблемы правильного использования географических названий. Например, многие названия объектов на территории Узбекистана с русскоязычной транскрипции потеряли свой смысл или изменили свой первоначальный смысл.

Коммунистическая идеология в середине прошлого XX века внесла свои коррективы в топонимику на просторах Каракалпакстана. Так многие названия административных центров, колхозов и совхозов, учреждений, улиц, каналов и т.д. получили названия, связанные с революционной или коммунистической тематикой.

Среди разнообразных групп топонимов особое место принадлежит этно- географическим названиям, или этнотопонимам. Они – живые свидетели, сохранившие до наших дней названия этнических особенности народов и иных этнических единиц. Чтобы изучать географических названий неизбежно мы вникаем в этнографию и этнической истории живущих этносов территории.

Распространение этнического названия на определенную территорию, занимаемую представителями определенного этноса, осуществлялось уже в самой глубокой древности. Поэтому этнотопонимы справедливо можно считать одним из древнейших типов географических названий. Этнотопонимия – исторически активная категория.

В течение многих столетий на огромной территории Каракалпакии жили несколько этносов занимающиеся разными хозяйственно-культурными типами возникших в конкретных природных условиях. Поэтому возникли разнообразные формы топонимии географических объектов, связанных с историко-культурным наследием, духовно-этническими ценностями народов Каракалпакии. Изучая, этнотопонимов Каракалпакии нами выделены несколько слоев названий этнических пластов каракалпаков: арысы, роды, коше и территории их распространения. Территориальная приуроченность топонимов данной категории связана с историко-географическими причинами, где ключевыми являются расселение этноса, специфика этноконтактов, особенности хозяйственной деятельности.

В настоящее время в нашей стране для восстановления утраченных названий географических объектов, связанных с историко-культурными, духовно-этническими ценностями народов Узбекистана продлевается определенная работа, среди них работы по выполнению постановлений принятые нормативные и законодательные документы:

- Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 21 декабря 1996г. «О решении вопроса о даче топонимических названий и изучения названий территориально - административных систем и географических объектов».

- Постановление №203 Кабинета Министров Республики Узбекистан от 31 мая 1996г. «О приведении в порядок топонимических названий террито-

риально-административных систем, населенных пунктов и других объектов».

- Постановление №383 Кабинета Министров Республики Узбекистан от 11 августа 2004г. «О приведении в порядок топонимических названий территориально-административных систем, населенных пунктов и других объектов».

- Постановление №295 Кабинета Министров Республики Узбекистан от 16 октября 2012г. «О мерах по упорядочению положения дел в сфере наименований географических объектов в соответствии с Законом Республики Узбекистан «О наименованиях географических объектов»».

Эти принятие Постановления и нормативные документы свидетельствуют о широкомасштабных работах, проводимых в этом направлении. Практическое выполнение этих постановлений ставят перед специалистами географами большие задачи, требуют решения этих задач.

Совершенствование изучение географических названий Республики Каракалпакстан требует особого внимания, поскольку эти названия отличаются своим языком написания от других вилаятов, транскрипцией. Однако в республике специалистов по топонимике в настоящее время недостаточно, возникает необходимость подготовки кадров в этой области знаний.

Важнейшим направлением топонимики на современном этапе является стандартизация и унификация географических названий. Проблема упорядочения топонимов в настоящее время приобрела поистине государственные масштабы, т.к. сфера их применения исключительно широка - от органов государственной власти до рядовых граждан. Являясь уникальными историческими и культурными свидетелями, своеобразного наследия прошлого народа, географические названия служат средством утверждения национального приоритета и суверенитета государства.

Чтобы пересмотреть названия географических объектов необходимо

вести учет и изучение географических, исторических, национальных, этнических, языковых и других особенностей жизни местного населения. И поэтому возникает необходимость комплексного изучения географических названий Республики Каракалпакстан. Для этого надо уделять внимание на научно

обоснованную, системную работу по пересмотру названий географических объектов на основе данных официальных и справочных изданий, статистических, этногеографических и иных источников и создание информационной базы данных географических названий Республики Каракалпакстан.

Резюме

Мақолада Қорақалпоғистон топонимиясига оид умумий масалалар ҳамда топонимистларнинг Ўзбекистон Хукуматининг қарорлари ва “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Қонуни асосида вазифалари баён этилган.

Рекомендует:

доц. Гулямов П.Н.

ЖОЙ НОМЛАРИНИ ЎРГАНИШНИНГ ГЕОГРАФИК ЖИХАТЛАРИ

Қодиров М.А., Усмонов М.Р., Ибрагимов Л.З.

Кириш

Маълумки, жамият тузумидаги ўзгаришлар, яъни ижтимоий тузумнинг ўзгариши, давлатнинг миллий сиёсати ҳудудларнинг қайси давлатларга мансублиги, давлат сиёсати, мамлакатларда қайси халқ қандай мавкега эгаллиги, географик кашфиёт, тадқиқотларнинг кимларга мансублиги, географик атама ва номларда ўз ифодасини топади. Шу жиҳатдан олиб қараганда ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос бўлган тарихий номларини ўрганиш ва тиклаш бугунги кунда тадқиқ этилиши лозим бўлган муҳим масалалардан биридир.

Асосий қисм

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин унинг ҳудудида кўпгина географик номлар ўзгарди ва ўзгармоқда. Ўзбекистондаги географик объектларга Россия империяси босиб олгандан кейин ҳамда собиқ Совет даврида қўйилган номлар қайта кўриб чиқилиб, уларга ўзларининг қадимий тарихий номлари қайтарилмоқда ва мустақиллик билан боғлиқ янги номлар пайдо бўлмоқда. Географик термин ва номлар таълими “Ўзбекистон Давлат тили” (1989 йил 21 октябр) ва “Ўзбекистон Республикасида маъмурий-худудий тузилиш, топономик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал қилиш тўғрисида” (1996 йил 21 декабр)

қонунларни ҳаётга тадбиқ этиш замон талабларига жавоб берадиган география ўқитувчиларини тайёрлаш муносабати билан катта амалий аҳамиятга эгадир. 1995 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат тили ҳақидаги қонунга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида қарор қабул қилинди. Давлат тили ҳақидаги қонун (янги таҳрирда) тасдиқланди, унинг 22-моддасида шундай дейилган: “Республиканинг маъмурий худудий бирликлари, майдонлари, кўчалари ва географик объектлари номлари Давлат тилида акс эттирилади”.

“Географик объектларнинг номлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонунда (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 41-сон, 449-модда) қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

географик объектлар — Ернинг ҳозирда ёки ўтмишда мавжуд бўлган ҳамда муайян ўрнашган жойи билан тавсифланадиган, келиб чиқиши табиий ёки сунъий бўлган яхлит ва нисбатан барқарор ҳосилалари. Улар жумласига: маъмурий-худудий бирликлар (вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, кишлоклар, овуллар); аҳоли пунктлари ва уларнинг таркибий қисмлари (маҳаллалар, шоҳкўчалар, кўчалар, майдонлар, боғлар, хиёбонлар); транспорт ва

муҳандислик-техника инфратузилмаси объектлари (темир йўл станциялари, автостанциялар, метрополитен станциялари, вокзаллар, аэропортлар, портлар, пристанлар, кўприklar, разъездлар, йўллар, каналлар, сув омборлари, тўғонлар, дамбалар); табиий объектлар (дарёлар, кўллар, музликлар, текисликлар, тоғлар, тоғ тизмалари, ғорлар, чўллар, водийлар, даралар, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, ёнбағирлар, фойдали қазилма конлари) ва бошқа шу каби объектлар киради;

географик объектларнинг номлари — географик объектларнинг уларни фарқлаш ва аниқлаш учун фойдаланиладиган ўз номлари;

географик объектнинг номини белгилаш — янада нормаллаштириш мақсадида географик объектнинг номини аниқлаш;

географик объектнинг номини ўзгартириш — географик объектнинг ҳозирги номини ушбу Қонунда белгиланган ҳолларда ва тартибда ўзгартириш;

географик объектларнинг номлари соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи — Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри Давлат қўмитаси (Ўзбекистон Республикаси Ергеодезикадастр давлат қўмитаси);

географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги таклифларнинг давлат экспертизаси — географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги таклифларнинг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини аниқлашга қаратилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ергеодезикадастр Давлат қўмитаси томонидан ўтказиладиган топонимик, этнографик, лингвистик, картографик ва бошқа тадқиқотлар мажмуи.

Тадқиқот объекти

Ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳоли томонидан берилган номлар мавжуд бўлиб, жамиятдаги

ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар сабаб улар бошқа янги номлар билан аталиб келинган. Ўрганилаётган ҳудуд Булунғур туманида ҳам шу каби масалалар Вазирлар Маҳкамаси қарори билан қайтадан ўрганилмоқда. Бажарилаётган ишнинг тадқиқот объекти туман жой номлари ҳисобланади.

Асосий натижалар ва уларнинг муҳокамаси

Дунёда беш ярим мингдан ортиқ тиллар мавжуд. Уларнинг ҳаммасида географик номлар бор. Уларнинг ҳаммасида географик номларни ёзишга доир қоидалар бор. Бу қоидаларни алоқа, транспорт, ташқи савдо, дипломатия ходимлари, тадқиқотчилар билиши шарт. Ўзбекистонда географик номларни тўғри ёзиш, ёзилиш қоидалари махсус атамашунослик қўмитасида ишлаб чиқилган. Ўзбек тилида дарсликлар, илмий оммабоп китоблар, кундалик матбуот, радио ва теле эшиттиришлар орқали турли хилдаги минглаб жой номлари ҳақидаги маълумотга эга бўлаемиз. Бу номларнинг ўзбек тилида қандай ёзилиши ва бу масаланинг тўғри ҳал этилиши маданиятимизнинг муҳим бир соҳасидир, аммо номларни тўғри ёзиш анча мураккаб иш. Чунки жой номлари бир томондан тарихга, бир томондан география ва тилшуносликка тегишли бўлиб, қисман этнография, археология, ботаника ва бошқа соҳаларга ҳам боғлиқ.

Ўзбекистон ҳудудида топонимлар жуда мураккабдир. Сабаби, мамлакатда туркий ва форсий тиллар сўзлари аралашиб кетган. Ўзбекистондаги баъзи шаҳарлар бир неча минг йиллик тарихга эга бўлиб, узоқ йиллар мобайнида географик номлар ўзгариб бир шаклдан иккинчи шаклга ўтган. Ўзбекистон ҳудудида араб, эрон, мўғул ҳатто санскрит тилида учрайдиган номлар ҳам учрайди. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда географик номлар 4 гуруҳга ажратилади:

- *Энг қадимги номлар (Тарихий шаҳарлар номи. Масалан, Самарқанд, Бухоро ва ҳ.)*

- *Форсий тилдан келиб чиққан*

номлар (масалан, дугоба, тузкон ва б).

- Туркий тилдан келиб чиққан номлар (Сарисув)

- Славян тилидан келиб чиққан номлар.

Жумладан, ўрганилаётган ҳудуд – Булунғур туманида ҳам жой номларининг шаклланишида маҳаллий географик терминларнинг ўзига хос роли бор. Туман топонимларининг вужудга келишида топонимлар шаклланишининг умумий қонуниятлари ўз ифодасини топган. Шунингдек, туман жой номларининг шаклланишида фақат маҳаллий топонимга хос бўлган қонуниятлар ҳам мавжуд. Бу қонуниятлар туманнинг иқтисодий географик жойлашган ўрни, аҳолининг миллий таркиби, уларнинг асрлар давомидаги тарихи ва ҳ.к. билан тўғридан-тўғри боғлиқдир.

Ер юзидаги топонимларнинг кўпчилиги даставвал турдош отлардан таркиб топган. Кейинчалик эса, географик номлар (топонимлар) мазмунан ва шаклан атоқли отларга айланиб борган. Кўпчилик топонимист олимлар фикрича, қадимги тилларда атоқли отлар бўлмаган. Масалан, Австралия, Африка ва Американинг маҳаллий халқлари тилларида атоқли отлар жуда кам учраган экан. Бундай тилларда турдош отлар ёки қандайдир иборалар атоқли отлар вазифасини бажариши мумкин.

Инсоният жамияти ривожланишининг илк босқичларида ўша давр одамлари учун яшаш макони жуда чегараланган ва географик объектларни номлаш учун ҳам зарурият деярли йўқ эди: улар табиий объектларни – тоғларни, тепаларни “тоғ”, дарё, жилға, сой ва ҳ.к. ларни “сув”, “дарё”, кўл, денгиз, океанларни эса - “денгиз” шаклида, яъни фақат биттагина турдош от билан номлашган. Узоқ вақт давомида тилнинг ривожланиши ёки халқларнинг яшаш жойларини ўзгартириши билан географик терминларнинг аксарияти оддий номлар сифатида фойдаланишдан чиқиб қолган ва улар объектларни ифодаловчи “ном” га (топонимга) айланиб, ҳозирда ҳам

сақланиб келмоқда. Бунга сабаб янги авлод ёки янгидан келиб жойлашган бошқа тилда сўзлашувчи аҳоли бу терминларни (турдош отларнинг) маъноси номаълум бўлган атоқли от (топоним) сифатида қабул қилган. Натижада, оддийгина сув, тоғ, тепа деб аталган сўзлар кейинчалик географик номга (топонимга) айланган. Чунончи, “дон” сўзи қадимги скифлар тилида “дарё” маъносини билдирган, скифлар авлоди ҳисобланмиш ҳозирги осетин тилида бу сўз асл маъносида сақланиб қолган.

Мазкур қонуният Булунғур тумани жой номлари, айниқса, туманнинг баъзи гидронимик топонимлари учун хос ҳисобланади. Жумладан, ариқ, анҳор терминларининг аксарияти дастлаб ном сифатида қўлланилган. Кейинчалик эса терминга айланиб, топонимлар таркибида қўлланиладиган бўлган. Аслида маҳаллий географик терминларнинг гидроним, ороним, ойконимларнинг шаклланишидаги иштироки бирдек деб бўлмайди. Масалан, Белорус гидронимларининг фақат 10 фоизигина маҳаллий географик терминлар иштирокида ясалган. Бироқ, ойконимлар яшалишида бундай маҳаллий терминлар 55-60 фоизни ташкил этади. Фарқларнинг бу каби катта бўлишини айрим тадқиқотчилар гидронимларнинг ойконимлардан қадимгироқ эканлиги билан изоҳлайдилар. Ҳақиқатдан ҳам қадимги топонимларнинг ўзгариб кетиши, улар таркибидаги терминнинг йўқолиши ёки ном таркибидан тушиб қолишига сабаб бўлиши мумкин.

Маҳаллий географик терминлардан географик номлар этимологиясини аниқлашда фойдаланиш билан бирга, маъно силжиши (кўчиши) ва термин маъносининг ўзгаришга учрашини ҳам эътиборга олиш зарур. Бундай ўзгаришлар аниқ географик, тарихий ва иқтисодий шароитларга боғлиқ бўлади. Баъзан термин мазмуни унинг бирламчи мазмунидан бошқача бўлиб қолиши ҳам мумкин. Жумладан, туркий тиллардаги умумий “қир” термини ҳозирги турк тилида текислик, дала, қирғиз тилида

паст тоғлар, қозоқ тилида паст тоғлик, туркман тилида қаттиқ, текис, очиқ юзали платолар, ўзбек тилида юзаси баландпаст, мутлақ баландлиги 200-500 метр бўлган ерлар маъноларини англатади. Бундай ҳолатни Булунғур туманидаги маҳаллий географик терминлардан “қала” термини мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу терминни ўзбек тилидаги “қалъа” термини билан айнан бир хил деса ҳам бўлади. Лекин, ўзбек тилидаги “қалъа” - истехком, кўрғон маъноларини англатган.

Географик номларнинг қандай объектга (кўл, дарё, тоғ, текислик, қишлоқ, кўча ва ҳ.к.) тегишли эканлигини кўпинча топонимлар таркибидаги терминлар орқали аниқлаш мумкин. Масалан, кўл, дарё, сой, терминлари географик номнинг гидроним, яъни сув объекти эканлигини

билдирса (Булунғур, Янгибеш, Қораарик, Қорасув, Полвонарик, Туятортар, Оқтепа, Оқариқ каби арик ва каналлар), тоғ, тепа, жар, кум каби терминлар ўзлари иштирок этаётган номнинг ороним эканлигини кўрсатади. Булунғур туманида топоним ҳосил қилишда гидронимик терминлар оронимик ва ойконимик терминларга нисбатан кўпроқ қатнашади. Гидронимик терминларнинг ҳар иккала турига оид терминлар ҳам сонига, ҳам топоним ҳосил қилиш салмоғига кўра бошқа типдаги терминлардан олдинда туради.

Аҳоли пунктлари ёки жой номлари асосан икки йирик гуруҳга бўлинади:

1. Табиий ёки табиий географик ойконимлар.

2. Ижтимоий-иқтисодий ойконимлар.

1. Табиий ёки табиий географик ойконимлар (жадвал):

Жадвал

Гидроойконим	Ороойконим	Фитоойконим	Зоотопонимик ойконимлар
Булунғур	Адиртут	Адиртут	Алқартепа
Жонхўроз	Алқортепа	Қагта Пахтабоши	Бедана
Ингичка	Бешкўтон	Килдон	Қагтархона
Қагта Жонхўроз	Ботбот	Мингчинор	Шўрбедана
Мирзабулоқ	Жомонжар	Пасткилдон	Республикада зоотопонимлар 1% дан ошмайди
Тиғирик	Жар	Пахтабоши	
Зарафшон	Зертонг	Чангал	
Қораарир	Оқтепа	Шўра	
Булунғур арик	Тепа	Ялпизогоч	
	Тумшук	Олмазор	
	Фатмонтепа	Республикада фитоойконимлар 1% дан кўпроқ	

а) гидроойконимлар - сув объектлари билан боғлиқ жой номлари:

б) ороойконимлар - рельеф билан боғлиқ жой номлари:

с) фитоойконимлар - ўсимликлар билан боғлиқ жой номлари:

д) зоотопонимик ойконимлар - ҳайвонлар билан боғлиқ жой номлари:

2. Ижтимоий - иқтисодий ойконимлар:

- этнотопонимлар - уруғ билан боғлиқ жой номлари:

- антропотопонимлар - одамлар исми (шарифи, тахаллуси) билан боғлиқ жой номлари:

- ойконимия - уй билан боғлиқ жой номлари (ойкос - уй):

- урбаномия - шаҳар ёки қишлоқ билан боғлиқ жой номлари:

- касб-ҳунар билан боғлиқ жой номлари.

Хулоса

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, жой номлари шаклланишининг ўзига хос ҳудудий хусусиятлари бўлиб, мустақиллик шарофати натижасида “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Қонун билан олиб борилаётган тадқиқотлар орқали қайтадан ўрганилмоқда. Ўрганишлар натижасида Республикаимизнинг ҳар бир ҳудудидаги жой номларининг географик хусусиятлари борлиги аниқланмоқда. Ҳудудлардаги топонимларнинг вужудга келишида топонимлар шаклланишининг умумий қонуниятларини ҳам ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият - энгилмас куч. – Тошкент, 2008.
2. Аҳмедов Б.А. Тарихдан сабоқлар. – Тошкент: «Ўқитувчи», 1994.
3. Бафаев Б. Кўхна сўзлар тарихи. – Тошкент: «Фан», 1991.
4. Боймуродов Н., Хуррамова Қ. Ўзбекистон топонимларининг ясашида халқ терминларининг роли // «Ономастика Узбекистана». – Тошкент, 1989.
5. Дўсимов З., Эгамов Х. Жой номларининг қисқача изоҳли лўғати. – Тошкент: «Ўқитувчи», 1977.
6. Каримова Л. Ўзбек тилида топонимларнинг ўрганилиши. – Тошкент: «Фан», 1982.
7. Мамедов М. Халқ номлари жой номларида. – Тошкент: «Фан», 1991.
8. Машрапов Р., Қораев С. Ўзбек географик терминологиясининг манбалари //Ўзбек тили терминологияси ва тараққиёт перспективалари. – Тошкент: «Фан», 1986.
9. Миракмалов М.Т. Халқ табиий географик терминлари (монография). – Тошкент, 2009.
10. Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари. – Тошкент: «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси», 2005.
11. Булунғур тумани паспорти. 2010, 2011, 2012, 2013.
12. Булунғур туман ҳокимлиги маълумотлари. 2013.

Резюме

В статье рассматриваются образование географических названий и вопросы их изучения.

Тавсия этувчи:

доц. Ғуломов П.Н.

«НУКУС» ТОПОНИМИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШ ТАРИХИ ВА ЭТИМОЛОГИЯСИ ҲАҚИДА

Уринбаева Ф.Б., Туреева Г.А.

Тараққиётнинг илк босқичларидан инсонлар теварак-атрофни кузатиш орқали географик объектларни бир-биридан ажратиш мақсадида уларни номлаган. Объектларнинг табиий хусусиятлари билан боғлиқ бўлган географик номлар жамиятнинг илк босқичларида кўпчиликти ташкил қилган.

Кейинчалик табиатга жамиятнинг таъсири кучайиши натижасида бундай номлар аста-секин камая борган. Яъни, дастлаб табиий объектларга фақат зарурият юзасидан келиб чиқиб оддий, содда ва объектни ифодаловчи номлар берилган бўлса, вақт ўтиши ва ижтимоий онгнинг ривож-ланиши билан тасаввур ва тушунчалар кенгайиб, географик номлар ҳам мурак-каблаша борди. Масалан, аксарият ойко-нимларда давлатнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаёти ўз ифодасини топган бўлиб, уларни чуқур ўрганиш ёрдамида халқларнинг қадимги хўжалик юритиш шакллари, ўтмишидаги тарихий-сиёсий воқеалар, ихтисослашган касб-корлари, халқларнинг тарқалиш ареаллари каби масалаларга ойдинлик киритиш мумкин.

Топонимик тадқиқотларга кўра тарихий манбаларда топонимларнинг бошқа турларига нисбатан аҳоли манзил-

гоҳлари номлари кўпроқ ёзилган. Уларда жамият ҳаётидаги асрлар давомида рўй берган тарихий, ижтимоий ва сиёсий ҳодиса ҳамда воқеалар, халқ касб-корлигининг номлари, аҳоли манзилгоҳларига асос солган инсон номлари, ўша ерда қандай қавм вакиллари яшагани ва яшаётгани ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикасининг шимолий худудида Тошкент шаҳридан кейинги иккинчи пойтахт – Нукус шаҳрининг ўтмишини тадқиқ қилиш, пойтахт йилномасини яратиш, иқтисодий-ижтимоий ҳамда маданий турмушини ўрганиш ва кенг оммага тақдим қилиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади, десак адашмаймиз.

1932 йилнинг 1-апрелидан бошлаб Қорақалпоғистоннинг пойтахти мақомига эга бўлган Нукус шаҳри тарихи ва у билан бирга Нукус ойконими, унинг келиб чиқиши ҳам фақат олим ва тадқиқотчилар учун эмас, балки кўпчилик омма учун ҳам сирли ва қизиқарли бўлиши табиийдир.

1930 йилнинг 2-ноябрида Тўрткўл шаҳрида рўй берган сув тошқини оқибатида Қорақалпоғистон пойтахти Нукус шаҳрига кўчирилиши ҳақида қарор қабул қилинди. 1932 йилнинг 1-

апрелидан эса Нукус аҳоли манзилгоҳи бир вақтнинг ўзида шаҳар ва пойтахт мақомига эга бўлди.

Нукус шаҳрининг қадимги, ўрта аср ва кейинги давр тарихига оид маълумотларни академиклар С.П. Толстов¹, Я.Г.Фуломов², С.К.Камалов³, Т.А.Жданко⁴, тарих фани докторлари В.Н.Ягодин⁵, М.М.Мамбетуллаев, Б.А. Қощанов⁶, тарих фани номзодлари В.Х. Татыбаева⁷, Ғ.Хожаниязов⁸, Қ. Абдимуратов⁹, Х.Е. Есбергенов¹⁰, А.Қудияров¹¹, З. Есназарова¹², фидойи тарихчи О.Юсупов¹³ ва бир қанча пойтахт тарихига қизиқувчилар Қ.

Кунназаров¹⁴, О.Бекбаулиев, У.Пиржанов, Т.Қанаатовлар ўрганишган. Уларнинг асарлари ва мақолаларидаги фикрлар «Нукус» топонимининг асоси қадимги қорақалпоқ уруғларидан бири бўлган «нукус» уруғига боғланишини кўрсатади.

Нукус шаҳри тарихига назар ташласак, унинг ўтмиши қадимги даврларга бориб тақалишини англаш мумкин. Археолог Ғ.Хожаниязов эътироф этганидек, «... ҳозирги аксарият шаҳарлар асосида қадимги ва ўрта асрлардаги шаҳарлар ётади»¹⁵. Бу ибора албатта Нукус шаҳрига ҳам тааллуқлидир.

XIX аср охири- XX аср бошларида Амударё водийсида Европа типидagi ҳарбий қароргоҳ сифатида Нукус шаҳрининг қурилиши билан ўлкамизга чет элликлар ва рус тадқиқотчилари тез-тез келадиган бўлди. Тадқиқотчи А.Кун (1873) Хива юришига қатнашиб, Хўжайли хокими Муртазо Хўжадан кўп маълумотлар ёзиб олган. Улардан бирида шундай дейилади: «Кенегес-Нукус 103 хўжаликдан (ўтовдан) иборат. Оролли Нукусларда эса 366 хўжалик бор. Кегайли канали бўйида уйғур, найман, жало-йир, нукус кўп асрлардан буён иттифокдош бўлиб дарё бўйини макон қилишган»¹⁶.

Нукус шаҳри ҳақидаги энг дастлабки маълумотлар XVIII аср ўрталарига оид. 1743 йили И.Муравин тузган харитада Амударёнинг ўнг соҳилида Нукус шаҳри кўрсатилган. 1873 йилда Хива хонлигини Чор Россияси эгаллаб олгандан сўнг эълон қилинган манбаларда Нукус номли янги шаҳар ҳақида маълумотлар пайдо бўлди.

Милоддан авв. IV асрдан милодий IV аср оралиғида Окс дарёси водийсида ҳар хил халқлар ва қавмлар аралашиб, қўшни бўлиб яшаган. Уларнинг маданияти тарихини Шўрча қалъа,

¹ Толстов С. П. К вопросу о происхождении каракалпакского народа. КСИЯЭ АН. Вып 11., 1947.

² Гулямов Я. История орошения Хорезма с древнейших времен до наших дней. Т., 1957. Из истории орошения Каракалпаков. Бюллетень АН Уз ССР. 1945, №9-10

³ Камалов С. Нөкис қаласының раўажланыў тарийхынан // ӨзРИА ҚҚБ Хабаршысы. Н., 2003.- №6

⁴ Жданко.Т.А. «Қарақалпақлардың тарийхый-этнографиялық очерклері». - М., 1952.

⁵ Ягодин В.Н., Есбергенов Х., Қощанов А., Муратова П. Қарақалпақстан Республикасының пайтахты Нөкис қаласына 60 жыл. - Н., 1992.

⁶ Қощанов Б.А. Истории о столице. Вести Каракалпакстана., 2002. Проблемы и поиски в градостроительстве // Вести Каракалпакстана. Нукус 26.10.2002. Мегалолис по восточному // Вести Каракалпакстана. - Н., 4.02.2003.

⁷ Татыбаева В.Х. Нукус – столица Каракалпакской АССР: истории основания и развития города. – Н., 1979.

⁸ Хожаниязов Ғ. Нөкис – бесқала үлкесиниң сэркенти уллы кэрўан жолдың дәрбенти // «Қарақалпақстан» журналы №1-3, 17-19 бб.

⁹ Абдимуратов Қ. Неге усылай аталған? - Н., 1970.

¹⁰ Есбергенов Х., Нуржанов С., Хожаниязов Ғ., Ягодин В.Н. Қарақалпақстан Республикасы пайтахты Нөкис: әйемги ҳәм наўқыран қала. - Т., 2002.

¹¹ Қудияров.А. Нөкис қаласы тарийхынан // «Еркин Қарақалпақстан» газетасы, 2002 ж 13-август. Шәхәр шежиресинен бир пәрше. «Қарақалпақстан» журналы №1-3., 55-57 бб.

¹² Есназарова.З. История города Нукуса периода независимости // Автореф. Дис... канд. ист. наук. - Н., 2009.

¹³ Юсупов. О. Нөкис қаласы, оның өтмиши қандай болған? Қарақалпақстан жаслары. 2002 ж. 8-август.

¹⁴ Кунназаров Қ. Нөкис қаласының қурылыў тарийхы. - Н., 2003.

¹⁵ Хожаниязов Ғ. Нөкис – бесқала үлкесиниң сэркенти уллы кэрўан жолдың дәрбенти. Қарақалпақстан жаслары» газетасы. 2003ж № 1-3

¹⁶ Юсупов.О. Нөкис қаласы, оның өтмиши қандай болған?. «Қарақалпақстан жаслары» газетасы. 8-22 август., 2002 ж.

Тўққалъа, Қиронтов, Миздахкон мажмуаси ва Чилпиқ манзилгоҳлари мисолида кўришимиз мумкин. Эрта ўрта асрларда Амударёнинг ўнг қирғоғида мустақил Кердер давлати мавжуд бўлган. Кердер давлати таркибида Тўққалъа (Дарсан) ва Нузкас (Нузкет) манзилгоҳлари бўлган.

«Нукус» номининг ўрта аср манбаларида ҳам бир қанча олимлар асарларида тилга олинганлигини кўришимиз мумкин. Ўрта аср олимлари Ибн Хурдодбек, Қудамма ибн-Жаъфар, Ёқут, Абулғози Баҳодирхоннинг асарлари бунга мисолдир.

Тарихий-лингвистик, географик ва этнографик манбаларда «Нукус» номининг маъноси ҳақида турли хил фикрлар мавжуд. Масалан, Ибн Хурдодбекнинг «Китоб ал-масалик ва-л-мамалик» асарида «Хоразмда Журжонийга яқин катта қишлоқ «Нузкас» деб номланади» деб келтирилган бўлса, Қудамма ибн-Жаъфар ва Ёқут асарларида «Нузкас», «Нузкат» шахри ҳақида ёзилган. Ёқут 1219-йили Хоразмда бўлиб, бу саёҳати ҳақида куйидаги маълумотларни ёзиб қолдирган: «Нузкас – Хоразмда Журжонийга яқин шаҳар. «Нуз» хоразм тилида «янги» маъносини билдиради. Бундан «янги ҳовлилар» деган маъно чиқади»¹

Демак, Амударё бўйларида Хоразмда «Нузкас» шахри бўлгани маълум, лекин бу шаҳарнинг жойлашган ўрни ноаниқ. Агар эрон-форс тилидаги «Нукз», «Нукзар» сўзлари маъносига эътибор қаратсак «Олтин шох», «Олтин мугуз» маъноларини англатган, қабилла сардори шундай номланган. Бу ҳақда тарихчи олим О.Юсупов ҳам куйидагича фикр билдирган: «Нукус» ларда Алтиншақ-Алтынпишақ номли уруғ тармоғининг сақланиши ўтмиш мероси эмасмикин?»²

Хива хони Абулғози хоннинг ҳукмронлиги (1643-1663) даврида Орол бўйи халқлари ва қавмларига ер-сувдан

фойдаланишга «демографик ислохот» ўтказиш пайтида Нукуз ва Манғит бирга бўлган, Кенегес, Манғит, Нукузлар «ўн тўрт» уруғга бирлашган деган маълумотлар кўрсатилган.

Абулғозихоннинг «Шажараи Турк» асарида Нукузни инсон исми билан боғлиқ деб кўрсатади: - Элхоннинг кичик ўғли бор эди - исми Қаян. Элхоннинг укасининг ўғли бор эди. Нукуз исми ... Қаяннинг авлоди кўп бўлди. Нукузники ундан камроқ. Қаян авлодига қиёт дедилар. Нукуз авлодига икки ном кўйдилар. Бирига нукузлар, иккинчисига дурулган дедилар...³

Шунингдек, туркий тилли халқларнинг келиб чиқишида «Нукус» номи бир нечта уруғлар гуруҳи номини ҳам билдирган. Баъзи этнотопонимик тадқиқотларда эса Ноккюз, Тобун-Нокос сўзлари «қишлоқ жой», «қишлоқ ерлари» маъноларини билдиради, деб кўрсатилган.

Кўп йиллик топонимик тадқиқотлар давомида йиғилган материаллар ичида шаҳар номига кўпроқ мос келадиган этимологик сўз – «Нөкис» сўзи ҳисобланади. Аксарият хабарчиларнинг эътирофича, «Нукэс» (ну – тўққиз, кэс – баҳодир, одам) сўзи форс тилида «тўққиз одам» ёки «тўққиз баҳодир» каби маъноларни англатади. Кўрсатилган тўққизта баҳодир кейинчалик қорақалпоқ уруғларининг бири бўлган нукус уруғига асос солган. Уларга боғлиқ бир нечта вариантлардаги ривоятлар ҳам яратилган. Ривоятларга кўра тўққизта баҳодир юртни ташқи ёвлардан ҳимоя қилган, шу ернинг гуллаб-яшнашига кўп ҳиссаларини қўшишган.

Эски форс тилидаги сўзлар таркибидаги «кэс», «кэш» элементлари ҳозирги қорақалпоқ тилида «инсон» маъносини билдиради. Масалан, «пахтакеш», «мийнеткеш» сўзларидаги суффикслар инсонни, инсон касб-кори маъноларини англатади. Демак, Нукус топоними асосини нукус этноними билан боғласак, муболаға қилмаган бўламиз. Лекин, шунга қарамасдан бу борада

¹ Материалы по истории Туркмении, т 1., 436 с.

² О.Юсупов. Нөкис қаласы, оның өтмиши қандай болған. «Қарақалпақстан жаслары» газетасы 2002, 8-август.3-4 бб.

³ Абулғазы Бахадырхан. Түрклер шежиреси. - Нөкис,1994. - 32-38 б.

янада кўпроқ тадқиқот ва изланишлар олиб борилиши мақсадга мувофиқдир.

Резюме

В статье рассматриваются вопросы истории формирования топонима «Нукус», как этнотопоним каракалпакского народа.

Тавсия этувчи:

доц. Гуломов П.Н.

ХУДУДЛАРНИ ТАДҚИҚ ЭТИШДА ТОПОНИМЛАРНИНГ ИНДИКАТОРЛИК ФУНКЦИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Абдуганиев О., Кўчқарова М., Ғаниева М.

Кириш

Мамлакатимизда 2011 йил 4 мартда қабул қилинган “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Қонун топонимлар ва бошқа географик номларни чуқур илмий-амалий ўрганиш, уларнинг тарихий-географик маъносини англаб етиш борасида олиб борилаётган кенг қамровли ишларни янада такомиллаштириш вазифасини кун тартибига қўйди. Республика аҳолисини, айниқса ўсиб келаётган ёш авлодни миллий қадриятларимизни таркибий қисми бўлган жой номларини ўрганиш орқали Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш долзарб вазифалардан бирига айланмоқда.

Президент И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида “Инсон ўзлигини англаган, насл-насабини чуқурроқ билган сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб, улғая боради. Илдиз қанча теран бўлса, туғилиб ўсган юртга муҳаббат ҳам шу қадар юксак бўлади” (1. 14 б.) деган теран ва узокни кўзлаб билдирган фикр-мулоҳазаларини ёдга олиш ўринли деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистонда географик объектларга ном бериш ишларини тартибга солиш масалларининг тўла ҳуқуқий-норматив базаси яратилди. Бу борада “Ўзбекистон Республикасида маъмурий-худудий тузилиш, топономик объектларга ном бериш ва номларни ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида”ги Қонун (1996), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасидаги маъмурий-худудий бирликлар, аҳоли пунктлари, ташкилотларга ва бошқа

топонимик объектларга ном бериш ишларини тартибга солиш тўғрисида”ги 2004 йил 11-августдаги 383-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий-худудий тузилишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПК-120-сонли қарори ҳамда 2011 йил 4 мартдаги “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди.

Тадқиқотнинг мақсади

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ жой номларини ўрганиш ва миллий қадриятларимизга мос келмайдиган жой номларини истеъмолдан чиқариш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан долзарб вазифа сифатида белгиланган эди. Чунки, жой номлари, миллий ўзлгимизни англаш, маънавий қадриятларимизни қайта тиклашнинг асосий воситаларидан биридир.

Ушбу йўналишда жойларда олиб борилаётган илмий-амалий изланишлар жонли мулоқотлар ҳамда ўтказилаётган мониторинглар чоғида вилоятимиз худудидаги атамаларни ва географик номларни мукамал билувчи юқори малакали географ-топонимист мутахассисларнинг етишмаётганлиги яққол кўзга ташланмоқда. Мазкур мақоланинг асосий мақсади худудлардаги жой номлари ва географик атамаларни амалдаги қонунлар доирасида қайта ўрганиб чиқиш ва ягона тартибга солиш ҳамда республикада топонимларининг мукамал харитасини яратиш муаммоларини Фарғона вилояти мисолида кўриб чиқишдан иборатдир.

Бирламчи маълумотлар ва уларнинг тавсифи

География фани ва таълими жой номлари билан узвий боғланган. Географияда бирор маълумот йўқки, у жой номи билан боғланмаган бўлсин. Жой номлари, уларнинг маъноси, келиб чиқишини билмасдан туриб, шу жой географиясини тўлиқ ўрганиб бўлмайди. Географик номлар кўп қиррали ва хилма-хил ахборот манбаи бўлиши билан бирга, кишилиқ жамияти учун зарур ва муҳим бўлган ижтимоий-сиёсий вазифани, яъни адреслик функциясини ҳам бажаради (Охунов, Аҳмадалиев, 2010).

Юқоридаги ҳуқуқий-меърий ҳужжатлар асосида Республика миқёсида географик объектларга ном бериш ва жой номларини ўзгартириш бўйича олиб борилаётган ишлар белгиланган тартибда расмийлаштирилмоқда ҳамда жойларда топономик комиссияларнинг фаолиятни самарали йўлга қўйилмоқда. Лекин, ягона илмий-объектив тамойилларнинг йўқлиги географик объектларга ном беришда бир хилликдан қутилиш имконини бермайди ҳамда жой номларининг амалий ва назарий аҳамиятига путур етказмоқда.

Фарғона вилоятида кўчаларни қайта номлаш ва шохкўчалар ташкил этиш бўйича топонимик комиссиялар фаолияти натижасида вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидаги географик объектларнинг номларини қамраб олган топономик харитаси шакллантирилди. Топономик харита асосида кўчаларнинг номларини ўзгартириш ва қайта номлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди. Топонимик комиссияларнинг таклифларини қуйидаги мезонлар асосида ўрганилди; жой номида географик объектга энг хос бўлган белгиларнинг акс этиши; берилган таклифларни ҳудудаги географик объектлар номларининг мавжуд тизимига мос тушиши; маҳаллий аҳолининг фикрини ўрганиш ва ҳисобга олиниши; берилган номлар қисқа ва маъноли бўлиши. Шунингдек, жойларда географик объектларнинг тарихий номларини ўрганишга ва бу номлар Ўзбекистон халқининг тарихий-маданий қадриятлари ҳамда мероси билан боғлиқ

бўлса уларни тиклашга ҳам эътибор қаратилади.

Асосий натижалар ва уларнинг муҳокамаси

Географик номлар аждодларимизнинг асрлар давомида яратган ва бизга маънавий-маърифий мерос қилиб қолдирилган бойлиги, уни асраш эса ҳар биримизнинг вазифамиз. Бундан ташқари, географик объектлар мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида ўз инъикосини топади. Географик объектларнинг номлари аҳолининг қадимий хўжалиқ юритиш шакллари, ишлаб чиқаришнинг етакчи тармоқлари, қазиб олинган фойдали қазилма жойлари, ўтмишдаги карвон йўллари, ривожланган ҳунармандчилик турлари, халқларнинг тарқалиш ареали каби маълумотларни аниқлаш имкониятини беради.

Географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисида берилган таклифлар кўп ҳолларда таҳрирга муҳтож бўлиб қолмоқда. Масалан, Фарғона вилояти бўйича географик объектлар номларини тўлиқ инвентаризациядан ўтказиш ва амалдаги қонун талабларига мувофиқлаштириш юзасидан амалга оширилган ишлар натижасида қуйидагилар аниқланди:

- иккинчи гуруҳга оид бўлган шахс номларини (А.Икромов, М.Ибрагимова, Ж.Олимов, Э.Эралиев ва бошқ.) мавжудлиги. Шунини айтиш керакки, ўтмишда Ўзбекистон ҳудудида яшаган машҳур кишилар номларини шаҳар ёки қишлоқларга қўйиш расм бўлмаган, аксинча, машҳур тадқиқотчилар, олимлар ва шоирлар ўзлари туғилиб ўсган жойларининг номларини қўшиб аташган;

- бир хил маънога эга бўлган, такрорий ва қайталанувчи номларнинг кўплиги (Обод, Ободон, Зиё, Зиёнуор, Нурафшон, Лашкар 1, Лашкар 2, Чек-1, Чек-2 ва бошқалар);

- вазиятдан чиқиш мақсадида ёки тасодифий берилган номлар (Буюк Ипак йўли, Шарқ юлдузи, Донишманд, Маърифат, Тонг юлдузи, Наврўз ва бошқалар).

-чукур маънога ва аҳамиятга эга бўлмаган номлар (Шодлик, Шухрат, Гўзаллик, Ёшлик, Тушлик, Меҳнат, Ибрат, Ораста, Ёркин, Дурдона, Қалб нури, Қалб садоси, Латофат, Навқирон, Нафосат ва бошқалар).

Юқорида келтирилган номлар Ўзбекистон халқининг миллий анъаналари ва менталитетига мос келмайди. Мазкур номларнинг географик объектларга берилишига ҳамда уларнинг номлари шу руҳда ўзгартирилишига йўл қўймаслик лозим. Бундай муаммолар ечимида биринчи навбатда соҳа мутахассислари томонидан республикада олиб борилаётган топонимик сиёсатнинг талабларига жавоб берадиган амалий топонимиканинг ягона илмий концепциясини ишлаб чиқишга эҳтиёж катталигини кўрсатмоқда. Шунингдек, ҳудуднинг географик жойлашувига ва унинг ҳудуддаги географик объектларга қаратиш ҳамда “кўчиш” қонуниятидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият - энгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. –б. 19.
2. Охунов Н., Аҳмадалиев Ю. Фарғона вилояти ойқонимларининг номланиш хусусиятлари. – Тошкент: “Фарғона”, 2010.
3. Qoraev S. Toponimika. – Toshkent, 2006. - 320 b.
4. Ҳақимов Қ. М. Жой номларининг шаклланишида минтақанинг ижтимоий–иқтисодий географик хусусиятлари (Жиззах вилояти мисолида) // География фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошент, 2010.
6. Ҳасанов Х. Географик номлар сири. – Тошкент: Ўзбекистон, 1985. - 120 б.

Резюме

В данной статье рассматриваются возможности использования индикационной функции топонимов при изучении территории.

Тавсия этувчи:

доц. Миракмалов М.Т.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ТОПОНИМИЯСИДА ЭТНОТОПОНИМЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Ғуломов П.Н., Уринбаева Ф.Б.

Қорақалпоғистон этнотопонимларининг асосий қисми қорақалпоқ уруғлари номлари билан боғлиқ вужудга келган топонимлардан иборат. Улар Қорақалпоғистоннинг шимолий қисмида айниқса кўпчиликни ташкил қилади. Қуйида биз қорақалпоқларнинг йирик иккита араси (уруғларнинг катта бирлашмаси) – Қўрғирот араси билан ўн тўрт уруғ араси уруғларидан вужудга келган топоним-

Масалан, Анҳор бўйи, Соҳил бўйи, Дўнг тепа, Чинор таги, Тол кўча, Кўл бўйи, Боғ таги, Чукур кўча Булоқбоши, Мозор таги, Араб тепа, Ўрда таги, Азиз тепа, Қумтепа, Қизилтепа, Тепа таги, Теракзор ва бошқалар.

Хулоса

Ўзбекистонда лотин графикасига асосланган ўзбек алифбосининг жорий қилиниши ушбу муаммонинг долзарблигини янада оширди. Шу сабабдан, ҳар қандай географик объект номи ёзилишининг расмий ва умумий истеъмол учун ягона шаклини аниқлаш ва қатъийлаштириш, яъни географик номларни миллий стандартлаштириш зарур, чунки мамлакат ичида расмий тан олинган номларгина халқаро истеъмол учун тавсия этилиши мумкин. Бошқача айтганда, олиб борилаётган топонимик сиёсатнинг талабларига тўлиқ жавоб берадиган ягона илмий концепция ишлаб чиқилса, мавжуд муаммоларнинг ечими анча осонлашади.

ларга кенгроқ тўхталиб ўтамыз.

Қорақалпоқлар миллат сифатида тарихда ўз номи билан XV-XVI асрлардан бошлаб тилга олина бошлади. Бу даврларда улар Орол денгизининг шарқий соҳилларида (Сирдарёнинг қуйи оқими атрофларида) яшаганлар, кейинчалик эса XIX аср бошларида қорақалпоқларнинг кўпчилик қисми Амударё

бўйларига кўчирилган.¹ Мазкур ҳудудда қорақалпоқлар илгаридан қавм ва уруғларга бирлашган ҳолда истиқомат қилишган. Амударёнинг этагида жойлашган қорақалпоқларнинг уруғ системаси қўнғирот ва ўн тўрт уруғ бўлиб, иккита арисга бўлинган. Қарақалпоқ халқининг мазкур арислари илгариги даврларда ўзларининг яшаш ҳудудларига эга бўлишган. Ўн тўрт уруғ арисининг қавмлари Амударёнинг ўнг соҳилида Кегайли каналининг икки қирғоғи бўйлаб ҳозирги Нукус, Чимбой, Кегайли туманлари ҳудудларида яшаган. Қўнғирот арисининг қавмлари Орол денгизидан жануби-ғарбда ва Амударёнинг чап соҳилида ҳозирги Тахтақўпир, Мўйноқ, Қўнғирот, Қанликўл, Шўманай ва Хўжайли туманлари ҳудудларида яшаган.

Қўнғирот ариси шуллик ва жаунғир деб номланувчи икки қисмдан иборат. Шуллик қисмининг таркибига қият, ашамайли, қолдаули, қостамғали, балғали, қандекли, қарамойин, муйтен уруғлари киради. Жаунғир қисмига теристамғали, бақанли, маужейли, тийекли, ирғакли, баймақли, қазаякли, уйғир уруғлари кирган. Шуллик ва жаунғир қисмларининг мазкур уруғлари ўз навбатида бир нечта уруғ ва кичик уруғларга бўлинган. Ўн тўрт уруғ ариси катта тўртта уруғдан иборат. Улар - қитай, қипчоқ, кенегес ва манғит. Бу уруғлар ҳам бир нечта майда уруғларга бўлинган.²

Қипчоқлар – қадимда Марказий Осиё, шунингдек, Шарқий Европа халқларининг тарихида катта ўрин тутган кўп сонли қавмдир. Улар Ўрта Осиё ва Қозоғистондаги қозоқ, ўзбек, қорақалпоқ, қирғиз (туркий халқлар) ва бошқа халқларнинг умумий этник номи бўлди. Қипчоқлар босиб олгандан сўнг Жанубий Русь далалари Днепрдан бошлаб Волгадан шарқдаги ерларгача XI асардан XV асргача ўтган даврда араб ва форс адабиётларида «Дашти Қипчоқ», яъни «Қипчоқлар даласи» деб номланди.³

Қорақалпоқ топонимиясида қипчоқ

этноними билан боғлиқ бир қанча географик номлар сақланган. Масалан, Қипчоқовул (Чимбой, Қораўзак, Бозатаў, Кегайли, Тахтақўпир туманларида). Қорақалпоғистоннинг бошқа туманларида ҳам бу этноними билан боғлиқ топонимлар учрайди: Мўйноқ туманида Қипчоқовул, Қипчоқдарё, Шўманай туманида Қипчоқовул, Қўнғирот туманида Қипчоқовул, Қипчоқ жап, Амударё туманида Қипчоқ номли аҳоли пункти мавжуд. Улар аксарият ҳолларда ўзбек ва қозоқ халқларининг таркибига кирадиган қипчоқ уруғи номларига боғлиқ қўйилган. Қипчоқлар, асосан, етти кўча ва олти ота бўлиб иккига бўлинади. Етти кўчага: яби, арик, жадик, бағанали, майибалта, жағалтай, салтир уруғлари, олти отага – толис, басар, қанжигали, шунақ, естек, тубай, сангмури уруғлари ва қанглилар киради. Бу этнонимлар ҳам қуйидаги географик номларни ҳосил қилган: Салтировул, Сангмуриновул, Шунақовул, Ябиовул, Ашамайлиовул (Чимбой, Кегайли), Толисовул, Ирғаклиовул, Сумбиловул (Нукус тумани) ва х.к.

Қитай ўн тўрт уруғ арисининг бир уруғи. Бу қавмларнинг келиб чиқишини кўпчилик тарихчи ва этнографлар XII асрда Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг бир қисмини эгаллаб олган қора хитойлар ёхуд қиданлар билан боғлайдилар.⁴ Қорақалпоқлардаги қитай қавмига бир нечта уруғлар киради: аралбай, қирик, қуйин, манжули, боклитай, шеру-ши, айтеке, анна, қазаякли, қайшили, бексийик, бессари. Бу уруғларнинг ҳаммасининг номлари билан аталган топонимлар Қорақалпоғистоннинг шимолий туманларида кенг тарқалган: Қуйиновул (Қораўзак, Чимбой, Нукус туманлари), Қириковул, Шеруши овули, Айтеке овули, Аралбай овули, Боклитай овули (Чимбой, Кегайли), Манжули овули (Чимбой), Анна овули (Чимбой, Кегайли, Тахтақўпир, Нукус туманларида) ва х.к.

Қитай овули номи Қўнғирот туманида ҳам учрайди. Унинг аҳолисининг

¹ Қорақалпоғистон АССР тарийхи. - Нөкис, 1989. 23 б.

² Жданко Т.А. Очерки исторической этнографии каракалпаков. - М.-Л., 1950. - 37-62 бб.

³ Греков Б.Д., Якубовский А.Ю. Золотая Орда и её падение. - М., 1950. - С.17.

⁴ Жданко Т.А. Очерки исторической этнографии каракалпаков. - М.-Л., 1950. - 44 б. История Казахской ССР с древнейших времен до наших дней. Т., 2. - Алмата, 1979. 37 б.,

кўпчилик қисмини қозоқлар таркибига қирадиган қитай уруғининг вакиллари ташкил қилади. Манғит этноними билан боғлиқ номлар Қорақалпоғистонда унчалик кўп эмас, лекин қорақалпоқларнинг манғит қавмига қирувчи уруғларга боғлиқ қўйилган объектлар кўп.

«Бул қавмга 4 гуруҳга бўлинган 19 уруғ қиради... Манғит қавмининг умумий сони 11791 бўлиб, 70 фоизи Кегайли волостида яшайди» [1]. Ҳозирги вақтда эса бу уруғ таркибига қирувчи уруғлар номлари Қорақалпоғистон шимолида жойлашган бир қанча ҳудудларда учрайди. Масалан, Мамикши овули (Чимбой, Кегайли, Нукус туманларида), Қилқали овул, Қилқали жап (Кегайли туманида), Шуйитовул (Қораўзак, Чимбой, Нукус тумани), Шуйитжап (Чимбой, Кегайли), Жаманшаой (Кегайли) ва ҳ.к. Манғит номини қозоқ олимлари мўғил тилидан олинган деб кўрсатади [4]. Ёзма манбаларда кўрсатилишича, манғитларнинг ота-боболари XIII аср бошларида Мўғилистонда яшаган мўғил қавмларидан бири бўлган. Улар XIII асрда Дашти Қипчоққа келиб жойлашган ва XVI асрда Ўзбекистоннинг ҳозирги ҳудудига кўчиб келган.

А.Ишаев ўз асарларида манғит сўзи «манқит» сўзидан келиб чиққан, яъни «ман» араб тилида «маън қилинган» ва «қит» - «қимматчилик» сўзларидан вужудга келган деб кўрсатса, баъзан манғит одам исми деб кўрсатади [2]. Кейинчалик у манғит сўзини ҳар томонлама ўрганиб, бурят-мўғилча «менгоод», яъни «минглар» сўзидан келиб чиққан, деган

хулосага келади [3].

Кенегес – қорақалпоқларнинг ўн тўрт уруғ арасига қирган катта уруғларнинг бири. Бу этноним ўзбек ва туркманлар таркибида ҳам сақланиб қолган. Кенегес этнонимига боғлиқ номлар Қорақалпоғистоннинг бир қатор туманларида учрайди: Кенегес овули (Чимбой, Кегайли), Кенегесжап (Бўзатов туманида). Кенегеслар таркибига қирувчи минжир, нукус, оймауит, ақтоғин, аранши, гобдир уруғларининг номларидан ясалган топонимлар қуйидаги топонимларни ҳосил қилган: Минжир овули, Минжир жап (Чимбой), Нукус (Қорақалпоғистон пойтахти), Нукус овули (Чимбой, Кегайли), Оймауит овули (Кегайли) ва ҳ.к. Қорақалпоғистон ҳудудида жойлашган топонимларнинг асосий қисми этнотопонимлардан иборат эканлигини топонимист олим С.Қораев ўзининг қатор асарларида эътироф этган: «Лексик жиҳатдан Қорақалпоғистон топонимларининг 1/5 қисми этнотопонимлар ҳисобланади ... Ойконимлар таркибида қорақалпоқ уруғ номларидан ташқари ўзбек, қозоқ ва туркманларнинг уруғ-аймоқ номлари ойконимлар шаклида республика харитасидан жой олган» [5].

Ҳақиқатдан ҳам ҳозирги пайтда этник номлар асосида ҳосил бўлган топонимлар Қорақалпоғистон топонимиясининг катта қисмини ташкил қилади. Бу қорақалпоқ халқининг уруғ-қабилаларга бўлиниши узоқ даврлардан буён сақланиб келганлигидан дарак беради.

Адабиётлар:

1. Жалилов. О. XIX-XX аср бошларидаги Қорақалпоқлар тарихига оид муҳим ҳужжатлар. - Т., 1977. - 106 б.
2. Ишаев А. Манғит сўзининг этимологияси ҳақида// Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. 1958 №2, 63-65 б.
3. Ишаев А. Шимолий Хоразмдаги баъзи топонимик номларнинг этимологияси. - Т., 1964. - 159-163 б.
4. Номинханов Ц.Д. Исследования по тюркским и монгольским языкам. - Алма-ата, 1976. - 13 б.
5. Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари. - Т., 2005. - 189-202 б.

Резюме

Статья посвящена вопросам истории формирования топонимов, связанных с группой племён Кунграт и четырнадцати племён и их географии.

Тавсия этувчи:

доц. Миракмалов М.Т.

ТОПОНИМИК РАЙОНЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ*Низомов А.*

Табиий фанлар тизимини ўрганиш жараёнини районлаштириш методисиз тасаввур қилиш қийин. Чунки бу метод энг илғор ва синалган билиш воситаси сифатида ҳар бир йўналишда муҳим аҳамият касб этади.

Районлаштириш деб эса ҳудуднинг маълум қонуниятлар асосида жойлашган хусусиятига кўра географик ўрнига боғлиқ бўлган тадқиқ этилиши объекти ва жараён, ҳодисаларни илмий асосда тизимли ўрганишга айтилади. Районлаштириш турли мақсадларда амалга оширилади. Масалан, табиий географик районлаштириш, иқтисодий географик районлаштириш, этнографик районлаштириш, иқлимий районлаштириш ва ҳоказолар. Ҳудди шунингдек, топонимика фанини ўрганишда ҳам районлаштириш методидан омилкорлик билан фойдаланиш мумкин. Топонимик районлаштириш масаласи барча фанлардагидек топонимикада ҳам тугал тарзда ўз ечимини топмаган. Топонимик районлар эса табиий географик ёки иқтисодий географик районлар каби табиатда айнан такрорланмайдиган муайян бир ҳудудда жойлашади ва алоҳида географик номга эга бўлади. Албатта, топонимик районларнинг бир-бирларига ўхшашлик жиҳатлари ҳам мавжуд бўлиши табиий, аммо улар ўзларининг асосий хусусиятлари билан фарқланиб туради.

Топонимик районлаштиришнинг ҳам ўзига хос тамойиллари мавжуд бўлиб, у бундай районлаштиришнинг объектив мавжудлигига амал қилишдан иборатдир. Районлаштириш бирликлари тизими топонимик бўлинишнинг мавжуд қонуниятларини акс эттиради. Шунинг учун ҳам топонимик районларнинг чегаралари тадқиқотчининг хоҳишига, районлаштиришнинг мақсад ва вазифаларига боғлиқ бўлмасдан, аксинча, топонимларнинг табиий равишда географик жойлашиш хусусиятларини акс эттирган ҳолда ўтказилгандагина

ҳақиқий илмий натижага эришиш имкониятига эга бўлади. Шу тариқа топонимик районлаштиришнинг ўзига хос тартиблари шаклланади. Улар куйидагилардан иборат:

Ҳудудий жиҳатдан бирлик тартиби.

Бу тартибнинг асосини ўрганилаётган ҳудуднинг топонимик кўрсаткичларига кўра майдон жиҳатдан яхлитлиги ташкил этади. Ушбу майдонлар бир-бирларидан фарқланувчи хусусий белгилардан ташкил топганлиги учун яхлит район тарзида акс этади ва худди шу кўрсаткичи билан бошқа ҳудудлар бўлиб, айнан қайтарилмайди. Аммо бирмунча ўхшаш кўрсаткичларга эга бўлиши мумкин.

Топонимларнинг шаклланиш тарихига асосланган тартиб. Маълумки, барча ҳудудларда топонимлар бир хил ривожланиш тарихига эга эмас. Айрим ҳудудлар бўйлаб топонимлар қадимийроқ, айрим жойларда эса улар бирмунча янгироқ ва генетик жиҳатдан турли миллат сўзларини ташкил этувчи ўзаклардан иборат бўлиши билан фарқланиб турса, баъзан эса бир-бирларига турли кўрсаткичлари билан, масалан, жуда ўхшашлик хусусиятлари билан ажратилади. Топонимик районлаштиришнинг айнан шу кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда ҳам амалга оширилиши мақсадга мувофиқ-дир. Демак, бу тартиб асосини топонимларнинг стратиграфик қатлами ташкил этади, дея тушуниш мумкин.

Комплекслилик тартиби. Бу тартибга риоя қилган ҳолда топонимик районлаштириш олиб борилад экан, атамаларнинг айрим етакчи, яъни кўп учровчи турлари (масалан этноним, гидроним ёки оронимлар) эмас, балки барча турлар бўйича ҳосил бўлган топонимлар биргаликда олиб таҳлил этилади ва маълум ҳудудлар бўйича гуруҳларга ажратилади. Шундай қилинганда топонимик районлаштириш комплекс тарздаги тартиб асосида амалга

оширилади.

Нисбий бир хиллик тартиби. Топонимлар маълум ҳудудларда бир-бирларидан айнан фарқ қиладиган кўпгина гуруҳларга ажралиб кетади. Нисбий бир хиллик тартибини қўллаб топонимик районлаштиришда ана шу гуруҳларнинг ўхшашлик хусусиятларига қараб ҳудудлар яхлитлаштирилади, тафовутларига қараб эса қисмларга ажратилади. Асосий ўхшаш хусусиятларини белгилаш эса, районлаштириш босқичларига ҳамда тадқиқот олиб борилаётган ҳудуднинг ўлчамига кўра қисмларга ажратилади, бу жараёни амалга оширишда топонимларнинг энг яқинлари генетик жиҳатдан бир хиллари ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади.

Топонимик районлаштиришни амалга оширишда қўлланиладиган усуллар. Ўрганилаётган ҳудудни топонимик жиҳатдан районлаштириш жараёни бир мунча мураккаб бўлиб, уни амалга оширишда турли методларни қўллаш лозим бўлади. Улар турли топонимик маълумотларни бир-бирларига таққослаш методи, топонимлар миқдорини генетик келиб чиқишига кўра тавсифлаш методи, картографик метод, топонимларни бевосита дала шароитида ўрганиб аниқлаш методи, сон жиҳатдан кўп бўлган етакчи топонимларни саралаб олиш методи. Ушбу методларнинг қисқача тавсифи қуйидагичадир.

Турли карталарда акс этган топонимик маълумотларни бир-бирларига **таққослаш** усули. Ушбу методнинг моҳияти шундан иборатки, турли мақсадларда қилинган географик карталарда акс этирилган топонимик маълумотлар бир-бирларига таққосланиб ўрганилади. Ушбу методни қўллаш туфайли топонимларнинг ўзак тузилиши ойдинлашиб, қандай маъно, мазмун касб этишини фарқлаш енгиллашади.

Топонимларни генетик келиб чиқишига кўра миқдор жиҳатдан **устунлигини** аниқлаш методи. Бу

методнинг моҳияти бир хил келиб чиқишга эга бўлган топонимларнинг географик тарқалиш чегараларини ўтказишда аниқликка эришилади, яъни топонимларнинг ареаллари аниқланиб яхлитланади ва шу восита ёрдамида топонимик районлар чегарасини ўтказишга эришилади.

Картографик усул. Ушбу усулнинг моҳияти умумий географик ҳамда махсус хариталарни (геологик, геоморфологик, тупроқ, иқлим ва ҳоказолар) таҳлил қилиш орқали топонимларнинг тарқалган ҳудудларини аниқлаш ҳамда районларни бир-бирларидан ажратиб турувчи чегараларни ўтказишда ўша маълумотлардан фойдаланишдан иборатдир.

Топонимлар мазмунини бевосита дала шароитида аниқлаш ҳамда йиғилган дала маълумотлар асосида районлар чегарасини ўтказиш усули. Бу усул тўғридан-тўғри дала шароитида олиб борилаётган тадқиқотларнинг асосини ташкил этади. Шу боисдан кўплаб янги маълумотлар тўплаш ва шу асосда топонимик районларнинг чегарасини аниқроқ тартибда ўтказишга эришилади.

Ҳудудлар бўйлаб тарқалган топонимлар генетик келиб чиқишига кўра бир хил тарзда тарқалмаган. Масалан, айрим ҳудудларда оронимлар кўпроқ учраса, айрим ҳудудларда гидронимлар ёки петронимлар гегемонлик қилади. Уларнинг тарқалиш ареалларини эса ўзига хос кўринмас эгри чизиқ ажратиб туради. Айнан ўша эгри чизиқ топонимик районлар учун чегара ўрнини ўташи мумкин. Демак, бирон топонимнинг сон жиҳатдан кўпроқ учраши ўша жойнинг ўзига хос табиий географик шароитидан дарак беради ва у алоҳида район тарзида ажралиб туради.

Шу тартибда топонимик районлаштириш амалга оширилади. Топонимик атамаларнинг ижтимоий-иқтисодий категория эканлигини инобатга олган ҳолда топонимик районлар чегарасини ўтказиш ва уларни маълум ҳудудларга ажратишни шартли деб билмоқ зарур.

Адабиётлар:

1. Дўсимов З., Эгамов Х. Жой номларининг қисқача изоҳли луғати. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1977.

2. Камолиддинов С.Ш. Древнетюрская топонимия Средней Азии. – Тошкент: “Шарк”, 2006.
3. Маматқулов М. Топонимика. – Тошкент: ГДПУ, 2001.
4. Миракмалов М.Т. Халқ табиий-географик терминлари. – Тошкент: ЎзМУ, 2009.
5. Мурзаев Э.М. Очерки топонимики. – М.: «Мысль», 1974.
6. Нафасов Т. Қишлоғимиз нега шундай аталган?. – Тошкент: “Фан”, 1989.
7. Сағдуллаев А. Ўзбекистон илк ёзма манбаъларда. – Тошкент: “Фан”, 1996.
8. Улуғов Н. Ўзбек тили гидронимларининг тарихий-лисоний тадқиқи. – Тошкент: “Фан”, 2008.
9. Эназаров Т.Ж. Номшунослик масалалари. – Тошкент: ЎзМУ, 2010.
10. Қораев С. Географик номлар маъноси. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1978.

Резюме

В данной статье освещаются основные принципы топонимического районирования.

Тавсия этувчи:

доц. Ғуломов П.Н.

ТУРИСТУ О НАЗВАНИЯХ КАЗАХСТАНСКИХ ГОРОДОВ

Тажекова А.Ж., Налибаев К.К.

Названия населенных пунктов – городов, рабочих поселков и сельских поселений – один из важнейших элементов топонимической системы любой территории. Это обусловлено, прежде всего, огромной ролью городов в жизни человечества и их большим количеством. **Чрезвычайно** важны они и для туризма, так как туристские базы, туристские гостиницы, кемпинги, мотели зачастую приурочены к городам или другим **населенным** пунктам и даже сами носят их названия.

В то же время города, являясь местами сосредоточения материальной и духовной культуры человечества, выступают в качестве наиболее популярных туристских объектов: посещение городов, знакомство с их прошлым и настоящим, с памятниками архитектуры, музеями и предприятиями.

Города на территории Казахстана существуют с глубокой древности, но их быстрый рост начался с развитием социализма в КазССР. Количество городов в суверенном Казахстане непрерывно растет. Их число уже превысило 80. Кроме городов, в нашей стране имеется 210 поселков городского типа – своеобразных «кандидатов в города» [1].

Рассмотрение названий городов начнем с имен, образованных от географических терминов, обозначающих различные виды населенных пунктов. Среди них на первом месте по частоте

употребления стоит термин город (тюркские названия «кент», казахские названия «қала»). Например, в настоящее время столица Казахстана Астана (из казахского «астана» - «столица»), Шымкент, Озкент, Жаркент, Сарканд, Жанакала, Аксукент и др.

В Казахстане есть города, названия которых оканчиваются местоименным суффиксом «стан», которые обозначали «страну». В Южно-Казахстанской области находится «духовная столица Казахстана» – Туркестан [2].

От терминов, обозначающих положительные формы рельефа (казахские названия «тас» (камень), «тобе» (холм), «тау» (гора), русские названия «гора»), возникло множество городских названий: Жанатас, Ерейментау, Уштобе, Темиртау, Кентау, Хромтау, Каратау, Каркаралинск, Усть-Каменогорск, Степногорск и др.

Встречается и менее распространенные термины. Главным образом отрицательные формы рельефа, такие города как Аксай (белый овраг), Жетысай (семь оврагов), Шардара (от персидского «четыре оврага»).

Обильна топонимия и терминами растительного происхождения, типа покрова и грунтов. Например, город Талдыкорган (Алматинская область) от слова – «тал» - дерево, «корган» - крепость, а также города Караганда (вид кустарника), Кандыагаш (вид дерева), города Сарань (солончак), Степняк берут

названия от типа почвенного покрова и ландшафта.

Города, возникая в речных долинах, получают названия не только по элементам их долины и русла, определяемым народной географической терминологией, но и чаще названия самих рек. Нередко название рек без какого-либо изменения становится названием города, например, Орал (река Урал), Тараз (река Талас), Эмба (река Эмба), Есиль (Река Есиль), Жем (река Жем), Шу (река Шу), Каскелен (речка Каскелен). Атырау который расположен в низовье реки Урал. Казахское слово «атырау», это географический термин, обозначающий дельту реки.

Географическое положение также послужило поводом для возникновения многих других названий. На берегах озер (казахские названия «кол») находятся Балхаш, Аральск, Зайсан, Тайынша, Капшагай, Приозёрск.

Очень многие названия городов образованы личными именами людей (антропонимы). Происхождение таких названий различно. Названия многих городов имеют в своей основе личные имена, прозвища, фамилии, например: Абай (от имени выдающего казахского поэта Абая Кунанбаева), Сатпаев (от фамилии первого казахского академика-геолога Каныша Имантаевича Сатпаева), Жамбыл (от имени знаменитого поэта Жамбыла Жабаева), Курчатов (от фамилии советского физика, академика Игоря Васильевича Курчатова), Форт-Шевченко (от фамилии украинского поэта Тараса Шевченко). Среди них нередко встречаются города, названные именами императоров, князей, промышленников. Например: город Павлодар (от имени русского императора Павел I), название городов – Державинск, Зыряновск, Макинск, Лисаковск, Булаево, Мамлютка, Сергеевка связаны с русскими **колонистами**, Риддер и Ленгер – с именами промышленников.

В названиях городов, как и в названиях других объектов, довольно широко используются разного рода определения: большой, малый, верхний,

нижний, великий, средний, старый, новый и другие, сочетающиеся с географическими терминами собственно или сами образующие топонимы. Например: город Жанаозен (новая река), поселки Ески Икан (старый Икан), Жанаталап (новый) и др.

Из цветовых обозначений в названиях наиболее часто встречаются красный, выступающие в нескольких различных значениях. Это, прежде всего город Кызылорда (красная (столица) орда). Определение белый, встречающееся несколько реже, также выступает в нескольких функциях: Актобе (белая возвышенность), Акколь (белое озеро), Аксу (белая вода). Оно может определять реальный цвет местности, окружающий город, сложенной породами белого цвета, например город Актау.

А также встречаются города с другими цветовыми обозначениями в названиях: Кокшетау (зеленоватая гора), Байконур (коричневый), Жити кара (семеро черных), Кульсары (жёлтый), Сарыагаш (жёлтое дерево), Каражал (черная грива).

Какая-то часть названий городов имеет в основе имена «святых». Это Арыстанбаб - духовный учитель видного суфиста Ахмеда Яссави, Петропавловск – город выросший из укрепления и названный по построенной в нем церкви «святых Петра и Павла» [3].

Производственный профиль городов с самого начала развития ремесла и промышленности служит важным признаком для городских названий. Сами за себя говорят названия городов Темир (железо), Серебрянск, Шахтинск, Рудный, Шучинск.

В замечательном памятнике картографии и географии «Книга Большому чертежу» (1627) указано, что вблизи реки Илек «есть гора Тустеби, по-русскому Соляная, ломают в ней соль». В 1744 году здесь началась промышленная разработка соляных копей, а в 1754 году для защиты от казахов-кочевников была построена крепость Илецкая Защита, которую после нескольких переименований с 1945 года называют Соль-Илецк.

В наши дни соляной купол Туз-Тюбе («соляная гора») дает высококачественную каменную соль. Здесь добывается гипс, создан местный грязелечебный курорт.

У северо-восточной окраины Аральского моря, вблизи города Аралсульфат (бывший Аралсоль), находятся промыслы, дающие, кроме сульфатов, и поваренную соль для южных районов Казахстана [4].

Литература:

1. Хайрлиев И.Н., Кожаметов М.К. Экономическая и социальная география Республики Казахстан. – Караганда, 1997.
2. Мурзаев Э.М. Очерки топонимики. – М.: Мысль, 1974.
3. Поспелов Е.М. Туристу о географических названиях. – М.: Профиздат, 1988.
4. Конкашпаев Г.К. Словарь казахских географических названий. – А., 1963.

Резюме

Мақолада Қозоғистон Республикаси шаҳарларининг номлари, яъни ойконимларнинг бир тури – урботопонимлар тўғрисида сўз юритилади.

Рекомендуэт:

проф. Салиев А.С.

ГЕОГРАФИК ОБЪЕКТЛАР ТАБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ УЛАР НОМЛАРИДА АКС ЭТТИРИЛИШИ

Саидова Н.П.

Жойнинг табиий хусусиятлари кўп ҳолларда уларнинг номларида – топонимларда акс этади. Дунё харитасида бундай номларга жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Мамлакатимиздаги Чирчиқ номи тоғлар орасида тез оқувчи, жўшқин дарё, тўполон – тоғдаги текис жой, Зарафшон – зар келтирувчи, Кўксув - тоза, тиниқ сувли дарё, Оксув-тоғдан, баланддаги қордан бошланувчи сув, Евросиёдаги Оқ денгиз- шимолий денгиз, Қорақум- куми кўчмайдиган, мустаҳкамланган кум, Ўлик денгиз – ўта шўр, жониворлар яшамайдиган денгиз, Жомолунгма тоғи- булутлар орасидаги тоғ, Хуанхе- сариқ сувли, лойқа сувли дарё маъноларини беради. Бундай мисолларни минглаб келтириш мумкин.

Мен хизмат юзасидан 2013 йилда Тошкент вилоятининг бир қанча

қишлоқлари ва шаҳарларида бўлдим. Жой номлари билан ҳам қизиқдим. Топонимларнинг шаклланишига жойнинг мутлақ баландлиги, рельеф шакллари катта таъсир кўрсатар экан. Тошкент вилоятининг 1:450 000 масштабда табиий харитасида берилган географик объектларнинг номларини ўрганиб чиқдим. Уларнинг денгиз сатҳидан баландлиги ва рельефга боғлиқ ҳолда жойлашиш хусусиятларини ўрганишга ҳаракат қилдим. Бунинг учун харитадан мутлақ баландлиги 400 м гача ва 400 м дан 800 м гача ҳамда ундан баланд бўлган худудларларни аниқладим. Сўнгра ҳар бир худудда топонимларнинг қанча фоизи ижтимоий-иқтисодий, қанча фоизи табиий хусусиятлар билан боғлиқ эканини аниқладим. Бунда қуйидаги натижа маълум бўлди.

Денгиз сатҳидан баландлиги	Жами географик номлар	Табиий хусусиятларга боғлиқ номлар		Иқтисодий - ижтимоий хусусиятлар билан боғлиқ номлар	
		Сони	% ҳис	Сони	% ҳис
400 м гача	41	11	26,9	30	73,1
400- 800 м	40	21	52,5	19	47,5
800- 4000 м	71	47	66,2	24	33,8

Жадвалдан маълум бўлишича, жойнинг денгиз сатҳидан мутлақ

баландлиги ва рельеф шакллари, гидрографик тўр, жойнинг ўзига хос

хайвонот дунёси ва ўсимликларининг турли-туманлиги топонимларнинг шаклланишига таъсир кўрсатади. Жой денгиз сатҳидан баландлашган сари табиий хусусиятларга боғлиқ жой номлари кўпроқ вужудга келиши кузатилади (жадвалга қаранг). Бунда топонимларнинг шаклланишига жойнинг ўзлаштирилиши тарихи ҳам таъсир кўрсатса керак. Булар албатта махсус топонимик ва географик тадқиқотларни талаб этади.

Биз қуйида Тошкент вилоятидаги жойнинг табиий хусусиятлари билан боғлиқ вужудга келган айрим топонимларни изохлашга уриниб кўрамиз.

Арашон - Оҳангарон дарёси ирмоғи- иссиқ булоқ, обихаёт, худолар озиғи. Шифобахш булоқдан бошланади.

Ақча - Оҳангарон туманидаги қишлоқ. Асл номи Оқча, Оқсув, Оқсой. Тоза сувли, оқсувли деган маънода.

Бадоксой – Бухоро вилоятида бадок, бодок деб катта ариқдан чиқарилган ариққа (сувга) айтилади. Тошкент вилоятида ияк таги – ботоқ маъносида бўлса керак. Тепа, тоғ тагидаги сой дейиш мумкин.

Болодала - Чорбоғ сув омбори бўйидаги қишлоқ. Баланд дала маъносини беради.

Боғистон – Писком дарёси бўйидаги қишлоқ. Номи буғустон-буғулар яшайдиган макон. Қишлоқ боғларга бурканган бўлса ҳам номи буғу билан боғланган.

Бурчмулла - Чорбоғ сув омбори бўйидаги катта қишлоқ. Бурчи – истехком деворлари бурчагидаги минора (С.Қориев, 2005) Лекин бурч – этак, мулла- тепалик, яъни тоғ этаги деган маънога ҳам эга экан.

Заркент- катта қишлоқ. Зар – олтин, кент калъа, яъни олтин калъа. Лекин Зарқуйи, этак деган маънога ҳам эга. Унда “тоғ этагидаги қишлоқ” деган маънога ҳам эга бўлади.

Изаовул - қишлоқ. Ер ости суви яқин бўлиб, ер юзига сизиб ётади. Шундан зах жой, номи изаовул бўлган.

Ихначсой, Ихначкўл. Ҳар иккаловининг номи ҳам ихнач ўсимлиги

номидан олинган.

Каптаркумушсой - сой кумушранг кабутар (қуш) номидан олинган.

Каптархона - сой. Ёввойи каптарлар кўп. Шундан каптархона деб аталган.

Намданак - қишлоқ. Серсув, сернам, яъни намдон маъносида. Актопоним ясовчи кўшимча.

Ойнатош - Писком тоғ тизмасидаги қоятош. Тоғ ёнбағрида оҳактош қатламлари кўчиб, сурилиб кетиб, қоя ёнбағри силлиқланиб қолган ва шундай ном олган.

Новалисой - сой, Писком дарёсининг ўн ирмоғи. Нов-сув ўтказувчи иншоот номидан, яъни новли сой.

Обираҳмат - қишлоқ, булоқ номи. Раҳмат суви. Навбаҳор, эрта (янги) баҳор ёмғири маъноси ҳам бор.

Оққовоқ - қишлоқ. Аққабак- тик қирғоқ, жарликнинг тепаси маъносига эга.

Писком - сой, дарё, қишлоқ. Бис-йигирма, ком дарё. Йигирмата дарё. Пискомни мискон деб атовчилар ҳам бор. Бист-йигирмата кон.

Сижжак - қишлоқ. Се-уч ва жар сўзларидан олинган бўлиб, кейинроқ Сижжак шаклида талаффуз қилинадиган бўлган. Ҳақиқатда ҳам бу ерда учта жар бор: Қайнар, Сижжак ва Новалисойлар.

Товоқсой - сойнинг шаклидан олинган ном. Сой кенг саёз бўлганлигидан шундай ном берилган. Сойдан бу ном қишлоққа ҳам кўчган.

Хумсон - қишлоқ, сой номи. Хумсон хумга ўхшаган сой сўзидан олинган деган фикр бор. Лекин тожикча хун сўзидан олинган бўлиши ҳам мумкин. Бунда хун- ўч олиш маъносида қўлланилади.

Чимён - тоғ, қишлоқ. Чимгон, Чимли, ёнини чим қоплаган, яъни чим қоплаган ёнбағирни билдиради.

Чирчиқ - дарё, шаҳар. Чирчиқ- чир суви, яъни тез оқувчи, жўшқин дарё деган маънони билдиради. Қадимги номи Оби Паррак - жўшқин, тез оқувчи дарё. Яна Сирчиқ - кичик Сирдарё маъносида ҳам деган фикрлар бор.

Чорбоғ - шаҳарча, Сув омбори. Тожикча чор- тўрт, тўрт томони, атрофи

боғ маъносини беради.

Чотқол - тоғ, чорбоғ сув омборига қуйилувчи дарё маъноси селдара нотекис дара, баланд жой, тоғдаги чукур дара.

Қорабулоқ - Писком дарёси водийсидаги жой номи. Бу ерда йирик булоқ бор. Суви тиниқ, тоза, оҳактош қатламлари ёригидан чиқади.

Қоржантоғ - Бўстонлик туманидаги тоғ тизмаси. Ёнбағри қор билан қопланиб

ётганлигидан шундай ном олган.

Ғазалкент - шаҳар. Номи ғизол буғуси номидан олинган. Бу ерда 8-10 асрларда ғизол буғулар жуда кўп бўлган. Ғизоллар яшайдиган жой.

Ғалвасой - Чирчиқ дарёсининг ирмоғи. Сойда гил, гилвота қатламлари бор, шундан гилвота ғалвасойга айланиб кетган.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Географик объектларнинг номлари тўғрисида. – Тошкент, 2011.
2. Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1988.
3. Эназаров Т. Номшунослик масалалари. – Тошкент, 2010.
4. Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. – Тошкент, 2005.
5. Ҳасанов Ҳ. Географик номлар сири. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1985.

Резюме

В статье затрагиваются вопросы возникновения топонимов, образование которых связаны с природными особенностями и высотой местности над уровнем моря.

Тавсия этувчи:

доц. Ғуломов П.Н.

ОРОНИМЛАРДА ЖОЙНИНГ ТУРИСТИК ВА РЕКРЕАЦИОН ХУСУСИЯТЛАРИНИ АКС ЭТТИРИЛИШИ

Махкамов Э., Абдувалиев Ҳ., Жўраева О.

Кириш

Фарғона вилояти геокомплексларининг хилма-хиллиги ҳамда ўзига хослиги билан туристик объект сифатида ажралиб туради. Турли гипсометрик юзаларда иклимий шароитнинг ўзгаришига боғлиқ ҳолда унда текислик-чўл, адир-чала чўл, тоғ-дашт ва баланд тоғ-ўрмон каби геокомплекслар шаклланган. Айниқса, тоғ геокомплексларида уларнинг геоморфологик хусусиятларига боғлиқ ҳолда турли экзоген жараёнлар, дарё водийлари, ўсимлик қоплами шаклланган бўлиб, сайёҳ ва туристларни ўзига жалб қилиб келган. Оронимларни туристик объект сифатида ўрганишда уларнинг номларидан индикатор (даракчи) сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг мақсади

Фарғона вилояти худудида оронимлар билан боғлиқ топономик объектларни тадқиқ этиш ҳамда туристик маршрутлар қаторига киритиш, унинг асосида туристик хизматларнинг янги ва истиқболли

турларини ишлаб чиқиш тадқиқот ишининг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади. Фарғона вилоятидаги туризмни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган геоморфологик ойконимлар ёки оронимлар деб аталувчи ер рельефининг тузилиши, сатҳи билан боғлиқ бўлган рельеф шакллари тадқиқот объекти сифатида олинган.

Бирламчи маълумотлар ва уларнинг тавсифи

Тадқиқотда бирламчи маълумотлар сифатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 19 сентябрдаги 14/1-299 сонли баённомаси ҳамда туризм индустриясини янада ривожлантириш мақсадида 2013 йил 18 январдаги давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларидан келиб чиқиб, “Ўзбектуризм” миллий компанияси томонидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режаси ўрганилди.

Фарғона вилояти ҳудудида оронимлар билан боғлиқ топономик объектлар жуда кўп бўлмаса-да, уларни энг қизиқарли туристик маршрутлар каторига киритиш мумкин. Оронимларга тоғ, адир, тепаликлар, водийлар, даралар, жарликлар, сойликлар, ўйиқ-чиқиклар, шунингдек, текислик, пасттекисликлар ва қумликлар ҳам киради. Оронимларнинг муҳим хусусиятларидан бири вақт ўтиши билан ҳудуднинг рельефи ўзгариши мумкин, лекин дастлабки рельефни ифодалаган ном сақланиб қолаверади. Масалан, «тепа», «жар» маъносини билдирувчи ойконимлар ҳозирги вақтда мавжуд рельеф хусусиятини айнан англатмаслиги мумкин. Кўпчилик тоғ номлари таркибида – *тоғ, тов* каби терминлар бор, баъзан – *тош, доvon, орт* терминларини ҳам учратиш мумкин.

Асосий натижалар ва уларнинг муҳокамаси

Тоғ минтақаси Фарғона вилоятининг Бешариқ, Ўзбекистон туманларининг жанубий чеккаларини, Сўх тумани ҳамда Фарғона туманидаги Шоҳимардон ва Ёрдон қишлоқлари атрофи ҳудудларини ўз ичига олади. Бу ҳудудлар Олой-Туркистон тоғларининг шимолий этакларидаги паст ва ўртача баланд тоғларнинг ёнбағирлари ва тоғлар орасидаги водийларни эгаллайди. Олой-Туркистон тоғлари турли қизиқарли рельеф шаклларида бойлиги билан ажралиб туради. Бу тоғ тизмаларида тор дарё водийлари, турли шаклга эга ёнбағирлар, карлар, ғорлар, камлар, мореналар каби денудацион ва аккумулятив рельеф шакллари учратиш мумкин.

Фарғона вилояти ҳудудида Олой тизмасининг Қатронбоши, Ҳайдаркон, Назар, Қизилгаза, Олмалиқ, Исписар, Белмозор; Туркистон тизмасининг Кампирқоқ, Ғузон, Бурган, Қизилсув, Қулантоғ, Сураббоши, Оқтош, Қизилқиёқ каби тармоқларининг ёнбағирлари жойлашган. Оронимик объектлар номлари бошқа жой номларига караганда анча турғунлиги, даврлар ўтиши билан ҳам ўз номини сақлаб қолиши билан фарқ қилади. Тоғларнинг аталиш қонуниятларидан бири шуки, тоғли аҳоли ён-атрофдаги

айрим чўкки, қоя, ёнбағир, зовларнинг номларини яхши билганлар. Қуйида Фарғона вилоятидаги туристик аҳамиятга эга бўлган айрим оронимларнинг *таснифини* келтирамиз.

Шўрсув адирлари туристик объект сифатида Ўзбекистон ва Бешариқ туманлари жанубий қисмидаги паст тоғларни, Аччиқсув (Шўрсув) дарёси ва Шўрсув сув омборининг муҳофаза зоналарини ўз ичига олади. Бу ҳудудда *Қизилтов (Қизилбел), Гуллатов, Кўктов* ва Дамёғди ғори каби оронимик объектлар учрайди. Шўрсув адирлари ва унинг жанубидаги паст тоғлар вилоят ҳудудида антропоген таъсир натижасида нисбатан кучсиз ўзгарган ландшафтлар ҳисобланади. Бу ерда иқлимнинг қуруқлиги (80-100 мм), дарё тармоқларининг кучсиз ривожланганлиги, нураш маҳсулотларининг йирик скелетли ва тошлоқли бўлиши қизиқарли ва ноёб рельеф шаклларидаги ҳосил бўлишига олиб келган.

Кампирқоқ энг қизиқарли туристик объектлар мажмуаси ҳисобланади. Бу мажмуа Ғузон тоғининг жануби-ғарбий давоми бўлган Кампирқоқ тоғида жойлашган (Бешариқ тумани). Тоғнинг жанубий ёнбағрида юра даврининг 160-180 млн ёшли қатламлари орасида тошга айланган кўплаб ўсимлик қолдиқлари, динозавр умуртқалари ва икки хил, яъни ҳам ойқулоқ, ҳам ўпка билан нафас олувчи қилтанокли балиқлар учрайди. Бундай ноёб топилмалардан илмий, ўқув-маърифий ва туристик мақсадларда фойдаланиш келажақда катта даромад манбаи бўлиши мумкин.

Қопчиғай водийси адирларни кесиб ўтувчи дарёларнинг кўндаланг водийларида жойлашган. Вилоятнинг шаркидан ғарбга томон Қувасой (Мўян-Қорачатир), Акбарободсой (Карамқўл), Марғилонсой (Қиргули), Файзиободсой ва Олтиариқсой (Қопчиғай), Сўх дарёси (Чўнғара ва Секитма) адирларни кесиб ўтган жойларда манзарали «қопчиғай», яъни тор ва чуқур водийларни ҳосил қилган. Масалан, «*Сўх дарёсининг манзарали қопчиғай водийси*» Сўх дарёси Секитма антиклинал тузилмасини кесиб ўтишда ҳосил бўлган. Бу ерда ўзига хос

хусусиятга эга бўлган кичик геокомплекслар ҳосил бўлган. Дарёнинг бу қисмида тик ёнбағирли, тор ва чуқур ҳамда фақат юқори террасада учрайдиган кўндаланг водий ривожланган. Бу водийлар рекреация масканларини барпо этишда, худудининг тектоник тузилиши ва фаоллигини ўрганишда аҳамиятлидир.

Сўх дарёси водийнинг ўнг соҳилида Ғазнов антиклиналини тектоник ёриқлар билан мураккаблашган шимолий ёнбағрида гипсли қатламларда карст ҳодисасидан ҳосил бўлган Оқтупроқ ғори (узунлиги 150 м, кенглиги 10-40 м) жойлашган. Кузатилган бу хусусиятлар Ғазнов антиклиналининг янги тектоник ҳаракатларга тортилганлигини кўрсатади. Ёдгорликдан илмий, ўқув-маърифий, туристик мақсадларда фойдаланиш мумкин.

Девайрон ғори Девайрон қишлоғидан 4 км шимоли-ғарбида, палеозой (қуйи девон) оҳақтошларидан тузилган гумбазсимон қояда жойлашган. Унинг умумий узунлиги 103 м, оғзининг кенглиги 1,5 м, ўртача кенглиги 3,6 м. Ғорнинг айрим жойлари 6 метргача кенгайди. Умумий майдони 370 м², ҳажми 1488 м³. Ғорнинг оғзидан 10 м пастда қоя этагида булоқ ҳосил бўлган. Унинг яқинларида мох қоплами кузатилади. Девайрон ғори Фарғона вилояти худудида жойлашган энг йирик карст ғоридир. Ундан илмий, ўқув-маърифий рекреация ва туризм мақсадларида фойдаланиш мумкин.

Сўх дараси Ўзбекистон ва Қирғизистон республикалари ўртасидаги давлат чегарасидан шимолга томон Сариканда ва Қизилқиёқ қишлоқларигача чўзилган Сўхнинг чуқур ва тор водий-

сида жойлашади. Водийда Қоратўқай ва Таян қишлоқлари орасида дарё террасаларининг сони ва нисбий баландлиги ўзгаради. Масалан, Қоратўқай қишлоғида учта терраса кузатилса, Дарё водийси айрим жойларда 3-4 м га тораяди. Бу хусусиятлар янги тектоник ҳаракатларнинг фаоллиги билан изоҳланади.

Обширсой ғорлари Сўхнинг шимоли-шарқида, палеозой оҳақтошлари ва сланецларидан тузилган Ҳайдаркон тоғининг жанубий ёнбағри этакларида жойлашган. У 5 дан ортиқ ғорлар гуруҳидан ташкил топган. Ғорлар асосан карст ҳодисаси ва қисман антропоген омил таъсирида ҳосил бўлган. Уларнинг эни 8-26 м, баландлиги 10-12 м га боради. Ғорлардан мезолит, яъни ўрта тош асри даврига оид археологик ашёлар: тош, қадама пичоқлар, пармалар, бигизлар, қирғичлар ва бошқалар топилган. Улар қадимги одамларнинг яшаш жойлари бўлган.

Хулоса

Ўзбекистонда туризмни иқтисодиётнинг асосий тармоғи сифатида юксалтириш учун мавжуд табиий ва ижтимоий туристик объектларнинг минтақалардаги имкониятларини илмий тадқиқ этиш зарур. Айниқса, туристик объектларни уларнинг келиб чиқиши ва хусусиятларини англаувчи топонимлар асосида ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, илмий жиҳатдан асосланган режалар тўғридан-тўғри шу тармоқнинг истиқболини белгилайди. Туристлик объектларга қўйилган номлар ва уларнинг изоҳи сайёҳлар учун қизиқарли ва эсда қоладиган манба сифатида муҳимдир.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. – Тошкент: “Маънавият”, 2008. –б. 19.
2. Охунов Н. Топонимлар ва уларнинг номланиш хусусиятлари. – Тошкент: «Фан», 1989. - 56 б.
3. Охунов Н., Ахмадалиев Ю. Фарғона вилояти ойконимларининг номланиш хусусиятлари. – Тошкент: “Фарғона”, 2010
3. Qoraev S. Toponimika. – Toshkent, 2006. - 320 b.
4. Ҳақимов Қ. М. Жой номларининг шаклланишида минтақанинг ижтимоий-иқтисодий географик хусусиятлари (Жиззах вилояти мисолида) // География фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2010.
6. Ҳасанов Ҳ. Географик номлар сири. – Тошкент: Ўзбекистон, 1985. - 120 б.

Резюме

В данной статье, исходя из особенностей природных условий района, рассматриваются туристские и рекреационные особенности местности, отражающиеся в оронимах. Дается рекомендация для дальнейшего развития рекреационных объектов Ферганского вилоята.

Тавсия этувчи:

доц. Ғуломов П.Н.

ЧЎЛ ЛАНДШАФТЛАРИНИ ЎРГАНИШДА ЖОЙ НОМЛАРИНИНГ ЎРНИ

Тошов Х.Р., Нетьматов А.Н.

Бухоро вилояти ҳудуди 40,3 минг кв. км га тенг. Мазкур ҳудуд ўзлаштирилганлик даражасига кўра чўл-яйлов ва чўл-воҳа зоналарига ажратилади. Улар тегишли равишда вилоят ҳудудининг 88,6 ва 11,4 фоизини ташкил этади. Тарихий манбалар Бухоро воҳаларининг жуда қадимийлигини тасдиқлайди. Жумладан, авлод-аждодларимиз ақл-заковати билан яратилган, бугунгача ўз аҳамияти, таровати билан жаҳон ҳамжамиятини эътиборида бўлган тарихий ва маданий обидалар, ёдгорликлар ўтмиш хотиралари, далиллардир. Бугунги кунда улар яхши ўрганилган, илмий изланишлар давом этапти.

Вилоятнинг чўл-яйлов зонаси сарҳадлари кенг ва бепоён. Чўлга илк бор чиққан киши чўл ландшафтларининг ранг-баранглигидан қувонади, аммо унинг кимсасиздек кўриниши, воҳага ўхшаш инсонлар барпо этган объектлар, уларнинг жой номлари ёзилган кўрсаткичларнинг йўқлигидан қийналиш ҳислари пайдо бўлади, албатта. Аслида бундай эмас. Ҳалқимиз минг йиллардан бери чўл билан тиллашиб, диллашиб келмоқда. Унинг иқлим, сув, тупроқ, минерал, ўсимлик ва ҳайвонот ресурсларидан фойдаланиб келганлар. Айниқса, бу зонада ўзига хос яйлов чорвачилиги маданияти шаклланган. Чўл-яйлов ландшафтларида барпо этилган қишловлар – чўпон уйлари, қўй қўралари, сув билан таъминлаш иншоотлари бунини исботлайди. Яйлов чорвачилигининг тарихий тараққиёти туфайли Бухоро вилояти чўллари тўлиқ ўзлаштирилган. Бугунги кунда чўл ландшафтларида қадимда авлодларимиз барпо этган иншоотлар, сардоба ва қудуқлар яхши сақланган.

Чўл ландшафтлари Бухоро вилоятида турли жой номлари билан аталади. Улар географик хариталарда Камиракқум, Якқачакка қумлари, Мирзақум қумлари, Ёзғоққум каби номлар

билан машҳур. Вилоят ландшафтлари 13 та ландшафт типига ажратилган (Назаров, Тошов. 2008).

Мазкур номлар кўпчиликка оммабоп адабиётлар – дарслик, хариталар, илмий оммабоп ойнома ва қўлланмалар орқали таниш. Аммо уларни чуқур ўрганишда жой номларини турли катталиқдаги табиат комплекслари билан боғлаб ўрганиш яхши самара беради. Таниқли топонимист олим Э. М. Мурзаев ёзишича, халқ географик терминлари аввало, “географик воқелик”ни аниқ кўрсатувчи ландшафт терминларидир.

Шу соҳанинг етук олимларидан Ш. С. Камоллидинов топонимиканинг бебаҳо манба эканлигини қайд этиб, уни ўзига хос “ер тили” тили деб атади.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган йилларидан бошлаб мамлакатимизда топонимика фанида ҳам салмоқли тадқиқотлар олиб борилаётгани ва ушбу соҳага оид адабиётларни нашр қилинаётгани эътиборга лойиқ. Жумладан, М. Т. Миракмаловнинг “Халқ табиий географик терминлари” монографияси, А. Низомов, Г. Раҳимова, Н. Расуловлар ҳаммуаллифликларида ёзилган “Топонимика” ўқув қўлланмаси мисол бўлади.

М. Миракмалов томонидан халқ (маҳаллий) табиий географик терминлари 8 та гуруҳга ажратилган ва унинг таркибида ландшафтшуносликка оид халқ географик терминлари – адир, чўл, воҳа, дашт, ўрмон қабилар қайд этилган. Шунингдек, географик хариталар бошқа манбалар сингари терминшунослик ва топонимик тадқиқотларнинг асосий манбаларидан ҳисобланади.

Шунга мувофиқ турли йилларда нашр қилинган ва Бухоро вилояти тасвирланган хариталар таҳлил қилинди.

1. Бухоро ва Навоий вилоятлари. Умумгеографик маълумотнома харитаси. Ўзгеодезия. - Т., 1995 й. Мазкур харитада Бухоро вилояти ва унга қўшни ҳудудлардаги жами 918 тадан ортиқ географик жой номлари келтирилган.

2. Бухарская область. Справочная политико – административная карта. Узгеодезкадастр, 2005.

Ушбу харитада эса Бухоро вилояти ва унга қўшни ҳудудлардаги жами 738 тадан ортиқ географик жой номлари келтирилган.

3. Buxoro viloyati. Siyosiy-ma`muriy ma`lumotnoma karta. “Yergeodezkadastr” Davlat qo`mitasi. 2010 y.

Мазкур манбада Бухоро вилояти ва унга қўшни ҳудудлардаги 725 тадан ортиқ географик жой номлари келтирилган.

Чўл зонасида топонимлардан ландшафтларни, унинг компонентларини ўрганишда индикатор сифатида фойдаланиш жуда фойдалидир. Албатта юқордаги манбаларда келтирилган жой номларининг барчаси ҳам ландшафт ва унинг мазмунини ифодалавермайди. Аммо жой номларини билиш ландшафтларни ўрганишни осонлаштиради. Қоровулбозор ва Бўзачи сардобалари Қоровулбозор туманида жойлашган. Ушбу ҳудуд 1970 йиллардан бошлаб ўзлаштирилди. Ҳозирги кунда 12000 га дан ортиқ суғорма деҳқончиликка асосланган Қоровулбозор воҳаси вужудга келди. Сардобалар маданий ёдгорликлар рўйхатига киритилган. Чўл зонасида чорвачиликнинг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган қудуқлар сони 100 дан зиёд.

Яйловлар бағрида чўл қудуқлари тўри яратилган. Улар ўртасидаги масофа 3-5-7 км ни ташкил қилади. Чорвадорлар қудуқлар жойини танлашда қадимги дарё ўзанларидан яхши фойдаланганлар. Қудуқларни номлашда эса айни жой табиатига хос бўлган сифатлардан фойдаланишган. Масалан, Ширинқудуқ, Тақирқудуқ, Қорасув, Ачи (Аччиқ), Оққум, Патта, Пишакли кабилар.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, вилоятнинг Бухоро ва Қоровулбозор туманлари чўл-яйлов зонасидаги қудуқ-

лар ва бошқа географик жой номлари ўрганилди. Нашр қилинган хариталарда улар сони 10 тадан ошмайди. Аслида улар сони бу рақамдан анча кўп. Масалан, “Эчкиётқудуқ”, “Яккача-кичқудуқ”, “Қозончуққудуқ”, “Арслон-копирқудуқ”, “Урусқудуқ”, “Пистақудуқ”, “Авлиёқудуқ”, “Сеталонқудуқ”, “Сузмақудуқ”, “Эшқудуқ”, “Девол-кокқудуқ”, “Шосуворқудуқ”, “Эшак-работқудуқ”, “Зекриқудуқ”, “Қирчаш-мақудуқ”, “Жанамқудуқ” кабилар. Мазкур қудуқларга ёндош шу ном билан аталувчи артезиан қудуқлар ҳам қазилган.

Алоҳида ифодаланган берк ботиклардан бири бўлган Девхонада катта кўл вужудга келган. Қумсултон ва Хадича пастқатламлигида ҳам шу номдаги кўл мавжуд.

Рельефда ифодаланган алоҳида жойлашган қир тепалар Бўржоқтепа, Қутчитепа, Авлиётепа, Кўкчатепа, Ноғоратепа, Чумчуқтепалар Қаландарқум, Ёзғоққум, Қумсултон ва Финиский қумларида яққол кўринади. Бу номларнинг аксарияти манбаларда учрамайди. Уларни билган чўпон-чўлиқларнинг кўплари бугун орамизда йўқ.

Харитада келтирилган Кампир ва Чорча сув омборларининг номларига қоқ сўзини қўшиш зарур деб ҳисоблаймиз. Чунки қадимда улар чўпонлар орасида Кампирқоқ ва Чорчақоқ деб машҳур бўлган. Демак, “қум”, “кўл”, “шўр”, “қоқ” қўшимчалари билан аталган жойлар қумли, сувли, шўрхоқ ва гилли ландшафтларни ифодалайди, Бўржоқтепа эса бўржоқ ўсимлик қопламига эга ландшафтни ҳосил қилган.

Хулоса ўрнида қайд этиш ўринлики, мазкур жой номлари асрлар давомида аждоқларимиз ақл заковати, халқ тажрибаси натижасида сайқал топган. Уларни илмий-амалий жиҳат ўрганиш, ёшларимизга етказиш бугуннинг долзарб вазифасидир.

Резюме

В статье речь идет о специфических для пустынь Бухарской области топонимов – названия колодецов, урочищ.

Тавсия этувчи:

доц. Гуломов П.Н.

QASHQADARYO VOHASI XALQ OG'ZAKI IJODIYOTIDA TOPONIMLAR TAHLILI

Eshboyev B.T.

Toponimlar – geografik joy nomlari har bir hududning o'ziga xos xususiyati, tarixi, aholining etnik tarkibi va boshqa ma'lumotlarni o'zida mujassamlashtiradi. Joy nomlari avvalo so'z, uning yaratuvchisi esa xalq. Qadimdan xalqimiz zukkosi va ma'naviyati, milliy qadriyatlarimiz mazmun mohiyati yurtimizdagi joy nomlarida ham o'z aksini topgan. Qadimiy qo'rg'onlar, shahar-u - qal'alar, rabot-u – qishloqlar yo'q bo'lib ketgan, lekin ularning nomlari qolgan. Inson faoliyatining mahsuli bo'lgan har qanday joy nomlari o'tmish voqeyaligi hisoblanishi bilan birga, u aniq manzilni belgilaydi va muayyan xalq og'zaki ijodiyoti rivojida muhim manba bo'lib xizmat qiladi.

Qashqadaryo viloyati ham geografik joy nomlariga nihoyatda boy. Ularning miqdorini aniqlash hozircha oxirigacha yetkazilgani yo'q, chunki mamlakatimiz aholisi og'zidan joy nomlari to'liq yozib olinmagan. Viloyatimiz geografik joy nomlari uzoq tarixga ega bo'lsa-da, viloyat hududidagi qadimiy an'analar bilan bog'liq bo'lgan, xalqning og'izdan-og'izga o'tib yurgan geografik nomlari bugungi kungacha yetarli darajada o'rganilmagan.

Prezidentimiz Islom Karimov tashabbusi bilan 2011 yil 13-oktyabrda qabul qilingan "Geografik ob'yektlarning nomlari to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasining qonuni bu boradagi munosabatlarni huquqiy jihatdan tartibga solish, xalqimizning necha asrlik an'analarini tiklash borasida muhim bir qadam bo'ldi. Ushbu qonun avvalo geografik ob'ektlarga nom berish, ularni qayta nomlash, davlat ro'yxatidan o'tkazish, ularning to'g'ri yozilishi va nomlanishini tashkil etish, foydalanish va saqlash munosabatlarini tartibga solish bilan ahamiyatlidir.

Geografik ob'yektlarning nomlari sohasidagi maxsus vakolatli davlat organi O'zbekiston Respublikasi Yer resurslari, geodeziya, kartografiya va davlat kadastr qo'mitasi hisoblanadi. Ushbu qo'mita joy nomlarini qaytadan ko'rib chiqish va

tartibga solish yoki o'zgartrish yuzasidan taklif va mulohazalarni qabul qiladi. Ushbu qaror yuzasidan geografik joy nomlarini o'rganish, tahlil qilish bo'yicha ko'pchilik safarbar qilingan bo'lib, ularning ilmiy ishlari nihoyasida respublikamizda yirik toponimik lug'at, atlas yaratish, tadqiqotchilar uchun toponimik fond yuzaga keltirish imkoniyati mavjud bo'ladi.

Xalq qo'shiqlari, umuman vohamiz og'zaki badiiy ijodi namunalari, joy nomlari haqidagi faraz, rivoyat, afsonalar toponimik jihatdan juda kam o'rganilgan va tahlil qilingan. Til uchun xalq tarixi va madaniyati uchun joy nomlari qanchalik ahamiyatli bo'lsa, geografik nomlarning talqini borasida yaratilgan izoh variantlari, rivoyat va afsonalar folklor uchun shunchalik qimmatli. Xalq og'zaki ijodi aholining turmush tarzi, o'tmishi, madaniyatini o'rganishda, o'lkashunoslikni keng targ'ib etishda muhim manba bo'lib xizmat qiladi.

Joy nomlarning yaratilish tarixi, ma'nosi haqidagi xalq ijodi namunalari, ertak, afsona, rivoyat, faraz, taxmin va haqiqiy ilmiy izohlardan iborat. Nomlar haqidagi bunday mulohazalar adabiy janrlarni tashkil etadi. Farq shundaki, ertak va afsonalarning maxsus nomi yo'q, ular o'sha joy nomi yoki bosh qahramon ismi bilan bog'lanib aytilib yuriladi. Voqealarning ko'lami, obrazlarning soni cheklangan, hajmi qisqa bo'ladi. Qizbandi, Qiztepa, Qirqqiz, Obidida, Qizketgan, Qo'ng'iro't, Amir Temur g'ori, Aruson, Qizbuloq, Odamtosh, Kelintosh, To'rtko'l, Anjirko'l nomlari haqidagi afsonalar bunga misol bo'la oladi. Joy nomlari qanchalik qadimiy bo'lsa, uni tillarning hozirgi xolatidan izohlash qiyin bo'lsa, nomlar haqida bir-biriga o'xshamagan faraz va rivoyatlar yaratiladi.

Kishilar odatda o'zlari uchun tushunarsiz bo'lgan nomlardan ma'no axtara boshlaydilar va o'z tillariga moslashtirib talaffuz qilishga intiladi. Xalq etimologiyasi, aniqrog'i soxta etimologiya shu yo'sinda paydo bo'ladi va shu tariqa rivoyatlar ham

to'qiladi.

G'uzor eng qadimiy shaharlardan biri, viloyatning nomi, qadimiy tosh bitiklarda qayd etilgan. Faraz va rivoyatlar namunalari:

a) Huqzor, ya'ni yovvoyi cho'chqalar yashaydigan to'qayzor;

b) Huvzor – Quvzor ya'ni huv – quv o'simligi o'sgan joy;

v) Turli mamlakatlar, hududlarga o'tadigan joy ma'nosidagi guzar so'zining o'zgargani;

d) quz er birikmasining soddalashgani.

Alako'ylak – Yakkabog' tumanidagi shaharcha. Namunalari;

a) O'zbek xalq urug'larining biri olacha to'qib, undan ust-bosh qilib kiygan hunarmand kishilar nomidan olingan;

b) Alaqo'yliq, olaqo'ylik etnonimining tovush va morfema tarkibi o'zgargan shakli.

Taxtaqoracha dovoni qadimdan Samarqand va Shahrisabz (Kesh) shaharlarini bir-biri bilan bog'lagan. Xalq izohlari turlicha;

a) Amir Temurning 1398 – yilda qurilgan Taxtaqoracha degan saroy nomi bilan atalgan;

b) Yer yuzasi shaklini bildiruvchi taxta – tog' ustidagi kichik tekis maydon;

c) Qora, qara, xara – tiklik ko'lami nisbatan kichik balandlik;

Beshkent – Qarshi tumani markazi. Xalq izohi namunalari:

a) Beshta qo'rg'on, yaxshi qo'rg'on;

b) Old qo'rg'on;

c) Beshkal urug'ining qishlog'i;

d) Quyi qo'rg'on yoki yuqori qo'rg'on.

Boybichakon – Dehqonobod tumani-dagi qishloq. Aholi nutqida:

a) Boyxotin, boybeka;

b) Boybicha – urug' nomi;

c) Qoraqalpoqcha - tog' etagi.

Shu va shu kabi xalq og'zaki ijodida turlicha talqin etiladigan nomlar Qashqadaryo vohasida ko'pchilikni tashkil etadi. Xalq nutqidagi bu izohlarning har biri o'ziga xos motiv va voqea syujeti bilan bog'lanib tushuntiriladi. Xalq etimologiyasi variantlarining ko'pligi nom izohining ilmiy talqini faqat qiyosiy – tarixiy tadqiqot

metodi asosida yaratilishini ko'rsatadi. Xalq izohlari esa so'zning shu kungi tovush shakliga asoslangan bo'ladi, u ma'lum darajada nomning ma'nosi va qadimiy shaklini tiklashga imkon berishi mumkin.

Xalq og'zaki ijodi namunalari kishi ismlari, laqab va taxalluslari, etnonimlar, shaxslarni bildiruvchi so'zlardan yaratilgan joy nomlari haqida ko'proq yaratilgan. Tarixiy shaxslar nomiga o'xshab qolgan joy nomlari haqida ham turli afsona va rivoyatlar yaratilgan. Qamashi tumanidagi Boburtepa, Dehqonobod tumanidagi Boburqo'rg'on nomlarini Bobur faoliyati va shaxsi bilan bog'lab talqin qilishgan va afsonalar yaratilgan. Hususan, diniy marosimlar va urf-odatlar bajariladigan joylarining nomlari haqida diniy afsona va rivoyatlar, faraz va izohlar namunalari mavjud. Ularning barchasi real mantiqiy asosga ega emas. Qumota, Buloqota, Qadamjoy, Langarota, Hazrati Langar, Hazrati Bashir kabi nomlar izohidagi diniy talqin nom yaratilishining haqiqiy mohiyatidan yiroq. Ta'lim- tarbiya jarayonida bu kabi masalalarga ahamiyat berish lozim. Joy nomlaridagi xalq izohlari qanday mazmunda, shaklda bo'lishidan qat'iy nazar, folklor ob'ekti sifatida ilmiy o'rganilishi, ular to'planib maxsus ijod turi tarzida nashr etilishi lozim.

Ertag-u dostonlarda, rivoyat-u afsonalarda joy nomlari shahar, qishloq, yo'l, cho'l, tog', buloq, ko'l, dala nomi maqomida qo'llanilgan. Joy nomlarisiz xalq og'zaki ijodi namunalarini tasavvur etib bo'lmaydi, eshitish va o'qish, so'zlash va yozib olish mumkin emas. Joy nomlari xalq og'zaki ijodida tayanch nuqta, aniq, ko'pincha epik manzil, makon, voqeylik bo'lgan joy, yurt, mamlakat. Muhimi – bular emas, xalq og'zaki ijodining eng qizig'i, suyuklisi, tuzugi, ibratlisi nomlarning o'zi haqidagi sharhu talqinlar, rivoyat-u afsonalardir. Nomlarning katta qismi xalq xotirasi orqali hozirgacha yetib kelgan, ular asosan, hozir ham shahar, qishloq va boshqa joy nomlari sifatida qo'llanib kelinmoqda. Ma'lum bir qismi turli yozma manbaalarda qayd qilingan. Umuman saqlanmagan, yo'q bo'lib ketgan nomlar ham yo'q emas.

Adabiyotlar:

1. “Geografik ob’ektlarning nomlari to’g’risida”gi O’zbekiston Respublikasining Qonuni // Xalq so’zi gazetasi. № 198. 2011 yil 13 oktabr.
2. Nafsov T. Janubiy O’zbekiston toponimiyasining etnolingvistik analizi. – Toshkent, 1985.
3. Nizomov A. va boshq. Toponimika. – Toshkent: Sharq, 2012.
4. Mirakmalov M.T. Xalq tabiiy geografik terminlari. – Toshkent: Fan va texnologiya, 2009.
5. Мурзаев Э.М. Словарь народных географических терминов. – М.: Мысль, 1984.
6. Qorayev S.Q. Toponimika. – Toshkent: O’zbekiston faylasuflari milliy jamiyati. 2006.

Резюме

В статье излагается краткий анализ топонимов Кашкадарьинской области в устном народном творчестве.

Тавсия этувчи:

доц. Миракмалов М.Т.

ЧЎЛ ТОПОНИМЛАРИ ХУСУСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР (БУХОРО ВИЛОЯТИ АҲОЛИ МАНЗИЛГОҲЛАРИ МИСОЛИДА)

Мавлонов А., Қодиров А.

Маълумки, топонимлар ўрганилаётган ҳудуднинг тарихи, табиати, иқтисодий-ижтимоий ҳаёти ва урф-одатларидан далолат беради. Жумладан, мамлакатимизнинг 70 фоизини эгаллаб турган чўлли ҳудудларда топонимлар ҳам ўзига хослиги билан ажралиб туради. Бундай жойдаги топонимларда табиий шароит таъсирининг кучли эканлигини кўриш мумкин.

Бухоро вилояти тўлиғича чўл зонасида ривожланаётган минтақалардан ҳисобланади. Вилоят топонимларида арид зонанинг ўзига хос хусусиятлари – қумли массивларнинг кўплиги, сув ресурсларининг тақчиллиги, тупроқнинг шўрланганлиги, мураккаб ўсимлик ва ҳайвонот олами кабилар таъсир кўрсатган. Бухоро топонимлари таҳлил қилинганда, ўзбек тили билан бирга, форс-тожик тили асосида шаклланган жой номлари анчагина эканлиги кўзга ташланади. Аммо, жой номлари қайси тилда бўлишидан қатъий назар унинг табиий шароит асосида вужудга келганлиги сезилиб туради. Қуйида Бухоро вилояти топонимлари табиат компонентлари – рельеф, иқлим, сув, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот олами билан боғлиқлиги таҳлил қилинади.

Арид ҳудудлар рельефида қумли массивлар асосий ўрин тутди. Шу боис, вилоят топонимларида қум билан алоқадорлари кўп учрайди. Масалан, биргина Қумработ қишлоғи вилоятда 5 та

бўлиб, уларнинг 3 таси Бухоро туманида жойлашган. Бундан ташқари, Қумқишлоқ (Қоракўл т.), Қуми (Ромитан т.) каби қишлоқлар ҳам мавжуд. Қумнинг тожикча шакли “рег” билан бошланувчи топонимлар ҳам анчагина. Улар жумласига Регзор (Бухоро т.), Регистонак (Вобкент т.), Региён (Шофиркон т.) кабилар қиради. Чўлдаги яна бир рельеф шакли кўчма қумлар фаолияти билан номланувчи топонимлар ҳам вужудга келган. Шофиркон туманидаги Қумбости, Ғиждувондаги Юқори қумбости ана шундай жой номларига мисол бўлади. Мазкур қишлоқларнинг географик ўрни таҳлил қилинганда, уларнинг воҳанинг шимонида, XX асрнинг бошида кўчма қумларнинг фаолияти кучли ҳудудларда жойлашганлиги кўзга ташланади.

Бухоро воҳасида жуда кўп тепалар ҳосил бўлган. Чўлшунос олим И.Қ. Назаров фикрича, воҳада тепалар сони 30 дан ортиқ бўлиб, уларнинг айримлари табиий, баъзилари эса сунъий асосга эга. Маҳаллий аҳоли “тал” деб атайдиган мазкур рельеф кўринишидан қадимда Зарафшон ва Қашқадарё дарёлари тошганда бошпана сифатида фойдаланилган. Ҳозирда тепа ва таллар билан номланган Қатортепа (Олот), Хавзактепа (Когон), Кўрғонтепа (Пешкў), Кўриқтепа, Ноғоратепа (Қоровулбозор), Талисафед, Талисанг, Талипоя (барчаси Шофирконда), Талипоч, Талимиён (Бухоро т.), Талиқулўх (Вобкент) каби жой номлари бор.

Пешкў атамаси ҳам тоғ (тепа)нинг олди деган маънони англатади.

Вилоятда чўл иклими билан боғлиқ топонимлар нисбатан кам. Уларга мисол қилиб, чўлнинг доимий йўлдоши ҳисобланган – шамол билан алоқадор Пешкў туманидаги Шабада, Ромитан туманидаги Ёмғир қишлоқларини келтириш мумкин. Ушбу ҳолат чўлда аҳолининг иқлимий ресурслардан фойдаланиш даражасининг сустиги ҳамда ёғинларнинг камлиги бўлса ажаб эмас.

Чўл зонасида гидрографик объектлар сийрак жойлашган бўлсада, сув таъминоти масаласи долзарб аҳамият касб этганлиги боис, сув билан боғлиқ бўлган топонимлар жуда кўп учрайди. Арид ҳудудлардаги манзилгоҳлар географик ўрнининг қулайлиги, энг аввало, сув манбаларига нисбатан белгиланади. Бундай аҳоли манзилгоҳлари канал ва ариқлар бўйида ёки яқинида ўрнашган бўлади. Мазкур топонимларга Сувчиқар, Лабобиён, Лабирўт, Лабижўй, Галажўй, Сариоб, Болоиоб ва бошқалар киради. Туркменистоннинг Лебаб вилоятининг номи ҳам шу ҳилдаги топоним ҳисобланади: унинг маъноси “лаби об” яъни “сув (Амударё) нинг бўйи”да, яқинида деган маънони англатади.

Бухоро вилоятида кўллари сони кўп бўлмаса-да, аммо кўл билан аталадиган бир нечта жой номлари рўйхатга олинган. Масалан, Қоракўл (туман маркази), Чуқуркўл, Шўркўл, Кўл, Кўлиболо ва ҳ.к.

Ер усти сувлари чекланганлиги сабабли чўл зонасида ёғинлар ва ер ости сувларининг ҳам аҳамияти катта. Шу боис, топонимлар орасида ер ости сувлари асосида шаклланган Саричашма, Гармоба, Тошқудук, Чуруқ каби топонимлар мавжуд. Чуруқ овули Шофиркон туманининг чўл қисмида, Қулжуктоғнинг жанубий ёнбағирлари яқинида жойлашган. Чуруқ атамаси қозоқчада “тешик” деган маънони билдиради. Қулжуктоғ ва унинг жанубий ёнбағирларига тушган ёғин сувлари ер ости йўлақлари орқали Чуруқ ҳудудидаги қудуқлардан ер бетига чиқиб туради. Ундан маҳаллий аҳоли сув таъминотида фойдаланиб келмоқда.

Бундан ташқари, сувдан фойда-

ланиш асосида ташкил топган Чиқир (баланд ерларга сувни кўтариб берадиган гидротехник иншоот) ва Мироб (сув тақсимоли билан шуғулланувчи киши) сингари жой номлари ҳам бор. Воҳаларни суғориш натижасида ҳосил бўлган оқава сувларни чиқариб турувчи коллектор – зовурлар, маҳаллий аҳоли тилида “захкаш” (яъни ер ости сувларини тортувчи зовур) дейилади. Вилоятнинг Пешкў ва Ғиждувон туманларида Захкаш номли қишлоқлар бор.

Арид ҳудудларда аҳоли ёғин сувларидан самарали фойдаланиш мақсадида ўзига хос гидротехник иншоотлар – сардобалар қуришган. Айрим манбаларга кўра сардобаларда сув сифати бузилмаган ҳолда 6 ойгача сақланган. Айни пайтда вилоятнинг чўл қисмида иккита – Қоровулбозор ва Бўзачи сардобалари сақланиб қолинган. Сардоба қишлоғи Бўзачи сардобаси яқинида жойлашган бўлиб, унинг номи қадимий гидротехник иншоот билан боғлиқ.

Бухоро вилояти Зарафшон дарёсининг қуйи қисмида жойлашганлиги боис, унда тупроқларнинг шўрланиш даражаси нисбатан юқори. Шу сабабли топонимлар орасида “шўр” билан аталувчи жой номлари анчагина. Масалан, Шўробод, Шўрча, Шўркашон ва ҳ.к. Вобкент топоними эса “Воб, Ваҳоб – бўз ер, унумдор ер” деган маънони англатади. Шунингдек, Жондор туманида Бўз ер номли қишлоқ бор.

Фитотопонимларда ҳам табиий шароитнинг, яъни чўл зонасининг таъсири сезиларли. Бухоро вилояти аҳоли манзилгоҳлари орасида чўл, воҳа ва тўқай билан боғлиқ топонимлар учрайди. Вилоятдаги фитотопонимларга – Қандим (Қоракўл), Патта (Шофиркон, Жондор), Жинғилди (Пешкў), Сепатта, Хорсафед, Яккатут (Жондор), Хоркаш (Пешкў, Шофиркон), Тикончи, Қайрағоч (Бухоро т.) кабилар киради.

Зоотопонимларда ҳам табиий шароитнинг таъсирини сезиш мумкин. Вилоятда чўл ва тўқайга (географик ўрндан келиб чиқиб) алоқадор зоотопонимлар вужудга келган. Чўл билан боғлиқ зоотопонимларга – Жайрон

(Олот), Кулонхона (Бухоро т.), Кулончи, Қорақулончи, Юқори қулончи, Морли (барчаси Қорақўлда), Харгўш (Вобкент), Рўбала (Шофиркон), тўкайга алоқадорларга Шағол (Қорақўл), Шағолон (Ғиждувон), Кушхона (Бухоро т.), Ғозбийрон (Ромитан) сингарилар мисол бўлади.

Инсоният минг йиллар давомида чўлларни ўзлаштириб, янги ва обод манзилгоҳларни ташкил қилган. Натижада мазкур ҳолат жой номларида ҳам ўз изини қолдирган. Бухоро вилоятида биргина янги сўзи билан бошланадиган 20 дан ортиқ жой номлари бор. Бундай манзилгоҳларга – Янгиер, Янгиобод, Янгирабод, Янгиҳаёт, Янгидиёр, Янгийўл, Янгиқишлоқ, Янгиҳовли, Янгитурмуш, Янгизамон, Янгибоғ, Янгичопиқ ва бошқалар киради. Шунингдек, обод кўшимчаси кўшилган бир қанча топонимлар мавжуд. Уларга Чўлобод, Обод, Даштобод, Янгиобод ва ҳ.к.ларни мисол қилиш мумкин. Бундан ташқари турли сўзларга обод кўшимчаси кўшилишидан ҳосил бўлган 30 га яқин (Давлатобод, Ўзбекобод, Гулобод, Чоробод, Шўробод, Амиробод,

Усмонобод, Ҳукуматобод, Чандиробод, Манзилобод, Ҳожиобод, Назаробод, Бўстонобод, Хонобод ва ҳ.к.) топонимлар рўйхатга олинган.

Шу билан бирга, мазкур манзилга яқин чўлли ҳудудларнинг ўзлаштирилиши натижасида чўл кўшимчаси кўшилиб, Мохончўл, Ўртачўл, Ўбачўли сингари аҳоли манзилгоҳлари ҳам ташкил топган.

Умуман олганда, ҳар қандай минтақанинг жой номлари табиий шароит билан вобаста ҳолда вужудга келган. Зеро, бу ҳақда Ш.С.Зокиров “Табиий муҳит ва унинг айрим компонентлари шаҳарлар типига, аҳоли пунктлари ва дам олиш масканларининг географик тарқалишига, кишиларнинг ҳаёт тарзига (масалан, иш маромига, кийим-кечаклар танлашига, овқатланишига) таъсир қилади”, деб айтган эди (Зокиров Ш.С., 1998). Айниқса, бу борада чўл шароитида ривожланаётган манзилгоҳларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки чўл шароитида аҳоли манзилгоҳларининг номларида арид зонанинг ўзига хос хусусиятлар сезилиб туради.

Резюме

В статье рассматриваются топонимы, образованные в связи пустынными природными ландшафтами Бухарской области. Приводятся конкретные примеры – ойконимы, отражающие специфические особенности пустынных территорий.

Тавсия этувчи:

доц. Ғуломов П.Н.

ТОПОНИМИКА ФАНИНИНГ ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИ

Ҳакимов Қ.М., Ақчаев Ф.Ш.

Мавжуд илмий манбаларни ўрганиш шуни кўрсатадики, топонимика фанининг тадқиқот методлари сўнгги бир аср давомида шаклланиб борган. Сабаби, амалий топонимика давр индикатори сифатида жамият ривожланишида содир бўлаётган турли ўзгаришларни (сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, илмий-техникавий, фан тараққиёти) ўзида акс этади. Топонимика фанининг тадқиқот методлари тўғрисида Э.М. Мурзаев, Ю.А. Карпенко, В.А. Жучкевич, Е.М. Поспелов, ўзбек олимларидан С. Қораев, Т. Нафасов, З. Дўсимов, Т. Эназаров ва

бошқалар илмий изланишлар олиб боришган. Масалан, филолог олим Т.Эназаров сўнгги йиллардаги илмий-тадқиқот ишларида топонимиканинг лингвистик методларига кўпроқ эътибор қаратган.

Куйидаги мақолада эса лингвистик методлар билан бирга, кўпинча, геотопонимик тадқиқотларда қўлланиладиган *географик, картографик, тарихий, статистик, этимологик* каби методлар ҳақида илмий қарашлар баён қилинди. Таъкидлаш жоизки, ҳозиргача шаклланган топонимик тадқиқот метод-

ларнинг қайси бири энг муҳимлигини айтиш қийин, чунки уларнинг ҳар бири фаннинг ўрганиш объекти бўлган географик номга турлича ёндашиш имконини беради ва жой номининг мазмун-моҳиятини аниқлашда ҳар бири алоҳида аҳамият касб этади.

Маълумки, таҳлил ва синтезнинг турлича тадқиқот методларидан фойдаланиб географик номнинг асл маъно-мазмунини аниқлаш мумкин. Топонимик тизимнинг бир бўлаги бўлган географик ном, ҳеч қачон яқка, танҳо эмас, у турлича кўринишдаги узун “занжир”нинг “ҳалқа”ларидан бирidir. Шу сабабдан, муайян ҳудуд топонимиясининг барча ўзига хос хусусиятлари инобатга олиб тадқиқ қилинса, таҳлил тўғри ва маҳсулдор бўлади. Бу хулоса барча ҳудудий топонимия ва ҳар бир географик номнинг илмий талқинини аниқлашга тааллуқлидир.

Ҳ.Ҳасанов бу масалага эътибор қаратиб, шундай ёзган: «ҳар бир жой номининг бамисоли икки томони бор – сирти ва ичи. Сиртдан қараганда ҳар бир ном атоқли от бўлиб кўринади. Африка, Гренландия, Хитой, Миср, Париж, Челекен сингариларнинг жой номи эканлиги ҳар кимга ҳам аён. Аммо, номнинг ички томони ҳам борки, уни кўриш учун «рентген»га солиш лозим; бу ном қаерда, нега шундай аталган, қайси тилдан олинган? Жойнинг бу ички хусусиятини ҳар ким билавермайди, у фақат тадқиқотчига муяссар бўлади». Шубҳасиз, топонимик тадқиқотларда кўпинча яхлит манбаларга эътибор қаратиш лозим, чунки жой номларига такрорийлик хос, улар баъзан тўла, агар мураккаб ном бўлса, таркибий қисмларга бўлиниб такрорланиши мумкин. Айрим ҳолларда номнинг талаффузи, лисоний тузилиши, семантикаси тўғри келса ҳам, баъзан номнинг барча қисмлари биргаликда такрорланади.

Биобарин, ҳар бир минтақанинг топонимияси турли нуқтаи назардан таҳлил қилиниши керак: 1) номнинг географик аломатлари: тоғ, дарё, дашт, чўл, шаҳар, қишлоқ ва ҳоказо; 2) пайдо бўлиш вақти ва унга туртки бўлган

сабаблар; 3) қайси тилга алоқадорлиги ва унинг лисоний хусусиятлари; 4) мазмуни ва этимологияси (*юнонча* *ἔθρον* - *ҳақиқат*, *сўзнинг асл маъноси ва* *λογος* - *таълимот*). 5) номнинг тузилиши, тил қонуниятлари ва имло қоидаларига тўғри келиши; 6) топонимнинг яратилган тилида ва бошқа тилларда илмий жиҳатдан тўғри ёзилиши; 7) тарқалиш ҳудуди, ареали, миграция йўллари;

Шуни таъкидлаш жоизки, географик номнинг асл маъносини аниқлаш учун битта методдан фойдаланиш яхши самара бермаслиги мумкин. Топонимистнинг асосий вазифаси - фаннинг турли топонимик тадқиқот методларидан фойдаланиб, ҳақиқий илмий натижани қўлга киритишдан иборат. Топонимик тизимдан ажратиб олинган алоҳида ҳар қандай ном илмий таҳлил учун асос бўлолмайди. Шу сабабдан, топонимик тадқиқотларда географик номни ҳудуд топонимияси билан бирга тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Мутахассислар томонидан илмий-тадқиқот ишларида қўлланилаётган топонимик тадқиқот методлари куйидагилардан иборат:

Географик: Топонимик тадқиқотларда ушбу усул топонимик терминларни қўлланишига асосланган. Географик номлар таркибида учрайдиган топонимик терминлар ифодаланган объектни билдирувчи сўзлар (турдош отлар)дан ташкил топган. Уларни айрим илмий адабиётларда топонимик индикатор деб ҳам аташади. Кўпинча, топонимик терминлар (жар, сой, булок, тепа, кудуқ ва бошқ.) жой номларининг асосини ташкил этади ва географик объект турини билдиради.

Топонимик терминлар - турдош отлар, топонимлар эса атоқли отлар саналади. Топонимик терминларни ўзи ифодалаётган объектларга қараб (геоморфологик, гидрологик, литологик, этнонимик, ойқономик ва бошқ.) аниқлаш мумкин. Географик ном ва термин ўртасидаги алоқадорлик топонимиканинг универсал қонунияти ҳисобланади. Халқ термини ва географик объект орасидаги мавжуд генетик алоқа топонимияда ўз аксини топган.

Бошқача айтганда, топонимия - бу ҳудудий ландшафтнинг ўзига хос тили, унинг мантикий ифодасидир. Айтиш мумкинки, топонимия орқали ландшафт ўзи, тарихи, динамикаси ва хусусиятлари ҳақида «гапиради». Маълумки, топонимия орқали ландшафтни тадқиқ этиш, унинг ўтмишдаги географик ҳолатини тиклаш имконияти мавжуд. Географик номлар ёрдамида ландшафтнинг табиий компонентлари – рельеф шакли, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг тарқалиш ареали ва ривожланиш босқичларини аниқлаш ва тадқиқ қилиш ҳам мумкин.

Харитаграфик: Топонимик тадқиқотларда кенг қўлланиладиган, аммо анча мураккаб усул, унинг бошқа усуллардан фарқи ва афзалиги шундаки, номларнинг ўрганилганлик даражаси, табиий, ижтимоий, иқтисодий ҳодиса ва объектлар билан алоқадорлиги, такрорийлиги ва зичлигини майдон бирлигига аниқ кўрсатиш имконини беради. Топонимик маълумотларни аниқлаш турли харитаграфик манбалардан фойдаланишни талаб қилади. Турли даврдаги хариталар ёрдамида табиий ҳодиса ва жараёнларнинг ривожланиш босқичларини топонимия маълумотлари асосида кузатиш ва таҳлил қилиш мумкин.

Топонимик хариталар тузиш, улардан фойдаланиш, умуман харитаграфик усулнинг имкониятларини рус олими Е.М.Поспелов илмий жиҳатдан ҳар томонлама ўрганган. Харитаграфик усул топонимистдан ўрганилган умумий материаллардан аниқ хулоса чиқаришни талаб қилади. Шу сабабдан, харитадаги маълумотлар матнга нисбатан яққол ва аниқ кўзга ташланади ҳамда топонимик ҳодиса ва қонуниятларни тушиниш имкониятини беради. Топонимик «юки» бўлган хариталарни тузиш ва улардан самарали фойдаланиш учун топонимларнинг электрон базасини яратиш, замонавий ахборот ва ГИС –технологияларни қўллаш яхши натижа беради.

Тарихий: Тарихий таҳлил методидан фойдаланиб, топонимнинг пайдо бўлган даври, унинг эволюцияси ва трансформацияси ҳамда янги географик

номнинг пайдо бўлишига асос бўлган ижтимоий муҳитни аниқлаш мумкин. Шу сабабдан ҳар қандай топонимик фактни тадқиқ ва таҳлил қилишда, аниқ тарихий воқеликни ҳисобга олиб иш кўриш, улардан самарали фойдаланиш яхши натижа беради. Кўпинча географик номларнинг семантикаси ўзига хос хусусиятларга эга, улар узоқ тарихий давр давомида шаклланган бўлиб, инсоннинг табиатга бўлган муносабатини ифода этади.

Ном доимо ижтимоий эҳтиёж туфайли пайдо бўлганлиги боис, ҳаттоки, табиий географик терминлар ҳам топонимияда географик объектнинг иқтисодий-ижтимоий аҳамиятини белгилайди. Ҳар бир географик ном бу тил орқали ифодаланган ихчам тарих, унинг асоси муайян тарихий даврда яратилган. Тарихий усул ёрдамида тадқиқотчи жой номининг географик аломатларига яна ҳам жиддий эътибор бериши мумкин.

Топонимик тадқиқотларда тарихий усулни қўллаш тарафдори бўлган А.И.Попов ўзининг тадқиқотларида аниқ тарихий шароит ва тарихий манбалардан хабардор бўлмасдан туриб географик номнинг келиб чиқиши ҳақида тўғри фикр билдириши мумкин эмас, деб таъкидлаган. Топонимлар аниқ бир тарихий шароитда пайдо бўлиб, келиб чиқиши жамият ҳаёти, ҳудудда яшаётган ёки қачонлардир яшаган халқлар тили билан чамбарчас боғлиқ. Аниқроқ айтганда, ҳар бир тарихий давр ўзига хос хусусиятларга эга эканлигини унинг географик номларида ҳам кўриш мумкин.

Шу сабабдан номнинг асл маъносини аниқлашда уни тарихий пайдо бўлган даври билан бирга ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Ҳар бир тарихий давр географик номларнинг муайян қатламини ҳосил қилган, аниқроғи ҳар бир тарихий қатламнинг жой номларида ўзига хос «изи», «тамғаси» мавжуд. Тарихий маълумотлар ҳар доим ҳам номлашнинг тарихий жараёнини кузатиш ва тиклаш имконини бермайди. Шу сабабдан кўпинча топонимик маълумотларни тарихий воқеа-ҳодисаларни аниқлашда қўшимча манба сифатида

фойдаланиш яхши натижа беради.

Лингвистик: Географик номларнинг худудий тадқиқ этиш ва формантларга бўлиб ўрганишда олимлар томонидан *лингвистик усуллар (топоформантлар асосида, грамматик тузилиши)* кенг қўлланилади. Номларнинг лисоний таркиби, сўз ва қўшимчалари, уларнинг маънолари ва бирикуви, номланишга асос бўлган ижтимоий-лисоний омиллар ўша давр воқелиги билан баҳоланиши, изоҳланиши ва тадқиқ қилиниши лозим.

Маълумки, ҳар бир тилда топоним ясовчи ўзига хос воситалар мавжуд, яъни муайян суффикслар (аффикслар) ва сўзлар жой номи яратишга ихтисослашган бўлади. Туркий тилларда, жумладан, ўзбек тилида топонимларда кўплик қўшимчалари кенг тарқалган эмас. Йирик ва муҳим аҳамиятга эга бўлган географик объектларнинг номлари тил ходисаси сифатида турғун қолиб, узоқ даврлар яшайди, тилдан тилга ўтиб асрлар давомида сақланиб қолади. Узоқ ўтмишда яралган номларни, ном таркибидаги сўз ва қўшимчаларни тилнинг ҳозирги ҳолати билан талқин қилиш мумкин эмас.

Этимологик: Географик номларнинг асл маъноси ва мазмунини аниқлашда энг қадимий ва ҳозирда ҳам топонимика фани учун муҳим аҳамиятга эга бўлган *этимологик* усулни қўллаш яхши самара беради. Кўп йиллар давомида этимология топонимиканинг асосий вазифаси саналган. Ҳозир ҳам у бошқа методлар орасида муҳимлиги билан ажралиб туради.

Э.М.Мурзаев ушбу методнинг камчилиги ҳақида гапириб, жой номи билан боғлиқ географик воқеаликка ва тарихий маълумотларга таянмасдан географик номнинг асл маъноси ҳақида хулоса чиқариш этимологик усулни ишончсиз ва баҳсталаб қилиши мумкин деган фикрни баён қилган. Айрим мутахассисларнинг фикрича, хусусан, субстрат топонимларни ўрганишда этимологик усулга таяниш кўпинча чалкашликларга олиб келади. Шу сабабдан реал ҳаётда номнинг пайдо

бўлишида туртки бўлган ижтимоий-сиёсий, маданий-тарихий ва географик асосни эътиборга олган ҳолда номнинг этимологиясини аниқлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Статистик: Топонимик тадқиқотлар натижасида қўлга киритилган маълумотларни қайта ишлашда статистик усул яхши самара беради. Бу усул ёрдамида маълум худуддаги географик номларнинг сонини аниқлаш, бошқа шаклдаги номлар билан таққослаш, келиб чиқиши, қайси тилга мансублигини фоиз нисбатларини ўрганиш имконияти мавжуд. Статистик маълумотлар тадқиқотчида минтақа топонимлари ҳақидаги тасаввурини конкретлаштиради ва аниқ хулоса чиқаришига кўмаклашади. Топонимикада картографик маълумотларни таҳлил этишда статистик усулни қўллаш мақсадга мувофиқ.

Баъзан, объектнинг номланишига асос бўлган географик, тарихий ва лисоний сабабларни бевосита жойида аниқлаш мақсадга мувофиқ. Кўпинча, анча мураккаб муаммонинг ечимини топиш учун, географик, тарихий ва лисоний ахборотлар камлик қилади, қўшимча дала маълумотларни жалб қилишга тўғри келади. Бундай ҳолларда *дала тадқиқотлари, топонимик экспедициялар* бевосита объект билан жойида танишиш, топоним ва географик терминларнинг моҳиятини белгилаш ҳамда айрим хулосаларни тўғри аниқлаш имконини беради. Топонимик тадқиқотларда экспедициялар ёрдамида турли сабаблар билан йўқ бўлиб кетаётган, аммо муҳим илмий аҳамиятга эга микротопонимларни йиғиш учун имконият пайдо бўлади.

Топонимик тадқиқотларда белги-ланган натижага эришиш учун баъзан номлашга туртки бўлган ижтимоий-сиёсий, тарихий ва географик асосларни бевосита жойида аниқлашга тўғри келади. Бундай ҳолларда топонимик экспедициялар географик объект билан бевосита жойида яқиндан танишиш, жой номининг мазмун-моҳиятини аниқлашда, муҳим илмий хулосалар чиқаришда ёрдам беради. Топонимик тадқиқотларда

қуйидаги манба ва маълумотлардан фойдаланиш мумкин:

а) Маҳаллий дала маълумотлари. Дала маълумотлари ёрдамида географик номларнинг географик объектлар хусусиятларига мос келиши, уларнинг транскрипциясини, харита ва маълумотномаларда учрамайдиган номларни ўрганиш мумкин.

б) Ёзма маълумотлар. Буларга солномалар, вақф ҳужжатлари (ёрлиқлар), турли юридик ҳужжатлар, хариталар, архив ҳужжатлари, луғатлар, маълумотномалар ва бошқалар кирази. Улар ёрдамида топонимларнинг

яшовчанлиги, ахборот ташиши, ўзгаришларга дучор бўлиши, номлашда туртки бўлган ижтимоий эҳтиёжни белгилаш каби масалаларни оидинлаштириш имконияти пайдо бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, географтопонимист учун географик номнинг пайдо бўлишида асосий туртки бўлган омилни аниқлаш жуда муҳимдир. Мақсадга эришиш учун мавжуд бўлган барча тадқиқот методларидан самарали фойдаланиш ва ҳар бир географик объект номига алоҳида ёндашиш яхши самара беради.

Адабиётлар:

1. Миракмалов М. Халқ табиий географик терминлари. – Тошкент, 2009. - 175 б.
2. Мурзаев Э.М. География в названиях. - М.: “Наука”, 1979. - 166 с.
3. Қораев С. Ўзбекистон топонимларини ҳосил қиладиган асосий терминлар ва бошқа сўзлар луғати. – Тошкент, 2001. - 176 б.
4. Ҳасанов Х. Географик номлар сири. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1985. - 120 б.
5. Ҳақимов Қ. Жиззах вилояти географик номлари. – Жиззах: “Сангзор”, 2013. - 204 б.

Резюме

Статья посвящена анализу методов топономических исследований. В частности, рассматривается значение картографического, географического, статистического и других методов в топонимике.

Тавсия этувчи:

доц. Ғуломов П.Н.

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ГЕОГРАФИЯ ДАРСЛАРИДА ТОПОНИМИК АТАМАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ

Султанова Н.Б.

Дунё ҳақлари ва миллатлари ўртасидаги ҳар қандай алоқаларни жой номларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки, барча тарихий даврларда ўзаро алоқалар учун жой номларидан муҳим кўрсаткич сифатида фойдаланилган.

Иқтисодиётнинг барча тармоқлари, хусусан, фан ва маданият жадал ривожланиб бораётган бир пайтда халқаро алоқалар тилимизда жой номларини тобора кўпроқ ишлатилишини тақазо этмоқда. Натижада, республикамизда топонимик атамаларни тўғри номлаш, уларнинг келиб чиқиш тарихи, мазмуни, географик тарқалишини ўрганиш давлат аҳамияти даражасидаги масалалар қаторига киритилди ва бу тўғрисида махсус қонунлар қабул қилинди. “Географик объектларнинг

номлари тўғриси”да Қонунчилик палатаси томонидан 2011 йил 4 мартда қабул қилинган, Сенат томонидан 2011 йил 26 августда маъқулланган Ўзбекистон Республикасининг Қонуни фикримизнинг далилидир. Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчаларга

- географик объектлар – Ернинг ҳозирда ва ўтмишда мавжуд бўлган ҳамда муайян ўрнашган жой билан тавсифланадиган келиб чиқиши;

- табиий ёки сунъий бўлган яхлит ва нисбатан барқарор ҳосилалари. Улар жумласига маъмурий-худудий бирликлар (вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар), табиий объектлар (дарёлар, кўллар, музликлар, текисликлар, тоғлар, тоғ тизмалари, ғорлар, чўллар, водийлар, даралар,

муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, ёнбағирлар, фойдали қазилмалар, конлар) ва бошқа кўплаб объектларга эътибор қаратилган. Бундан кўриниб турибдики, топонимик номларнинг географик тарқалиши ва уларнинг мазмун-моҳиятини ўрганишда география фанининг ўрни ва салмоғи алоҳида ажралиб туради.

Маълумки, география энг қадимги фанлардан бири. У инсоният яшовчи сайёра, яъни Ер ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш учун маълумот беришга қаратилган ягона ўқув предмети. Ҳозирда география қатор географик фанлар тизимидан иборат. Унинг таркибига кирувчи ҳар бир фан ўзининг қонуниятлари, тушунчалари, атамалари, тармоқлари ва алоҳида хусусиятлари эга. Ана шундай алоҳида хусусиятларга эга фанлардан бири топонимикадир. Бу борада, рус олими Н.И.Надеждиннинг қуйидаги сўзлари фикримизни далиллайди: - “Топонимика – бу Ернинг тили, Ер эса, шундай китобки, инсоният тарихи бу китобга географик номларда рақам қилинади”.

Топонимика - жой номларини ўрганадиган фан. *Топоним* латинча – *topos* - “ер”, “жой”, *нома* - “исм”, “ном” сўзларидан олинган бўлиб, “жой номи” деган маънони билдиради. Жой номлари эса топонимик атамалар ҳисобланади.

Топонимика фан сифатида XIX-асрнинг охири ва XX-асрнинг бошларида ривожлана бошлаган бўлсада, унинг асоси қадимги даврларга бориб тақалади. Қадимда аҳоли яшайдиган ҳудудларнинг кенгайиши, овчилик, деҳқончиликнинг ривожланиши, савдо-сотик, саёҳат ва бошқалар сабабли топонимика шакллана борган. Э.Мурзаев маълумотларига кўра, шимолий ярим шарнинг муз босмаган жанубий кенгликларида дастлабки топонимлар бир неча ўн ва ҳатто юз минг йил олдин пайдо бўла бошлаган. Аммо уларнинг ёзма акс эттирилиши бир мунча кейинроқ шаклланган. Ўрта асрларда дунё фанининг ривожланишига ўзларининг жуда катта ҳиссаларини қўшган Ал-Хоразмий, Жайхоний, Абу Райҳон Беруний, Юсуф Хос Хожиб, Маҳмуд

Қошғарий, Бобур асарларида кўплаб топонимлар, яъни жой номлари қизиқарли тарзда очиб берилган.

Республикамиздаги таниқли топонимистлардан бири Суён Қораевдир. У “Топонимика”, “Географик номлар маъноси”, “Географик номлар маъносини биласизми?”, “Ўзбекистон вилоятлари топонимлари” каби йирик асарларида лингвистик, картографик, тарихий ва этнографик маълумотларга алоҳида эътибор қаратган бўлса, “Топонимика” номли қўлланма асарида Ўзбекистон топонимияси, топонимларнинг пайдо бўлиши, топонимик форматлар, типлар ва моделлар, топонимик афсоналар, топонимиканинг ўрганилиши тарихи ҳамда топонимиянинг турлари ва уларнинг хусусиятлари ҳақида маълумотлар берилган

Республикамизда география йўналишида профессор Х.Ҳасанов томонидан олиб борилган топонимик тадқиқотлар диққатга сазовордир. Унинг “Географик номлар имлоси”, “Ўрта Осиё жой номлари тарихидан”, “Ер тили”, “Географик номлар сири” каби асарлари топонимик хусусиятлари жиҳатидан жуда қимматли асарлардир.

Ҳозирда ҳам географ олимларимиз томонидан топонимик тадқиқотлар давом эттирилмоқда. Жумладан, П.Ғуломов ва М.Миракмаловлар “Топонимика ва географик терминшунослик” номли асари мавжуд бўлиб, у ўқув қўлланма тарзида ёзилган. Муаллифлар қўлланмада халқ терминларининг топонимлар ҳосил қилишдаги роли ҳақида ҳам маълумот берганлар.

А.Низомов, Г.Раҳимова ва Н.Расуловлар томонидан ёзилган “Топонимика” номли ўқув қўлланмасида эса топонимларнинг ҳудудий тарқалиш қонуниятлари, топонимик районлаштириш концепцияси, географик ва тарихий географик тадқиқотларда топонимик индикаторлардан фойдаланиш методининг қўлланилиш муаммоларини очиб берганлар. Айниқса, муаллифларнинг топонимик районлаштириш, топонимларнинг географик тарқалиш қонуниятлари ва топонимикада

стратографик катламнинг ажратилиши мазкур ўқув қўлланмасининг қийматини янада оширади.

Топоним деганда, албатта, бирон бир жойнинг иккинчи бир жойдан фарқлайдиган номи тушунилади. Топонимларнинг шаклланишида муайян сабаблар иштирок этади. Ана шу топонимларни шакллантирувчи сабаблар эса географик номларни жойнинг ҳолати, рельефи, иқлимий хусусиятлари, ҳудуднинг сув манбалари, ўсимликлари, ҳайвонлари, тоғ жинслари, фойдали қазилмалари, халқлар, қабила, уруғларнинг номлари, афсонавий ва диний номлар билан боғлиқ ҳолда шаклланган топонимлар каби кўплаб географик гуруҳларга ажратиб ўрганишга имкон яратади. Мазкур географик гуруҳлардан топонимика фанининг калитлари, яъни кодлари вужудга келган. Топонимик кодлар – бу топонимик терминлар бўлиб, улар агронимлар, антропонимлар, дромонимлар, гидронимлар, индикатор номлар, зоотопонимлар, ороним, ойконим (комоним, полисоним, урбоним), спелеоним, фитотопоним, топоформат ва бошқа кўплаб терминлардир.

Юқоридагилардан кўришиб турибдики, жой номлари география фанининг энг асосий тушунчаларидан бири, шунинг учун ҳар иккаласини бир-биридан ажратиб ўрганиб бўлмайди. Шу сабабли жой номларини узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинлари география дарсларида ўргатиб бориш зарур. Жой номларининг мазмунини ва нима сабабдан бундай аталишини очиб бериш ўтилган дарс мазмуни хотирада узоқ вақт сақланиб қолишига, ушбу ҳолат эса дарсга бўлган эътиборни кучайтишига олиб келади. Бу борада эса албатта, умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиладиган география фани ўзининг кенг қамровлиги билан ажралиб туради.

География таълими умумий ўрта таълим мактабларида ташкил этиладиган педагогик жараённинг ажралмас ва узвий боғланган таркибий қисми сифатида мазкур таълим муассасаси олдида қўйилган умумий мақсадларга мувофиқ

барка-мол ўқувчи шахсини тарбиялашга хизмат қилади. Шунингдек, география таълими ўқувчиларда Ер тўғрисидаги илмий дунёқарашларни шакллантиради, ижтимоий-иқтисодий билимларни таркиб топтиради, дунё давлатлари ва турли регионларда жамият ва табиатнинг ўзаро боғлиқлиги, географик объект, жараён ва ходисалар ҳақидаги билим ва тушунчалар билан қуроллантиради, умуминсоний маданиятнинг таркибий қисми бўлган географик маданиятни тарбиялайди.

География таълимида дарсликлар ўқувчилар учун асосий қўлланма, билим олишнинг энг муҳим манбаи ҳисобланиб, жой номларини ўрганишдаги ўрни бекиёсдир. Дарслик ёрдамида ўқувчилар мустаҳкам билим, кўникмага эга бўлади, билиш қобилиятлари ривожланади. Шунинг учун география дарсликлари юқори илмий даражага эга бўлиши, методик жиҳози педагогик жиҳатдан асосланган бўлиши лозим. Ҳозирда умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари учун яратилган дарсликлар юқоридаги талабга деярли жавоб беради. Амалда қўлланилаётган география дарсликлари Республикаимизнинг йирик маҳаллий олимлари томонидан ёзилган бўлиб, мазкур дарсликларда берилган географик билимлар ўқувчиларнинг ёш психофизиологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда ёзилган. 7-синф “Ўрта Осиё ва Ўзбекистон табиий географияси” фанини, хусусан, “Ўзбекистон табиий географияси”ни кўриб чиқайлик. Дарслик муаллифлари П.Фуломов, Х.Ваҳобов, П.Баратов, М.Маматқулов. Дарслик «Ўқитувчи» нашриётида 2003 йилда чоп этилиб, 2005, 2009 ва 2013 йилларда қайта нашр қилинган. Дарслик кириш, 2 та бўлим, 9 та қисм, 68 та параграф ва иловалардан иборат.

“Ўрта Осиё ва Ўзбекистон табиий географияси” ўқувчининг ўзи яшайдиган ўлкаси, Она-Ватани ҳақида илмий табиий географик билим берувчи ягона фандир. Мазкур фанни ўқиш орқали ўқувчилар ўзи яшаб турган Ватанининг табиий шароити ва табиий ресурсларини чуқур ўрганадилар ҳамда табиий таркибий

қисмларнинг бир-бирига узвий боғлиқ ва алоқадорлик қонуниятларини тушуниб етадилар. Натижада, Ўрта Осиё ва Ўзбекистон табиатини чуқур ва ҳар томонлама билувчи, уни табиий бойликларидан оқилона фойдаланиб, муҳофаза қилувчи ёш авлод вояга етказилади.

Дарсликнинг I-бўлими «Ўрта Осиё табиий географияси»га бағишланган, ушбу бўлим муаллифлари доц. П.Ғуломов ва профессор Ҳ.Ваҳобов, II-бўлим «Ўзбекистон табиий географияси» деб номланиб, у г.ф.н., профессор П.Баратов ва профессор М.Маматқуловлар томонидан ёзилган.

Дарслик методик жиҳатдан тўғри жиҳозланган. Дарсликда берилган хариталар, чизмалар ва диаграммалар дарслик мазмунини бойитади ва ўқувчилар ёшига мос. Ўқувчилар дарсликда берилган илмий билимларни яхши ўзлаштириб олишлари учун қуйидагилар белгиланган:

- географик жой номлари ва янги терминлар алоҳида тўқ ҳарфлар билан ажратиб ёзилган;

- асосий қоидалар ва тушунчалар матнда алоҳида ёзув билан кўрсатилган;

- ўтилган мавзуларни такрорлаш учун савол ва топшириқлар янги мавзу олдида берилган;

- эгалланган янги билимларни мустакамлаш учун ҳар бир мавзу охирида савол ва топшириқлар берилган. Булар албатта ўқувчиларнинг географик илмий дунё-қарашини кенгайтиради, мавжуд билимларни амалиётда қўллай олишга ўргатади.

Умуман олганда, 7-синф «Ўзбекистон табиий географияси» «Ўқув адабиётларини янги авлодини яратиш Концепцияси»га тўлиқ жавоб беради, ДТС га мос, Унда ўқувчиларнинг ёш ва психофизиологик хусусиятлари тўлиқ инобатга олинган, методик жиҳатдан тўғри жиҳозланган. Аммо, дарсликда топонимик атамаларга эътибор деярли қаратилмаган. Ваҳоланки, география дарсларида ўқувчилар жой номларининг мазмуни билишга жуда қизиқадилар. Чунки, топонимлар маъноси жиҳатидан

номланган жойнинг маълум табиий географик, ижтимоий-иқтисодий хусусиятларини акс эттиради. Шу сабабли география дарсларида топонимик атамалардан айримларининг мазмунини изоҳлаб бериш лозим.

Мамлакатимизда топонимлар генетик келиб чиқишига кўра бир хил тарзда тарқалмаган бўлиб, унинг айрим ҳудудларида оротопонимлар кўпроқ учраса, айрим ҳудудларда гидронимлар ёки унинг маълум турлари, бошқа жойларида индикатор номлар, фитотопонимлар, зоотопонимлар, петротопонимлар устунлик қилиши мумкин ва ҳ.к. Масалан, рубликамизнинг жанубий Сурхондарё табиий география округининг шимол, шарқ ва ғарб томонлари тоғлар билан ўралганлиги учун тоғлар билан боғлиқ оронимлар (Боўйсун, Чакчар, Кўхитанг ва ҳ.к.) ва булоқ, сой, дарё ва кўллар билан боғлиқ гидронимлар (Тўполон, Қоратолдарё, Сурхондарё ва ҳ.к.) кўп тарқалган бўлса, ғарбий қисмида топонимик атамалар жуда сийрак тарқалган, аммо гидро-техник иншоотлар билан боғлиқ гидронимлар (Тошбақа, Қизкетган, Дарёлик ва ҳ.к.) кўпроқ тарқалган. Шарқий қисми, яъни Фарғона табиий географик округи тоғ оралиқ ботиғида жойлашганлиги учун рельеф жиҳатидан жуда мураккаб бўлиб тоғлар, адирлар ва чўллар билан боғлиқ бўлган оронимлар ҳамда гиронимларнинг дарёлар, ирмоқлар, сойлар номлари билан боғлиқ бўлган патамоним (Хўжабақирғон, Чодаксой, Поччаота ва ҳ.к.) тури кенг тарқалган бўлса, Чирчиқ-Оҳангарон округининг жанубий ва Мирзачўл округининг марказий ва шимолий қисмларида фитотопонимлар (Пахтакор, Ғаллаорол, Гулистон ва ҳ.к.) нинг кенг тарқалганлигини кўришимиз мумкин.

Ўқитувчи география дарсларида, мавзунинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда, юқоридаги топонимик атамаларнинг айримлари мазмунини изоҳлаб бориш орқали география дарсининг ҳам қизиқарли, ҳам самарали ўтишига эришиши, шунингдек, жой номлари ҳақида ўқувчиларда маълум бир

тушунчаларни ҳосил қилиш мумкин. Масалан, “Ер юзасининг асосий хусусиятлари” мавзусида Устюрт платоси, Тяншан тоғ тизмаси, Кўхитанг тоғи каби атамаларни қуйидагича изоҳлаб бериш мумкин. *Устюрт* “Усти текис”, “ясси яйла” деган маънони англатади. *Тяншан* - Ўзбекистоннинг шимоли-ғарбий қисмидан то Хитойгача жойлашган тоғ тизмаси бўлиб, унинг ғарбий тармоқлари Ўзбекистон ҳудудида жойлашган. Тяншан тоғини аслида маҳаллий аҳоли араблар келгунча, ислом дини тарқалмасдан аввал Тангри тоғ деб атаган. *Тангри* сўзи осмон, “муқаддас”, “улуғ”, “кенг” деган маъноларни англатган. Бу тоғ баҳайбатлиги учун шундай ном олган. Хитойлар қадимги туркий Тангри тоғ номини ўзларига монанд таржима қилиб, Тяншан (тянь – “осмон”, шан – “тоғ”) деб атаганлар. *Кўхитанг*- Ўзбекистон жанубидаги тоғ. Тожиқча *кўх* – “тоғ”, *танг* – “тор”, “жар” сўзларидан ҳосил бўлиб, “тор тоғ”, “ингичка тоғ” деган маънони англатади.

“Ўзбекистоннинг ички сувлари ва сув бойликлари” мавзусида республикамиз сув ҳавзаларининг гидрографик хусусиятларига оид географик маълумотлар берган ҳолда, айрим дарёлар, кўллар, сув омборлари мазмунини қуйидагича тушунтириб бориш мумкин. Масалан, *Чирчиқ дарёси* - *Чир* сўзи гуриллаган, тезоқар, шовуллаган ҳолат-

ларга нисбатан ишлатилади. Дарё ҳақиқатдан ҳам тез, айниқса, юқори қисмида тошдан-тошга урилиб, кўпириб оқади. *Чик* кўшимча бўлиб, кичиклигини билдиради. Чирчиқ-кичкина, лекин шовуллаб оқадиган сув маъносини билдиради. Бу каби мисолларни жуда кўплаб келтиришимиз мумкин. Аммо, дарсликда бундай топонимик атамаларга эътибор бир оз четда қолган.

Мақтаб география дарсликларида айрим мавзулардаги йирик топонимик номларнинг мазмуни матн ичида ёки изоҳ тарзида очиб берилса ёки дарслик охирида илова тарзида келтирилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Биз бу ўринда бутун география дарсини топонимик атамаларни ўргатишга бағишлансин, - деган фикрдан йироқ-дамиз албатта. Дарсларда топонимик атамаларнинг бир нечасинигина мазмунини очиб беришнинг ўзи кифоя. Чунки, дарс учун ажратилган вақт чегараланганлиги боис ҳар бир географик номнинг мазмунини ўқувчиларга тушунтириш имконияти йўқ. Шу сабабли, топонимикага қизиқувчи ўқувчилар билан факультатив машғулотларда, география тўғаракларида, география кечаларида топонимик атамаларни ўрганиб бориш орқали, ўқувчиларнинг география фанига қизиқишларини оширишимиз мумкин.

Адабиётлар:

1. Низомов А., Раҳимова Г., Расулова Н. Топонимика. – Тошкент: “Шарқ”, 2012.
2. Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2005.
3. Ғуломов П., Мирақмалов М. Топонимика ва географик терминшунослик. – Тошкент: ЎЗМУ, 2005.
4. Ғуломов П., Ваҳобов Х., Баратов П., Маматқулов М. География. 7-синф учун дарслик. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 2013.
5. Ғуломов П., Ваҳобов Х., Баратов П., Тиллабоева М. География 7. Ўқитувчилар учун услубий қўлланма. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 2003.
6. Ҳасанов Х. Ер тили. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1977.

Резюме

Названия местности в географии являются одним из основных понятий, и их нельзя изучать обособленно друг от друга. В связи с этим в структуре непрерывного образования необходимо на занятиях географии охарактеризовать топонимические материалы. В статье рассмотрен вопрос использования географических названий на уроках географии, в частности физической географии Узбекистана в среднеобразовательных школах.

Тавсия этувчи:

доц. Ғуломов П.Н.

ЗООТОПОНИМЛАР ГЕОГРАФИЯСИ ҲАҚИДА*Усмонов М., Ҳакимов Қ.М., Бурхонов Э.***Кириш**

Географик харитада келтирилган бой ва хилма-хил ахборотлар орасида жой номлари алоҳида ўрин тутди. Улар жойнинг географик ўрнини аниқлаш учун ҳам, географик тушунчаларни ифода этиш учун ҳам зарурдир. Маълумки, ҳар қандай топоним инсон фаолиятининг маҳсули, у географик объектнинг номи сифатида ер юзининг маълум бир нуқтасида пайдо бўлган.

Ҳар бир давр, тузум ўз мафқураси ва маънавияти, маданияти, ишлаб чиқариш тарзи, хўжалик фаолияти ва бошқа сиёсий, иқтисодий-ижтимоий омилларга таяниб номлар мажмуини яратади ва айнан жой номларида кишилик жамияти тараққиётидаги давр руҳи, халқнинг турмуши ва маданияти билан боғлиқ турли хил воқеа-ҳодисалар муҳрланиб қолади. Бошқача айтганда, географик номлар «ўлик» сўзлар эмас, балки замирида халқ ҳаёти, тарихи, тили ва шунга ўхшаш бошқа кўплаб сирларни асраётган бебаҳо хазинадир.

Ўтмишда кишилар ҳаёти табиат билан чамбарчас боғлиқ бўлганини инобатга олсак, табиий географик омиллар асосида шаклланган номлар илгарилари ҳозиргига нисбатан катта ўрин тутганлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Шу сабабдан, муайян ҳудуднинг топонимиясини таҳлил қилганда жой номи давр маҳсули эканлигини эътиборга олиб, мавжуд маълумотларни ҳозирги замон мавқеидан эмас, балки ўша даврдаги кишиларнинг нуқтаи назаридан таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Биринчи эшитганда маъносиздай туюлган номлар чуқурроқ қаралса, кўпинча кутилмаган мазмунни бериши мумкин. Баъзан, маълум бир географик объектга ном бўлиб хизмат қилган ўсимлик ёки ҳайвон йўқ бўлиб кетган бўлса ҳам, аммо жой номида сақланиб қолаверади.

Асосий қисм

Топонимикада географик номнинг келиб чиқиши, агар ҳайвонот олами билан боғлиқ бўлса зоотопоним (зоо - ҳайвон) деб аталади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, зоотопонимлар жой номлари таркибида аслида унча кўп эмас ва уларнинг пайдо бўлиш сабаблари ҳам турлича. Баъзан зоотопонимнинг пайдо бўлиши бевосита ҳайвоннинг ўзи билан боғлиқ бўлса, кўпинча ундан мажозий маънода ҳам фойдаланилган.

Гап шундаки, зоотопонимлар чиндан ҳам бирон ҳайвон тури номи билан аталганини тўла ишонч билан аниқлаш қийин, чунки ҳар қандай ҳайвон номи бошқа, кўчма маънода қўлланган бўлиши ҳам мумкин. Уларни фарқлашнинг қийинлигини яна бир томони шундаки, қадимда бир қанча этник гуруҳларнинг (уруғ - аймоқ) муқаддас ҳайвонлари бўлиб, кишилар ўзларини шу ҳайвонлардан тарқалган, деб ҳисоблашган. Бу топонимик ҳодиса фанда «тотем» деб аталади ва ҳозиргача кам ўрганилган. Чунончи, Боймоқли, Қулонли, Қорақўйли, Илонли каби номлар шу асосда пайдо бўлган.

С.Қораев фикрича, «илонли - ўзбек қавмларидан бири. Илонни, жилонни, жилонтамғали деб ҳам аталган. Тамғаси (тотем) илон шаклида бўлгани учун шундай ном олган. Ўтмишда илон мазкур этник жамоа турмуш тарзида ҳамда эътиқодида катта ўринга эга бўлган. Илончи топоними ҳам шу этноним билан боғлиқ бўлиши мумкин, чунки судралиб юрувчи ҳайвон ҳисобланган илон кўп бўлган жойлар кўпинча илонлидара, илонлиқалъа, илонсой деб аталган» [4].

Бевосита ҳайвонлар номи билан боғлиқ топонимлар ҳам талайгина ва улар анча қадимий номлар ҳисобланади. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, ҳар қандай жой номи каби, зоотопонимлар ҳам муайян бир тарихий даврнинг маҳсулидир. Ана шундай, ўтмишда кўпгина зоотопонимларнинг келиб

чиқишига сабаб бўлган хайвонлардан бири туядир.

Фан-техника ўта тараққий этган ҳозирги замонда туя ўзининг жисмоний кучи, сувсизликка ва жазирамага ўта чидамлилиги ва ташқи қиёфаси билан ҳар қанча эътиборга молик бўлмасин, бу жонивор номи замонавий топоним яшаш «танловида» иштирок эта олмаслиги аниқ, аммо ўтмишда доно халқимиз нафақат ташқи кўриниши ғалати, балки ички тузилиши ҳам жумбоқли бўлган туядан жой номлари яшашда кенг фойдаланган.

Кўпинча зоотопонимлар жойнинг геоморфологик хусусиятига қараб, унинг ташқи кўриниши асосида ҳам вужудга келган. Дастлабки тўлиқ бўлмаган маълумотларга қараганда республика ҳудудида туя сўзи элликдан ортик топоним таркибида учрайди. Масалан, Туябоши, Туябўғиз, Туятортар, Туяошув, Туяяйлов, Туяқорин, Туяқуйруқ, Туяқудуқ, Туядала, Туячи, Туябулоқ, Туябўйноқ ва ҳоказо.

Туя беназир улов бўлиши баробарида гавда тузилишининг ғалатилиги билан ҳам кишилар эътиборни тортган. Туячи сўзнинг луғавий маъноси сарбон, туяқаш, туя карвонининг бошлиғи эканлигини ҳамма билади, лекин туяқудуқнинг суви туя кучи билан тортиб чиқарилишини, кўтарма ариққа сув берадиган улкан чиғирнинг туя ёрдамида ҳаракатга келтирилишининг туятортар деб аталишини ҳамма ҳам билавермаса керак.

Профессор Т.Нафасов, Туятортар ариғининг бундай номланишини қўйидагича таърифлаган: «арикқа сув дарёдан чиғир орқали чиқарилган. Чиғир эса туя орқали ҳаракатга келтирилиб, айлантирилган. Чиғирга ўрнатилган сув идишлари анча йирик бўлган, шунинг учун у катта куч билан айлантирилган. Чиғир ҳаракати туя кучи билан амалга оширилганлиги туфайли шундай аталган» [3]. Оқим ўзани пастликда бўлгани боис чархпалакни туя тортиб айлантириб юқорига чиқарилган сув оқадиган анҳор ҳам Туятортар дейилган.

Туяошув - эшак тугул туя ҳам ошиб

кета оладиган ясси тоғ довони; туябўғиз - даранинг бўғиз сингари тор жойи ёки дарёнинг туя бўғизига - бўйнига ўхшаб оқадиган жойи; туятош - баланд тош, юксак тош, узокдан туя шаклида бўлиб кўринадиган баланд тошли жой, ёки туядан ҳам йирик якка тош қоя; туяшоти - ёлғизоёқ йўли бўлган катта баландлик, чўкки; туябўйин - бўйин узунасига чўзилган қирсимон баландлик, ўртасида қирраси бўлиб, икки томони қия тушган чўзиқ дўнглик ёки дарё суви туянинг бўйнига ўхшаб иланг - биланг бўлиб оқадиган жой; туямўйин - тоғ, дарё, қумлик жойларнинг тор қисми - йўлаги, туя бўйнига ўхшаш эгри жой; туябўйноқ -XI- аср туркий тилида бўйноқ - тоғ бўйни, бўйин сингари чўзиқ қирсимон баландлик, қирнинг бир кўриниши; туяқуйруқ - пояси туяни думини эслатадиган ўсимлик; туятовон - туянинг товонига ўхшаб ерда ёйилиб ўсадиган ўт; эканлигига ишорадир.

Туясингир - сингир умумтуркий сўз. Академик В.В.Радлов тоғ этагидаги баландлик, бурун, тепа деб шарҳ берган [3]. Сингир сўзи «Бобурнома»да бошқа маънода учрайди. Бобурнинг ёзишича, Афғонистонда тоғда истехком қуриш, ҳарбий куч билан мустаҳкамлаш сингир дейилган. Аслида, сингир сўзининг ареали анча кенг ва у кўпинча тоғ бағирларидаги ёлғиз баландлик, чўччайиб турган дўнглик, ёлғиз тепа ҳамда тупроқ уйиб, тош қалаб қилинган тўсиқ маъносида қўлланилган [2].

Академик В.В.Бартольд ҳам сингир сўзини «истехком» деб таржима қилган [1]. Туясиқилди - мажозий ном. Юк ташиш учун туя транспорт воситаси сифатида фойдаланилган даврда туя ўтолмаган, ўта тор, сиқик жой, даранинг энг танг нуқтаси - туя қисилди деб аталган.

Хулоса

Топонимларнинг этимологиясини аниқлашда грамматик тузилишдан кўра, уларнинг номинация ва географик қонуниятларини аниқлаш ва ўрганиш биринчи ўринда турмоғи керак. Чунки, ҳар қандай географик ном ижтимоий ҳодиса бўлиб, у нафақат табиат, балки

жамият таракқиёти ва эҳтиёжи билан ҳам чамбарчас боғлиқлигини унитмаслик даркор. Уларни ўрганиш нафақат география, балки лингвистика, тарих,

этнография, ботаника, зоология каби фанлар учун ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар:

1. Бартольд В.В. Соч. т. 3. - М., 1965. -с. 184
2. Бобур З.М. Бобурнома. – Тошкент, 1960. - б.206
3. Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент, 1988, - б.180.
4. Qoraev S.Q. Toponimika. – Tashkent, 2006, - b.192.

Резюме

В статье рассматриваются зоотопонимы и различные аспекты образования этого типа топонимов. Приводятся конкретные названия мест, связанные с животным миром.

Тавсия этувчи:

доц. Ғуломов П.Н.

ГЕОГРАФИК НОМЛАР ТРАНСФОРМАЦИЯСИ ҲАҚИДА

Усмонова С.А.

Номларни халқ маълум даврда ижтимоий эҳтиёж туфайли яратганлиги аниқ, аммо ана шу эҳтиёжга туртки бўлган ижтимоий, маданий, психологик, лисоний омилларни топиш анча мураккаб масала. Сабаби номларга ўзгарувчанлик хос ва бу ўзгаришлар турли босқичда содир бўлиши мумкин. Масалан, баъзи номлар умуман ўзгармаган бўлса, бошқалари тарихан узоқ даврда шаклан ўзгариб тушунарсиз бўлиб қолган. Айрим мутахассисларнинг фикрича, ном қанча қадимий бўлса шунча тушунарсиз бўлади.

Номларнинг ўзгариши сабаблари ҳам турлича бўлиши мумкин. Баъзан, географик номнинг ўзгариши уни турли халқлар тилларида қўлланиши бўлса, иккинчидан, бир тилдаги сўзнинг товуш ўхшашлиги, аммо мазмунан фарқ қилиши, учинчи ҳолда эса тилнинг товуш ва грамматик тузилишида содир бўлган ўзгаришлар сабаб бўлиши мумкин. Бу ҳодиса илмий топонимик тилда *трансформация* дейлади. Географик номнинг трансформацияси бу - унинг қўллаш тарихи жараёнда ўзгаришидир.

Топонимлар трансформацияси турлари:

1. Соддалашиш. В.А.Жучкевич фикрича, номларни соддалашиш қонунияти топонимика учун анъанавий ҳодиса саналади. Кўп компонентли

номларнинг ихчамроқ шаклга кириши. Масалан, *Жўйи Лангар - Жўлангар; Биби Убайда - Бувайда*. Дарҳақиқат, жой номи мазмунини сақлаб қолиб, уни имкон қадар қисқа шаклда баён этиш топонимика учун муҳим қонуниятдир. Географик объектни номлашда, унинг тўла тавсифи керак эмас, балки фақат умумий ва имкони борича ихчамроқ ифодалаш мақсадга мувофиқ.

Маълумки, топонимлар грамматик ва семантик жиҳатдан ҳозирги шаклга келгунга қадар талай ўзгаришларга, жумладан, номнинг тежаш тамойилига асосан қисқаришга учрайди. Чунончи, дастлаб географик объект *найман уругининг қишлоғи* номини олган. Чинакам топонимга айланиш жараёни тугамаганлиги боис, жой номи бутун бир гапдан иборат ва ишлатиш учун ноқулай бўлган. Тилнинг лексик воситаларини тежаш қонуниятига кўра, узоқ йиллар давомида географик ном сайқалланиб, ниҳоят Найман шаклини олади. Номнинг қисқариш суръати уни қанчалик кўп қўлланилишига боғлиқ.

Номлардаги тежамкорлик бошқа мамлакатлар топонимиясида ҳам бор. *Санкт-Петербургни - Питер, Сан-Франциско - Фриско, Лос-Анжелес - Эл-Эй* (инглизча бош ҳарфлари билан) деб аташади. Испан тилли топонимияга ҳам тежашкорлик хос. Чунончи, 1535 йили

Ла-Плата дарёсининг куйи оқимида асос солинган шаҳарга испанлар *Ciudad de la santissima Trinidad e Puerto de nuestra señora la virgen Maria de los Buenos aires*, яъни *Тринидад муқаддас шаҳри*, Биби Марям ёқимли шамоллари порти Буэнос-Айрес номини беришган. Ҳозирда шаҳар Буэнос-Айрес ёки яна ҳам қисқарок Байрес деб аталади.

2. Аббревиатура. Трансформациянинг бу турини топонимларга хос тежамкорликнинг бир шакли деб ҳисоблаш мумкин. Аббревиатура - бир неча сўзлардан пайдо бўлган географик номларни бош ҳарфлари билан ифодалаш усули. *БМТ, ЮНЕСКО, НАТО, ЮНИСЕФ, ОПЕК* каби топоним - аббревиатуралар халқаро миқёсда кенг қўлланади. Топоним - аббревиатура ясашдан асосий мақсад тежамкорлик, номдаги бош ҳарфлар ёрдамида географик номнинг мазмунини илғаб олиш мумкин. Бундай номлар қисман таржима қилинади.

Халқаро тажрибадан маълумки, сиёсий - маъмурий объектларнинг номларига кўра, табиий географик объектлар номлари кўпроқ таржима қилинади. Ҳиндистон Англия мустамлакаси бўлган даврда ҳинд мусулмони, ва миллий озодлик ҳаракати раҳбарларидан бири Чоудури Раҳмат Али 1931 йилда янги ислом давлати ташкил этиш ниятида Панжоб, Афғония, Кашмир, Синд ва Балужистон ерлари номларининг бош ҳарфларини бирлаштириб унга – “истон” қўшимчаси қўшиб Покистон номини яратган.

3. Морфологик трансформация. Трансформациянинг бу тури топонимларни маълум тарихий даврда турли тилларга мослашуви оқибати саналади. Географик номлар маълум бир тилда пайдо бўлади, аммо бошқа сўзлардан фарқи шуки, улар барча дунё тилларига ўзлашиши мумкин. Бошқа тилларга ўзлашиш жараёнида топонимларнинг тузилиши ва таркиби ўзгаради, уларнинг этимологиясини аниқлаш анча қийинлашади. Масалан, финикияликлар Пириней ярим оролининг ғарбий соҳилида аҳоли пункти барпо этиб, уни

шу жойдаги қўлтиқ номи билан *Алисуббо* - «шодлик қўлтиғи» деб аташган.

Кейинчалик бу ном латин, гот, араб ва португал тиллари таъсирида бир қанча ўзгаришларга дучор бўлган: - Олиссиппо - Олиссипона - аль-Ошбуна - Лишбуа. Рус тилига бу ном Лиссабон шаклида ўзлашган, ўзбек тилига эса рус тилига хос варианты қабул қилинган. Географик номлар орасида трансформациянинг бу турига кўплаб мисоллар топиш мумкин. Чунончи, *Кар-Хадашт - Картаго - Картаджанна - Карфаген - Картахена, Жабал-эл-Тариқ - Жабалтар - Гибралтар, Порашт - Фораиш - Фориж - Фориш* ва ҳоказо.

4. Номларнинг қайта маъно касб этиши. Трансформациянинг бу тури натижасида географик номлар шаклан ва мазмунан ўзгаради. Кўпинча, номнинг ёзилиши ва семантикаси ўзгариб қайта маъно касб этишига тушунарсиз бўлиб қолган топонимларни талаффуздаги ўхшашлигига қараб нотўғри талқин қилиш сабаб бўлади. В.А.Жучкевич топонимикадаги бу ҳодисани ўсимликни аввалги жойидан олиб бошқа жойга кўчириб, аммо уни қайси дондан униб чиққанлиги ноаниқ эканлигига ўхшатган.

1589 йили Царица дарёси соҳилида Царицын (ҳозирги Волгоград) шаҳрига асос солинган. Аслида дарё *Сарису* деб аталган. Туркий Сарису трансформация натижасида янгича маъно касб этган ва шаклан ўзгариб рус тилида Царицага айланган. Кейинчалик гидроним славян тилларига хос «-ин» топоформанти ёрдамида Царицын шаклида шаҳар номига айланган.

Французча ҳарбий пост, қаровул-хона маъносидаги пикет (*piquet*) сўзи рус тилига бекет ва ундан ўзбек тилига бекат шаклида ўзлашган. Чор Россияси даврида Ўрта Осиёда ўрмонларни кўриқлаш ҳарбийлар қўлида бўлган ва ўрмон қаровуллари яшайдиган жой, қаровул-хона бекат дейилган. Темир йўл станциялари ҳам ҳарбийлар тамонидан кўриқланган ва дастлаб бекат дейилган. Ҳозир кўпроқ шаҳарлардаги транспорт воситаларининг тўхташ жойи (остановкалар)ни бекат дейишади.

Хулоса қилиб айтганда, номларга ўзгарувчанлик хос ва бу ўзгаришлар қайси босқичда ва қандай сабабларга

кўра содир бўлганлигини билиш, географик номнинг асл маъно-мазмунини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар:

1. Караев С. Топонимия Ўзбекистана. – Ташкент: Фан, 1991. - 130 с.
2. Мурзаев Э.М. География в названиях. – М.: Наука, 1979. - 166 с.
3. Ҳасанов Ҳ. Географик номлар сири. – Тошкент: Ўзбекистон, 1985. - 120 б.

Резюме

В статье речь идет о трансформации географических названий в результате их упрощения, сокращения и морфологической изменений.

Тавсия этувчи:

доц. Гуломов П.Н.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ МАҲАЛЛАЛАРИНИНГ ГЕОГРАФИК НОМЛАРИ ҲАҚИДА

Солиев А.С., Пазилова У.К.

Кириш

«Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини¹ ижро этиш, шунингдек географик объектларни номлаш ва қайта номлаш соҳасидаги давлат сиёсатини янада такомиллаш-тириш ҳамда самарали амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 41-42-сон, 483-модда) қарори билан Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича республика комиссияси ва ҳудудий комиссиялар тузилган бўлиб, улар ваколатларига мувофиқ иш олиб боришмоқда. Хусусан, географик номларнинг тикланиши ва Собиқ Иттифоққа тегишли номларнинг сақланиб қолмаслигига алоҳида эътибор берилмоқда. Бундай долзарб муаммони ҳал этишда география фанининг ўрни ҳам салмоқлидир.

Асосий қисм

Маълумки, жой номлари турли ҳудудларда, шаҳар ва қишлоқ жойларда ўзига хос географик хусусиятларга эга. Айниқса маҳаллалар доирасида, яъни микротопонимларни ўрганиш маҳаллаларни ижтимоий ривожланиши, ижтимоий муҳитининг шаклланиши, қишлоқ-

ларда хизмат кўрсатиш соҳасини ўрганишда катта аҳамият касб этади. Айни вақтда маъмурий-ҳудудий бўлинишнинг энг қуйи поғонасидан ўрин олган маҳаллаларни тадқиқ ва таҳлил қилиш социал география фани нуқтаи назаридан ҳам муҳим ҳисобланади. Чунки, маҳалла миқёсида кишиларнинг кундалик ҳаёти, ободончилик, қадриятлар, оилавий муносабатлар каби масалалар тезкор амалга оширилади.

Таъкидлаш жоизки, маҳаллалар сони, уларнинг демографик сиғими қишлоқ ва шаҳар жойларда, хусусан йирик шаҳарларда ўзига хос хусусиятларга эга. Масалан, республикаимиз пойтахти – Тошкент шаҳрида жами 476 та маҳалла фуқаролар йиғини (МФЙ) бўлиб, улар шаҳар туманлари доирасида турлича мужассамлашган ва сони, катталиги, аҳолиси сони билан бир-биридан фарқ қилади. Чунончи, шаҳарнинг Олмазор, Юнусобод, Ҳамза, Учтепа, Мирзо Улуғбек туманларида МФЙлар сони кўпроқ, улар жами маҳаллаларнинг 58 фоизини ўзида мужассамлаштирган (1-жадвал). Шу билан бирга, МФЙлар Яккасарой ва Бектемир туманларида энг кам.

Тошкент маҳаллаларида ўртача 4903 кишидан аҳоли истиқомат қилади. Улар туманлар даражасида бир-биридан бир-мунча фарқ қилади. Жумладан, Бектемир тумани маҳалаларида ўртача аҳоли сони энг кам 2508 кишини ташкил этади,

¹ Ўзбекистон Республикасининг Географик объектларнинг номлари тўғрисидаги қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 41-сон, 448-модда). Қонунчилик палатаси томонидан 2011 йил 4 мартда қабул қилинган. Сенат томонидан 2011 йил 26 августда маъқулланган.

Яккасарой, Шайхонтохур туманлари маҳаллаларида, аксинча, энг кўп (мос

равишда 6394 ва 6269 кишига тенг).

1-жадвал


Тошкент шаҳри маҳалла фуқаролар йиғинлари ва уларнинг аҳолиси ҳақидаги айрим маълумотлар (2013 й. 1 январь)

№	Туманлар	Аҳоли сони (минг киши)	Маҳаллалар сони	Маҳалла-лардаги ўртача аҳоли сони (киши)
1	Бектемир	30,1	12	2508
2	Миробод	127,9	39	3279
3	Мирзо Улугбек	259,3	52	4986
4	Олмазор	331,8	58	5721
5	Сергели	162,2	33	4915
6	Учтепа	249,9	53	4715
7	Ҳамза	217,8	55	3960
8	Чилонзор	228,2	49	4657
9	Шайхонтохур	307,2	49	6269
10	Юнусобод	311,5	58	5371
11	Яккасарой	115,1	18	6394
	Тошкент. ш	2334,0	476	4903

Жадвал УзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланди.

Тошкент шаҳрининг бой тарихи ва меъроси ундаги нафақат кўча, балки маҳаллар номида ҳам ўз аксини топган. Маҳалланинг номи унинг ўтмишдаги тарихи ёки аҳолисининг касб-кори, яъни машғулоти шу ҳудуднинг географик ўзига хос хусусиятини ифодалаш мумкин. Қорасув, Толариқ, Кўкча, Дамариқ, Шўртепа, Оқтепа, Лабзак жойининг табиий географик ва гидрологик

хусусиятлари билан боғлиқ номлар бўлса, Қозигузар, Ўқчи, Такачи, Бинокор, Темирийулчилар, Тракторсозлар, Олимлар, Авиасозлар шу ҳудуддаги аҳолининг касб-кори, машғулоти англатади. Пойтахтимизда қишлоқ хўжалиги ёки мевачилик ва боғдорчилик билан алоқадор алоҳида агронимлар ҳам оз эмас.



Расм. Тошкент шаҳри маҳалла номларининг гуруҳланиши

Улар жумласига Ўрикзор, Мингўрик, Олмазор, Тутзор, Чилонзор, Себзор каби маҳалла номлари киради. Шунингдек, машҳур инсонлар ва тарихий шахсларнинг номлари ҳам пойтахтимиз маҳаллалари номида ўз ифодасини топган. Уларга Абай, Ш. Рашидов,

Ойбек, А.Авлоний, Фурқат, А.Навоий, Х.Байқаро, Ал-Фаробий ва бошқа антропотопонимлар мисол бўла олади. Қўйлиқ ота, Ялонғоч ота сингари диний-тарихий исмлар билан боғлиқ маҳалла номлари ҳам учраб туради.

Тошкент шаҳрида такрорланаётган маҳалла номлари ва уларнинг жойлашуви

№	Такрорланаётган маҳаллалар номи	Жойлашган туманлари	2 марта	3 марта	4 ва ундан кўп марта
1	Абдулла Авлоний	Миробод, Яккасарой	+		
2	Алишер Навоий	Мирзо Улугбек, Олмазор, Сергели, Ҳамза			+
3	Амир Темур	Сергели, Ҳамза	+		
4	Аҳмад Яссавий	Мирзо Улугбек, Олмазор, Ҳамза		+	
5	Баҳор	Миробод, Мирзо Улугбек, Сергели, Ҳамза			+
6	Беруний	Олмазор Юнусобод	+		
7	Бобур	Сергели, Ҳамза, Яккасарой		+	
8	Гулзор	Мирзо Улугбек, Олмазор	+		
9	Гулистон	Ҳамза, Чилонзор, Юнусобод		+	
10	Дўстлик	Миробод, Олмазор, Сергели, Ҳамза, Чилонзор, Юнусобод			+
11	Истиқбол	Бектемир, Олмазор	+		
12	Истиқлол	Миробод, Олмазор, Ҳамза		+	
13	Мирзо Улугбек	Ҳамза, Юнусобод	+		
14	Мустақиллик	Миробод, Олмазор, Сергели, Ҳамза			+
15	Муқимий	Ҳамза, Яккасарой	+		
16	Наврўз	Миробод, Мирзо Улугбек, Сергели, Чилонзор			+
17	Навбахор	Миробод, Олмазор, Чилонзор		+	
18	Новза	Чилонзор, Шайхонтохур	+		
19	Ойбек	Юнусобод, Миробод	+		
20	Обод	Олмазор, Сергели	+		
21	Олмазор	Миробод, Чилонзор, Шайхонтохур		+	
22	Оқтепа	Чилонзор, Шайхонтохур, Юнусобод		+	
23	Оқибат	Мирзо Улугбек, Сергели, Юнусобод		+	
24	Оққўрғон	Мирзо Улугбек, Юнусобод	+		
25	Салар	Миробод, Мирзо Улугбек	+		
26	Тинчлик	Сергели, Шайхонтохур, Чилонзор, Юнусобод			+
27	Умид	Мирзо Улугбек, Олмазор	+		
28	Чўпон ота	Чилонзор, Шайхонтохур	+		
29	Ш.Рашидов	Миробод, Ҳамза	+		
30	Шодлик	Олмазор, Шайхонтохур, Юнусобод		+	
31	Шукур Бурхонов	Мирзо Улугбек, Сергели	+		
32	Янгиобод	Ҳамза, Шайхонтохур, Юнусобод		+	
33	Янги Ҳаёт	Мирзо Улугбек, Сергели, Юнусобод		+	
34	Ўзбекистон	Миробод, Шайхонтохур	+		
35	Ўрикзор	Учтепа, Яккасарой	+		
36	Кўйлик ота	Миробод, Ҳамза	+		

Умуман олганда, Тошкент шаҳри маҳаллаларининг номлари ичида энг кўпи (165 маҳалла номи) янги замон номлари бўлиб, бу жами маҳаллаларнинг 34,7 фоизига баробардир, МФЙ нинг 21,2 фоизи антропотопоним номлар, 20,2 фоизи жойнинг табиий хусусияти ва қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ (агроним) номлар, 18,9 фоизи диний-тарихий номлар ва 5,0 фоизи, инсонларнинг касб-кори билан боғлиқ номлар ҳисобланади (расм).

Қонунда ва унинг ижроси бўйича қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг қарорида географик жой номларининг замонавийлиги, уларнинг кўп такрор-

ланмаслиги ва маҳаллий қадриятлар, тарихимиз, маданиятимизни ақс эттирувчи номларга катта эътибор қаратилган. Шу жиҳатдан қараганда, Тошкент шаҳрида такрорланаётган маҳалла номлари ҳам анча кўп. Уларнинг ҳудудий жойлашуви 2-жадвалда келтирилган. Ушбу маълумотларни таҳлил қилиш натижасида маълум бўлдики, ҳар бир туманда ўртача 20 % маҳалла номи 2-3, айримлари эса 4 ва ундан кўп марта қайта номланган. Жами 36 та маҳалла номи такрор қайта ишлатилган ёки бу барча маҳаллаларнинг 7,5 фоизига баробардир. “Адаш” номларнинг ярмидан кўпи 2 марта, 30

фоизи 3 марта, 17 фоизи ёки 6 та маҳаллада 4 ва ундан кўп марта такрорланган (2-жадвал). Масалан, биргина “Дўстлик” маҳалласи шаҳарнинг 6 та туманида (Миробод, Олмазор, Сергели, Ҳамза, Чилонзор ва Юнусобод) учрайди. “Наврўз” маҳалласи 5 та туманда, Алишер Навоий, Тинчлик, Мустақиллик маҳаллалари эса 4 та дан туманда мавжуд. Энг кам такрор ишлатилган маҳалла номлари Бектемир ва Учтепа туманларида кўзга ташланади.

Албатта, жой номларининг номланиши жойларнинг тарихи, аҳолисининг миллий таркиби, географик ўрни ва бошқа омиллар асосида шаклланади. Хусусан, Шайхонтохур, Олмазор сингари Тошкентнинг “Эски шаҳар” қисмида жойлашган туманларда тарихий номлар кўп.

Эътироф этиш жоизки, жой номларининг такрорланиши салбий ҳолат бўлмасада, номининг қўйилиши учун асос бўлиши шарт. Номларнинг такрорланишида энг аввало мазкур масалага ҳам эътибор қаратилса мақсадга мувофиқ бўлади. Чунончи, Мирзо Улуғбек туманидаги “Шукур Бурхонов”

маҳалласи Сергели туманида ҳам бор. Лекин бу ном Мирзо Улуғбек туманида жойлашган бу маҳаллада машҳур санъаткор Шукур Бурхоновнинг яшаган уйлари ва ҳозирги кунда “Уй музейлари” мавжуд бўлгани учун берилган. Бинобарин, бу антропотопоним маҳалла номига айлангани мантиқан тўғри ҳисобланади.

Хулоса

Жойларни, жумладан МФЙ-ни тўғри ва асосли номлаш катта мазмун ва моҳият касб этади. Бу масала, жумладан транспорт-алоқа хизматини яхшилаш борасида ҳам муҳимдир. География фани нуқтаи назаридан эса кўрилатган муаммо кичик ҳудудларни ўрганишда социал географик тадқиқотларнинг замонавий йўналиши ҳисобланади. Ушбу мақолада республикаизнинг энг йирик шаҳри Тошкент маҳаллалари, уларнинг номланиши тўғрисида қисқача маълумот келтирилди. Уларнинг тарихий, лингвистик келиб чиқиши каби жиҳатларини таҳлил ва тадқиқ қилиш ушбу йўналишдаги илмий ишларни кенгайтириш ва чуқурлаштиришни талаб этади.

Резюме

В статье речь идет о названиях махаллинских образований города Ташкента, приводятся краткие сведения об их географическом распределении и повторяемости в разрезе территориально-административной единицы столицы.

Тавсия этувчи:

доц. Эгамбердиев А.Э.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ЯНГИ ЎЗЛАШТИРИЛГАН ҲУДУДЛАРИ АҲОЛИСИ ВА ЖОЙ НОМЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Файзуллаев М.А.

Қашқадарё вилояти ҳудудининг 41.0 фоизига, аҳолисининг 35,6 фоизига тенг бўлган Қуйи Қашқадарё минтақаси (Қарши, Касби, Косон, Нишон, Миришкор, Муборак туманлари) ўзига хос табиий, иқтисодий географик хусусиятлари билан бошқа минтақалардан ажралиб туради. Минтақада кейинги вақтда аҳоли жон бошига ўртача 0.38 гектар суғориладиган ер майдони тўғри келмоқда. Бу вилоят кўрсаткичидан анча юқори бўлиб (0,20 гектар), деҳқончилик тармоғини интенсив

ривожлантириш, мавжуд меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш имконини беради.

Қуйи Қашқадарё аграр-индустриал циклининг таркибий тузилиши (моделли), Ю.Г.Саушкин тавсифи бўйича, дарахт шаклида акс эттириш мумкин. Унинг асосини янги ўзлаштирилган ҳудудларнинг ер-сув ресурслари ташкил қилади. Маълумки, XX асрнинг 70-йилларида собиқ Иттифокнинг пахтачилик сиёсати натижасида Қарши чўли кенг миқёсда ўзлаштирилди. Минтақа

кўшни Туркменистон давлати ҳудудидан оқиб ўтадиган Амударё сувини насослар ёрдамида юқорига кўтариш асосида сув билан таъминланди. Сув олишнинг доимийлигини сақлаш учун Талимаржон иссиқлик электр станцияси қурилди. Қуйи Қашқадарё меҳнат ресурсларига бўлган эҳтиёж маҳаллий ва вилоятнинг бошқа туманларидан кўчириб келтирилган аҳоли ҳисобидан амалга оширилади. Демак, минтақада гидро-мелиоратив аграр-индустриал циклнинг шаклланиши учун тўртта асос бор, булар: *ер ресурслари, сув ресурслари, меҳнат ресурслари ва электр энергия.*

Гидромелиоратив аграр-индустриал циклнинг асосида аҳоли ва меҳнат ресурслари туради. Қарши чўлини ўзлаштириш муносабати билан меҳнат ресурсларига бўлган талаб вилоятнинг Китоб, Яккабоғ, Деҳқонобод, Қамаш, Чироқчи, Ғузор туманларининг тоғли қишлоқ аҳолисини кўчириб келтириш ҳисобидан қондирилди. Бунда кўрик ерларда янгидан бунёд этилган қишлоқ аҳоли манзилгоҳларининг ер-сув ресурслари ва ижтимоий инфратузилма объектлари билан яхши таъминланганлиги ҳамда ушбу ҳудудларга аҳолининг кўчиб келишини рағбатлантириш мақсадида иш ҳақларининг юқори қилиб белгиланганлиги муҳим омил бўлган. Натижада, минтақа аҳолиси мунтазам ўсиш кўрсаткичига эга бўлиб келди. Масалан, 1979 йилги собиқ Иттифоқ аҳоли рўйхати маълумотларига кўра, Қарши чўли туманларида 339.4 минг киши ёки вилоят умумий аҳолисининг 30.2 фоизи яшаган ҳолда, орадан ўттиз йил ўтгандан сўнг (2013 й.) минтақа аҳолиси 593.1 минг кишига кўпайиб, Қашқадарё аҳолисининг 33.0 фоизига тенг бўлди.

2009 йил Ўзбекистонда “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” деб эълон қилиниши муносабати билан вилоятда 119 та қишлоқ шаҳарча мақомини олди ва уларнинг асосий қисми, яъни 45,8 фоизи Қуйи Қашқадарё минтақасига тўғри келди. Бунга Қарши чўли туманлари аҳолисининг ер ресурслари билан яхши таъмин-

ланганлиги, аҳоли манзилгоҳларини махсус шаҳарсозлик режалари асосида ташкил этилганлиги ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

Шу ўринда демографик омилнинг ер ва сув ресурслари билан бирга ўзаро боғлиқлиги ва уларнинг кўп меҳнат талаб қиладиган гидромелиоратив энергия ишлаб чиқариш циклининг шаклланишида асосий базавий вазифани бажаришини таъкидлаш жоиз. 2013 йилнинг дастлабки маълумотига кўра, Қуйи Қашқадарё минтақасида 932,5 минг аҳоли истиқомат қилади. Минтақа таркибидаги туманларнинг ҳар бирига ўртача 142,5 минг кишидан тўғри келади. Бироқ, демографик салоҳияти бўйича туманлар бир-биридан кескин фарқ қилади. Масалан, Косон (244,5 минг киши) ва Қарши (210,3 минг киши) туманлари аҳоли сонининг кўплиги билан алоҳида ажралиб туради. Шунингдек, Касби ва Нишон туманларида ҳам аҳоли сони бирмунча кўпроқ. Айни вақтда табиий шароитининг ноқулай бўлган ҳудудларда жойлашган Миришкор ва Муборак қишлоқ туманларида эса аҳоли жуда оз.

Маълумки, Қашқадарё вилояти аҳоли сонининг ўсиши бўйича республикамизнинг етакчи минтақаларидан бири ҳисобланади. Масалан, мамлакат аҳолиси 2000-2013 йилларда 115,7 фоизга ўсган ҳолда, Қашқадарёда бу кўрсаткич 122,0 фоизга тенг бўлди. Вилоят аҳолиси фақат табиий ҳаракатнинг юқорилиги туфайли муттасил ўсиб бориш хусусиятига эга. Қуйи Қашқадарёда эса аҳоли ўсишида табиий кўпайишнинг ўрни катта бўлгани билан бирга, тарихий нуқтаи назардан унда миграциянинг ҳам аҳамияти йўқ эмас.

Мавжуд маълумотлар таҳлилидан кўриниб турибдики, Қуйи Қашқадарё минтақаси аҳолисининг ўсиши туманлар даражасида кўрилганда бир хил эмас. Хусусан, Нишон туманида кўриладиган йилларда аҳолининг ўсиши энг юқори кўрсаткични ташкил этган (127,8 %). Миришкор (125,5 %) ва Косон (124,4 %) туманларида ҳам мазкур кўрсаткич анча юқори. Минтақа қишлоқ туманларидан фақат Муборакнинг бу борадаги кўрсаткичи вилоят ўртача даражасидан паст.

Минтақа табиий ва ижтимоий-иқтисодий географик муҳитига мос ҳолда аҳоли унинг ҳудудида бир текис жойлашмаган. Ўртача зичлик 1 км² га 73 киши, бу рақам вилоят ўртача кўрсаткичидан (93 киши) деярли 20 кишига кам демакдир. Аҳоли энг зич жойлашган Касби ва Қарши туманларида 1 км² га яқин 220 киши тўғри келади. Бу қишлоқ туманлари аҳоли зичлиги бўйича нафақат Қуйи Қашқадарё минтақасида, балки вилоятда ҳам етакчилик қилади. Бироқ мазкур кўрсаткич Муборак, Миришкор қишлоқ туманларида анча паст.

1 январь 2013 йил маълумотларига кўра, Қашқадарёда меҳнатга лаёқатли аҳоли сони 1613,6 минг кишини ташкил этган. Шундан 510,3 минг киши, яъни 1/3 қисми Қуйи Қашқадарё минтақасига тўғри келади. Меҳнат ресурслари салмоғи бўйича ҳам Косон ва Қарши туманлари олдинда, уларнинг ҳар бирида меҳнатга лаёқатли аҳоли 100 минг кишидан зиёдрок. Аксинча, Нишон, Миришкор ва Муборак туманларида уларнинг сонини кам эканлигини кўришимиз мумкин. Минтақада 338,7 минг киши иқтисодий фаол аҳоли бўлиб, уларнинг туманлар бўйича тақсимланиши минтақа меҳнат ресурсларини ҳудудий хусусиятларини такрорлайди.

Иқтисодиёт тармоқларида банд аҳоли 358,7 минг киши (вилоятга нисбатан 36,9 %). 2012 йил якунлари бўйича бир йилда 31,1 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилган (асосан қишлоқ жойларда). Бироқ шунга қарамасдан, минтақада, хусусан, унинг аҳолиси зич туманларида меҳнат ресурсларидан тўлароқ фойдаланиш ва меҳнат бозори фаолиятини яхшилаш муҳим муаммодир. Иқтисодиётда банд аҳолининг катта қисми қишлоқ хўжалигига тўғри келади (35-40 %). Шу билан бирга, ижтимоий соҳаларда ҳам бу кўрсаткич анча юқори, sanoat, транспорт ва алоқада эса у пастроқ.

Ушбу минтақа аҳолисининг яна бир ўзига хос хусусияти (Қарши чўли ўзлаштирилган даврда) бошқа туман ёки вилоятлардан *ички миграция* орқали

шаклланганлигидир. Минтақа қишлоқ жойлари номининг келиб чиқиши ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, топоним олим Т.Нафасов бир хил ёки салгина товуш ўзгариши билан учрайдиган номларнинг такрорланиши билан боғлиқ ҳолатларни алоҳида қайд қилади. Жумладан, янги ерларнинг ўзлаштирилиши натижасида ҳар бир туманда битта эмас, икки ва ундан ортиқ жой номлари пайдо бўлди. Булар, Янгиқишлоқ, Янгиобод, Денов, Новқат, Навбахор, Каттақишлоқ, Халқобод, Пахтаобод, Пахтакор, Наврўз, Наврўзобод, Гулистон ва бошқалар.

Янги ерларни ўзлаштириш оқибатида аҳолининг оммавий миграцияси туфайли бир қишлоқ номининг бир туман ёки бошқа туман ҳудудида такроран пайдо бўлишига сабаб бўлди. Яккабоғ туманининг Тошқўрғон, Зармас, Вори, Қизилтом қишлоқлари аҳолиси Касби, Миришкор туманига кўчиб ўтиб, яшаб қолган ҳудудларини ўз қишлоқлари номи билан атай бошлашди. Чироқчи туманидан Косон туманига кўчирилган аҳоли ўз қишлоқлари номини Чироқчи деб аташди.

Қарши чўлининг ўзлаштирилиши билан янги аҳоли манзилгоҳлари бунёд этилди. Дастлаб, улар рақамлар билан аталди, сўнгра халқона, миллий номлар қўйилди: Нуристон, Нишон, Янги Нишон, Меҳнатобод, Пахтазор, Пахтаобод, Истиқбол, Наврўз, Гулбодом, Оқолтин, Озод, Обод, Ширинобод, Соҳибкор, Гулистон (Нишон тумани); Ширинбулоқ, Зарбулоқ, Кончилар (Муборак тумани); Элобод, Обод, Гулшанбоғ, Чаманзор, Баҳористон (Миришкор тумани); Халқобод, Гулбоғ, Лолазор, Наврўз (Косон тумани); Чаман, Янгибоғ, Навбахор, Янгиҳаёт, Чўлбўстон, Янгиобод, Боғобод (Қарши тумани) шулар жумласидандир.

Қишлоқ, маҳалла номларида анъанавий деҳқончилик маданиятини исботловчи махсус сўз-атамалар мавжуд. Булар сирасига қадимги туркий тилга хос қуйидаги жой номларини киритиш мумкин. Қозокли (Косон тумани), Бойқозоқ (Касби тумани) каби қишлоқ номлари таркибидаги қозоқ сўзи қадимги

туркий тил ва ундан ҳам олдинги даврларга мансуб казак/казағ/казук/казуғ сўзининг ўзгарган шакли. Милоднинг бошланиш даврларида бу сўз ариқ, қазилган сув ўзани, сунъий кичик ҳажмли оқар сув маъносини билдирган.

Минтақада суғориш маданиятига таалуқли қишлоқ номлари гуруҳига мансуб номлар қуйидагилар: Бешдарак, Учдарак (Қарши тумани), Қўшдарак, Тошдарак (Қарши шаҳри), Бойтерак (Косон тумани). Номлар таркибидаги “дарак” – сув банди, катта ариқ (анҳор)дан бир неча кичик ариқларга сув

тақсимлаб, бўлиб юборадиган банд сўздан келиб чиққан.

Юқоридаги геодемографик ва топонимик таҳлил шуни кўрсатадики, Қуйи Қашқадарё минтақасида гидро-мелиоратив аграриндустриал циклни шаклланиши учун меҳнат ресурслари етарли ва бу циклни ривожланиши орқали минтақада аҳоли бандлигини ошириш, меҳнат ресурсларидан тўлароқ фойдаланиш, жой номларининг ўзига хослигини сақлаб қолиш муаммолари бироз бўлсада ўз ечимини топади.

Резюме

В статье рассматриваются динамика и размещение населения Кашкадарьинского вилоята, затрагиваются некоторые вопросы географических названий мест (ойконимов) новоосвоенных районов Каришинской степи.

Тавсия этувчи:

проф. Солиев А.С.

ЯНГИ ЕРЛАРНИНГ ЎЗЛАШТИРИЛИШИ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛГАН АҲОЛИ МИГРАЦИЯСИНИНГ ЖОЙ НОМЛАРИГА ТАЪСИРИ

Ҳайдарова С.А.

Кириш

Қадимдан янги ерларни ўзлаштириш аҳоли миграцияси билан боғлиқ бўлган. Шу асосда қишлоқ туманлари, вилоятлар ва ҳатто давлатлар (АҚШ, Канада, Янги Зеландия, Австралия) пайдо бўлган. Ўзбекистонда Мирзачўл, Қарши ва Сурхон-Шеробод чўлларини ўзлаштириш ҳам миграция туфайли амалга оширилган. Аҳоли миграцияси, яъни унинг ўз яшаш жойини ўзгартириши билан боғлиқ кўчиб юриши жараёнида улар ўзларининг урф-одатлари, касбу-корларини ҳам олиб келадилар. Баъзан кўчиб келганлар янги жойларга аввалги яшаган манзилгоҳларининг номини берадилар. Демак, аҳоли миграцияси мураккаб ижтимоий-иқтисодий жараён бўлиб, уни географик жиҳатдан ўрганиш муҳим масала ҳисобланади.

Асосий қисм

Мамлакат ҳудудида собиқ Иттифоқ давридаги миграция ҳаракатлари асосан ўзлаштирилаётган чўл зоналарига томон йўналган бўлиб, унинг натижасида мамлакатнинг экин майдонлари ва янги вилоятлари шакллантирилган, янги

шаҳар ва қишлоқлар бунёд қилинган, минглаб кишилар янги ҳудудларга кўчириб келиниб ва шу ҳудудларда яшаб қолганлар.

Янги ерларни ўзлаштириш ва аҳоли миграцияси бир-бирига боғлиқ ва ўзаро таъсир этувчи жараёнлардир. Бир томондан янги ерларни қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ҳудудга айлантирилиши хўжалик фаолияти доирасини Ўзбекистон сингари меҳнат ресурслари доимо кўпайиб борувчи мамлакат учун анча кенгайтиради ва аҳолини ҳудудий ташкил қилишга таъсир кўрсатади. Иккинчи томондан, меҳнатга лаёқатли кишиларнинг янги ўзлаштирилган ҳудудларга кўчиб келишлари янги ерларни ўзлаштириш доирасини кенгайтириб, мамлакатнинг иқтисодий ижтимоий ривожланишида муҳим рол ўйнайди. Шунга кўра Ўзбекистонда чўлларнинг ўзлаштирилиши, хусусан Мирзачўл ва Жиззах ҳудудларида янги аҳоли пунктларининг тез шаклланишига ва аҳоли хўжалик фаолиятини ташкил қилинишда ҳамда мавжуд ресурслардан фойдаланишда янги имкониятларнинг

пайдо бўлишида катта ўрин тутган.

Янги ерлардан ресурслардан фойдаланишни ташкил қилиш орқали аҳоли миграциясини йўналтириш собиқ Иттифоқнинг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш сиёсатидаги бош йўналиш бўлган. Айниқса чўлларни суғоришда ирригация ва мелиорация инфратузилмасини яратиш, табиий ресурслардан фойдаланиш ва бу ишларга аҳолини жалб қилишда асосий тадбирлардан ҳисобланган. Суғориш ишларининг кенг йўлга қўйилиши эса юз минг гектарлаб бўш ётган ерларда қишлоқ хўжалик тармоқларини ривожлантириш учун аҳолини кўчириб келиш зарур эди.

2-жаҳон урушидан кейин, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида янги ерларни ўзлаштирилиш ишлари авж олди. Бу ишларнинг энг каттаси, албатта, Мирзачўл ва Жиззах чўлларининг ўзлаштирилиши эди. Мирзачўлда XX асрнинг 80 - йилларига келиб 300 минг

гектардан ортиқ ер суғориладиган майдонларга айланди, Жиззах чўлининг ўзида 50 минг гектардан ортиқ ер ўзлаштирилган, 60 дан ортиқ янги қишлоқ аҳоли пунктлари бунёд қилинган.

Чўл ҳудудларининг ўзлаштирилиши авж олган йилларда қишлоқ аҳолисининг миграция ҳаракати ҳам жадаллашган. Бу даврда аҳоли зич жойлашган воҳа ва водийлардан чўл ҳудудларига аҳолининг кўчиши кузатилади. XX асрнинг 50-йилларида ички миграция оқимлари асосан Сирдарё вилояти ҳудудига йўналтирилган эди. 70-йилларда Жиззах чўлининг ўзлаштирилиши ҳам аҳоли миграциясини тақозо этди.

1971-1983 йиллар давомида Ўзбекистоннинг турли ҳудудларидан, биринчи навбатда аҳоли ва меҳнат ресурслари зич жойлашган вилоятлардан минглаб кишилар кўчиб келишган ва уларнинг ярмидан кўпроғи Жиззах ва Сирдарё вилоятларида жойлашган.

1-жадвал

Жиззах вилоятида янги ерларни ўзлаштириш асосида вужудга келган қишлоқ туманлари

№	Туманлар	Ташкил этилган йили	Майдони км.кв.	Аҳолиси, минг киши (01.01.2012 й.)	Маҳсулотлари
1	Арнасой	1975 йил, 26 ноябр	490	48,8	Пахта, ғалла, боғдорчилик, пиллачилик, полиз маҳсулотлари
2	Дўстлик	1970 йил, 26 октябр	450	56,9	Пахта, ғалла, боғдорчилик, пиллачилик, полиз маҳсулотлари
3	Зарбдор	1979 йил, 4 декабр	510	58,2	Пахта, ғалла, боғдорчилик, пиллачилик, полиз маҳсулотлари
4	Зафаробод	1973 йил, 12 апрел	470	43,5	Пахта, ғалла, боғдорчилик, пиллачилик, полиз маҳсулотлари
5	Мирзачўл	1967 йил, 9 январ	420	42,8	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари
6	Пахтакор	1967 йил, 9 январ	380	64,7	Пахта, ғалла, боғдорчилик, пиллачилик, полиз маҳсулотлари

Манба: Жиззах вилояти статистика бошқармаси маълумотлари

Жиззах вилоятида Арнасой, Дўстлик, Зарбдор, Зафаробод, Мирзачўл, Пахтакор туманлари ташкил этилган. Ушбу маъмурий бирликларнинг номлари ҳам қисман янги ўзлаштирилаётган ҳудудлар, уларнинг бу йўлда олиб борган самарали меҳнати, халқлар ддўстлиги ва жойнинг қишлоқ хўжалигидаги ихтисослашувини ўзида акс эттирган. 1-жадвалда Жиззах вилоятида миграция асосида шаклланган қишлоқ туманлари тўғрисида айрим маълумотлар келтирилган.

Ўзлаштирилган ҳудудларда бунёд қилинган аҳоли пунктларига ном бериш ўзига хос тарихга эга. Бу хусусда янги ташкил этилган туманлардаги аҳоли пунктларига турли сиёсий – ижтимоий воқеалар, ҳарбий саркардалар ва давлат арбобларининг номи берилганлиги ҳаммага маълум.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг аҳоли пунктларини халқимизнинг миллий руҳига мувофиқ равишда қайта номлаш кенг йўлга қўйилди.

Натижада, ўзлаштириш йилларида тилимиз, ҳаётимизга бегона бўлган номлар ўрнига янги, миллатимизга хос ва мос номлар қўйила бошланди. Чўлни ўзлаштирувчи, чўлу-даштга экин, дарахт, ток экиб боғ-роғга айлантирганлиги, гуллар экиб гулзор қилинганлиги, бу йўлда эришган катта муваффақиятлари, қозонган ғалабалари, меҳнатларини ифодаловчи номлар вилоят харитасида кўзга ташланади. Масалан, Арнасой туманидаги Чўлкувар, туман маъмурий маркази ҳисобланган Ғолиблар шаҳар-часи шулар жумласидандир.

Жиззах вилояти ҳудудидаги янги номлар асосан чўл ҳудудларидаги аҳоли пунктларига тааллуқли бўлиб, бундай

номлар кўпинча республикамизнинг турли ҳудудларидаги жойлар номи билан боғлиқ. Чунончи, Арнасой туманидаги кўплаб аҳоли пунктлари республика вилоятлари номи билан аталади. Бундай номланишдан ушбу аҳоли пунктларида яшовчи кишиларнинг айтиши ўша вилоятлардан келганлиги ҳақида хулоса чиқариш ҳамма вақт ҳам тўғри эмас, албатта. Шу билан бирга таъкидлаш керакки, вилоят ҳудудидаги баъзи кичик аҳоли пунктларининг номланишида кўчиб келувчиларнинг илгариги яшаган жойларига ишора бор: Бахмал, Андижон, Тозауруғ, Наврўз, Пангат, Барлос, Бахмал ва бошқалар (2-жадвал).

Туман номи	Кўчиб келган жойи	Аҳоли пункти номи	Аҳолиси (киши)
Арнасой	Бахмал	Бахмал	1230
Зарбдор	Андижон вилояти	Андижон	2250
	Ғаллаорол тумани	Тозауруғ	1170
Зафаробод	Бахмал тумани	Бахмал	300
		Барлос	120
Пахтакор	Ғаллаорол тумани	Наврўз	450
	Самарқанд вилояти	Пангат	350

Жадвал муаллиф томонидан тузилган.

Шунингдек, ўзлаштирилган ҳудудларда ташкил этилган туманлардаги аҳоли манзилгоҳларининг айримларига кўчиб келувчиларнинг ўзлари яшаган жойларига нисбат бериб ном берилганлигининг ҳам гувоҳи бўламиз. Умуман олганда, ўзлаштирилган ҳудудлар аҳолисини топонимик, этнографик ва ижтимоий географик жиҳатдан ўрганиш кенг қамровли маълумотлар беради.

Хулоса

Ўзбекистонда янги ерларни кишлок хўжалиги мақсадида ўзлаштириш ва бу

билан боғлиқ миграция жараёни натижасида аҳоли географияси ҳам анча ўзгарган, республика харитасида янги ойконимлар вужудга келган. Ҳозирги кунда уларни тартибга солиш тарихимиз, миллий маданиятимиз ва кадрларимизга мос келмайдиган географик жой номларини қайта номлаш муҳим масала ҳисобланади. Шу вазифани бажаришда географларнинг олиб бораётган тадқиқотлари ҳам самарали натижалар беради.

Адабиётлар:

1. Солиев А., Назаров М., Қурбонов Ш. Ўзбекистон ҳудудлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиши. Монография. – Тошкент: “Мумтоз сўз”, 2010.
2. Ҳақимов Қ. Жиззах вилояти географик номлари. – Жиззах, 2004.
3. Ўзбекистон Республикаси миллий энциклопедияси. – Тошкент, 2006.
4. Жиззах вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари.

Резюме

Освоение новых земель в Узбекистане всегда было связано с территориальным перемещением населения. На этой основе формируется сеть населенных пунктов и сельских районов. В данной статье кратко рассматриваются топономические аспекты поселений и районов Джиззакской области.

Тавсия этувчи:

проф. Солиев А.

ЧУСТ ТУМАНИ ТОПОНИМЛАРИНИ ЎРГАНИШНИНГ ГЕОГРАФИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Нурматов М.Ш., Собирхонов А.

Кириш: Бугунги кунда, Чуст республикамизнинг энг муҳим объектларидан бири. Ўз навбатида унинг тарихда қандай номланганлиги ҳам кўпчиликини қизиқтиради. Бир сўз билан айтганда, Чуст республиканинг энг сўлим гўшаларидан ҳисобланиб, унинг табиати ва ҳунармандчилигини ҳар бир саёҳатчи юксак қадрлайди. Баъзан, биз кундалик турмуш тарзига боғланиб атрофимиздаги гўзаллик, яъни нафосатни пайқаймаймиз. Бироқ, Чустдаги табиатнинг бетакрорлиги ҳеч бир меҳмонни бефарқ қолдирмайди.

Муаммонинг ўрганилганлиги: Мазкур соҳанинг айрим иқтисодий географик жиҳатларини профессор А.Солиев ва А.Қаюмовлар ўрганишган. Шунингдек, Чуст ва унинг атрофидаги манзилгоҳлар номларининг келиб чиқишига оид маълумотлар кўплаб олимларнинг асарларида учрайди. Ушбу тадқиқотда В.П.Семёнов-Тяньшанский, А.Ф. Миддендорф, Д.Мамонтов, Ҳ.Саноқулов, С.Улуғзода, А.Жаббор каби олимларнинг ишларидан бевосита фойдаланилган.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Ишнинг мақсади – Чуст ва унинг атрофидаги манзилгоҳлар номларининг келиб чиқишини ўрганиш. Ушбу масаладан келиб чиқиб қуйидаги мақсадлар белгилаб олинди:

- Адабиётларда келтирилган маълумотларнинг қиссий таҳлили асосида “Чуст” топонимининг келиб чиқишини аниқлаш;

- Чуст туманидаги шаҳарча ва қишлоқларнинг номларини топонимик жиҳатдан таҳлил қилиш.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқот объекти Чуст туманидаги топонимлари, унинг предмети эса, ўрганилаётган ҳудуд топонимларининг келиб чиқиши ва мазмуни.

Кўпгина тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Чуст шаҳри

қадимдан Чуст ва Тус деб аталган. Ҳозиргача тарқалмаган Туз сўзи қаердан келиб чиқди ва қайси манбадан олинди, деган ҳақли савол туғилади. В.П. Семёнов-Тяньшанский таҳрири остида чоп этилган Россия “Полное географическое описание нашего Отечества” китобининг 12-томидаги. Туркистон ўлкаси тўғрисида берилган маълумотларида 1912 йили рус сайёҳи Д.Мамонтов Чуст шаҳрида бўлганлиги ва бу шаҳарни Туз ҳам деб аталишини қайд қилинганлиги таъкидлаб ўтилган.

Шунингдек, 1882 йил Санкт-Петербургда нашр этилган “Фарғона водийси очерклари” асарида шарқшунос олим академик А.Ф.Миддендорф. “Тусс”, яъни шу шаҳар яқинида туз қазиб олинган деган маълумотни берган. Мазкур манбаларга асосланган ҳолда, баъзан Чуст шўр ерлардан иборат деган талқинлар ҳам олға сурилади. Лекин, бу фикр ҳақиқатдан йироқлигини бошқа асарлардан кўришимиз мумкин. Тарихчи олим А. Жалил китобларидан бирида қуйидагича ёзган: - “1969 йил эди. Биз Чустлик машҳур шоир Чустий домла билан у кишининг Тошкентдаги ҳовлисида шу хусусда суҳбатлашган эдик... Мен у кишидан: “Устоз, Чуст сўзи нима маънони билдиради?” деб сўрадим, У киши Чуст дегани форсча “Тез, яъни тезкор деган маънони билдиради, деб айтган эдилар”. Кўришиб турибдики, Чуст шаҳрининг номи академик А.Ф. Миддендорф ёзганидек “Тусс”, яъни шу шаҳар яқинидан туз қазиб олингани учун эмас, ёки шўрсув ерлар эмас, балки сонсаноксиз мусаффо, тоза сувли булоқларга эга бўлган жаннатмакон маскандир.

Чуст сўзининг пайдо бўлиши ҳақида аҳоли орасида ҳам турли ривоятлар мавжуд. Ривоят қилишларича, диний аллома, Чодак қишлоғида туғилган Мавлоно Лутфуллоҳ Ахча қишлоғи орқали Конинон (Карнон)га, маълум муддатдан сўнг Чуст шаҳрига кўчиб

келиб истиқомат қилганлар. Чустда бир қанча муддат яшагандан сўнг кексалар у кишини ранжитган эмиш. Мавлоно Лутфуллоҳ Чустдан чиқиб, пиёда Наманган томонига кетаётганида чуствлик ёшлар бундан хабар топиб, у кишини Резаксойга бормасдан, берироқдаги, айланма давон этагидаги Белтош олдида учратибдилар ва Чустга қайтишларини илтимос қилишган экан. Шунда Мавлоно Лутфуллоҳ “Чуст омадед”, яъни “тез келдингиз” деган эканлар. Шу билан шаҳарга Чуст номи берилганмиш.

Этнограф олим Х.Санақуловнинг “Чуст” деб номланган тарихий этнографик рисолаида “Туз” сўзини шаҳар маъносида, яъни Чуст деб талқин этилган [3]. “Бобурнома” асарида хижрий 908 (1502-1503) йил воқеаларини ифодалар экан, Туз (Чуст) ҳақида қисқа маълумот бериб ўтади. Бобур Андижон, Аҳси, Ўш жангларида гоҳо ғолиб, гоҳо мағлуб бўлиб, у ердан бу ерга кўчиб юрар экан: шундай ёзади: “Ахсидан кетгач, ундан икки шаръий узокликдаги Санг суви бўйлаб юқори юрдик. Бу сув юқорироғида унга кўшилувчи сувли ирмоқ учради. Бу ирмоқ билан яна юқorigа юриб, сувли ирмоқни ўнг қўлга қўйиб, унга қўшилувчи чап ирмоқ билан Тузга чиқдик. Туз томонидан бир қора кўринди. Уларни бизни қувловчи душман билиб бошқа йўлга юришни маслаҳат қилдик. Дейдиларким:- олдимизда Ғова йўли яқиндур, Ул йўлга юрдик. Карнонсойи Ғовадан чиқиб келади, у орқали Ғовага бориб, бир муддат турдик, ундан кейин Андижон томон йўл олдик”[4]. Мазкур асарда келтирилган матнда “Тузга чиқдик” сўз бирикмасидаги “Туз”ни Чуст шаҳрига чиқдик, деб талқин этилмоқда.

Бобур Мирзо Санг суви бўйлаб юқори, яъни шимол томонга юрсалар, ҳатто юқорироқ чиқиб сувли ирмоқни ўнг қўлда қолдириб, ғарбий томондаги сувсиз ирмоқ билан тузга чиқишларини Чустга эмас, балки Чустдан бир неча чақирим ғарбда жойлашган Тошқўрғон текислигига деб англаш керак. Чунки шу йўл билан Карнон ва Ғова қишлоқларига чиқиб бориш мумкин. Туз сўзининг уч

маъноси бор: 1. ош тузи; 2. текис ер, дала; 3. Тўғри, рост, келишган. Ушбу сўз “текис ер” маъносида ишлатилганлигини гап маъносидан англаш қийин эмас.

Яна бир мулоҳазани айтиш керакки, ўтмишда Чуст ва Тус сўзларини оғзаки ва ёзма матнларда бир маънони англаувчи сўз сифатида ишлатилган. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Чуст номи ҳозирги Чуст шаҳри ҳудудларда мавжуд бўлган қадимий аҳоли яшайдиган жой номи бўлиб, бу ном асрлар давомида ўзгармаган. Шунингдек, Фарғона водийсининг қадимий шаҳарларидан бири Чуст шаҳри, унинг атрофида жойлашган кичик шаҳарчалар ва қишлоқларнинг номи ўзига хос топономик хусусиятларга эга, булардан айримларини келтирамиз:

Ариқбўйи - Чуст туманидаги қишлоқ. Туман марказидан 14 км. Шимолдан баланд қир ва адирликлар, жанубдан Олмос, шарқдан Қизилтош қишлоқлари, ғарбдан кенг даштликлар билан чегарадош. Аҳоли яшайдиган манзилгоҳ сифатида 20 аср бошларида вужудга келган. Аҳоли ўзбек, қирғиз ва қипчоқ уруғларининг вакиллари бўлиб, 5068 кишини ташкил этади (2010 йил). Топоним икки ўзақдан – “арик” ва “бўйи”дан ясалган бўлиб, аҳоли дастлаб ўрнашган янги қазилган ариқ номидан келиб чиққан.

Ахча – Чуст туманидаги шаҳарча. Шимол ва шарқдан Олмос, жанубдан Звудқанд, ғарбдан Поп туманининг Уйғурсой шаҳарчаси билан чегарадош. 1960 йилда ташкил топган, туман марказидан 18 км масофада жойлашган. Аҳолиси 6093 киши (2010 йил). Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Ахчанинг дастлабки аҳолиси Аҳси қўрғони вайрон бўлгач (XVII аср) шу ерга кўчиб келиб, ўрнашиб қолган. Тахминларга қараганда, “Ахча” атамаси – керки (карки), минг, юз каби ўзбек уруғларидан бирининг номи сифатида келиб чиққан.

Баймоқ – Чуст туманидаги қишлоқ. Шимолдан Дам, ғарбдан Шоён, Қизилтепа қишлоқлари, шарқдан Шўрбулоқ ва Қирғизистон ерлари, жанубдан Чустнон қишлоқлари билан чегарадош. XVI аср

охирлари, XVII аср бошларида ташкил топган; туман марказидан 15 км масофада. Аҳолиси 2906 киши (2010 йил). Баймоқдаги Булоқ Мозор, Гулзор ва занг маҳаллаларида, асосан, ўзбеклар, қирғизлар ва қипчоқлар истикомат қиладилар. Айрим атамашунослар Баймоқ атамаси ҳақида “Икки тоғнинг яқинлашган жойи”, деб тарифлашган [1].

Балиқчи – Чуст шаҳрининг шимоли - ғарбида жойлашган қишлоқ. Шимолдан Оғасарой, жанубдан Мирза-обод, шарқдан Карнон, ғарбдан эса Сарқамиш қишлоқлари билан чегарадош. Аҳоли пункти сифатида XVII аср бошларида ташкил топган. Туман марказидан 16 км масофада, аҳолиси 3595 киши; ўзбеклар, қипчоқлар ва қирғизлар яшайди. М.Қошғарий ўз асарларида “Балиқчи ” атамасига изоҳ бериб, уруғларида “шаҳар”, ўғитларда “лой” маъносида ишлатилганлигини айтади, хитойликлар ҳам мазкур атамани “шаҳар” деб қабул қилганлар. Балиқчининг пайдо бўлишига келсак, аҳоли дастлаб шу ердаги Балиқбулоқ атрофига ўрнашган. Ягона оби-ҳаёт воситасида тирикчилик қилган. Манзилгоҳ ҳам шу булоқ номига боғланиб, Балиқчи деб атала бошлаган.

Варзик – Чуст туманидаги шаҳарча. Чотқол тоғ этакларида жойлашган. Шимолдан Қорақўрғон, жанубдан Каркидон ва Варзигон, ғарбдан Ғова қишлоқлари билан чегарадош. Араблар истилоси давридан (VIII-IX а.) мавжуд. Туман марказидан 16 км масофада, аҳолиси 11990 киши. Асосан тожиклар, тожиклашган арабларнинг авлодлари ҳамда қисман қирғизлардан иборат.

Маълумотларда қайд этилишича, Варзик атамаси “вар” ўзагидан ясалган бўлиб, “Қўрғон”, “Қалъа” деган маънони англатади. “Вар” аслида суғдча сўз бўлиб, аҳоли яшайдиган ва чорва молларини сақлаш учун чор атрофи девор билан ўралган қадимги аҳоли истехкомлари номини билдиради [1].

Дам – Чуст шаҳридан 20 км чамаси шимолий – шарқда, Резаксойнинг чап соҳилидаги қишлоқ, шимолдан Шўрбулоқ, жанубдан Баймоқ қишлоқлари, шарқдан Қирғизистон, ғарбдан эса Какликқўрғон қишлоғи билан чегарадош. Аҳоли яшайдиган маскан сифатида XVII аср охирлари XVIII аср бошларида вужудга келган. Аҳолисининг кўпчилиги ўзбеклар, қипчоқ элатларининг уруғларидир. Айтишларича, ўтмишда бу ерга Сумсарсойнинг ирмоғи бўлган Резаксойдан Баймоқ ариғи (Дамарик) қазиб келинган.

Хулоса. Қатор тарихий-географик манбаларга мурожаат этган ҳолда, шундай фикрга келдикки, “Чуст” топонимининг келиб чиқишига турли хил қараш ва ёндошувлар мавжуд. Бу илмий- тарихий нуқтаи назарлардан баъзилари ҳалигача мунозарали кечмоқда. Бизнинг фикримизча, “Чуст” топоними Мавлона Лутфуллоҳнинг Чустликларга “чуст ёхуд тез,тезкор” – деб атаганлари билан боғлиқ равишда вужудга келган ва ҳанузгача ўзгармаган. Шунингдек, Чуст туманидаги айрим топонимлар келиб чиқиши таҳлил этилганда, бу номлар худуднинг тарихий, географик ва этнографик ўзига хос хусусиятлари ҳақида қимматли маълумотларни жамлайди.

Адабиётлар

1. Жаббор А. Наманган вилояти.- Наманган, 2001. – 288 б.
2. Жалил А. Бўхтон ва ҳақиқат.- Тошкент, 1993. – б. 44.
3. Саноқулов Х. Чуст. Этнографик очерк. – 1991.
4. Чуст тарихи. – Чуст, 1999. – 180 б.

Резюме

В данной статье рассматривается происхождение топонима «Чуст» и некоторых других географических названий Чустского района.

Тавсия этувчи:

проф. Каюмов А.А.

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ МЕТОДА ТОПОНИМИЧЕСКОЙ ИНДИКАЦИИ ПРИ СОЗДАНИИ СХЕМ ПРИРОДНО-ХОЗЯЙСТВЕННОГО РАЙОНИРОВАНИЯ

Федорко В.Н.

Введение. Районирование, как метод, широко применяется во всех отраслевых и комплексных науках географического цикла для пространственного анализа, как природных, так и общественных явлений. Наибольшей методологической сложностью характеризуется интегральное районирование систем взаимодействия общества и природы. Среди разновидностей интегрального географического районирования особое место занимает природно-хозяйственное районирование, отражающее пространственную дифференциацию условий, процессов и проблем природопользования [3]. Методологические и методические аспекты природно-хозяйственного районирования разработаны в значительно меньшей степени по сравнению с традиционными физико- и экономико-географическим районированием. Этим обстоятельствами определяется актуальность рассматриваемой в статье проблематики.

Изученность проблемы. В разработке проблем природно-хозяйственного районирования большой вклад внесли работы П.Я. Бакланова, В.И. Блануцы, И.Я. Блехцина, Ю.Д. Дмитревского, А.Г. Исаченко, Б.И. Кочурова, К.И. Лапкина, Н.Д. Матрусова, В.А. Минеева, С.Б. Потахина, Г.А. Приваловской, В.М. Разумовского, Т.Г. Руновой, Ю.Г. Саушкина, Г.В. Сдасюк, С.Б. Фоминых, М.Д. Шарыгина и других физико- и экономико-географов. Использование топонимической индикации в географических исследованиях рассматривается в трудах Р.А.Агеевой, П.Н.Гулямова, В.А.Жучкевича, С.К. Караева, Э.М.Мурзаева, А.Н.Низомова, В.А.Никонова, Е.М.Поспелова, Х.Х. Хасанова и других учёных. В этой статье делается попытка методически обосновать применение топонимической индикации в ходе природно-

хозяйственного районирования.

Цель и задачи. Цель работы - рассмотреть возможности топонимической индикации в контексте методологии и методики природно-хозяйственного районирования. В рамках поставленной цели поставлены и решены следующие задачи: 1) определить предметное содержание природно-хозяйственного районирования, выделить его методологические принципы; 2) на конкретных примерах раскрыть потенциал использования топонимической индикации для целей разработки схем природно-хозяйственного районирования.

Результаты и их обсуждение. Сущность природно-хозяйственного (природно-экономического, или эколого-экономического) районирования заключается в выявлении и пространственном анализе интегральных территориальных систем, формирующихся в процессе природопользования. Отдельно взятые подразделения природно-хозяйственного районирования представляют собой интегральные географические образования, которым присуща определённая специфика и внутренне упорядоченная целостность условий, процессов и проблем взаимодействия социально-экономических и природных систем. В их пределах отмечается закономерно обусловленное естественными и антропогенными факторами своеобразие ландшафтно-ресурсного потенциала, специализации и пространственной организации природопользования, расселения населения, геоэкологической обстановки.

Можно выделить ряд *методологических принципов* разработки схемы и сетки природно-хозяйственного районирования Узбекистана. Среди них выделяются концептуальные положения, определяющие соответствие схем рассматриваемого районирования обще-

методологическим требованиям процедуры районирования как метода познания в географии. К ним относятся принципы объективности, всеохватности (полноты деления), непересечения границ, устойчивости и условности границ, иерархичности сетки районов, сочетания дедуктивных и индуктивных процедур районирования. Вместе с тем, большое значение имеют методологические принципы, непосредственно служащие задачам выявления и оконтуривания единиц природно-хозяйственного районирования, в число которых включаются следующие постулаты.

1. Принцип *территориальной и естественноисторической целостности*. 2. *Бассейново-ирригационный* принцип. 3. Принцип *комплексности*. 4. *Исторический* принцип. 5. *Динамико-прогностический* принцип. 6. *Геоэкологический* принцип. 7. *Сочетание структурно-функциональных и морфологических критериев*. 8. *Синтез регионального и типологического подхода*. 9. Принцип *последовательной детализации и дегенерализации*. 10. Принцип *дифференциации ведущего фактора*.

Природно-хозяйственное районирование предстаёт отдельным методом географических исследований в контексте общей задачи изучения пространственной дифференциации природопользования и обоснования основ управления общественно-природным взаимодействием, наряду, к примеру, с методами типологии природно-хозяйственных комплексов или функционального зонирования территории. Если же районирование рассматривать как самостоятельную цель географического исследования, то оно выступает как *система методов* [1]. При этом в число основных методов природно-хозяйственного районирования территории выдвигаются:

- комплексный географический анализ, или геометод [2];
- сравнительно-географический метод;

- системно-структурный анализ регионального природопользования;
- структурно-генетический анализ;
- экспедиционно-полевой метод;
- картографический метод;
- метод дистанционного зондирования;
- статистический метод.

Помимо основных методов, в процессе природно-хозяйственного районирования территорий целесообразно обращаться и к методическим приёмам вспомогательного характера. Среди последних выделяется метод *топонимической индикации*, под которым понимается индикационный анализ географических названий как носителей определённой информации о ландшафтной, хозяйственно-поселенческой, историко-культурной, этнографической специфике тех или иных местностей. При этом анализу необходимо подвергать не единичные топонимы, а исторически сложившиеся их пространственные сочетания – топонимические ареалы и топонимические ландшафты.

Большое индикационное значение имеет плотность размещения географических названий в тех или иных природно-хозяйственных комплексах, отражающая общую густоту хозяйственно-селитебного освоения пространства. Топонимические ландшафты оазисных, богарно-земледельческих, пустынно-пастбищных и горных районов обладают ощутимыми особенностями в данном аспекте, что целесообразно учитывать при разграничении единиц природно-хозяйственного районирования.

Индикатором хозяйственно-культурных и историко-географических ареалов, которые могут на том или ином таксономическом уровне выступать подразделениями интегрального районирования, являются фоновые особенности языково-пластовой структуры топонимического ландшафта, т.е. господствующие стратиграфические пласты местной топонимии (структурные уровни организации топонимических ландшафтов рассматриваются в нашей работе

[4]). Например, значительная часть географических наименований Кызылкума имеет казахское и каракалпакское происхождение, топонимия южных районов Каракалпакстана отличается от северной части этого региона преобладанием узбекских топонимов, в Бухара-Каракульском оазисе, в горных районах Гиссара значителен удельный вес топонимов ираноязычного генезиса. Эти топонимические факты говорят об исторических особенностях хозяйственно-культурного развития территорий.

В ходе природно-хозяйственного районирования уместно принимать во внимание наличие ареальных, особенно эндемичных, топотерминов и топоформантов, широко фигурирующих в составе местных географических названий. Такими индикаторами для Нижнезарафшанского округа являются топотермины «работ», «тал», «рег», «боло», «поён»; для Хорезмского оазиса (в т.ч. южных районов Каракалпакстана) – «кала», «яп», «салма», топоформант «лар»; для горных районов Кашкадарьи и Сурхандарьи – «чашма», «булак», «дара»; для низовьев Нарына и Карадарьи (Учкурганский и Нарынский районы Наманганской области, Балыкчинский, Алтынкульский, Избасканский районы Андижанской области) – «чек»; в Санзарской долине (Бахмальский и, частично, Галляаральский районы Джизакской области) – «булак». Этот ряд иллюстративных примеров можно продолжить.

Велико индикативное значение топонимов, семантически (т.е. по смысловому содержанию) отражающих ландшафтные особенности природно-хозяйственных районов или подрайонов. Так, в верховых, каменистых частях сохского и исфаринского конусов выноса (Кокандский природно-хозяйственный район Ферганской долины) часто повторяется ойконимический термин «дашт» («степь») – кишлаки Дашт (Бешарыкский район), Актепадашт, Ганидашт, Даштмахалла, Укчи-Дашт (Узбекистанский район), Хашимдашт (Учкуприкский район), Даштджалаер, Дашттегирман (Риштанский район),

Дашткишлак, Дашткурманча (Багдадский район). В свою очередь, в периферической полосе Кокандского оазиса встречаются ойконимы Шур, Шуртепа, Шуркурман, Шуркишлак, Кум, Кумли, Курик, Колгандарья, Джийда (Бешарыкский, Фуркатский, Бувайдинский, Дангаринский районы), отражающие характерные типы местности – солончаки, пески, тугайные и водноболотные угодья. Эти топонимические наблюдения расцениваются как дополнительные аргументы в пользу обособления верхней, средней и нижней полос Кокандского оазиса в ранге природно-хозяйственных подрайонов.

Топонимическая индикация помогает разграничению районов старого и нового освоения на том основании, что в лексико-семантической структуре топонимических ландшафтов новоосвоенных земель велика доля топонимов нового времени, таких как Пахтакор, Мехнатабад, Янгиер, Пахтазор, Истиклол, Кахрамон, а также топонимов-мигрантов, свидетельствующих о переселении жителей этих мест из других районов (Фергана, Андижан, Бахмаллик, Фаришлик и т.п.). Такими характерными особенностями обладает топонимия Голодной, Каршинской, Дальверзинской, Шерабадской степей, новоосвоенных земель Центральной Ферганы.

Выводы. Природно-хозяйственное районирование, являясь сложным интегральным видом районирования, должно базироваться на системе специфических методологических принципов общего и частного характера. Соблюдение этих принципов при создании схем интегрального районирования территорий подразумевает сопряжённое использование системы методов и методических приёмов исследования. Среди вспомогательных методов при этом выделяется топонимическая индикация, потенциал применения которой при создании схем природно-хозяйственного районирования различных территорий, в частности, Узбекистана и его отдельных регионов, велик и многообразен.

Литература:

1. Блануца В.И. Районирование окружающей среды (экономико-географический подход). Автореф. дисс. ... канд. геогр. наук. – Иркутск, 1985. – 19 с.
2. Кедров Б. М. О геометодіе как особом способе познания // География в системе наук. - Л., 1987. - с.7-10.
3. Федорко В.Н. Методологические принципы природно-хозяйственного районирования Республики Узбекистан // Мат-лы Всеросс. Молодёжного геогр. форума с междунар. участием «Азиатский вектор развития России в XXI веке». – Биробиджан, 2012. – с.155-159.
4. Федорко В.Н. Топонимический ареал и топонимический ландшафт как объекты исследования геотопонимики // Ўзбекистон География жамияти ахбороти, 33-жилд. – Т., 2009. – с.65-68.

Резюме

Ушбу мақолада табиий-хўжалик районлаштиришнинг методологик тамойиллари ва методлари кўриб чиқилган, алоҳида эътибор топонимик индикация усулига қаратилган.

Рекомендуёт:

проф. Салиев А.С.

ХОРАЗМ ВОҲАСИ ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИ ТОПОНИМЛАРИ ҲАҚИДА БАЪЗИ БИР МУЛОҲАЗАЛАР

Қурбонов Ш.Б.

Кириш

Гранит емирилса бордир, аммо илмий тилда топонимлар деб аталадиган географик номлар, яъни жой номлари минг-минг йилларга бардош беради. Чунончи, Суғд, Хоразм, Бактрия каби номлар бундан 2500 йилдан ҳам олдинроқ битилган миххатларда тилга олинган¹.

География фанида жой номлари, яъни топонимларни ўрганиш катта аҳамиятга эга. Ўз навбатида жой номлари ҳам турлича ва мураккаб бўлиб, унда хусусан аҳоли манзилгоҳлари – ойконимлар алоҳида ўрин тутади. Улар эса қишлоқ жойларда айниқса кўпчиликти ташкил этади.

Ҳар қандай худуднинг жой номлари шу ерда яшаб турган халқнинг тили заминда вужудга келади. Топонимларнинг келиб чиқиши, аталиши турли хил табиий шароит, тарихий, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий омиллар таъсирида шаклланади ва узоқ вақт давомида ўзгариб боради.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Умуман олганда, топонимика масалалари билан тилшунослар (лингвистлар), тарихчилар ва географлар шуғулланадилар. Ушбу мавзу доирасида республикамызда Х.Ҳасанов, Т.Нафасов,

С.Қораев, П.Фуломов, Н.Охунов кабилар илмий тадқиқот олиб боришган.

Асосий қисм

Хоразм воҳаси топонимикаси ҳам ўзининг бир қанча хусусиятлари билан бошқа минтақалардан ажралиб туради. Хоразм қадимдан суғорма деҳқончилик маданиятига асосланган минтақа ҳисобланади. Одатда, суғорма деҳқончилик худудларда ирригация инфратузилмаси азалдан алоҳида аҳамият касб этиб келган. Шу нуқтаи назардан Хоразм вилоятининг ирригация ва мелиорация шароити ўзига хос бўлиб, у нафақат хўжаликнинг алоҳида соҳаларининг шаклланишида, балки ижтимоий-иқтисодий муҳитнинг ривожланишида ҳам катта ўрин тутади.

Таъкидлаш жоизки, Хоразм халқининг ўзига хос, бетакрор маданияти, тили, урф-одати, менталитети, топонимикасини узоқ ўтмишдан бери деярли ўзгармай сақлаиб қолиши маълум даражада унинг географик ўрнига боғлиқ. Минтақанинг чор атрофдан қумли чўллар билан ўралиб туриши уни турли хил ташқи таъсирдан қайси бир маънода сақлаб қолган (Солиев А., 2009).

Хоразм жой номлари кўплаб олимлар томонидан ўрганилган. Жумладан, С.П. Толстов, В.В. Бартольд Хоразм суғорма деҳқончилиги, унинг ирригация иншоатларини тарихий нуқтаи

¹ Қораев С. Географик номлар маъноси. - Т., - 1978.

назардан тадқиқ этиш жараёнида, Ю.Г. Саушкин эса ўзининг “Географические очерки природы и сельскохозяйственной деятельности населения в различных районах” (1947) асарида Хоразм воҳасидаги жой номлари аталишига ҳам тўхталиб ўтган.

Топонимика билан шуғулланувчи олимлар жой номлари, яъни топонимияни бир-биридан фарқ қилувчи белгилари асосида турларга ажратадилар. Масалан, ариқлар, сойлар, дарёлар, кўллар, каналлар, денгизлар, кўлтиқлар, бўғоз, шаршаралар номлари билан аталса “гидронимия”, тоғлар, чўққилар, водийлар умуман ер юзасининг рельеф шакллари ифодаловчи бўлса, “оронимия” деб юритилади. Аҳоли пунктлари – кишлок ёки шаҳарларнинг номлари урбонимия, кичик объектлар (кудуклар, далалар, жарлар) микротопонимия, турли халқ, уруғ ёки қабила номлари билан аталадиган топонимлар этнотопонимлар саналади (Қораев С., 1978).

Хар бир ҳудудга хос ва мос жой номлари бўлиб, улар маълум бир шарт-шароитлар, воқеа-ҳодисалар асосида юзага келади. Чунончи, Бухоро вилоятида типик жой номлари “равот”, “работ” сўзлари қўшилган номлар анча кўп¹. Шунингдек, бу ерда диний мазмунга эга топонимлар (Маҳаллаи Шайхон, Усмон Шайх, Баланд Мачит, Байрамхожи, Сўфиён, Облогўй, Эшонлар, Имом Қозихон, Хонақо) ҳам мавжуд [2].

Хоразмга хос бўлган эндемик жой номлари эса “лар”, “чи”, “боғ” қўшимчалари кўпчиликни ташкил этади. Уларнинг энг кўпи “лар-лар”: Сардорлар, Ширинлар, Севанлар, Оёқлар, Гардонлар, Думбойлар, Журтлар, Дарғалар, Баратлар ва ҳ.к., жами 52.

Хоразм воҳаси топонимларининг таҳлили шуни кўрсатадики, топонимларнинг аксарияти сув билан боғлиқ, яъни гидронимлардан иборат (Жадвал). Масалан, “ёп” қўшимчаси билан 50 дан ортиқ (Каттаёп, Калтаёп, Оёкёп, Янгиёп), “солма” қўшимчаси уланган 15 га яқин

(Тоза солма, Насос солма, Ўрта солма, Каллавоё солма), “бўйи” 9 та (Хитой-бўйи, Шовотбўйи, Каналбўйи, Ғозовот-бўйи) ва 7 та “арик” (Янгиарик, Оқарик, Ангиарик ҳ.к.) жой номлари мавжуд. Умуман олганда, бевосита сув билан боғлиқ, яъни ариқ, солма, канал бўйи, кўл қўшимчалари қўшилган номларини ифодаловчи 100 га яқин топонимларни учратиш мумкин².

Шу билан бирга, қадимий Хоразм давлати Буюк Ипак йўлида жойлашганлиги боис, ўзининг йирик савдо марказлари, шаҳарлари (шаҳарлар ўтмишда қалъалар деб ҳам юритилган) билан машхур бўлган. Бу эса ҳудудда урбонимларнинг (ойконимларнинг) анчагина бўлишидан далолат беради.

Ҳозирда биргина Хоразм вилоятида 25 га яқин “қалъа” қўшимчаси қўшилган номлар, 10 дан ортиқ “овул” қўшимчаси бор жой номларини учратиш мумкин.

Юқоридагилар билан бир қаторда, маълум бир ҳудудда яшовчи кишиларнинг меҳнат фаолияти, касбикори натижасида вужудга келадиган номларни ҳам ажратиш мумкин. Жумладан, Хоразм хонлиги маркази бўлган Хива шаҳри, Бухоро шаҳри атрофларида турли-хил касб-хунар маъноларини англатувчи кишлоклар ҳозирги кунда ҳам шу номда аталиб келинмоқда. Бухорода Пичоқчи, Бахмалбоф, Гидамбоф, Чармгар, Қуттисоз, Саргарошлар, Дарвозлар, Устолар, Новвойлар, Қассоблар, Читгарон, Заргарон каби 50 дан зиёд кишлоклар вилоят харитасидан жой олган бўлса, Харратлар, Ипакчи, Қазувчи, Хунарманд, Шоличи, Тандирчи, Чўпонлар, Читкарлар, Мироблар каби номлар билан аталувчи кишлоклар Хоразмда жойлашган. Алоҳида эътироф этиш жоизки, воҳада қурилиш материалларининг танқислиги (бу ерда, хусусан шағал, тош жуда оз) маҳаллий халқнинг лойдан, пахса шаклида девор қилишга ундаганини ва бу борада уларнинг катта малакага эга эканлиги

¹ Равот, работ – қадимда йирик савдо марказлари атрофида карвонсаройлар жойлашган аҳоли манзилгоҳлари назарда тутилган.

² Хоразмда “ёп, солма” сўзлари ариқ маъносини англатади.

Жадвал

Хоразм вилоятида кўп учрайдиган баъзи гидронимлар ҳақида маълумотлар

т/р	Кўшим чалар	Ойконимлар	Қишлоқ туманлари
1.	“Ёп”	Боғот ёп	Боғот
		Нукус ёп, Манғит ёп, Аяқ яп, Оёк ёп, Навбир ёп, Тоза ёп, Манғит ёп	Гурлан
		Ўзбек ёп, Ўрта ёп, Янгиёп	Кўшкўпир
		Кумёп, Тожик ёп, Навур ёп, Тоза ёп, Бўз ёп, Қишлоқ ёп	Шовот
		Оёк ёп, Айрит ёп, Шўр ёп (1), Оёк ёп, Янги ёп, Шўр ёп (2), Шўр ёп (3), Оёк ёп	Ҳазорасп
		Оёк ёп, Янги ёп, Қирқ ёп, Катта ёп, Калта ёп	Хонқа
		Қум ёп, Киник ёп, Қум ёп, Қизил ёп, Янги ёп, Беш ёп, Кўл ёп, Бўз ёп, Ғовик ёп	Хива
		Чондир ёп бўйи, Оқ ёп, Ақ-ёп, Ўрта ёп, Ярмиш яб	Урганч
		Янги ёп, Ўрнак ёп, Навр ёп, Бўз ёп, Янги ёп, Кат ёп, Бўз ёп, Уйғур ёп	Янгибозор
2.	“Солма”	Олчин солма	Боғот
		Тоза солма, Каллавоё солма, Насос солма, Колхоз солма, Тожик солма, Колажиқ солма	Ҳазорасп
		Иккинчи солма	Хонқа
		Ўрта солма, Ангариқ	Хива
		Эгри солма, Янгиариқ	Янгиариқ
		Оқ ариқлар	Урганч
3.	“Кўл”	Катта кўл	Боғот
		Чакка кўли	Урганч
		Хуппиш кўл	Ҳазорасп
		Жирмиз кўл, Кўшма кўл	Хонқа
		Чакан кўл, Ғовик кўл, Шўр кўл, Қора кўл	Хива
		Узун кўл, Кўлли, Ойдин кўл, Арпали кўл, Оқ кўл	Шовот
		Олтин кўл	Янгибозор

Жадвал муаллиф томонидан тузилган.

“усталар” кўп бўлишига сабаб бўлган ва бундай номлар олтита жойда такрорланади. Шунингдек, шоличи, мироб, заргарлар ҳар бири иккитадан учрайди.

Вилоятда турли уруғ-қабил ва миллатлар номи билан аталган (этноним) қишлоқлар ҳам бор. Чунончи, бу ерда Кўнғирот, Найман, Сартлар, Уйғур, Қозоқлар, Туркманлар, Қипчоқлар, Араблар каби қишлоқлар ҳам учраб туради. Айни вақтда Урганчи номи билан аталадиган ойконимлар Бухоро ва, ҳатто Фарғона водийсида ҳам учраб туради.

Хулоса

Шундай қилиб, баъзи бир

Адабиётлар:

1. Қораев С. Географик номлар маъноси. - Т., 1978.
2. Солиев А., Назаров М. Ўзбекистон қишлоқлари. – Т., 2009.
3. Қурбонниёзов Р. Хоразм географияси. - Урганч: Хоразм, 1997.

Резюме

В статье основное внимание уделяется топонимам сельской местности Хорезмской области. В ней рассматриваются географические названия населенных пунктов (ойконимов) региона.

Тавсия этувчи:

проф. Солиев А.С.

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ ХУДУДИЙ ИХТИСОСЛАШУВИ БИЛАН БОҒЛИҚ ГЕОГРАФИК ЖОЙ НОМЛАРИ

Ражабов Ф.Т.

Кириш

Қишлоқ хўжалиги мамлакат иқтисодиётининг энг қадимги тармоқларидан бири бўлсада, мазкур соҳа ривожланишини тўғри ташкил этиш ҳозирги кунда муҳим аҳамият касб этади. Агроиқтисодиётда тайёрланаётган маҳсулотлар нафақат аҳолини озиқ-овқат, саноатни хом ашё билан таъминлайди, балки республикани жаҳон бозорига олиб чиқишда ҳам ўзига хос ўрин тутаяди. Мазкур тармоқда мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 18 фоизига яқини яратилади; жами иқтисодиётда банд аҳолининг 27 фоизи қишлоқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилмоқда (2011 й.).

Қишлоқ хўжалиги республикамиз миллий иқтисодиётида тутган ўрнини унинг алоҳида тармоқлари билан боғлиқ географик жой номлари ҳам ўзига хос

вилоятларга қараганда Хоразм вилояти топонимикасини ўрганиш бироз суст. Масалан, Фарғона, Қашқадарё, Жиззах каби вилоятларга нисбатан олганда, географик жой номларини ўрганиш, топонимика масалалари билан шуғулланиш анча орқада қолмоқда. Бинобарин, маҳаллий олимлар ёки бошқа соҳа вакиллари, хусусан тилшунослар, тарихчилар ва географлар ҳамкорликда ўзига хос тарихий, ижтимоий-иқтисодий имкониятларга эга бўлган ҳудуд топонимикасини ўрганиб чиқиш долзарб саналади.

индикатор сифатида акс эттиради. Бинобарин, бундай жой номлари, аниқроғи агротопонимларни ўрганиш географик тадқиқотларнинг долзарб масалаларидан бири саналади.

Асосий қисм

Ўзбекистон табиий шароитидан келиб чиққан ҳолда қишлоқ хўжалиги кўплаб тармоқларга ихтисослашган. Жумладан, деҳқончиликда – пахта, асосан, янги ўзлаштирилган ҳудудларда, буғдой ва арпа кўпроқ лалмикор ерларда, шоли эса дарё бўйи хўжаликларида етиштирилади. Тоғ ва тоғ олди ҳудудлар боғдорчилик ва узумчиликка, сув ресурслари билан кам таъминланган чўлли жойлар полизчиликка, шаҳар атрофи хўжаликлари эса кўпроқ сабзавотчиликка ихтисослашган. Шунингдек, мамлакатда маккажўхори, каноп, кунжут, зиғир, махсар, тамаки

маҳсулотларини етиштириш ҳам яхши йўлга қўйилган.

Қишлоқ хўжалиги географиясида чорвачилик мамлакатнинг барча минтақаларида мавжуд бўлиб, у қорамолчилик, қўйчилик, йилқичилик, паррандачилик, чўчқачилик, асаларичилик ва балиқчиликдан иборат. Шу билан бирга, чўл ўтлоқлари ва бутазорларда қорақўл қўйлари ва туялар, тоғ ва тоғ олди ҳудудларида серўтлиги боис, майин жунли эчкилар, пахтачилик билан боғлиқ равишда пилла курти боқилади¹.

Шуниси эътиборлики, республикада агроиктисодиёт тармоқларининг ҳудудий ихтисослашуви билан боғлиқ ҳолда географик жой номлари шаклланган. Масалан, пахтачилик деҳқончиликнинг стратегик аҳамиятга эга бўлган тармоқларидан ҳисобланиб, у мамлакатимизнинг барча вилоятларида етиштирилади ва, шунга мос ҳолда, ушбу ҳудудларда Пахтачи (Самарқанд), Пахтакор (Жиззах), Пахтаобод (Андижан), Оқолтин (Сирдарё) каби қишлоқ туманлари ва кўплаб қишлоқларнинг номлари вужудга келган. Бундай номлар, асосан, ўтган асрнинг 60-70 йилларида пахта майдонларини кенгайтириш мақсадида янги ерларнинг ўзлаштирилиши натижасида юзага келган.

Пахтаобод – Андижон вилоятидаги туман, Қашқадарё вилояти Нишон ва Чирокчи туманларидаги шаҳарча (2009 й.) ҳамда республиканинг деярли барча вилоятларида кўплаб қишлоқ ва овуллар шундай номланади. Таркиби: пахта+обод; унинг вужудга келишида чўлларнинг ўзлаштирилиши ва, натижада, аҳоли манзилгоҳларининг шаклланиши янги пахтакор хўжаликларини ташкил этилишига сабаб бўлган. Лойиҳаланган кўчали пахтакор хўжаликларнинг аҳолиси учун давлат, хўжалик ва маҳаллий аҳоли томонидан қурилган аҳоли яшаш масканлари “Пахтаобод” деб аталган. Пахтаобод – пахтакорлар, пахта етиштирувчилар манзили.

Оқолтин – Сирдарё вилоятидаги туман, Қашқадарё вилояти Нишон туманидаги шаҳарча (2009 й.) ва бир неча қишлоқларнинг номи. Таркиби: оқ+олтин. Оқ – қор, сут, пахта ранги, ранг тури; олтин – зар, тилла, сариққизғиш тусли қимматбаҳо металл. Номга бу тасвирий бирикманинг дахли йўқ. Кўчма маънода оқолтин – пахта. Адабий тилда пахтакорлар меҳнатини шарафлаб, етиштирган ҳосилини (пахтани) – оқолтин деб аташган. Бу тасвирий ифода ўтган асрнинг 70-йилларида пайдо бўлган. Оқолтин пахтакорлар яшайдиган тураржойлар мажмуи, қишлоқ. Ушбу ном расмий-маъмурий тарзда қўйилган (Нафасов Т., 2009).

Худди шу каби ғалла етиштиришга ихтисослашган ҳудудларнинг географик жой номларида “*ғалла*” ўзакли сўзлар кўп учрайди. Жумладан, Ғаллаорол (Жиззах вилоятидаги туман), Ғаллакор (Қашқадарё в. Қамаш т. қишлоқ), Ғаллачи (Қашқадарё в. Чирокчи т. қишлоқ) каби топонимлар шулар жумласидандир. Ғалла сўзи иштирокида ясалган географик жой номлари, асосан, бошоқли экинлар (буғдой, арпа, сули) етиштиришга ихтисослашган ҳудудларда тарқалган.

Ғаллакор (Қашқадарё в. Қамаш т. қишлоқ) – дон етиштирувчи шахс. 20-асрнинг 60-йилларида ғалла етиштиришга ихтисослашган хўжаликлар тузилди, хўжалик учун янги бинолар, ховлилар, уйлар бунёд этилди. Янги ташкил этилган ва ғалла етиштириш билан шуғулланувчи аҳоли манзилгоҳлари Ғаллакор деб аталди.

Қишлоқ хўжалигининг шоличиликка ихтисослашган ҳудудларда эса шоликор, шолипоя каби топонимлар кўзга ташланади. Шоли – ботқоқ ёки сув доимо куйилиб турадиган жойда ўсадиган бошоқли ўсимлик. Поя – ўсимлик экилган жой. Шолипоя – шоли экилган ва ҳосили ўриб олинган майдон. Шундай майдонда ёки унинг атрофида жойлашган қишлоқлар номи – **Шолипоя** деб аталади (Хоразм ва Қашқадарё в. қишлоқлар). Шоликор (Сурхондарё в. Музработ т. қишлоқ) – аҳолиси, асосан,

¹ Пахта далалари атрофида ўстириладиган тут дарахти пиллачиликнинг асосий озукаси ҳисобланади.

шоли етиштириш билан банд бўлган қишлоқ номи.

Пиёзчилик – Фарғона вилояти Тошлоқ туманидаги қишлоқ. Топонимикада “-чилик” қўшимчаси кўп ҳолларда деҳқончилик соҳасида банд бўлган кишилар гуруҳини англатади. Демак, ушбу қишлоқ, асосан, пиёз етиштиришга ихтисослашган.

Маълумки, қишлоқ хўжалигининг боғдорчилик тармоғи, асосан, тоғ олди ҳудудларида ва водийларда кенг йўлга қўйилган. Шундан келиб чиққан ҳолда у билан боғлиқ географик жой номлари ҳам водийларда жуда кўп тарқалган. Чунончи, биргина Фарғона вилоятида ёнғок, узум, ток, бодом, ўрик, анор, олма, анжир, беҳи сўзлари иштирокида таркиб топган жой номлари кўплаб учрайди: Ёнғоклик (Бувайда т.), Узумзор (Фарғона т., Бувайда т., Қўқон ва Марғилон шаҳарлари), Узумбоғ (Риштон т.), Токзор (Қўқон ва Марғилон шаҳарлари), Бодомзор (Риштон, Фарғона, Боғдод, Олтиариқ туманлари), Ўрикзор (Фарғона ва Олтиариқ туманлари, Қўқон ш.), Анорзор (Марғилон ш.), Анорбоғ (Сўх т.), Олмазор (Фарғона, Олтиариқ ва Қува туманлари), Анжирзор (Марғилон ш.), Беҳизор (Қувасой ва Марғилон шаҳарлари) ва бошқалар (Охунов Н. ва б., 2010). Таъкидлаш лозимки, бундай номга эга туманлар, шаҳар ва шаҳарчалар ҳамда қишлоқлар республиканинг бошқа ҳудудларида ҳам кўп учрайди.

Беҳизор – бундай аталувчи жой номлари беҳи меваси кўп етиштириладиган аҳоли манзилгоҳларига нисбатан айtilган. Таркибидаги “-зор” қўшимчаси шу турдаги ўсимликларнинг бу ерда кенг тарқалганлигини англатади. Лекин, шуни алоҳида айтиш керакки, қишлоқ хўжалигининг маълум бир экин (мева) тури номига қўйилган жойларда аҳоли ҳозирги кунда мазкур ўсимликларни умуман етиштирмаслиги ёки оз етиштириши мумкин. Масалан, Тошкент шаҳрида Олмазор, Себзор, Ўрикзор, Чилонзор ва бошқ.

Жўробзор – (Шеробод туманидаги адир, Зарабоғ), форсча жоруб – супурги, супуриш учун ишлатиладиган ўсимлик. –

зор қўшимчаси жамлик маъносига эга. Жўробзор – супурги учун фойдаланиладиган ўсимлик ўсадиган жой (Турсунов С., 2008).

Чорвачилик тармоқларига ихтисослашган ҳудудларда ҳам шу соҳага боғлиқ географик жой номлари шаклланган. Жумладан, **Балиқчи** тумани номининг келиб чиқиши бевосита балиқ овловчиларни ва сунъий ҳавзаларда балиқ етиштирувчиларни англатади. Бу ўлкада Қорадарё ва Норин дарёлари мавжуд ва бу дарёлар худди шу ерда қўшилиб Сирдарё номини олган. Мазкур дарёлардан ҳозирги кунда ҳам маҳаллий аҳоли балиқ овлашади.

Пиллачиликнинг асосий озуқаси ҳисобланган **тут** дарахтидан кўплаб қишлоқлар ном олган. Яккатут (Фарғона вилоятининг қатор туманларида), Бойтут (Шеробод т. қишлоқ) – тутзор, тути кўп жой. Қоратут (Шеробод т. қишлоқ); кора – тут мевасининг ранги. Сертут, Тутзор, Мингтут каби географик жой номлари ҳам ушбу дарахт кўп жойларга нисбатан айtilган.

Туяқисилди – Шеробод туманидаги дара. Юк ташиш учун туя транспорт воситаси сифатида фойдаланилган даврда туя ўтолмаган, ўта тор, сиқик жой, даранинг энг танг нуқтаси – Туяқисилди. Мажозий ном (Турсунов С., 2008).

Йилқибозор (Денов шаҳридаги жой) – қадимги туркий тилда йилқи – хайвон, мол. Йилқибозор, чорва хайвонлари олди-сотди қилинадиган жой. Шунингдек, Фарғона вилоятида Такалик ва Қўчқорчи номли қишлоқлар мавжуд бўлиб, уларнинг этимологияси тўғрисида аниқ фикр йўқ. Эҳтимол, ушбу топонимларнинг ҳам вужудга келишида чорвачиликнинг қўйчилик тармоғи ҳиссаси бўлиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги тармоқлари билан бирга унинг умумий хусусиятларини акс эттирувчи географик жой номлари ҳам мавжуд. Хусусан, Деҳқонобод, Лалмикор ва бошқалар.

Деҳқонобод (Қашқадарё в. туман, Сурхондарё, Самарқанд в. қишлоқлар); *форсча* – деҳқонлар ўзлаштириб, обод қилган аҳоли манзилгоҳлари демакдир.

Лалмикор – Кумкўрғон туманидаги аҳоли маркази. Форсча лалми+кор. Дехқончилик тарзи ва сувдан фойдаланиш усулига кўра дехқон лалмикор ва обикор саналади. Лалмикор – сунъий суғориш иншоотлари (арик, канал ва ҳ.к.) дан фойдаланмасдан, ердаги нам ва табиий ёмғирлар ёрдамида етиштириладиган дехқончилик усули.

Хулоса

Қишлоқ хўжалиги тармоқлари билан боғлиқ географик жой номлари, яъни агротопонимлар республикамизнинг турли ҳудудларида мавжуд. Улар айни вақтда ушбу иқтисодиёт соҳасининг мамлакатимиз миллий иқтисодиёти ва тарихида нақадар муҳимлигидан дарак беради. 1996 йил 30 августда Ўзбекистон

Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш, топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида”ги Қонуни ҳамда 2004 йил 11 августда Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасидаги маъмурий-ҳудудий бирликлар, аҳоли пунктлари, ташкилотларга ва бошқа топонимик объектларга ном бериш ишларини тартибга солиш тўғрисида”ги 383-сонли қарори қабул қилинган бўлиб, уни амалга оширишда кичик ҳудудларда (масалан, қишлоқ тумани доирасида) юқорида қайд этилган ўхшаш ёки “адаш” топонимларни мумкин қадар озроқ қўллаш мақсадга мувофиқ.

Адабиётлар:

1. Ахмадалиев Ю.И. Фарғона вилояти топонимлари. – Фарғона: 2009 й.
2. Миракмалов М.Т. Халқ табиий географик терминлари. –Т.: 2009 й.
3. Нафасов Т. Қашқадарё қишлоқлари. – Т.: Мухаррир, 2009 й.
4. Низомов А. ва бошқ. Топонимика. – Т.: Шарқ, 2012 й.
5. Охунов Н. ва бошқ. Фарғона вилояти ойконимларининг номланиш хусусиятлари. - Фарғона: 2010 й.
6. Турсунов С. Сурхондарё вилояти топонимлари. – Т.: 2008 й.

Резюме

Статья посвящена географическому распространению топонимов, связанных со специализацией сельскохозяйственного производства республики.

Тавсия этувчи:

проф. Солиев А.С.

ЎЗБЕКИСТОН ГИДРОУРБОНИМЛАРИ

Исматов Ж.А.

Кириш

Инсонлар қадимдан ўзлари яшаб турган ҳудудни ва бошқа географик объектларни турли номлар билан атаб келишган. Бундай атамалар дастлаб содда кўринишларда бўлган ва кейинчалик, янги ерларнинг ўзлаштирилиши, айниқса, аҳолининг кўпайиши ҳамда маъмурий-ҳудудий бирликлар сонининг ортиши натижасида мураккаблашиб борган. Дунё сиёсий картасига назар ташласак, бир қанча географик объектларнинг ўхшаш ном билан аталишини, яъни айрим топонимларнинг бир географик объектдан бошқасига кўчганлигини кўрамиз. Сенегал, Парагвай, Уругвай, Нигер, Конго, Ҳинд (Ҳиндистон) каби топонимларнинг давлатлар билан бирга

ушбу ҳудуддан оқиб ўтувчи йирик дарёларнинг номи эканлиги бунга мисолдир.

Ўзбекистонда тарқалган айрим қадимий жой номлари – топонимлар бугунги кунда турли сабабларга кўра ўз мазмун-моҳиятини йўқотганлигига қарамай, аксарият географик атамалар мазкур географик объект хусусиятларидан келиб чиққанлигини таъкидлаш жоиз. Масалан, сув объектлари (дарё, кўл, сой, булоқ, кудук, канал, арик ва бошқалар)нинг аталиши улар сувининг ранги, таъми, ҳарорати, сув режимининг ўзгариши каби жиҳатлари билан боғлиқ бўлса, маъмурий-ҳудудий бирликлар (вилоят, шаҳар, туман, қишлоқ, овул)ларнинг номлари уларнинг тарихий,

этнографик, географик ўрни, хўжалиги сингари хусусиятларидан келиб чиққан.

Асосий натижалар ва уларнинг

таҳлили

Топонимлар бир неча гуруҳларга бўлиниб, улар орасида сув объекти номлари – гидронимлар ва шаҳар номлари – урбонимлар Ўзбекистонда энг кўп учрайдиган топонимлардан саналади. Чунки, шарқ маданияти, жумладан, мамлакатимиз тарихи кўп жихатдан суғорма деҳқончилик билан боғлиқ бўлган. Шуниси эътиборлики, Зарафшон, Чирчиқ, Косонсой, Қашқадарё, Сирдарё каби топонимлар ҳам шаҳар, ҳам йирик сув объектлари номидир. Кўпчилик гидронимларнинг келиб чиқиши қадим замонларга бориб тақалишини ҳисобга олиб, мазкур ҳолатда гидронимлар урбонимларга кўчган деб хулоса чиқариш мумкин. Сабаби, дарё ёки сойлар шаҳар жойлар вужудга келишидан олдин ҳам мавжуд бўлган. Бинобарин, бундай шаҳар номларини “гидроурбоним”лар деб аташ ўринлидир.

Ўзбекистонда гидроурбонимларнинг тарқалиши ўзига хос географик хусусиятларга эга. Чунончи, Фарғона водийсидаги кўпчилик шаҳар ва шаҳарчалар номлари сойлар номига мос келади. Шахрихон, Шохимардон, Косонсой, Қувасой, Чортоқ, Марғилон шаҳарлари, Ғирвон, Ирвадон, Окбўйра, Чодак, Ғова, Олмос, Каркидон, Олтиарик, Сўх, Марғилон, Чимён шаҳарчалари шулар жумласидандир.

Шунингдек, Фарғона водийсида айрим шаҳар номларининг сув объектларига кўчганлигини ҳам кўришимиз мумкин. Масалан, Андижон шаҳри яқинидан оқиб ўтувчи сой Андижонсой деб номланади. “Шаҳарнинг пайдо бўлиши ва номининг келиб чиқиши ҳақида турли хил афсона ва ривоятлар мавжуд. Айрим манбаларда шаҳар номи “анди”, “адоқ” (“азоқ”) каби уруғ атамалари билан боғлиқлиги кўрсатилган. Бир вақтлар бу ерда андилар (ҳиндлар) яшаган ва шаҳар номи “Андукон” деб аталган¹, деган ривоят ҳам

бор” (ЎЗМЭ, 1-том, 2000. -323 б.). Бундан хулоса қилиш мумкинки, шаҳар номи сой номига кўчган.

Наманган шаҳри яқинидан ўтган Намангансой гидроними ҳам мазкур шаҳар номидан кўчган. Чунки, Наманган шаҳри номининг пайдо бўлиши ўрта асрларга бориб тақалади, шаҳар “Намак кон”, яъни туз кони яқинида вужудга келган ва кейинчалик ҳозирги номига эга бўлган.

Фарғона водийсида сойлар номидан ҳосил бўлган гидроурбонимлардан ташқари қудуқлар ва булоқлар номидан келиб чиққанлари ҳам учрайди. “Жалолқудуқ ва унга ёндош қишлоқлар ўрамада ёгингарчилик кўп бўлганлигидан у ерлар илгари камишзор, тўқайзор бўлган. Туман номи “желла” ёки “желак” сўзидан келиб чиққан деган ривоятлар бор: ўтмишда маҳаллий аҳоли зовур, булоқ ва қудуқларга желла ташлаб балиқ овлаган экан. Желла қўйиладиган қудуқлар аста-секин “желакқудуқ” деб аталадиган бўлганмиш. Кейинчалик бу ном талаффузда ўзгариб “жалақудуқ”, “жалолқудуқ” шаклида қишлоқ, сўнгра туманга ном бўлиб қолган дейилади”. (ЎЗМЭ, 3-том, 2002. -540-541 б.). Ҳозирда Жалолқудуқ туманида Жалақудуқ деган шаҳарча бор. Шу жумладан, Андижон вилоятининг Ширмонбулоқ ва Булоқбоши шаҳарчалари ҳамда Наманган вилоятининг Тошбулоқ шаҳарчаси ҳам булоқлар номидан ҳосил бўлган гидроурбонимлар сирасига киради.

Андижон вилоятининг Қорасув шаҳрини ҳам гидроурбоним деб атаса бўлади. Бунга сабаб, кўп ҳолларда манбаи қор ва муз бўлган сувлардан фарқ қилиб, тоғ этаклари, водийларида ер ости (булоқ, сизот) сувларидан тўйинадиган сой ва дарёлар сувлари Қорасув деб аталади. Қорасув гидроними Зарафшон ва Фарғона водийсида кўп учрайди.

Шаҳар номларининг сунъий сув объектларига кўчиши орқали ҳам гидроурбонимлар ҳосил бўлади. Фарғона водийсида бир қанча шаҳарлар номлари йирик каналларга кўчган. Бунга Катта

¹ Топонимист олимларнинг тадқиқотлари бўйича “Андижон” сўзи “сой бўйи”, “сув ёқасидаги

шаҳар” тушунчасини билдиради, деган тахминлар ҳам мавжуд.

Андижон, Фарғона, Катта Фарғона, Жанубий Фарғона, Қўқон каби канал ва ариқлар мисол бўла олади. Ўз навбатида, ушбу ҳудуддаги Қуйи Бачқир, Юқори Бачқир, Бувайда сингари шаҳарчаларнинг аталиши каналлар номи билан боғлиқдир.

Тошкент воҳасида ҳам бир нечта гидроурбонимларни учратиш мумкин. Жумладан, Оҳангарон дарёси номи кейинчалик туман ва шаҳар номига кўчган. Худди шу каби, Чирчиқ дарёсининг номи ҳам Чирчиқ шаҳрига ҳамда Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ ва Қуйи Чирчиқ туманларига кўчган. Олмалик шаҳри яқинидан ўтган сой Олмаликсой деб номланади. Айрим манбаларга кўра, Олмалик топоними илк бор мўғуллар истилоси даврида “Ололмалик”, яъни “ололмадик”, “босиб ололмадик” деб ишлатилган. Кейинчалик бу сўз талаффузда ўзгариб Олмалик шаклини олган. Демак, сой номи шаҳар номидан олинган деб ҳисоблашга асос бор. Зангиота туманидаги Келес шаҳри номи Келес дарёси номидан келиб чиққан. Туман ҳудудидан ўтказилган каналга эса шаҳар номи берилган. Шунингдек, мазкур воҳада Тошкент шаҳри номидан олинган Шимолий Тошкент канали, Тошкент денгизи ёки Тошкент сув омбори деб аталувчи гидрологик объектлар мавжуд.

Сирдарё вилоятида гидроурбонимлар жуда озчиликни ташкил қилсада, вилоят номининг ўзи мамалакатимиздаги энг узун дарё номи билан аталиши аҳамиятлидир. Сирдарё гидроними туман ва шаҳар номига ҳам ўтган. Боёвут туманидаги Дўстлик шаҳарчаси Дўстлик канали номидан олинган. Шунингдек, чўл ҳудудларда сув саклаш вазифасини бажарган қадимий гидротехник иншоот-сардоба номи билан аталадиган туман ҳам бор.

Самарқанд вилоятида ҳам ном кўчишидан ҳосил бўлган бир қанча шаҳар ёки гидрологик объектлар номи қайд қилинади. Жумладан, Ургут тумани маркази Ургут шаҳри, Пайариқ туманининг Ғужумсой шаҳарчалари сойлар билан номланса, Оқдарё туманининг Оқдарё шаҳарчаси ҳамда

Каттақўрғон туманининг Қорадарё шаҳарчаси номлари Зарафшон дарёсининг Оқдарё ва Қорадарё деб аталувчи тармоқлари номидан ҳосил бўлган. Пастдарғом тумани Дарғом каналининг қуйи қисмида жойлашганлиги учун шундай аталади. Сунъий сув ҳавзалари номининг шаҳарлар номига кўчишига Пайариқ шаҳри номи мисолдир. Баъзи манбаларга қараганда, Пайариқ номи туман ҳудудидан ўтган Пай ариғи номидан олинган. Пайариқ сўзи ариқнинг қуйи қисми деган маънони англатиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Мазкур вилоятда ҳам айрим шаҳарлар номи сув объектларига кўчган. Булунғур, Янгикент, Янги Ургут каналлари номлари бунга мисол бўла олади.

Жанубий Ўзбекистонда ҳам талайгина гидроурбонимлар кўзга ташланади. Мазкур ҳудуддаги гидроурбонимларнинг ўзига хос хусусияти, асосан, шаҳар ва шаҳарчалар номларининг сув объектлари номига кўчганлигидир. Яккабоғдарё, Ғузордарё, Шерободдарё, Бандихон каби дарё ва сойлар ҳамда Шеробод, Бешкент, Файзиобод каналлари номларининг шу номлардаги шаҳар ва шаҳарчалардан олинганлиги бунинг исботидир. Шу билан бирга, вилоятнинг Қашқадарё шаҳарчасига сув объектининг номи кўчган.

Бухоро вилояти гидроурбонимлари сунъий сув объектлари – каналлар номи билан боғлиқ. Маълумотларга кўра, Шофиркон сўзи ушбу тумандан оқиб ўтган Кўҳнаруд – Шопуркон ариғи номидан келиб чиққан. Асосан, зовур-ер ости сувларини оқизувчи коллектор вазифасини бажарувчи, Зарафшон дарёсининг қуйи оқими – Қоракўлдарё ҳамда Қоровулбозор магистрал канали шу номдаги шаҳар ва шаҳарча номлари билан аталади.

Навоий вилоятида гидроурбонимлар ҳудуд табиий шароитидан келиб чиққан ҳолда у қадар кенг тарқалмаган. Бу ерда фақат Зарафшон шаҳри номи дарё номидан ҳосил бўлгани ҳолда, асосан, Учқудук, Томдибулоқ сингари қудук ва булоқ номлари билан аталувчи шаҳар ва шаҳарчалар таркиб топган.

Қуйи Амударёда ҳам худди Бухоро вилоятида бўлгани каби канал ва ариқлар номи билан боғлиқ гидроурбонимлар кўп учрайди. Ёрмиш, Шовот, Амиробод, Қанликўл, Олтинкўл каби каналлар номлари билан бир хил номга эга шаҳарчалар бор. Канал ёки анҳор Қуйи Амударёда “арна” ёки “солма”, ариқ эса “ёп” деб номлангани боис, ушбу ҳудудда айрим шаҳар ва шаҳарча номларига мазкур аффикслар кўшилиб ҳосил қилинган Манғитарна, Урганчарна, Хонқаарна, Қипчоқарна гидроурбонимлари тарқалган.

Кегейли шаҳри номи ҳам гидроурбонимдир. “Кегейли” атамасининг келиб чиқишини Кегейли шаҳарчаси ҳудудидан оқиб ўтадиган Кегейли канали номи билан боғлайдилар. Бу каналнинг икки томони кегай дарахтлари, туранғиллар билан бурканиб турганлиги сабабли у Кегейли номини олган. Ушбу ном кейинчалик шаҳарча ва туман номига айланган” (*ЎЗМЭ, 12-том, 2006. -599 б.*).

Хулоса

Ўзбекистон гидроурбонимларининг тарқалишига, аввало, ҳудуднинг табиий-географик шароити катта таъсир кўрсатади. Бинобарин, кўп ҳолларда сув объектлари: дарё, сой, кудук ва булок

кабилар номлари шаҳарлар номига кўчган бўлса, кейинчалик янги ерларнинг ўзлаштирилиши ва сунъий сув объектларининг барпо қилиниши натижасида бир қанча сув объектларига шаҳарлар номлари кўчган. Масалан, Фарғона водийсида асосий қисми тоғли бўлганлиги боис сойлар, Қуйи Амударёда қадимдан суғорма дехқончилик ривожланганлиги сабабли канал ва ариқлар номи билан боғлиқ бўлган гидроурбонимлар кўп тарқалган, Навоий вилоятида эса ҳудудининг катта қисми чўллардан иборатлигига боғлиқ ҳолда улар жуда озчиликни ташкил қилиб, асосан, кудук ва булоклар номидан ҳосил бўлганлари учрайди. Шу боис, гидроурбонимларни, умуман, географик номларни тадқиқ қилиш турли географик объектларнинг тарихий, географик, этнографик ва бошқа хусусиятларини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда юздан ортиқ гидроурбонимлар мавжуд бўлиб, баъзиларининг қандай ҳосил бўлганлиги, яъни гидронимнинг урбонимга кўчганлиги ёки аксинча эканлигига ҳанузгача ойдинлик киритилмаган. Буни эътиборга олиб, мазкур гидроурбонимлар устида тадқиқотлар олиб бориш талаб этилади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси 1-, 3-, 12-том. - Т.: Давлат илмий нашриёти, 2000, 2002, 2006.
2. Нафасов Т. Қишлоғимиз нега шундай аталган? - Т.: Фан, 1989.
3. Низомов А., Раҳимова Г., Расулова Н. Топонимика. - Т.: Шарқ, 2012.
4. Қораев С. Топонимика. Ўқув қўлланма – Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2006.

Резюме

В Узбекистане издавна вода, поливное земледелие играют большую роль в социально-экономическом развитии страны. В данной статье речь идёт о названиях городских поселений, связанных с гидрографическими объектами.

Тавсия этувчи:

проф. Солиев А.С.

ХАТИРЧИ ТУМАНИ ТОПОНИМЛАРИ

Қодирова М.М., Абдиева З.А.

Географик номлар география фанининг асосий таркибий қисми ҳисобланади. Улардан географияда бериладиган маълумотларни ҳудудий боғлашда фойдаланилади. Географик номларни чуқур тушунишга маҳаллий

географик атамаларни ўрганиш ёрдам беради. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, аҳоли пунктлари номлари, одатда, улар қад кўтарган ҳудуд ёки теварак-атрофнинг айрим табиий хусусиятлари ёки маҳаллий аҳолиси ва унинг

машхулоти, баъзан эса турар жойларнинг сони ва сифатларига қараб нисбат берилган. Уларнинг маъноси, қайси тилга оидлиги ҳақида қанча фикрлар билдирилган бўлса-да, келиб чиқиши ўзил-кесил ҳал қилинмаган. Шунинг учун шаҳар-қишлоқларнинг таркиб топиши, жойлашиши, аталиш қонуниятларини аниқ табиий-тарихий ва сиёсий-иқтисодий шароит билан узвий боғлиқ ҳолда ўрганиш катта илмий ва амалий аҳамиятга эга. Кўпчилик географик номлар табиий шароити (ер юзаси рельефини, ўсимликлар ва ҳайвонлар дунёсини, табиий ҳодиса ва воқеаларни), аҳолининг урф-одатлари, хўжалигини акс эттиради. Географик номлар асрлар давомида сақланишини назарда тутсак, уларни ўтган замон табиати, рўй берган ҳодиса, воқеалар, кишиларнинг касб-ҳунарлари, уруф-одатлари, аҳолининг миграцияси ҳақида қимматли маълумотлар олиш мумкин.

Навоий вилоятининг қишлоқ туманларидан бири – Хатирчи тумани қадимги маданият марказларидан ҳисобланади. Тарихий қайдномаларга қараганда Хатирчи Искандар Зулқарнайн (Александр Македонский) замонида ҳам мавжуд бўлган. Хатирчининг қадимий номи турли манбаларда турлича аталган, бироқ “Хатирчи” атамаси бу манзилнинг кейинги минг йилликдаги доимий аталиб келинган ягона номидир. Ривоятларга кўра, қадимда Зарафшон дарёсининг Миёнқала ўрталлиғида кечув бор экан, мана шу кечувдан Хатирчига ўтиш жойида тўқайзор ва чангалзор мавжуд бўлган. Бухоро амири кишилари Хатирчилик аҳолидан хирож ундириш учун шу чангалзор оралаб ўтиши лозим эди. Чангалзорда турли даррандаю-паррандалар ва йиртқич ёввойи ҳайвонлар бўлиб, кўпинча йўловчиларнинг ҳаётига хавф солар эди. Бу юртга келиш хатарли бўлганлиги учун, бу ҳудудни “Хатарчи” деб атаганлар. Кейинчалик Хатарчи номи Хатирчи деб талаффуз этила бошланган.

Яна бошқа бир ривоятда эса Патирчи, яъни қадимда бу ерлик новвойлар томонидан ёпилган патир

таъми жуда мазали ва машхур бўлганлиги, аҳолининг патир сотиш билан шуғулланганлиги сабабли Патирчи дейилгани ҳақида маълумот берилган. Бу, албатта, халқ этимологияси, жой номи изоҳланувчи топономик ривоятлардир. Хатирчи туманидаги қишлоқ номлари, у ерда истиқомат қилувчи аҳолининг этник келиб чиқиши борасида ҳам олимларимиз тадқиқотлар олиб бормоқда. Хатирчиликлар азал-азалдан лалми дехқончилик билан шуғулланиб келишган. Хатирчининг дашт ҳудудларида етиштирилган лалми нўхат, кунжут, бугдой ва бошқа маҳсулотлар нафақат юртимиз бозорларида, балки жаҳон бозорида ҳам ўз харидорини топган. Қадимги Хатирчи бозорига Ҳиндистон, Эрон, Афғонистон, Қозғистон, Туркменистон ва ҳатто ғарб мамалакатларидан ҳам савдогарлар келиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилишгани маълум. Шунингдек, бу заминдан саркардалар ҳам етишиб чиққан. Шулардан бири Амир Темур ва Темурийлар авлодига хизмат қилган Учқора Жалоир Баҳодирдир. Учқора қишлоғи шу Баҳодир номига кўйилган.

Хатирчи тумани Хонақоҳ қишлоғида яшовчи кекса ўқитувчи Садриддин Қаюмовнинг маълумот беришича, Хатирчи Дехқон бозори ёнида 1940-йилларга қадар Карвонсарой ўрни мавжуд бўлган. Туман марказида истиқомат қилувчи халқ заргарлик, мисгарлик, савдогарлик, деярли ҳунармандчиликнинг барча соҳаларидан оқилона фойдаланишган. Хатирчи аҳолиси азалдан бой ва ўзига тўқ аҳоли бўлган. Айтишларича, Ҳазрати Хизир кўлидаги ҳассасини Хатирчи замини тупроғига қадаб кетган экан. Вақт ўтиб ҳасса кўкариб, новдалар униб, мева туга бошлабди, шу-шу Хатирчи Ҳазрати Хизир назар солган олтин тупроқ деб аталади. Бу замин бағрида кўплаб азиз авлиёлар боқий макон топганлар. Тутота, Кўктош ота, Хонақо бува, Қошқарота, Саидота, Гадоиселкин каби азизларнинг қабрлари бугунги кунда зиёратгоҳларга айланган. Тумандаги кўпгина қадам-жолар авлиёлар ва тепаликлар ҳали тўлиқ

ўрганилган эмас. Масалан, “Соқитепа”, “Кўктош ота” ва унинг ёнидаги тепалик илмий жиҳатдан астойдил ўрганишни талаб этади.

“Кўктош ота” тепалигида қадимги кулоллар ва чиннигарларнинг устахонаси жойлашган. Мазкур тепалик атрофлари маҳаллий аҳоли томонидан турли мақсадларда қазилганида ернинг 1,7 метр чуқурлигида ибтидоий одам қабрлари топилганлиги маълум бўлди. Мирдош, Новандоқ, Тосмачи, Учқора, Майдонсой қишлоқлари аҳолиси қадимдан узумчилик ривожланган воҳалари ҳисобланади.

Хатирчининг шимолий чегараси Лангар тоғ тизмаси билан ўралган. Лангарнинг қуйи қисмида жойлашган сой Олтинсой тоғлари бағрида олтин мавжуд.

Қадимда бу ерлик аҳоли очик усулда олтин қазиб олишгани маълум. “Кўксарой” ширкат хўжалиги юқори қисмидаги тоғда “Жуннати” деган жой бор. Афсоналарда айтилишича, бу тоғ Ҳазрати Хизирнинг дуоси билан пайдо бўлган экан. Бир бойнинг молу-дунёси жуда кўп, аммо ўзи хасис экан. У қўйларнинг жунини қирқтириб, хирмон қилар экану, лекин бирор кимсага бир тола бермас экан. Бир куни Ҳазрати Хизир келиб бойдан озгина жун сўрабди, бой унга ҳам хасислигини қилибди. Шунда Ҳазрати Хизир уни дуоибад қилибди. Бойнинг хирмони тошга айланиб ва қўлидаги чоршоҳасига ўралган жун уюми муаллақ тош бўлиб, ҳозир ҳам қимирлаб турар экан.

Резюме

В статье приводится краткая характеристика некоторых топонимов (ойконимов) Хатирчинского тумана Навоийской области.

Тавсия этувчи:

проф. Солиев А.С.

ДУНЁ СИЁСИЙ ХАРИТАСИ ВА ТОПОНИМИКА

Ибраимова А.А.

Кириш

Дунё сиёсий харитаси муайян даврда турли мамлакатлар, уларнинг ҳудудлари, чегаралари каби асосий сиёсий-географик белгилар тасвирланган мавзули харита ҳисобланади. Сиёсий хариталар бошқа турдаги хариталар, айниқса табиий хариталарга қараганда беқарордир, яъни улар тез-тез ўзгариб туриш хусусиятига эга. Сиёсий хариталар турли инқилоблар, урушлар, мустамлакаларнинг мустақилликка эришуви, давлатларнинг бошқарув шакли ва тузумлари ҳамда пойтахтларининг ўзгариши, шунингдек, ўзаро келишувлар асосида чегара ва ҳудудларнинг ўзгартирилиши сингари қатор омиллар таъсирида ўзгариб туради. Демак, бирор бир давлатнинг монархия бошқарув шаклидан республика шаклига ўтиши ҳам сиёсий харитани янгилашни талаб қилади. Бу каби жараёнлар, ўз навбатида, дунё сиёсий харитасида янги номларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Таъкидлаш

жоизки, дунё сиёсий харитаси жуда кўплаб жой номларини ўзида акс эттиради, уларнинг шаклланиши ва ривожланиши узок тарихий даврни камраб олади.

Асосий қисм

Ҳозирги кунда жаҳон сиёсий харитасида 258 та сиёсий-маъмурий бирликлар (давлатлар, мамлакатлар ва ҳудудлар) ажратилади. Уларнинг 194 таси мустақил давлатлардир (БМТнинг 193 та аъзоси ва Ватикан). Шунингдек, сиёсий харитада мақоми номаълум давлатлар (10 та) ва бошқа ҳудудлар (54 та: алоҳида мақомга эга – 4 та, қарам – 38 та, денгиз орти ҳудудлари – 11 та ва мақоми номаълум ҳудуд – 1 та) ҳам тасвирланади¹.

Сиёсий географияда давлат, мамлакат ва ҳудуд тушунчалари кенг қўлланилади. Илмий ва илмий-оммабоп

¹ Алфавитный список стран и территорий // <http://ru.wikipedia.org/wiki>

адабиётларда “давлат” ва “мамлакат” тушунчалари кўпинча бир-бирига синоним сифатида ишлатилади, бироқ улар ўртасида муҳим фарқ мавжуд, яъни *мамлакат* — сиёсий-географик термин бўлиб, муайян чегараларга ва давлат суверенитетига эга бўлган ёки бошқа бир давлат ҳукмронлиги остида бўлган ҳудуд (мустамлака, бошқарув остидаги ҳудуд) ни англатади¹. *Давлат* эса мамлакат миқёсида жамиятни уюштириш масалаларини ҳал қилиш, унинг ташқи муносабатларини белгилаш ваколатлари бўлган ҳукмрон тузилма²дир. Бошқача айтганда, давлат тушунчаси, биринчи навбатда, тегишли ҳудудда ўрнатилган сиёсий ҳокимият тизимини билдирса, мамлакат тушунчаси кўпроқ маданий ва умумгеографик омиллар мажмуига тегишлидир.³

Худудлар – муайян чегара ва географик ўринга эга, табиий ва инсон фаолияти натижасида яратилган ресурслар бўлган Ер юзасининг бир қисмидир.

Умуман, юкоридаги тушунчаларни мазмун-моҳияти, мақоми жиҳатидан кетма-кетлигини ташкил қиладиган бўлсак, қуйидаги тартибга (қуйидан юкорига) эга бўлади:

худуд → мамлакат → давлат.

Жаҳон статистикасида эса кўпроқ мамлакат тушунчаси қўлланилади. Чунки, мамлакат “давлат”га нисбатан иқтисодий маънода ишлатилади ва иқтисодиёт тушунчасига мос келади. Бунда Хитойнинг Тайвань ва Гонконг каби алоҳида мақомга эга худудлари ҳам ҳисобга олинади.

Бугунги кунда Антарктида материги ва унга яқин ороллардан ташқари Ер юзидаги барча қуруқлик давлатлар ўртасида таксимланган. Шундай қилиб, дунё сиёсий харитасининг асосий объектлари мустақил давлатлардир. Бу

давлатларнинг номлари эса турли маъно ва тарихга эга. Қуйида уларнинг айримларига тўхталиб ўтамиз.

Жаҳон давлатлари номлари орасида қабила ва миллатлар билан боғлиқ номлар (этнонимлар) кўп учрайди. Хусусан, *Афғонистон* (“бирлашган қабилалар ери”), *Бангладеш* (“бенгал тилида гаплашувчилар юрти”), *Бельгия* (кельтларнинг “бельг” қабиласи номидан), *Ботсвана* (мамлакатдаги йирик этник гуруҳ “тсвана” шарафига), *Болгария* (“кўплаб қабилалардан шаклланган қабила мамлакати”, “Bulg” асли туркча “аралашган” деган маънога эга), *Бурунди* (“Рунди тилида гаплашувчилар ери”), *Венгрия* (“ўнлаб қабилалар иттифоқи”, инглизчадан Hungary, яъни “Гуннлар ери”), *Германия* (“найзабардорлар мамлакати”), *Греция* (лотинчада “*Graecia*” – Аристотель фикрича, бу ном маҳаллий Эпир (Македония ва Фессалия билан ўралган тоғли қирғоқбўйи район) халқига тегишли), *Грузия* (эрамиздан олдинги I асрда Грузиянинг ғарбий қисми колхи халқи номи билан Колхида деб аталган. Қадимги грузин картвель қабилалари номи шарқий грузин карт қабилаларига бориб тақалади ва халқнинг ўзини картвель деб аташига мос келади. Шарқда бу халқ гурз, гурж деб аталган ва шу асосда Россияда “гурзин” этноними шаклланган. Кейинчалик товушлар алмашилиши натижасида “гурзин”га айланган), *Хитой* (Хитой шимолида ҳукмронлик қилган кидан қабилалари номидан олинган), *Лесото* (сото қабиласи шарафига), *Македония* (юнон кўлёмаларида “Makednes” сифатида келтирилган қадимги македон қабилалари номи), *Малайзия* (“малайялар ери”), *Мексика* (ацтек қабилалари номидан), *Руминия* (“римликлар юрти”, маҳаллий романлашган аҳоли ўзини Rumani ёки Romani деб аташган), *Суринам* (Америкалик маҳаллий кўчманчи Суринен (Surinen) халқи шарафига), *Тожикистон* (“тожиклар ўлкаси”), *Уганда* (олдинги “Буганда”, шу жойда ҳукмронлик қилган халқ номидан), *Франция* (“франклар мамлакати”, “озод

¹ Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 5 том. – Тошкент, 2003. - 434 бет.

² Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 3 том. – Тошкент, 2003. - 148 бет.

³ Гадов К., Бердиева С. Сайёрамиз мўъжизалари: ғаройиб давлатлар, обидалар, ходисалар. – Т., 2012. -7 бет.

одамлар мамлакати”, илгарироқ мамлакат кельт кабилаларида Галлия (Gaul) сифатида маълум бўлган), *Хорватия* (“Оқ хорватлар” қабиласи номидан), *Швеция* (“Сви (Svea) одамлари”) каби давлатлар номи шулар жумласидандир.

Сиёсий харитада географик объектлар, ҳодиса ва жараёнлар, ўсимлик ва ҳайвонлар билан боғлиқ қатор номлар ҳам мавжуд. Булар: *Албания* (“тоғлилар мамлакати”), *Жазоир* (“орол”), *Австрия* (“шарқий қироллик”), *Багам ороллари* (“чуқур бўлмаган денгиз”), *Баҳрайн* (“икки денгиз”), *Босния ва Герцеговина* (илгари мамлакат иккита алоҳида ҳудуддан иборат бўлган: катта шимолий қисми Босна дарёси номи билан аталган бўлса, кичик жанубий қисми номи немис дворянлик мақоми “герцог” сўзидан олинган), *Бразилия* (“қизил дарахт”), *Бутан* (“аждарҳо юрти”, “момоқалди роқ ўлкаси”), *Ватикан* (лотинчада *vaticinari* (қаромат қилмоқ), ўзи жойлашган *Mons Vaticanus*, тепалиги номидан олинган. Ушбу тепалик этагидаги кўча Рим даврида башорат ва фол кўришда фойдаланилган), *Венесуэла* (“Кичик Венеция”), *Вьетнам* (“жанубий ўлка”), *Гаити* (“баланд тоғ”), *Гайана* (“катта сув мамлакати”), *Гватемала* (“ўрмон билан қопланган жой”), *Гондурас* (“чуқурликлар”), *Дания* (Denmark – dhen “қуйи, паст” ёки “текис” ва “mark” “чегарабўйи ерлар” ёки “чегара ўрмон”), *Замбия* (Замбези дарёси номидан), *Ироқ* (қадимги семит тилида “Uruk” (“дарёлар оралиғи”), Тигр ва Евфрат дарёларидаги Икки дарё оралиғи), *Ирландия* (“унумдор ер”), *Исландия* (“музлар ўлкаси” ёки “музли мамлакат”), *Испания* (финикияликлар тилида “и-шпанам” – “куёнлар қирғоғи”), *Кабо-Верде* (португалча *Cabo Verde* (“яшил бурун”), *Камерун* (португалча *Rio de Camarões* (“креветкалар дарёси”, XV асрда португал денгизчилари томонидан Вури дарёсига берилган ном), *Кения* (Кения тоғи номидан олинган, *кикую* тилида тоғ *Кере-Ньяга* – “оппоқ тоғ”), *Кирибати* (Гильберт ороллариининг бузиб айтилиши), *Комор ороллари* (арабча “Жазир аль-Қамар” (“ой орол”)), *Корея*

(илк корейс сулоласи Корё номидан олинган. Хангук (Хан давлати) ёки Чосон – “тонгги шаббода мамлакати”), *Коста-Рика* (испанча *Costa Rica* – “бой қирғоқ”), *Куба* (“кубанакан” тайно хиндулари тилида “марказий жой”), *Ливан* (яхудийча “оқ тоғлар”), *Литва* (лит. *Lietús* – “ёмғир”), *Марокаш* (Марокаш шаҳри номидан олинган. Маҳаллий номи “Аль-Мағриб” “Қуёш ботиши”ни англатади), *Микронезия* (юнончада “кичик ороллар”), *Молдавия* (Руминиядаги Молдова дарёси номидан олинган. Дарё фойдали қазилмаларни карьер усулида қазиб олиш туфайли шу ном билан аталган, бунда унинг сувларидан фойдаланилган. Molde – бундай усулда қазиб олишнинг немисча атамасидир), *Намибия* (Намиб чўли номидан олинган. “Намиб” Нама тилида “ҳеч нарса йўқ жой” маъносидан), *Нигерия* (маҳаллий африкаликлар тилида “Ni Gir”, “Гир дарёси”), *Нидерландия* (герман тилида “паст ерлар”. Голландия (Нидерландиянинг бир қисми; бу ном кўпинча бутун мамлакатга нисбатан ҳам қўлланилади) – германча “holt land”, яъни “ўрмон билан қопланган ер”), *Никарагуа* (никарао қабиласи соҳилларида яшаган шу номдаги кўл номидан келиб чиққан. Шунингдек, бу қабиланинг испан конкистадори томонидан ўлдирилган бошлиғи ҳам шу ном билан аталган), *Озорбайжон* (“оловли ўлка”), *Янги Зеландия* (Нидерландиядаги Зеландия провинцияси номидан олинган, сўзма-сўз “Янги Денгиз Ери”), *Норвегия* (қадимги норвег тилида northr ва veg – “шимолий йўл”. Норвегча Norge номи northr ва rike сўзларидан келиб чиққан – “шимолий қироллик”), *Панама* (ҳозирги пойтахт яқинида илгари мавжуд бўлган қишлоқ номидан олинган. Куэва хиндулари тилида “балиққа бой жой”, Кариб хиндуларида эса “капалакка бой” ёки бошқа маҳаллий тилда шу номдаги дарахт номи билан аталган), *Парагвай* (дарё номидан олинган. Бу ном хиндуларнинг Paraguay сўзидан келиб чиққан бўлиб, “шоҳли дарё”), *Перу* (ҳозирги Эквадордаги Биру дарёси номидан олинган), *Португалия*

(Portucale, лотинча Portus, “порт” ва Гайа манзилгоҳи номи (лотинча талаффузи – Cale). Ясама номи кичикроқ шаҳар Портукале, ҳозирги Порту шаҳрига тегишли), *Самоа* (“Муқаддас Моа қўриқхонаси”, моа – товукқа ўхшаш маҳаллий уй ҳайвони), *Сербия* (“четан дарахти”), *Сингапур* (малайя тилида “шер шаҳри”), *Сьерра-Леоне* (испанча Sierra Leon ёки португалча Serra-Leoa – “шер тоғ”), *Танзания* (ушбу мамлакат таркибидаги иккита штат – Танганьика ва Занзибар номлари уйғунлиги), *Тимор* (малайя сўзи timur “шарқ” маъносини англатади. Унинг расмий тилида Tetun Шарқий Тимор Timor Lorosae (Timor Leste – Тимор Леште) деб қўлланилади. Қўшни Индонезияда у Timor Timur, яъни “шарқий шарқ” сифатида маълум), *Того* (манзилгоҳ номидан келиб чиққан. Маҳаллий халқ эве тилида “то” – “сув” ва “го” – “қирғоқ”), *Тонга* (маҳаллий тилда “жануб”, “жанубий”), *Тринидад ва Тобаго* (“Тринидад” учта баланд тепалик ва христиан троицаси шарафига (trinidad испанча троица ёки трио), “Тобаго” – маҳаллий халқ чеккан тамаки номидан олинган), *Тувалу* (маҳаллий тилда “саккиз орол”), *Украина* (славянча “чекка, чегарабўйи худуд”), *Финляндия* (маҳаллий аҳоли ўз юртини Suomi деб атайд. Фин сўзлари “suo” – “ботқоқ”, “маа” – “ер” бирикишидан ҳосил бўлган), *Черногория* (венечиялик ҳарбийлар томонидан Lovcen тоғининг ташқи кўриниши ёки унинг тўқ игна баргли ўрмонлари туфайли montenegro – “қора тоғлар” деб аталган. Crna Gora мамлакатнинг ҳозирги номи, Черногориянинг сўзма-сўз таржимаси (Montenegro). Сербча “тоғ” “тоғлардаги ўрмон” маъносини англатади, демак мамлакат номи кўпроқ “қора ўрмон” маъносига эга), *Шри-Ланка* (санскритчада “ярқироқ, ажойиб орол”. Цейлон (Ceylon – инглизча, Cilan – португалча, Seilan) – мамлакатнинг олдинги номи “шерлар ўлкаси” маъносини билдирган), *Экваториальная Гвинея* (“экваториал” – географик ўрнидан, “Гвинея” – барбарлар тилида “aguinaoui” сўзи “қора” маъносини билдиради), *Эритрея* (италиян

мустамлакачилари Қизил денгизнинг қадимги юнонча “Erythra Thalassa” номи билан аташган), *Эстония* (“шарқий йўл”), *Ямайка* (хиндулар тилида “Namaica” дарахт ва сув ўлкаси ёки булоқлар ўлкаси), *Япония* (хитойча “жибэньго” – “кунчиқар мамлакат”. Япон олимлари Ниппон-го, Нихон-го атамаларини оддий Ниппон ёки Нихон (“кўёшнинг боши”, “кун чиқиш”) деб ўзлаштирганлар) кабилар.

Юқоридагилар билан бирга, айрим давлатларнинг номлари фойдали қазилмалар (*Аргентина* (“кумуш”), *Кипр* (мис), *Мальта* (мис)) билан боғлиқ бўлса, баъзиларида (*Белоруссия* (“Оқ (эркин, озод) Русь”), *Эрон* (“озод одамлар юрти”), *Либерия* (лотинча liber, “эркин”, “озод”), *Таиланд* (тай тилида “озод одамлар ўлкаси”), *Буркина-Фасо* (“ҳалол одамлар юрти”)) озод, эркин, ҳалол сифатлари учрайди. “Қалъа, қаср”, “қўрғон”, “манзилгоҳ” маъноларига эга топонимлар *Канада* (“кичкина манзилгоҳ” ёки “қишлоқ”), *Қувайт* (арабча “Қалъа”), *Люксембург* (кельт тилида “Lucilem” – “кичик”, германча “burg” – “қаср”) ҳам мавжуд.

Антропонимлар дунё сиёсий харитасида кенг тарқалган. Масалан, *Боливия* (республиканинг биринчи президенти, испанлар билан курашган ҳарбий арбоб Симон Боливар (1783-1830) шарафига қўйилган), *Колумбия* (Христофор Колумб шарафига), *Маврикий* (голланд ҳукмдори шахзода Маврициус (Морис) Оранский шарафига), *Маршалль ороллари* (инглиз капитани Жон Маршалль номига), *Сейшель ороллари* (Франция қироли Людовик XV нинг молия вазири Жан Мор де Сешель номига), *Филиппин* (XVI асрдаги испан монархи номига “Қирол Филипп ери”) давлатлари. Бундан ташқари, *Барбадос* (“соқоллилар”), *Британия* (“бўялган”), *Вануату* (Bislama тилидан “абдий бизнинг еримизда”), *Доминика Республикаси* (лотинча “Dies Dominica” (“якшанба”), Христофор Колумб оролга қадам қўйган кун), *Миср* (қадимги юнон тилида “Мемфис”, *Хи-Ку-Птах* (“Птаха худоси руҳи ибодат-

хонаси”) шаҳри номидан олинган), *Зимбабве* (“тош уйлар”), *Исроил* (қадимги яҳудий тилида “Йср аль эль” – “Худога тўғри йўл”), *Непал* (“жун бозори”), *Фаластин* (“босқинчи”), *Сальвадор* (“халоскор”), *Судан* (арабча *Bilad as-Sudan* – “қора одамлар ўлкаси”), *Эфиопия* (лотинча “қора одамлар мамлакати”) давлатлари номлари ҳам алоҳида мазмун касб этади.

Хулоса

Дунё сиёсий харитаси мураккаб

Адабиётлар:

1. Алфавитный список стран и территорий // <http://ru.wikipedia.org/wiki>
2. Mirakmalov M.T. Geografiyada toponimika. – Toshkent, 2008.
3. Гадоев К., Бердиева С. Сайёрамиз мўъжизалари: ғаройиб давлатлар, обидалар, ҳодисалар. – Т., 2012. -7 бет.
4. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 5 том. – Тошкент, 2003. - 434 бет.
5. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 3 том. – Тошкент, 2003. - 148 бет.
6. Этимология названий стран // <http://ru.wikipedia.org/wiki>

Резюме

В статье рассматриваются вопросы этимологии названий стран – главных объектов политической карты мира. Статья насыщена конкретными примерами из разных регионов мира.

Тавсия этувчи:

проф. Солиев А.С.

САНГЗОР ТОПОНИМИ ҲАҚИДА

Холдорова Г.М.

Географик номларнинг келиб чиқишини ўрганиш ва уларни тўғри талқин қилиш каби масалалар кейинги йилларда тобора кўпроқ аҳамият касб этмоқда. Маълумки, жойларга бежизга ном берилмайди, улар ижтимоий эҳтиёж сабабли яратилади. Шу сабабдан, номларга тарихийлик хос, улар муайян бир тарихий давр маҳсули, ота-боболардан қолган қимматбаҳо ёдгорлик, халқ ижодининг бебаҳо намунасидир. Халқ асрлар давомида яратган ва кейинги авлодларга маънавий-маърифий мерос қилиб қолдирган номларни ўрганиш, муҳофаза қилиш, асраб-авайлаш, тўғри талқин қилиш ниҳоят нозик ва долзарб масала ҳисобланади.

Маълумки, тоғ жинслари номи билан боғлиқ ҳолда шаклланган топонимлар - петронимлар деб аталади. Бу турдаги топонимик терминлар республикамиз ҳудуди бўйлаб кенг тарқалган, уларни топиш ва этимологик жиҳатдан таҳлил

сиёсий жараёнларни ўзида акс эттиради. Унинг ўзгарувчанлик хусусияти давлатларнинг нафақат ҳудуди ва чегаралари билан боғлиқ, балки улар номларининг ўзгаришида ҳам намоён бўлади. Дунё сиёсий харитасидаги баъзи номларнинг талқини муболағали ҳисобланади ва бу борада ягона тўхтамга келинмаган. Шу боисдан, уларни атрофлича ўрганиш доимо ўз аҳамиятини йўқотмайди.

қилиш қийин эмас. Ҳар бир географик ном асоси муайян тарихий даврда яратилган ва келиб чиқиши жамият ҳаёти, ҳудудда яшаётган ёки қачонлардир яшаган халқлар тили билан чамбарчас боғлиқ. Аниқроқ айтганда, ҳар бир тарихий давр ўзига хос хусусиятларга эга эканлигини унинг географик номларида ҳам кўриш мумкин. Улар кўпинча маҳаллий аҳоли томонидан жонли сўзлашувда фаол иштирок этадиган сўзлар шаклида қатнашади, шундай географик жой номларидан форс-тожик тилига хос бўлган географик номларни киритиш мумкин. Бундай петронимлар мамлакатимиз ҳудудида анча кенг тарқалган. Булар қаторига Жиззах вилояти Наҳрож қишлоғи ўртасидан оқиб ўтувчи сойни мисол келтиришимиз мумкин. Бу сой Ғубдун тоғидан бошланади. Сой баҳор ойлари тўлиб оқади, сел келади, ёз ойлари қуриб

қолади. Маҳаллий аҳоли бу сойни «санглок» деб атайд.

«Санглок» сўзи сойлик, тожикча санг - тош, ўзбекча лоқ - тошлок. Ўзбекистонда санглок дейилганда дарё-сой ёкасидаги силлиқ тошли майдон тушунилади (Қораев, 1978). Санглоқдан қурилиш материаллари, қум-шағал олиб фойдаланишади. Санг ўзаги билан бошланувчи петронимларни қуйида изоҳлаб чиқамиз.

Сангзор – Жиззах вилоятидаги дарё. Чумқор ва Моргузар тоғларидан бошланувчи Сангзор дарёси Жиззах шаҳрига қадар 198 км узунликка эга. Сангзор дарёсидан Жиззах шаҳрига етмасдан Жиззах сув омбори (90 млн. м³), Жиззах шаҳри маркази бўлган Бешқувурда еса 5 та ариқ сув олади. Бу ариқларни ўнг томондан чап томонга қараб номларини айтадиган бўлсак, Эрониариғи, Ховастликариғи, Жиззахликариғи, Саройли-кариғи ва Қуламаариғи каби маҳаллий номлар билан аталади.

Сангзор дарёси Чумқортоғ тизмасининг шимолий ёнбағрида 3300 метр баландликдан бошланувчи иккита сойнинг қўшилишидан ҳосил бўлган. Кейин йўл-йўлакай унга Чумқортоғ тизмасининг шимолий ёнбағридан Кўкжар, Новқа, Сутлибулоқ каби сойлар қўшилади.

Моргузар тизмасининг жанубий ёнбағридан оқиб ўтувчи катта Қорашоқ, Шойбексой каби сойлар ҳам Сангзорга келиб қўшилади. Иссиқ ойларда эса бутунлай суғоришга сарфланади. Сангзор дарёсининг сув йиғивчи ҳавзаси 2580 км², узунлиги (Кўйлик қишлоғига) 123 км. Тўйиниш ва сув режимига кўра Сангзор дарёси қор ва ёмғир сувларидан тўйинувчи дарёлар гуруҳига киради. Иссиқ ойларда ер ости сувлари асосий манба ҳисобланади. Ўртача кўп йиллик сув сарфи 5-7 м³/секунд. Март-июнь ойларида суви анча кўпаяди. Жиззах вилоятида Бешқувурдан ўтгач, Сангзор дарёсининг суви кескин камаяди ва 1,2 км масофани ўтгач Жиззах Оҳак заводи яқинида темирйўл кўпригидан бошлаб Қили номини олади. Қили сойлигини Жиззах шаҳридан 3,8 км узокликда

жойлашган Ширинкул қишлоғидан бошлаб, маҳаллий аҳоли Итқили деб атайд.

Қили сойлиги Жиззах туманидаги Ҳамроқул Носиров ва Шароф Рашидов жамоа хўжаликлари ҳудудларида ўзанининг эни 10 метр, чуқурлиги 1,0 метр бўлса, Тарокли қишлоғи яқинида ўзанининг эни 10 метр, чуқурлиги 3,2 метрни ташкил қилади. Зафаробод туманининг Темирязов жамоа хўжалиги ҳудудида Қили сойлиги ўзанининг эни 10 метр, чуқурлиги 3,0 метрдир. Балиқли кўли яқинида еса Қили сойлигининг ён эрозияси кучли бўлиб, ўзанининг эни 25 метр, чуқурлиги 1,0 метрни ташкил этади. Қили сойлигига Зафаробод туманининг Чимқўрғон жамоа хўжалиги ҳудудида, ўнг томондан Такурсой коллектори сувлари қўшилади. Қили сойлиги билан Такурсой коллектор зовури бирлашган жойдаги 410 гектар жой шўрхоқларга айланган. Ушбу ҳудудда шўрхокнинг пайдо бўлишига асосий сабаб Такурсой коллектори суви қўшилган жойда нишабликнинг йўқлиги, шўрлик миқдорининг ортиши (16-17%), сой ўзанининг кенгайиши, коллектор дренажнинг ишламаслиги, филтрациянинг кучлилиги каби омилларни кўрсатиш мумкин. Оқбулоқ коллектор зовуридаги сувлар Тузқон кўлига етиб боради.

Сангзор дарёсининг энг серсув даври март ва апрел ойларига тўғри келади. Сангзор дарёси сувидан рационал фойдаланиш мақсадида Жиззах шаҳрига етмасдан Жиззах сув омбори (90 млн. м³) қурилган. Бу сув омборда йиғилган сув ёз фаслида Жиззах туманини сув билан таъминлаш ва, қолеверса, яқин келажакда лойихага кўра Зомин ва Зарбдор туманларининг суғориладиган ерларига қисман сув юбориш режалаштирмоқда.

Сангзор дарёси Жиззах шаҳрига қадар 198 км узунликка ега бўлиб, асосан Бахмал ва Ғаллаорол туманларининг ҳудудидан оқиб ўтади ва ўз навбатида дарё ҳавзасида жойлашган ҳудудларда суғорма декончиликни ривожлантиришда бош омил вазифасини ўтайд.

Сангзор дарёси ҳавзасининг юқори қисмларида кўплаб дам олиш жойлари ва болалар оромгоҳлари ҳам ташкил

қилинган. Сангзор дарёси Жиззах шаҳри маҳалаларини сув билан таъминлашдаги ўрни ҳам бекиёсдир.

С.Қораевнинг ёзишича, вилоят маҳаллий географик терминларнинг салмоғига кўра, бошқа худудларга нисбатан оралиқ мавқеини эгаллайди. Бунга аҳолининг турли этник бирликларга тегишли эканлиги, худуд рельефининг ўзига хослиги ҳамда географик ўрни сабаб бўлган дейиш мумкин. Маҳаллий географик терминларнинг бир қисми ҳозирги ўзбек адабий тилида ва географик адабиётларда ҳам кам учрайди.

Сангардакдарё – Ҳисор тоғидан Тегиқонор номи билан бошланиб, Қизилсой илмоғини кўчиб олгач Қизилсув, сўнгра Сангардак номини олади. Дарёнинг узунлиги 114 км, ҳавзасининг майдони 948 км² бўлиб, қор ва ёмғир сувларидан тўйинади, ўртача йиллик сув сарфи секундига 17,1 м³. Сув йиғиш майдони 889 км², ўртача баладлиги 2286 метр. Юқори оқимида Қизилсой кўшулгунга қадар Дегиконора деб аталади. Шу қисмда дарё жуда тор ва ён бағирлари тик водийдан оқади. Сангардакдарёга бир қанча сойлар қўшилади. Ўнг томондан Қизилсой, Шурчиоб ва Молонгур каби сойлар қўшилса, чап томондан эса Хондиза ва Нилу сойлари қўшилади. Сангардакдарё асосан мавсумий қор ва ер ости сувларидан тўйинади. Максимал сув сарфи май ойида 44 м³/сек. бўлса, энг кам сув сарфи ноябрь-январь ойларида 4,38-4,04 м³/сек. ҳисобланади. Сангардакдарёнинг ўртача кўп йиллик сув сарфи 15 м³/секунд, ўртача оқим модули 17,0 л/сек. км². Дарё водийси Сурхондарё вилоятининг хушманзара жойларидан бири, дарёда шаршаралар бор.

Сангардак қишлоғи - Сурхондарё вилояти, Денов туманида жойлашган. Бу қишлоқ ўрнида илк ўрта асрларда Кеш вилоятига қарашли шаҳар бўлган. Сангардак шаҳри Сангардакдарёнинг ўрта оқими водийсида, Чағониён пойтахти (ҳозирги Денов) дан 30-35 км. масофада жойлашган. Бу қишлоқнинг эски маркази

ҳозиргача Хондиза деб аталади. Бу унинг кўхна қишлоқ эканлигидан далолат беради. Суғдча «диза»-қалъа сўз бўлаги уни илк ўрта асрларга оидлигини билдиради. XIX асрда Сангардакдарё водийси аҳолисининг асосий машғулоти чорвачилик бўлган. Ёзда аҳоли дарёнинг ўнг ирмоғи бўйидаги боғларга чиқиб, ўтовларда яшаган. Ибн ал-Асирнинг ёзишича, Сангардак шаҳрида Муқаннаннинг қалъаси жойлашган. XIX аср охирида Юрчи қишлоғи қаршисидаги тоғ қоясининг номи «Санга» ёки «Санам» деб аталиб, бу тоғларда шу номдаги қишлоқ ҳам бўлган (Қамолиддинов, 1996)

Сангрунтов тоғлари - Қизилқум чўлининг жануби-шарқида жойлашган. Қозоқтов тоғларининг баланд қисми бўлган Сангрунтов тоғлари шимоли-ғарбдан жануби-шарққа 25 км жўзилган. Баландлиги 350-400 метр, энг баланд жойи 613 метр. Жанубий-шарққа томон пасайиб боради. Тоғлар эрозион ва денудацион жараёнлар таъсирида кучли емирилган. Тектоник жиҳатдан антиклинал структурага эга Сангрунтов тоғларининг баланддаги қисмлари палеозой эрасининг сланец, қумтош, конгломерат, оҳақтош, гил, қум каби тоғ жинсларидан ташкил топган. Улар орасида гранит, диорите, гранодиорит ва бошқа тоғ жинслари тарқалган. Иқлими кескин контентал, ёзи иссиқ, қиши совуқ. Йиллик ёғин миқдори 100-150 мм. ни ташкил этади. Доимий оқар дарёлар деярли йўқ. Тоғнинг ёнбағири ва этакларида суркўнғир тупроқлар бор. Ўсимликлардан шувок, бурган, терескен, тошбурган, саксовул ўсади. Яйлов сифатида фойдаланилади.

Хулоса қилиб айтганда, жой номлари табиат ва жамият алоқадорлиги масаласини ўрганувчи география учун ҳам кўпгина маълумотлар беради, чунки аҳоли турмуш тарзининг турли томонлари географик номларда ўз аксини топган. Ҳар бир тарихий давр ўзига хос хусусиятларга эга эканлигини географик номларда ҳам кўриш мумкин.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги Қонуни (30.04.1998).
2. Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари. - Т, 2005.

3. Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитнинг муҳофазаси бўйича Миллий маъруза. - Тошкент (2002, 2004, 2008 йиллар).

4. Камолиддинов Ч.С. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX –нач. XIII вв. - Т., 1996.

Резюме

В статье рассматриваются некоторые географические названия с точки зрения топонимики и краеведения. Сведения, приведенные в статье могут быть использованы в преподавании физической географии Узбекистана.

Тавсия этувчи:

доц. Гуломов П.Н.

ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОГРАФИК МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ

Тожиева З.Н.

Аҳоли ўсишининг барқарорлашуви тезлашиб бормоқда. Бу кўпгина мамлакатларда оилани режалаштириш дастурининг самарали амалга оширилиши, аёлларнинг ўта юқори иқтисодий ва социал мавқеига эгаллиги билан боғлиқдир¹. Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар иқтисодий ривожланишнинг юқори ва барқарор суръатларини, самарадорлигини ҳамда макроиқтисодий мувозанатини таъминлаш, янгилаш ва модернизациялашга қаратилганлиги билан ахамиятлидир. Иқтисодий ислохотлар даврида республика ижтимоий-иқтисодий ва демографик ҳаётида туб ўзгаришлар рўй берди. Демографик жараёнлардаги ўзгаришлар ижтимоий-иқтисодий соҳалардан фарқли равишда анча кечроқ кузатила бошланди. Одатда, жамият ҳаётидаги туб бурилишлар аҳоли демографик онги, фаолияти, муносабатлари ва қарашларида биров вақтдан сўнг акс этади.

Аҳоли ўсиш суръати пасайишининг илк белгилари ўтган асрнинг 70-йиллари ўрталарида дунёнинг йирик Хитой, Ҳиндистон каби давлатларида ҳам рўй бера бошлади. Бунда, аввало ишлаб чиқаришда аёллар бандлиги ортиши, шаҳар аҳолиси улуши кўпайиши, аҳоли маданий савияси кўтариллиши, анъана ва диннинг таъсири камайиши, соғлиқни сақлаш соҳасида эришилган ютуқлар, иқтисодий чораларнинг амалга киритилиши, болалар туғилишини чеклаш ва бошқа бир қанча омиллар муҳим ўрин

тутди². Оилаларда фарзандлар туғилишини қонун йўли билан чеклаш орқали аҳоли ўсиш суръатини пасайтириш айнан шу давлатларга кўпроқ хос бўлди.

Республикада XX асрнинг охиридан бошлаб янгича кўринишдаги демографик жараёнлар, яъни туғилиш, ўлим кўрсаткичларининг камайиши, аҳоли миграцияси ҳаракатчанлигининг ортишида минтақавий фарқлар кузатилмоқда. Оилага, никоҳга, фарзандлар туғилишига, тарбиясига масъулият билан қарайдиган шахслар шаклланди. Уларда вужудга келган демографик хулқ, маданият Ўзбекистонда янгича демографик онги, вазиятни пайдо қилди ёки демографик жараёнлардаги ўзгаришлар, аҳоли демографик муносабатларидаги замонавий қарашлар Ўзбекистон демографик жараёнларида **“демографик модернизациялаш”** шароитига ўтиш учун асос бўлди.

Демографик модернизациялашни кўпчилик олимлар Европада бошланган **“демографик ўтиш”** даври, хусусан туғилиш ва ўлим жараёнларининг юқори даражасидан паст даражасига алмашишни вақти билан боғлашади. Ўша даврда буни демографик модернизациялаш эмас, балки **«демографик ўтиш даври»** ёки **«демографик революция»**, деб номлаган. Демографик ўтиш ва демографик революция тушунчалари ўтган 20-асрнинг ўрталарида маълум бўлган бўлиб, «булардан биринчиси 1934 йили француз демографи Адольф Ландри, иккинчиси - 1950 йилда америкалик демограф Фрэнк Ноутстайн томонидан

¹ Новиков Ю.В. Экология, окружающая среда и человека. - М.: Фаир-Пресс, 2002. - С. 433.

² Ситаров В.А., Пустовойтов В.В. Социальная экология. - М.: Академия, 2000. - С. 65.

фанга киритилган»¹. В.П. Максаковский, демограф олимлардан А.Я.Боярский, Б.Ц. Урланис, Д.И. Валентей, Э.А. Араб-Оғли, А.Я. Кваша, А.Г. Вишневский ўз асарларида бу иккала тушунчани бир хил тарзда талқин этади ёки демографик революция бу демографик ўтиш даврининг энг юқори чўққиси, деб белгилашади. Кўп йилларда демографик жараёнлардаги кескин ўзгаришларни баҳолашда демографик революция эмас, балки демографик ўтиш даври тушунчасини ишлатиш мақсадга мувофиқ саналган, бугунги кунга келиб эса унинг ўрнида демографик модернизациялаш сўзи ишлатилмоқда. Н.В.Алисов, Б.С. Хоревлар фикрича, демографик ўтиш даври: «агар sanoat ривожланиш даражаси паст бўлса, туғилиш ва ўлим жараёнлари юқори кўрсаткичларни ташкил этади, аҳолининг сони секинлик билан кўпаяди. М. Қорахонов демографик ўтиш даври - бу аҳолининг миқдорий ва сифат таркибида маълум вақт давомида ва ижтимоий-иқтисодий шарт-шароит натижасида ўзгаришлар рўй беришидир², - деб таъкидлайди. Бугунги кунга келиб Ўзбекистон аҳолиси такрор барпо бўлишида демографик ўтиш даврининг иккинчи фазасидан учинчи фазасига ўтилганлигида айнан шу ижтимоий-иқтисодий шарт-шароит муҳим ўрин тутмоқда. Ўтиш даври Ўзбекистонни демографик модернизациялашга сабаб бўлди.

Аҳолишунослар фикрларига кўра, «Ўзбекистонда мустақиллик йилларида янги демографик вазият вужудга келди. Бу демографик вазият собиқ Иттифок давридан бутунлай фарқ қилади. Демографик вазият авваламбор асосий демографик жараёнлар бўлган туғилиш, табиий кўпайиш, миграция ва урбанизацияда ўз аксини топади. Бу аҳоли ўсиш суръатининг пасайиши, туғилишнинг камайиши, урбанизация даражасининг пасайиши, аҳоли ўсиш суръати ва аҳоли мутлоқ сони ўсишининг камайишида намоён

бўлмоқда»³. Айнан шундай демографик вазият, демографик модернизациялаш марказида миллатимизга хос оиланинг мукаддаслиги, ота-она ўрни, никоҳ барқарорлиги, соғлом авлод яратиш ва тарбиялаш турмоғи лозим. Шунингдек, шарқ менталитетидаги ижобий жиҳатларни қамраб олиши, демографик онгнинг захарланишидан сақлаши, бу бўйича ижтимоий-иқтисодий географик ва демографик тадқиқотларни талаб этади.

В.А.Борисов, В.П.Максаковскийлар (2004) демографик ўтиш даврининг замонавий босқичини тўртта фазага ёки босқичга ажратишади⁴. Улар фикрича, демографик ўтиш даврининг биринчи ва иккинчи фазалари аҳолининг ўсиб кетиши билан боғлиқ иқтисодий-демографик муаммоларни юзага келтиради. Учинчи, тўртинчи фазаларда аксинча, яъни аҳоли сони қисқариши, депопуляция каби муаммолар кузатилади.

А.Г.Вишневский (2006) умумий ҳолда демографик ўтиш даври-бу туғилиш ва ўлимнинг юқори даражасидан паст даражасига ўтишдир. Моҳиятига ва оқибатига кўра инсонлар авлоди такрор барпо бўлишини бошқарувчи минг йиллик социал механизмларни янгилайди, модернизациялайди, деб таъкидлайди⁵. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон аҳолиси такрор барпо бўлишида ҳам туғилиш ва ўлимнинг юқори даражасидан паст даражасига қараб силжиш кузатилди ёки ўтиш даврининг иккинчи фазасидан учинчи фазасига тўлиқ ўтилди, яъни демографик ўтиш даври рўй берди. Демографик жараёнлардаги пасайишлар янада давом этса, келгусида учинчидан тўртинчи фазага аста-секинлик билан ўтиш, яъни тўлиқ демографик модернизациялаш рўй бериши кутилади. Демографик ўтиш даврининг у ёки бу фазаси, ривожланиши мамлакатлар, минтақалардаги миллий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазият

¹ Максаковский В.П. Географическая картина мира. - М., 2004. - С. 96.

² Караханов М.К. Некапиталистический путь развития и проблемы народонаселения. - Т., 1983. - С. 37.

³Убайдуллаева Р., Ата-Мирзаев О., Умарова Н. Ўзбекистон демографик жараёнлари ва аҳоли бандлиги. - Т., 2006. - Б.6.

⁴ Борисов В. А. Демография. - М.: Издательский дом NOTABENE, 1999, 2001. - С.121.

⁵Вишневский А.Г. Демографическая модернизация России, 1900-2000. - М., 2006. - С.9.

билан боғлиқликда рўй беради. Қарда, саноат ривожланиш даражаси паст бўлса, ўша худудда туғилиш ва ўлим жараёнлари юқори кўрсаткичларни ташкил этади, аҳоли сони секинлик билан кўпаяди. Соғлиқни сақлаш ва озиқ-овқат сифатига эътиборнинг кучайиши аҳоли ўлимини камайтиради, аммо туғилишнинг қискармаслиги ўлим билан туғилиш даражасидаги фарқни узайтиради, оқибатда аҳоли сони ўсиши тезлашади.

Индустриал жихатдан ривожланган жамиятга кишиларнинг кириб бориши, юқори даражадаги турмуш тарзига эга бўлиш билан бир вақтда, туғилиш даражаси қисқаради ва, ўз навбатида, аҳоли ўсиши суръати ҳам пасая

бошлайди (Алисов Н.В., Хореев Б.С. Экономическая и социальная география мира (общий обзор). - М., НОМО FАВЕР, 2000. - С.93.). Мазкур ҳолларда аҳоли сони бирдан камаймайди, хатто маълум йилларгача унинг умумий мутоқ микдори кўпайишда давом этади. Одатда, аҳоли ўсишидаги бундай ўзгаришлар жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши билан макон ва замонда узвий боғлиқликда рўй беради. Демак, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар демографик жараёнларда ўтиш даврига сабаб бўлади, бу даврда шаклланган аҳоли ўртасидаги демографик майл, фикр, қараш ва хоҳишлар ретроспектив даврдан бутунлай фарқ қилади ва уларни бошқа орқага қайтариб бўлмайди.

Резюме

Автор приводит свои высказывания относительно демографической модернизации и о ее особенностях в Республике Узбекистан, анализирует сходные понятия: «демографическая революция», «демографический переходной период».

Тавсия этувчи:

проф. Солиев А.С.

ҚУЙИ АМУДАРЁ МИНТАҚАСИ САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИ РИВОЖЛАНИШИ ВА ХУДУДИЙ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИНING АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Худайберганова Р.Т.

Ўзбекистон халқ хўжалиги ривожланишида саноат тармоғи ўзига хос ўрин тутди. Ҳозирда мамлакат минтақаларида саноат ишлаб чиқаришни ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Минтақалар саноат тармоқлар таркиби, худудий ташкил этилишида айрим номуносивликлар бор. Чунончи, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Жиззах, Сурхондарё, Сирдарё вилоятларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўрсаткичлари паст даражада. Айни вақтда, ушбу вилоятларда саноат тармоқлари ривожланиши учун табиий ва меҳнат ресурслари мавжуд. Жумладан, Қуйи Амударё минтақаси (Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти) республиканинг катта табиий ресурс ва инсон салоҳиятига эга бўлган худудларидан бири ҳисобланади.

Иқтисодий район саноатини жойлаштиришда ўзига хос худудий

таркиб вужудга келган. Бу таркиб минтақада мавжуд саноатни жойлаштиришга таъсир этувчи омиллар натижасида шаклланган бўлиб, турлича кўринишга эгадир. Минтақанинг маъмурий бирликларида саноат турлича табиий, ижтимоий-иқтисодий шароитга эга.

Қорақалпоғистон Республикасида ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларининг 1/4 қисми Нукус шаҳрига тўғри келади. Шунингдек, Мўйноқ, Хўжайли туманларининг ҳар бирида саноат маҳсулотининг 1/10 қисми ишлаб чиқарилган. Бу кўрсаткич Нукус, Тахтақўпир, Шуманой, Қораўзак, Қонлиқўл туманларида паст даражада. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришда ҳам Нукус шаҳрининг ҳиссаси юқори (39,3%) бўлиб, кейинги ўринларда Тахиатош шаҳри (13,9%), Хўжайли (10,8%), Беруний (10,1%) туманлари улуши катта. Республиканинг қолган туманлари ҳажми Тахтақўпир, Шуманой, Қораўзак бу

жихатдан пастдир. Қорақалпоғистон саноатининг жойлашув индекси, аҳоли сонига нисбатан олинганда, Мўйноқ тумани ҳамда Тахиатош шаҳрида юқори бўлиб, бу кўрсаткич 7,38 – 2,24 марта “ўртача” даражадан юқори. Нукус, Кегейли, Хўжайли туманларида ҳам индекс нисбатан баланд. Айни пайтда,

Нукус, Тахтақўпир, Шуманой туманларида саноат жойлашув индекси паст кўрсаткичга эга. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш Тахиатош, Нукус шаҳарларида 4,79 – 2,33 марта ва Хўжайлида 1,33, Қўнғирот туманида 1,08, Берунийда 1,03 марта юқори (1-жадвал).

1- жадвал

Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар ва туманларида саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг салмоғи (2010 й. жамига нисбатан фоиз ҳисобида)

Т/р	Шаҳар ва туманлар	Саноат маҳсулоти	Халқ истеъмол моллари	Аҳоли сони (01.01. 2011й.)	Саноат ишлаб чиқариш индекси	
					саноат маҳсулоти	халқ истеъмол моллари
	Вилоят, жами	100,0	100,0	100,0	1,00	1,00
	<i>Шаҳарлар:</i>					
1.	Нукус	25,8	39,3	16,9	1,52	2,32
2.	Тахиатош	6,5	13,9	2,9	2,24	4,79
	<i>Туманлар:</i>					
1.	Амударё	7,8	3,4	10,0	0,78	0,34
2.	Беруний	8,3	10,1	9,8	0,84	1,03
3.	Кегейли	6,0	1,2	4,9	1,22	0,24
4.	Мўйноқ	13,3	1,2	1,8	7,38	0,66
5.	Нукус	0,4	0,5	2,6	0,15	0,19
6.	Тахтақўпир	0,2	0,4	2,4	0,08	0,16
7.	Тўртқўл	6,5	5,0	10,8	0,60	0,46
8.	Хўжайли	11,1	10,8	8,1	1,37	1,33
9.	Чимбой	2,0	3,9	6,3	0,31	0,61
10.	Шуманой	0,2	0,4	3,0	0,06	0,13
11.	Элликқалъа	5,9	1,4	8,0	0,73	0,17
12.	Қонликўл	1,4	0,5	2,7	0,51	0,18
13.	Қораўзак	0,7	0,4	2,8	0,25	0,14
14.	Қўнғирот	3,9	7,6	7,0	0,55	1,08

Жадвал ЎЗР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Хоразм вилояти саноатининг ҳудудий таркиби ўзига хос тарзда шаклланган. Жумладан, вилоятда саноат маҳсулот-лари ишлаб чиқариш мужассамлашув даражаси анча юқори. Вилоятда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотининг асосий қисми Урганч шаҳри (26,5 %), Хазорасп (12,1 %), Хонқа (11,8 %), Боғот (9,5 %) туманларига тўғри келади (2-жадвал). Энг паст кўрсаткичлар Хива, Янгиариқ, Янгибозор, Қўшқўпир туманларида кузатилади.

Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришда энг аввало Урганч шаҳрининг улуши юқори, жами ишлаб чиқарилган

маҳсулотнинг 50 фоиздан ортиғини беради. Кейинги ўринларда Шовот, Хива, Урганч, Боғот туманлари туради. Янгиариқ, Янгибозор, Қўшқўпир туманларининг халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришда ҳиссаси жуда паст. Вилоят саноатининг жойлашувида ҳам Урганч шаҳрининг улуши юқори 3,06, Хонқа, Боғот, Янгибозор туманларида нисбатан баланд. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш аҳоли жон бошига ҳисоблаганда Урганч шаҳрининг улуши юқори 6,31, биргина Шовот туманида ўртачадан нисбатан баланд, холос.

**Хоразм вилояти шаҳар ва туманларида саноат маҳсулоти
ишлаб чиқаришнинг салмоғи (2010 й. жамига нисбатан фоиз ҳисобида)**

Т/р	Шаҳар ва туманлар	Саноат маҳсулоти	Халқ истеъмол моллари	Аҳоли сони (01.01. 2011 й.)	Саноат ишлаб чиқариш индекси	
					саноат маҳсулоти	халқ истеъмол моллари
	Вилоят, жами	100,0	100,0	100,0	1,00	1,00
	<i>Туманлар:</i>					
1.	Боғот	9,5	6,0	8,6	1,10	0,69
2.	Гурлан	6,7	2,5	8,0	0,83	0,31
3.	Урганч	6,6	6,5	10,3	0,64	0,63
4.	Хазорасп	12,1	3,4	13,3	0,90	0,25
5.	Хонқа	11,8	6,4	9,9	1,19	0,64
6.	Хива	4,1	7,8	12,7	0,32	0,61
7.	Шовот	7,4	9,6	8,9	0,83	1,07
8.	Янгиарик	4,9	0,9	6,0	0,81	0,15
9.	Янгибозор	5,0	1,0	4,6	1,08	0,21
10.	Кўшкўпир	5,4	1,6	9,1	0,59	0,17
11.	Урганч ш.	26,5	54,3	8,6	3,08	6,31

Жадвал ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш мумкинки, Қуйи Амударё иқтисодий райони республиканинг табиий хом ашё ҳамда меҳнат ресурсларга бой бўлишига қарамай саноат ишлаб чиқариш салоҳияти паст. Минтақа саноати заифлиги унинг саноат корхоналари технологиясининг эскирганлиги, экологик ҳолатнинг ёмонлашганлиги, хом ашё билан ишлаб чиқариш фондларининг номувофиқ ташкил этилганлиги, қулай инвестиция муҳитининг яратилмаганлигидадир. Шунингдек, транспорт ва ижтимоий инфратузилма тизимининг ривожланмаганлиги каби муаммолар билан белгиланади.

Иқтисодий район саноатининг тармоқлар таркиби ривожланмаган, асосан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган бўлиб, тарқоқ жойлашган енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналаридан иборат.

Минтақа саноат ишлаб чиқариш мажмуалари эндигина шаклланимоқда.

Улар кўпроқ тоғ-кон, кимё ҳамда енгил ва озиқ-овқат саноати негизида вужудга келиши мумкин. Минтақанинг табиий ресурслари геологик-қидирув нуктаи назаридан яхши ўрганилмаган. Жумладан, Устюрт ва Орол денгизининг қуриган қисмида нефт захиралари мавжудлиги тахмин қилинмоқда. Келажакда бундай имкониятлардан фойдаланиш асосида янги саноат тугунларини шакллантириш мумкин.

Юқоридаги маълумотлардан кўриш мумкинки, иқтисодий район саноатининг ҳудудий таркибида тафовутлар мавжуд. Саноатнинг мужассамлашув даражаси кўпроқ шаҳарлар ҳиссасига тўғри келади. Келажакда иқтисодий район ресурс салоҳияти ва бой меҳнат ресурсларидан фойдаланиш асосида саноат ишлаб чиқаришнинг ҳудудий таркибини такомиллаштириш ва тармоқлар таркибини диверсификациялаш минтақа ҳамда миллий иқтисодиётни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар:

1. Солиев А., Қаршибоева Л. Саноат ишлаб чиқаришнинг минтақавий муаммолари (Сирдарё вилояти мисолида). – Гулистон, 2001. - 98 б.
2. Умаров Е. К. и др. Развитие и размещение ведущих отраслей промышленности Республики Каракалпакстан. - Ташкент: Фан, 1970.
3. Хрущев А. География промышленности. - М.: Высшая школа, 1990. - 223 с.

Резюме

Статья посвящена анализу развития и территориальной структуры промышленного производства в Низовьях Амударьи, приводятся статистические данные по размещению данной отрасли региональной экономики.

Тавсия этувчи:

проф. Солиев А.С.

МИРЗАЧЎЛ ИҚТИСОДИЙ РАЙОНИДА АҲОЛИ МИГРАЦИЯ ҲАРАКАТЛАРИНИНГ ЎЗГАРИШЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛИ

Ҳайдарова С.А., Дўсмонов Ф.

Кириш

Аҳолининг миграция ҳаракатлари ижтимоий ҳодиса сифатида ҳудудларда аҳоли жойлашуви, таркиби ва иқтисодий тараққиётида алоҳида ўрин тутди. Аҳоли миграцияси даврий ўзгарувчанликка эгадир. Бу ўзгарувчанлик, миграцияни вужудга келтирувчи асосий сабаблардан, оддий кишиларни кўчишга ундовчи мотивларгача намоён бўлади. Миграция ҳаракатларини вужудга келтирувчи сабаблар улкан ижтимоий ўзгаришлар асосида юзага келса, кишиларни ихтиёрий кўчишга ундовчи мотивлар ушбу ўзгаришларнинг ҳосиласи сифатида намоён бўлади. Шу нуқтаи назардан аҳоли миграцияси, унинг сабаблари ва омиллари, минтакавий хусусиятларини ўрганиш ижтимоий-иқтисодий география фанининг долзарб йўналишларидан бири ҳисобланади.

Асосий қисм

Аҳоли миграция турли мотивлар таъсирида рўй беради ва бу ҳодиса ҳудуднинг табиий ресурслари билан кўп жиҳатдаги боғлиқдир. Аҳоли миграция ҳаракатларининг мотивлари:

- Кўчманчи ҳаёт тарзи;
- Янги жойларни эгаллаш;
- Яшаш ҳудудини кенгайтириш;
- Чўл ҳудудларининг ўзлаштирилиши;
- Табиий ресурслардан фойдаланишнинг янги имкониятлари;

Шу тариқа дунё халқларининг ҳудудий тарқалиш жараёни юз беради. Бу мотивларнинг характери даврий жиҳатдан кенгайтирилади ёки чекланади. Хусусан, кўчманчи ҳаёт тарзи ҳудудда мавжуд фойдаланиш мумкин бўлган ресурслар миқдорига кўра жадаллашиши ёки маълум даврларгача тўхтаб туриши мумкин. Шунингдек, чўлларнинг ўзлаштирилишидаги дастлабки йиллар, қурилиш йиллари ва барқарор ривожланиш йиллари таққосланганда, миграция оқимининг жадаллиги турли

даражада ўтиши кўринади. Шу билан бирга, мотивларнинг тарихийлик хусусияти ҳам доимо намоён бўлувчи омилдир.

Чўлларнинг ўзлаштирилиши асосан XX асрда кенг миқёсда рўй берди ва эндиликда бу ҳудудлар антропоген ландшафтларга айланган. Ҳозирда табиий ресурслардан фойдаланишнинг янги имкониятлари, масалан, янги конларнинг топилиши, хўжалик тизимида янги йўналишларнинг жорий қилиниши каби жараёнлар назарда тутилса, миграция ҳаракатларининг замонавий мотивлари пайдо бўлганлиги эътироф этилади.

Аҳоли миграциясининг замонавий мотивлари мамлакатлар хўжалик тизими ва ресурслар тақсимидаги тафовутлар ҳосиласидир.

Улар қуйидагилардан иборат:

- Мамлакатлар ўртасида табиий ресурслар ва улардан фойдаланиш характеридаги тафовутлар;
- Ижтимоий хавфсизлик ва иқтисодий барқарорлик;
- Саноат тармоқларининг ривожланганлиги;
- Табиий ресурслар ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг мувофиқ тизими.

Аҳолининг ҳудудий ҳаракати асос бўлувчи ушбу мотивлар бугунги кунда турли мамлакатлар ўртасида миграция ва мигрантлар муаммосини келтириб чиқармоқда. Ривожланаётган давлатлар аҳолиси ривожланган давлатлар ҳудудига тобора кўпроқ кириб бормоқда, меҳнат мигрантларининг умумий улуши даврий кўпайиб бормоқда, бундан ташқари сиёсий ва ижтимоий хавфсизлик масаласи янада ўткирлашяпти. Қочоқлар сони йилдан-йилга кўпайиб, нисбатан барқарор давлатлар ҳудудига алоҳида муаммони юзага келтирган.

Республикамиз аҳолиси ҳам бу халқаро жараёнда бевосита ва беихтиёр

иштирок этапти, шунинг учун ҳам миграция ҳаракатларини ҳудудларга нисбатан ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Хусусан, Мирзачўл иқтисодий райони ҳудудида аҳоли миграциясининг даврий ўзгаришларини мамлакатимиз ҳудудида рўй берган ижтимоий ҳодисаларнинг ҳудудий инъикоси деб қараш мумкин. Шу жиҳатдан, иқтисодий район аҳоли ҳаракатлари ва ҳудудий ташкил этиш масаласи ҳамisha долзарблигини йўқотмаслигини таъкидлаш жоиз.

Мирзачўл иқтисодий районида аҳоли миграциясининг табиий ресурслардан фойдаланиш даражасига кўра даврий ўзгаришлари қуйидагича кечган:

I давр. Мирзачўл ва Жиззах чўли


ҳудудларининг ўзлаштирилиши жараёнида аҳоли миграция оқимининг бошқа вилоятлар ва тоғли туманлар ҳудудидан чўл туманларига йўналиши;

II давр. Чўл туманларида аҳоли пунктларининг қурилиши ва хўжалик тизими шаклланишининг тугалланиши, бошқа вилоятлардан кўчиб келувчилар оқимининг кучайиши;

III давр. Ўзлаштирилган ҳудудларда хўжалик тизимининг ўзгариши, аҳоли сонининг кўпайиши, табиий ресурслар ва ҳудудий чекланганлик хусусиятининг намоён бўлиши натижасида аҳоли зичлигининг ортиши, миграция оқимининг тескари йўналишга бурилиши.

Чизма

Мирзачўл иқтисодий районида аҳоли миграциясини иқтисодий ривожланиш салоҳияти билан мувофиқлаштириш



Иқтисодий район ҳудудида иқтисодий ва ижтимоий ривожланишга ижобий таъсир этувчи миграция оқимини ташкил этиш, асосан, рекреацион ва хизмат турларини юқори даражада шакллантириш орқали мамлакатнинг бошқа минтақалари ва хориждан дам олувчилар, туристларни жалб қилишга эришишдир. Бунда вилоятларда табиий шароит ва табиий ресурслар салоҳияти алоҳида эътиборга олинади. Масалан Сирдарё вилояти ўз ҳудудида Сирдарё дарёси билан боғлиқ рекреация ва

туристик зоналарни ташкил қилиш имкониятига эга бўлса, Жиззах вилоятида тоғли ҳудудлар ва асосан Айдаркўл кўллари тизимида шундай имкониятлар мавжуд. Айни ҳудудларда табиатни муҳофаза қилиш, аҳоли тирикчилик манбаи йўналишларига янгиликлар олиб кириш, туристик ва рекреацион зоналар ташкил қилиш иқтисодий районнинг тараққиёти ва аҳолисининг яшаш даражасини кўтариш, шу билан бирга аҳоли миграциясини бошқариш, ташкил этиш имкониятига эга бўлинади. Чўл

худудларида саноат ва қишлоқ хўжалик зонасини бунёд қилиш мақсадга мувофиқдир. Шу тариқа иқтисодий район аҳолисининг меҳнат қилиши ва дам олиши учун шароит яратилади.

Минтақавий ривожланишда мавжуд имкониятлардан узоқни кўзлаб, оқилона фойдаланиш келажакни кафолатловчи ягона омил экан, ушбу чорани аҳолининг ҳаётида рўй берувчи ҳар қандай ҳодиса, масалан, миграция ҳодисасини ташкил қилиш ва бошқариш орқали амалга ошириш мумкин.

Табиий ресурслар, тупроқ, табиий сув ҳавзалари, ўсимлик дунёсининг ҳажми ва бошқа омиллар Жиззах вилояти ҳудудида сўнги йилларда аҳоли миграция ҳаракатларига асосий таъсир кўрсатувчи омиллардир.

Хулоса

Адабиётлар:

1. Солиев А., Назаров А., Курбонов Ш. Ўзбекистон худудлари иқтисодий ижтимоий ривожланиши. Тошкент, 2010.
2. Жиззах вилояти статистика бошқармаси маълумотлари.

Резюме

В данной статье рассмотрены миграционные процессы в Узбекистане и их особенности в Мирзачульском экономическом районе. Особое внимание обращается на связь миграционных процессов с экономическим потенциалом региона.

Тавсия этувчи:

проф. Солиев А.С.

ЎЗЛАШТИРИЛГАН ХУДУДЛАРДАГИ АҲОЛИ ПУНКТЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАВСИФИ

Ғаннаров А.

Кириш

Мамлакатимизда ўзлаштирилган чўл худудлари барча вилоятларда ҳам мавжуд. Лекин майдони ва хўжалик аҳамияти, шунингдек аҳолининг ҳудудий тақсимоотида алоҳида ўрин тутган ўзлаштирилган чўллар, яъни Мирзачўл, Жиззах чўли ва Қарши чўлларининг қиёсий географик таҳлили ва тавсифини келтириш, баҳо бериш муҳим ишдир. Айни худудларни ўзлаштириш даври мамлакат ижтимоий ва иқтисодий ривожланишига кучли таъсир кўрсатган эди.

Асосий қисм

Мирзачўл худудларида чор Россияя давридаёқ аҳолининг Россиядан

Ҳозирги кунда иқтисодий район ҳудудида табиий ресурслардан фойдаланишни тўғри ташкил этиш, аҳолининг хўжалик фаолиятида янгилаш-ларни жорий қилиш, саноат, рекреация, хизмат соҳаларини ривожлантириш борасида улкан режалар қабул қилинган ва амалга оширилмоқда. Жумладан, Жиззах вилоятига қарашли Зомин тумани тоғ оди худудлари тўлиқ рекреация ва туризм ҳудудига айлантирилмоқда. Чўл туманларини ҳудудий яхлит индустриал зонага айлантириш режаси тузилган. Бундай улкан ўзгаришлар иқтисодий район ҳудудида аҳоли миграция ҳаракатларини турли даражада юзага келтирувчи мотивларни пайдо қилади. Бинобарин, худудда аҳоли жойлашуви ва ҳудудий ташкил этиш масаласига алоҳида эътибор бериш жуда муҳимдир.

кўчириб келтирилган рус деҳқонлари ҳисобидан таркиб топиши ва аҳоли пунктларининг бунёд қилинган эди. Бу жараён кейинги даврлардаги аҳоли миграцияси ва аҳолининг ҳудудий ташкил этилишининг ибтидоси бўлган, деса бўлади.

Собиқ Иттифоқ даврида чўлларнинг кенг миқёсда ўзлаштирилиши, бу худудлар аҳолисининг қисқа муддатда таркиб топишига ва аҳоли пунктларининг бунёд қилинишига сабаб бўлди. Асосий ўзлаштирилаётган худудларга республиканинг турли минтақаларидан ва собиқ иттифоқнинг барча қисмларидан аҳолининг кўчиб келиши рағбатлантирилди. Сирдарё, Жиззах ва

Қашқадарё вилоятлари чўл ҳудудларини ўзлаштириш ва маъмурий туманлар хўжаликлари, аҳоли пунктларини ташкил қилиш мақсадида асосан Фарғона водийси вилоятларидан аҳоли кўчириб келтирилди. Бунда иш самарали ташкил этилди ва ўзлаштириш ишлари кетаётган вилоятлар аҳоли таркибини тўлдириш учун водийдаги уч вилоят томонидан оталиққа олинди. Сирдарё вилоятига Фарғона вилоятидан, Жиззах вилоятига Андижон вилоятидан, Қашқадарё вилоятига Наманган вилоятидан аҳоли кўчириб келтирилиши режалаштирилди ва амалга оширилди. Бундан ташқари ўзлаштирилаётган минтақаларга тоғ ва тоғ олди туманларидан, бошқа вилоятлардан аҳолининг кўчиб келиши рағбатлантирилди. Меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш, аҳолининг иш ва уй-жой билан тўлиқ таъминланиши йўлга қўйилди. Шундай бўлсада, аҳоли миграция ҳаракатлари икки томонлама йўналганлиги кузатилди. Шунинг учун ҳам Жиззах ва Сирдарё чўл туманларида аҳоли сони турли йилларда тебраниб турди. Ўзлаштириш йиллари мобайнида миграциянинг икки томонлама йўналишига қарамай, туманлар аҳолиси

тез кўпайди, қисқа муддатда ўзлаштирилган туманлар аҳолиси таркиб топди, хўжаликнинг турли йўналишлари шакллантирилди, шаҳар ва шаҳар типидagi посёлкалар ташкил топди. Ишлаб чиқариш, маҳсулот етиштириш самарадорлиги ўсди, саноат тармоқлари ривожланди. Собиқ иттифокнинг сўнгги ўн йиллигида мамлакатда пахта хом-ашёсини етказиб беришда Мирзачўл иқтисодий райони таркибидаги Жиззах ва Сирдарё вилоятлари, Қашқадарё иқтисодий районини ташкил қилувчи Қашқадарё вилоятлари етакчилик қилар эди. Хусусан, Қашқадарё вилоятининг ўзлаштирилган чўл туманларида ингичка толали пахта етиштириш самарали йўлга қўйилган эди. Мустақиллик йилларида ҳам бу туманларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришдаги аҳамияти пасайгани йўқ, аксинча, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари турларини кўпайтириш ва етиштириш, фермерчилик ҳаракатининг муваффақиятга эришиши, экин майдонларидан унумли фойдаланишда ўзлаштирилган чўл туманлари янада муҳимроқ аҳамият касб эта бошлади.

1-жадвал

Ўзлаштирилган ҳудудлар қишлоқ туманларида аҳоли пунктларининг тақсимоги

№	туманлар	Аҳоли пунктлари сони	Вилоят жамисига нисбатан улуши, %	Шу жумладан:			
				Шаҳар АП	Жамига нисбатан %	Қишлоқ АП	Жамига нисбатан, %
1	Боёвут	72	24,5	3	14,2	69	25,7
2	Гулистон	35	11,9	3	14,2	32	11,9
3	Мирзаобод	41	13,9	2	9,5	39	14,5
4	Оқолтин	13	4,4	2	9,5	11	4,1
5	Сардоба	15	5,1	1	4,7	14	5,2
6	Сайхунобод	38	12,9	3	14,2	35	13,0
7	Сирдарё	40	13,6	7	28,5	34	12,6
8	Ховос	35	11,9	1	4,7	34	12,6
Сирдарё вилояти							
1	Арнасой	12	2,0	2	4,0	10	1,9
2	Дўстлик	10	1,7	2	4,0	8	1,5
3	Мирзачўл	10	1,7	3	6,1	7	1,3
4	Зафаробод	17	2,9	4	8,1	13	2,4
5	Пахтакор	21	3,6	2	4,0	19	3,6
6	Зарбдор	18	3,1	4	8,1	14	2,6
Жиззах вилояти							
1	Нишон	32	2,9	2	1,3	30	3,1
2	Касби	56	5,1	3	2,0	53	5,6
3	Муборак	25	2,3	10	6,8	15	1,5
4	Миришкор	24	2,2	1	0,6	23	2,4
Қашқадарё вилояти							

*Жадвал ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Лекин кейинги даврларда қатор туманлар аҳолисининг ўсиши ва ҳудудий

жойлашувида бир қатор ўзгаришлар содир бўлмоқда. Жиззах ва Сирдарё вилояти чўл туманларида аҳоли сонининг камайиши, миграция манфий сальдосининг ошиб бориши, табиий кўпайишнинг паст даражаси каби аҳолига тегишли масалалар ўткирлашмоқда. Ишлаб чиқариш ва таъминот соҳасидаги баъзи тузилмавий ўзгаришлар, собиқ Иттифоқ даврида давлат режаси асосида хўжалик юргизилган бу туманларда салбий ҳолатларнинг намоён бўлишига олиб келди. Йирик аҳоли пунктларидан ташқари барча қишлоқларда аҳоли табиий кўпайишнинг паст даражаси, миграция манфий сальдосининг ўсиши кузатилмоқда. Аҳоли миллий таркиби ва ёш таркибида ўзгаришлар келажакда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш муаммоларини келтириб чиқариши мумкин. Бинобарин, бу туманлар аҳоли жойлашуви ва хусусиятларини таҳлил

қилиш ва келажакда аҳолини ҳууддий ташкил қилиш чораларини кўриш долзарб масаладир. Бу ишларни амалга ошириш учун аввало барча чўл туманлари аҳолисининг ҳудудий жойлашуви, демографияси, аҳоли пунктларининг ташкил топиши каби хусусиятлар ўрганилиши ва қиёсий тавсифланиши талаб этилади.

Жадвалдан кўриниб турибдики, чўл туманларида аҳоли пунктлари миқдор ва улуш жиҳатидан жуда кам ўрин эгаллайди. Ҳатто аҳолиси 100 мингдан ортадиган туманлар – Нишон, Касби туманларининг аҳоли пунктлари сони умумий улушда жуда кичик кўрсаткичга эга. Чўл туманлари шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг вилоят умумий миқдоридаги улушини ҳисоблаганда, бу туманлар аҳоли пунктларининг вилоят аҳоли жойлашувидаги тугган ўрни аниқ билинади.

2-жадвал

Ҳудудлар	Чўл туманлари шаҳар АП ларининг бутун вилоят аҳоли пунктлари миқдоридаги улуши, %	Чўл туманлари қишлоқ АП ларининг бутун вилоят аҳоли пунктлари миқдордаги улуши, %
Сирдарё вилояти туманлари	9%	91%
Жиззах вилояти туманлари	3%	12,4%
Қашқадарё вилояти туманлари	1,5%	11,2%

Бу таҳлил вилоятлар чўл туманлари шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг умумий вилоят бўйича аҳоли пунктлари миқдоридаги улушини кўрсатади. Сирдарё вилояти туманлари умумий ҳисобга олинган ва бу туманлар бўйича таҳлил бутун вилоят ҳудудига тегишлидир. Жиззах ва Қашқадарё вилоятлари чўл туманларининг улуши бўйича мулоҳаза юритилса, бу туманлардан бошқа тоғ ва тоғ олди туманларида аҳоли пунктлари сони анча ортиқлиги ҳақида хулосага келиш мумкин. Кўриниб турибдики, аҳоли ҳудудий тақсимоотида чўл туманларининг салоҳияти паст.

Бироқ, аҳоли пунктларида истиқомат қилувчи аҳоли сони бўйича таҳлил қилиш бошқача натижаларни ҳам келтириб чиқаради. Агар аҳоли пунктлари камлиги баробарида аҳоли

сони ҳам нисбатан оз бўлса, бу вилоят аҳоли ҳудудий тақсимоотида муаммолар юзага келмоқда, чунки баъзи ҳудудларда аҳоли зичлигининг жуда ортиб кетишига олиб келади, натижада, аҳоли таъминоти ва жойлашувига оид масалалар ўткирлашади. Бу борада баъзи туманлар ҳақида маълумотлар келтириш ўринли. Масалан, Жиззах вилояти чўл туманлари умумий тарзда аҳоли сони ва аҳоли пунктларининг нисбатан камлиги билан ажралиб туради. Шу билан бирга, шаҳар аҳолисининг ортиб бориш тенденциясига эга. Қашқадарё вилояти туманлари ичида ўзлаштирилган ҳудудлар салоҳияти паст ҳолатда бўлиши сақланиб қолаверади, сабаби вилоят тоғ ва тоғ олди туманларида аҳоли қадимдан яшаб келадиган ва йирик аҳоли пунктлари анча зич жойлашган.

Жиззах вилояти Мирзачўл ва

Дўстлик туманларида атиги 7 ва 8 та қишлоқ аҳоли пунктлари бўлиб, улар хўжалик марказлари вазифасидаги аҳоли пунктларидир. Умуман, Жиззах чўли туманларида давлат режаси асосида қурилган қишлоқлар асосий ўрин тутди. Пахтакор туманида бошқа туманлардан кўра кўпроқ қишлоқ аҳоли пунктнинг мавжудлиги (19 та) режа асосида бунёд қилинган қишлоқлар атрофида эндиликда вужудга келаётган янги аҳолиси кам сонли қишлоқлар ҳисобидадир. Ўзлаштириш анча илгари бошланган ҳудудларда қишлоқлар сони ортиб борган. Чунончи, Сирдарё вилоятининг Боёвут туманида 70 дан ортиқ аҳоли пункти шаклланган, бу аҳолининг ҳудудий тақсимотида алоҳида аҳамият касб этади. Вилоятда шаҳарларнинг ривожланишида ҳам алоҳида эътиборга лойиқ хусусиятлар намоён бўлади. Олдиндан ўзлаштирилган ва сунъий суғориш тизими шаклланган бу ҳудудларда шаҳарлар функциясининг оддий аҳоли пункти даражасидан муҳим саноат тугуни даражасига ўтиши, меҳнат ресурсларини жойлаштириш ва аҳоли ҳудудий тақсимотини ташкил этилишига ижобий таъсир кўрсатади. Шаҳар аҳоли пунктларини ривожлантириш ўзлаштирилган ҳудудларда алоҳида ўрин тутди, чунки саноатнинг янги турларини шакллантириш ва аҳолини жалб қилишда чўл туманлари қулай имкониятларга эга. Қолаверса, қишлоқ хўжалиги ўзлаштирилган ҳудудларда алоҳида меҳнатни талаб қилади ва мустақиллик йилларида меҳнатга бўлган муносабатнинг ўзгариши кам сонли ишчи билан маҳсулот етиштиришни талаб этади.

Ўзлаштирилган чўл ҳудудларида аҳоли пунктларини ривожлантириш транспорт тизимининг фаолиятини такомиллаштириш билан ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ. Жиззах ва Сирдарё вилояти ҳудудларидан ўтувчи магистрал темир ва автомобил йўллари аҳоли пунктларининг ривожланиши ва ҳудудий тақсимотини белгиловчи омиллардандир. Қашқадарё вилояти чўл туманларида эса бундай омилнинг таъсири бирмунча оз. Бу туманлар аҳоли пунктларини

ривожлантириш асосан аҳоли табиий ва механик ҳаракатига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Маълумотлардан кўриниб турибдики, Қарши чўли ҳудудида ташкил этилган туманлар ҳудуди жиҳатидан ҳам, аҳолисининг сони жиҳатидан ҳам олдинги ўринларда туради.

Чўл туманлари аҳоли пунктларининг ривожланишидаги асосий хусусият аҳолини ўзига жалб қила олишидадир. Бу ҳодиса эса, ўз навбатида, жойдаги аҳоли учун яратиладиган иқтисодий имкониятлар ва ижтимоий таъминот билан боғлиқ бўлади. Қашқадарё вилояти чўл туманларида аҳоли сонининг кўплигини бу жойларда аҳолининг илгаридан яшаб келганлигида бўлса, Жиззах вилояти чўл туманларида аҳоли сони жуда озлигини аҳоли пунктларининг нисбатан яқинда бунёд қилинганлиги ва аҳолининг тўлиғича бошқа жойлардан кўчиб келганлиги билан тушунтириш мумкин. Сирдарё вилоятининг туманлари аҳоли пунктлари ўртасида даврий тафовутлар мавжуд. Хусусан Боёвут, Сирдарё, Ховос каби туманлар аҳоли пунктлари анча олдин шаклланган бўлса, Сардоба, Оқолтин тумани аҳоли пунктлари худди Жиззах чўли ҳудудидаги аҳоли пунктларига ўхшайди. Урбанизациялашув нуқтаи назаридан Муборак тумани алоҳида кўзга ташланади. Шунингдек, Сирдарё туманида ҳам шаҳарлашиш жараёнининг ўзига хос жиҳатлари намоён бўлади. Муборак туманидаги урбанизациялашувнинг асосий омили табиий газ ва уни қайта ишлаш саноатининг ривожланиши бўлса, Сирдарё тумани аҳоли пунктлари ўзлаштириш даври учун тарихийликни ўзида акс эттиради, яъни у энг олдин пайдо бўлган. Шу билан бирга, мазкур тумандаги аҳоли пунктларининг ривожланишига магистрал темир ва автомобил йўллари ҳам катта таъсир кўрсатади. Айни вақтда Жиззах вилояти туманлари урбанизациялашув жараёнида энг паст кўрсаткичларга эга. Шаҳар мақоми берилган қишлоқлар ўзларида шаҳар турмуш тарзини шакллантирмаган.

Хулоса

Ўзлаштирилган чўл ҳудудларда

ташкил этилган туманлар аҳоли пунктлари худудий жойлашуви ва шаклланишида умумийлик мавжуд

бўлсада, хўжалик ривожланишида ўзларига хос хусусиятларни намоён қилади.

Адабиётлар:

1. Солиев А., Назаров А., Курбонов Ш. Ўзбекистон худудлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиши. – Тошкент, 2010.
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Резюме

В данной статье приводится сравнительный анализ населённых пунктов новоосвоенных территорий Узбекистана. В качестве примера используются данные Сырдарьинского, Кашкадарьинского и Джизакского вилоятов.

Тавсия этувчи:

проф. Солиев А.С.

НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ ЭКОЛОГИЧЕСКОГО РАЙОНИРОВАНИЯ УЗБЕКИСТАНА

Турсунов Х.Т.

Стратегия развития Республики Узбекистан в XXI веке должна соответствовать ее социальному, духовному, экологическому, экономическому и ресурсному потенциалу, базироваться на приоритете национальных интересов Узбекистана в области устойчивого развития. В настоящий период в республике сформирована база для развития основных секторов экономики и созданы предпосылки для устойчивого развития в среднесрочной перспективе, происходит интеграция страны в мировую экономику и их углубление будет усиливать влияние глобальных тенденций развития [4].

Переход к устойчивому развитию в Республике Узбекистан в целом возможен только в том случае, если будет обеспечено устойчивое развитие всех ее регионов. В Узбекистане выделяется 14 регионов, которые имеют специфические природные условия и ресурсы, экономику и социальную сферу, экологическую обстановку, сформировавшуюся в течении длительного периода развития.

Методологическая и практическая важность регионального аспекта стратегии устойчивого развития определяется тем, что такое развитие Узбекистана в целом возможно лишь при стабильном и гармоничном развитии всех ее субъектов

и соблюдении необходимых взаимосбалансированных межрегиональных отношений [5]. Поэтому разнообразие регионов требует безусловного учета их специфики в выработке и проведении в жизнь стратегии устойчивого развития.

В Республику Узбекистан, где отмечается большая дифференциация природных условий, при возрастающих антропогенных нагрузках необходим региональный анализ геоэкологического состояния, направленный на оптимизацию экологического состояния, восстановление и сохранение природных комплексов.

Возникающие экологические проблемы в различных регионах Узбекистана, которые отличаются комплексом физико-географических или ландшафтных условий, из-за сложности достоверной оценки и анализа состояния окружающей среды во многом остаются недостаточно изученными, а имеющиеся исследования по нарушению природного комплекса (деградации почв, растительного покрова, загрязнению атмосферного воздуха и вод) часто носят отраслевой характер и не раскрывают всей сложной картины взаимодействия природы и общества. Однако экологически безопасное и сбалансированное развитие регионов и в целом Узбекистана невозможно без

всестороннего учета всего комплекса природных, экологических и социально-экономических факторов.

Для детального анализа состояния окружающей среды на региональном уровне в условиях техногенного воздействия и оценки экологической ситуации в целом, одним из направлений исследования является *экологическое районирование территории*. Цель такого районирования – выделение территорий, в пределах которых проявляются близкий уровень воздействия на окружающую среду, а также сходство в способности среды к самоочищению и самовосстановлению, и в связи с этим создаются предпосылки для организации экологически безопасного хозяйственного использования.

Следует отметить, что несмотря на явные достижения прошлых лет, районирование Узбекистана по остроте экологической ситуации до сих пор сталкивается с рядом трудностей в связи с формированием новых представлений о задачах такого районирования, осознанием необходимости перехода от частных критериев к комплексным на основе применения инновационных подходов и более полной исходной эколого-географической информации.

Географическая дифференциация хозяйственной деятельности в Узбекистане, ее характер, виды и масштабы воздействия на окружающую среду, особенно в урбанизированных ареалах, обуславливают пространственные различия в динамике изменений водных и наземных экосистем и приводят к формированию неоднородности в экологическом состоянии окружающей среды различных территорий, вплоть до образования зон хронического загрязнения, где концентрация промышленных производств, транспорта постоянно оказывает значительное и многостороннее воздействие на окружающую среду и здоровье населения. При этом уже существующая высокая степень стабильности загрязненности локальных территорий может усиливать негативное

воздействие потенциально опасных объектов при чрезвычайных ситуациях природно-техногенного и техногенного характера.

В области районирования процессов взаимодействия природы и общества имеются работы известных географов: Н.А. Гвоздецкого, А.Г. Исаченко, Ф.Н. Милькова, Н.И. Михайлова, В.А. Николаева, В.М. Котлякова, Б.И.К очурова, Н.Ф. Глазовского, А.А. Рафикова, Л.А. Алибекова, А.А. Абдулкасымова, Ш.С Закирова. и др.

Существующие подходы к экологическому районированию систематизируются следующим образом [2]:

- природно-хозяйственное районирование (критерий — природно-ресурсный потенциал);
- эколого-экономическое районирование (критерий — уровень воздействия, соотнесенный с потенциалом устойчивости среды);
- экологическое районирование (критерии — уровень экологической напряженности; индекс антропогенной нагрузки) и др.

Одним из главных недостатков большинства работ по экологическому районированию, в том числе и в Узбекистане является то, что в качестве типологической единицы принимаются административные единицы, по которым, как правило, существует первичная информация. Но границы субъектов или административно-территориальных единиц не могут препятствовать распространению ни природных, ни антропогенных экологических воздействий.

Нельзя признать научным и такой подход, при котором на карте очерчиваются неопределенные «ареалы экологических ситуаций», не обнаруживающие каких-либо связей с ландшафтными, административными и другими рубежами [1]. Проблема определения границ является важнейшим критерием при оценке и управлении экологической ситуацией в регионе.

При оценке экологической ситуации в регионах и в целом в Узбекистане

исчерпывающий охват всех возможных природных и антропогенных факторов практически не реален; важно учитывать их «вес», т.е. отличать главные, определяющие, от второстепенных, обращая особое внимание на те из них, которые имеют наибольшее индикаторное и интегративное значение.

Согласно экологического районирования территории Республики Узбекистан (Госкомприроды, 1998), в целом сравнительно благоприятная экологическая обстановка сложилась в Джизакской, Наманганской, Самаркандской и Сурхандарьинской областях, изменяющаяся - в Андижанской, Кашкардарьинской, Сырдарьинской, Ташкентской, Ферганской, Хорезмской областях и в городе Ташкенте, относительно напряженная - в Республике Каракалпакстан, Бухарской и Навоийской областях [3]. Данная схема экологического районирования является не бесспорной, недостаточно учтены

ландшафтно-экологические (геоэкологические) особенности территории, требуется пересмотр использованных индикаторов и др.

Отметим то, что одной из важных задач географического анализа экологической ситуации является определение динамики, тенденций изменения и устойчивого состояния природных комплексов и их компонентов, а также своевременное проведение адекватных мероприятий по устранению негативных процессов с учетом требований ландшафтно-экологического благоустройства территорий.

В настоящее время актуальной является проведение экологического районирования Узбекистана с учетом инновационных подходов, с применением новейших ГИС технологий и методов. Такая работа будет иметь важное значение при разработке стратегических региональных программ по обеспечению устойчивого развития.

Литература:

1. Исаченко А.Г. Введение в экологическую географию. – С.-Петербург, 2003. – 192 стр.
2. Мусихина Т.А. Комплексная оценка и районирование экологической опасности и управление экологической безопасности регионов России // Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора географических наук. – М., 2011.
3. Национальный доклад о состоянии окружающей среды и использовании природных ресурсов в Республике Узбекистан (1988-2007). – Ташкент, 2008. – 298 стр.
4. Национальный доклад о состоянии окружающей среды и использовании природных ресурсов в Республике Узбекистан (2008-2011). – Ташкент. – 254 стр.
5. Турсунов Х.Т. Некоторые теоретические вопросы географического исследования устойчивого развития // Вестник Географического общества Узбекистана, №40. – Ташкент, 2012. – 81-85 стр.

Резюме

Мақолада илмий тадқиқотларда бирмунча кам ўрғанилган экологик районлаштиришнинг баъзи бир масалалари кўрилган ва бу борада муаллифнинг мулоҳазалари ақс эттирилган.

Рекомендует:

проф. Салиев А.С.

ПРОБЛЕМЫ И ПУТИ УЛУЧШЕНИЯ НОЗОЭКОЛОГИЧЕСКОЙ СИТУАЦИИ В РЕСПУБЛИКЕ КАРАКАЛПАКСТАН

Турдымамбетов И.Р.

Одной из задач нозогеографии и нозоэкологии является определение медико-биологических и санитарно-гигиенических проблем в условиях экологической катастрофы и на этой основе выработка теоретико-методических и практических рекомендаций по

улучшению нозоэкологической ситуации в республике.

В Европейской хартии по окружающей среде и здоровью 1989г. признается право каждой личности на окружающую среду, способствующую максимально достижимому уровню

здоровья и благополучия. Подчеркивается взаимная ответственность граждан, государственных лиц и руководителей отраслей экономики в охране окружающей среды, утверждается, что всякая деятельность должна основываться на научных фактах (Малхазова С.М. с соавт., 2009).

В целях обеспечения экологической и гигиенической безопасности в Узбекистане разработаны государственные стандарты (O'zDSt), строительные нормы и правила (СНиП), правила охраны труда и другие нормативные акты. Кроме того, действуют технические, инструктивные, методические, а также официальные документы по вопросам обеспечения санитарно-эпидемиологического благополучия, безопасности и безвредности среды обитания для жизнедеятельности населения и для его здоровья. В экологии человека наиболее часто используются следующие нормативы: экологические, водохозяйственные, рыбохозяйственные, лесохозяйственные, санитарно-гигиенические, нормы радиационной безопасности, строительные нормы и правила.

Применительно к экологически вредным для здоровья факторам окружающей среды Южного Приаралья, для установления взаимосвязи между вредными факторами и уровнем заболеваемости целесообразно руководствоваться, в первую очередь, экологическими, санитарно-гигиеническими, водохозяйственными и строительными нормами и правилами. В результате отрицательного антропогенного воздействия в бассейне Аральского моря сложилась экстремальная социально-экономическая и санитарно-эпидемиологическая ситуация, представляющая определенную угрозу для здоровья человека.

Проведенными исследованиями было установлено, что большинство заболеваний в Республике Каракалпакстан имеют более высокие, чем в целом по Узбекистану, показатели и, они обусловлены вредными экологическими

и санитарно-гигиеническими факторами, усилившимися в результате экологического бедствия. В первую очередь, это касается *первичной заболеваемости всего населения и детей до 14 лет всеми болезнями, болезней крови и кроветворных органов, почечнокаменной и жечнокаменной болезней, диарейных заболеваний, болезней органов дыхания, злокачественных новообразований и врожденных аномалий.*

Изучение взаимосвязи всей первичной заболеваемости населения, заболеваемости группами болезней и отдельными нозологическими формами заболеваний, смертности с одной стороны и усилившимися в результате экологического бедствия вредными экологическими и санитарно-гигиеническими факторами в Республике Каракалпакстан, с другой, позволило установить основные вредные факторы окружающей среды. Детерминирующими перечисленные заболевания и смертность вредными факторами являются используемая в питьевых и хозяйственных целях загрязненная вода (открытых водоемов, колодцев и водопроводная), продовольственное сырьё и продукты питания, выращенные на загрязненных почвах, загрязненный атмосферный воздух.

Причинами химического и бактериального загрязнения объектов окружающей среды являются:

- обмеление и продолжающееся снижение дебита реки Амударья ограничивают водопотребление в низовьях Амударьи;

- снижение дебита и скорости течения реки Амударья привело к падению способности самоочищения реки;

- воды открытых водоемов загрязняются при спуске коллекторно-дренажных и промывных вод (загрязненных химическими соединениями, примененными при выращивании сельхозкультур) в реку Амударья в верхнем и среднем течениях, в оросительные каналы;

- донные отложения с оголенного и

осушенного дна Аральского моря и высохших русел поймы реки и каналов, озер Приаралья во время пылевых бурь поднимаются в воздух и разносятся в юго-восточном направлении, осаждаются на землю, в том числе на поля, водные поверхности, населенные пункты и города;

- во время пылевых бурь солепыль поднимается также с поверхности загрязненной, засоленной почвы большой территории, вызывая повторное и вторичное загрязнение атмосферного воздуха, воды и почвы;

- загрязненные атмосферный воздух, почва и вода служат источником загрязнения животноводческой и растительной продукции, в дальнейшем используемой населением в качестве продовольственного сырья и продуктов питания.

К перечисленным экологическим проблемам добавляются следующие санитарно-гигиенические и социальные проблемы:

- более 36% населения продолжают пользоваться в питьевых и хозяйственных целях водой открытых водоемов и колодцев;

- основная часть населения, не охваченная централизованным водоснабжением, пользуется водой трубчатых колодцев из глубины 8-12 метров с повышенной минерализацией;

- бытовые фильтры для очистки воды эффективны кратковременно и не пользуются спросом у населения;

- водопроводная вода в целях экономии подается жителям населенных пунктов, райцентров и даже г. Нукуса 2-3 раза в день продолжительностью 1-3 часа, и поэтому население не успевает забрать воду согласно гигиеническим нормам;

- водопроводная вода перед подачей населению не проходит достаточную очистку, в 2010г. 24,7% проб водопроводной воды по химическим показателям и 2,2% - по бактериологическим показателям не соответствовали государственному стандарту;

- снижение бонитета почвы привело к выходу из оборота около половины сельхозугодий, сокращению урожайности, снижению уровня жизни населения, занятого в аграрном секторе.

В свете всего этого можно рассмотреть, какое же место занимают экологические проблемы Приаралья среди глобальных экологических проблем. По мнению Т.Эргашева и др. (2007), глобальными экологическими проблемами являются:

- ◆ глобальное изменение климата;
- ◆ эрозия почв, снижение плодородия, сокращение лесных массивов;

- ◆ нарастающий дефицит пресной воды, загрязнение атмосферы, почвы, воды и разрушение биологических фондов биосферы;

- ◆ миграция загрязняющих веществ по пищевой цепи человека, накопление их в теле человека и ухудшение здоровья;

- ◆ угроза от экологически опасных отходов радиоактивных и химически опасных пестицидов.

Применительно к условиям Республики Каракалпакстан, из перечисленных Эргашевым Т. проблем, можно выделить наиболее важные: нарастающий дефицит пресной воды; снижение плодородия почв; загрязнение атмосферы, почвы, воды; миграция загрязняющих веществ по пищевой цепи человека, накопление их в теле человека и ухудшение здоровья; угроза от химически опасных пестицидов.

Несомненно, дополнительным усугубляющим экологическую ситуацию фактором является климатический. Если глобальное потепление за 20-30 лет может привести к повышению среднегодовой температуры воздуха по Узбекистану на 1⁰С, то по северному региону (Южному Приаралью) на 2-3⁰С выше (Чуб В.Е., 2003).

Конечно, со стороны государственных органов принимаются самые активные меры по преодолению тяжелых последствий Аральской экологической катастрофы. При этом главным инициатором международного

признания Аральской экологической катастрофы, создания Межгосударственного фонда спасения Арала является президент Республики Узбекистан И.А.Каримов. В 1995г. на специальном заседании Генеральной Ассамблеи по случаю пятидесятой годовщины ООН Президент Узбекистана И.Каримов утверждал, что решение Аральской проблемы – это проблема всего мирового сообщества.

Учитывая всю серьезность экологической катастрофы Аральского моря Узбекистан 11-12 марта 2008г. в г.Ташкенте провел Международную конференцию «Проблемы Арала, их влияние на генофонд населения, растительный и животный мир и меры международного сотрудничества по смягчению их последствий», в работе которой представители ООН приняли активное участие.

В ноябре 2010 г. в Ташкенте состоялась Международная конференция «Трансграничные экологические проблемы Средней Азии: применение международных правовых механизмов для их решения», в работе которой приняли участие ученые, экологи, эксперты из 30 стран, представители более 60 международных организаций и финансовых институтов – ООН, ОБСЕ, ВОЗ, Всемирного банка, Всемирного фонда дикой природы, Международного союза охраны природы и др.

В настоящее время специалисты Всемирного банка разрабатывают экологическую стратегию, в которой будет определен комплекс и предложен новый подход к обеспечению экологической устойчивости. Однако груз основных мероприятий по смягчению последствий Аральской экологической катастрофы несет сам Узбекистан. Для организации и проведения масштабных мероприятий по преодолению последствий экологического бедствия требовалось создание законодательной базы и были приняты несколько законов Республики Узбекистан природоохранного характера. Также были приняты законы Республики

Узбекистан медико-санитарного характера, были внесены соответствующие изменения в Гражданский кодекс, Кодекс об административной ответственности и другие законодательные акты.

В обеих палатах Олий Мажлиса Республики Узбекистан были созданы Комитеты по экологическим вопросам; создана Аральская природоохранная прокуратура.

В Узбекистане осуществляются следующие практические меры по преодолению последствий экологической катастрофы:

- Приняты меры по обводнению приморских озер, были построены дамбы, с целью закрепления пылесоли на оголенном дне Арала проводились и продолжаются работы по выращиванию защитных насаждений;

- От Амударьи отведен сток Бегунийского коллектора;

- В годы независимости Узбекистана на Амударье сооружен ряд крупных водохозяйственных объектов, реконструированы оросительные ситемы Суэнли, Кызкеткен, Пахта-Арна и др.

Приоритетными задачами повышения экологической устойчивости в Южном Приаралье, направленными на снижение экологически детерминированных заболеваний и смертности населения являются:

- Реализация соглашений глав государств Центральной Азии по обеспечению гарантированных пропусков воды в Арал и Приаралье, заключение нового соглашения по охране и совместному использованию трансграничных водных ресурсов р. Амударьи в соответствии с Конвенцией ООН;

- Принятие координированного решения проблемы строительства Рогунской ГЭС в Таджикистане;

- Формирование экологической политики и устойчивого развития во всех областях деятельности;

- Ведение непрерывного экологического мониторинга за состоянием окружающей среды со стороны государственных (Госкомгидромет,

Госкомприроды, Центр Госсан-эпиднадзора), научных (НИИ и ВУЗы) и общественных организаций;

- Проведение мониторинга за нозоэкологической ситуацией, дальнейшее развитие математического моделирования, прогнозных разработок с выработкой своевременных практических рекомендаций;

- Регулярное проведение оценок экологически дестабилизационных территорий по ландшафтным контурам для организации мер по их восстановлению;

- Решение проблем занятости сельских жителей, принятие мер по

сокращению миграционного оттока и др.

Таким образом, одним из важнейших задач достижения социально-экономического благополучия населения являются укрепление материально-технической базы учреждений здравоохранения, повышение квалификации медицинских кадров, повышение санитарно-гигиенической культуры широких слоев населения, особенно в районах, наиболее пострадавших от экологической катастрофы.

Резюме

Мақолада Қорақалпоғистон Республикаси нозоэкологик вазиятини соғломлаштириши, бу борада қилинаётган ишлар ва амалга оширилиши зарур бўлган масалалар ҳақида сўз юритилади.

Рекомендует:

проф. Салиев А.С.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Усмонов М.Р., Қурбонов К.

Кириш

Эндиликда ўзига хос йўл танлаб, халқ хўжалигининг турли тармоқларида туб ислохотларни босқичма-босқич амалга ошираётган Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўз мавқеини мустақамлаб бормоқда. Бунга барча вилоятлар қатори Жиззах вилоятининг ҳам ўз улуши бор. Жиззах вилояти мамлакатимиз равнақига кўшаётган хиссаси нималардан иборат эканлигини чуқурроқ ўрганиш учун вилоятнинг иқтисодий географик ўрни, табиий шароити, ер усти ва ер ости бойликлари, иқлими, сувлари, аҳолиси, меҳнат ресурслари, иқтисодий тармоқлари, транспорти ва ташқи иқтисодий алоқалари, ҳамда кишлок хўжалиги каби соҳаларини чуқурроқ ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Асосий қисм

Жиззах сўзининг келиб чиқиши тўғрисида турли хил фикр ва мулоҳазалар мавжуд. А.Тошкенбоев, У.Носировнинг “Жиззах вилояти” номли рисоласида “Дизак” атамаси суғд тилида “қалъа”, айна пайтда Жиззах мавжуд табиий

белгиларга кўра “Сак таквими” маъносини англатиши ҳақида фикр юритишган. Проф. Ҳ.Ҳайдаров ўзининг “Жиззах вилояти тарихи” рисоласида туркий тилда “Диз” қалъа маъносини билдиради деб таъкидлаган. Қадимий манбаларда Жиззах IV-асрдан маълум бўлиб, араблар келмасидан олдин ўз аҳамияти жиҳатидан Уструшона давлатининг энг йирик шаҳарларидан бири ҳисобланган, Араб географлари ибн Ҳовқал ва Муқаддасийларнинг ёзишича, шаҳар обод бўлиб, работ ва жоме масжидлари кўп бўлган.

Қадимда Жиззахда кўпгина қарвон йўллари бирлашиб, Амир Темур (Илон ўтди) дарвозаси орқали Самарқанд воҳасига ўтган. Жиззах дарвоза вазифасини ўтаб, Бухоро, Хуросон, Ўрта Шарқ билан Тошкент, Фарғона водийсини бир бири билан боғлаган. Бобурномада Жиззахни “Дизак” деб тилга олиб, шаҳар тўғрисида шундай ёзади: “Семиз этлар ва майда этмаклар арзон, чучук қовунлар ва яхши узумлар фаровон”.

Амир Темур ва Темурийлар даврида Жиззах яна ҳам ободанлашиб, савдо сотиқ ва стратегик аҳамиятни касб эта бошлаган. XVI-XIX асрларда Жиззах Бухоро амирлигига тобе бўлган. XIX-асрнинг иккинчи ярмида у Туркистон генерал губернаторлигининг таркибига киритилган. XX - асрнинг 30 йилларидан бошлаб Жиззах вилояти учун ўзига хос ривожланиш даври бошланган. Жиззах чўлининг ўзлаштирилиши, янги шаҳар ва қишлоқ туманларининг пайдо бўлиши, замонавий саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналарнинг бунёд этилиши вилоятнинг яна ҳам ривожланиш истиқболлини белгилаб берди.

Жиззах вилоятини ташкил этиш тўғрисидаги 1973 йилнинг 29 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси ҳукумати фармонида асосан Самарқанд вилоятидан Фориш, Бахмал, Ғаллаорол ва Зомин туманлари, Сирдарё вилоятидан Жиззах, Дўстлик, Пахтакор, Мирзачўл ва Зафаробод туманлари янги ташкил этилган вилоят таркибига киритилди. 1975 йилнинг 26 ноябрида Арнасой тумани, 1979 йилнинг 7 декабрида Зарбдор тумани, 1999 йил Янгиобод тумани ташкил этилиб, Жиззах вилояти таркибига қўшилди. Шундай қилиб хозирги вақтда вилоят таркибида 12 та туман, 1 та (Жиззах ш.) вилоятга бўйсинувчи, 7 та туманга бўйсинувчи шаҳарлар, 8 та шаҳарча, 561 та қишлоқ мавжуд.

Вилоят Ўзбекистоннинг марказий минтақасида жойлашган, узунлиги шарқдан ғарбга 180 км, шимолдан жанубга 175 км.га чўзилган. Майдони 21,2 минг кв.км, қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган жами ер майдони 4,8 минг кв.км. Ўрмон ва ўрмончилик билан боғлиқ экинлар экиладиган майдон 1,8 минг кв.км.ни ташкил этади. Вилоят жанубий шарқда Тожикистон давлати, жанубий ғарбда Самарқанд, шимолий-ғарбда Навоий вилоятлари, шимолий-шарқда Қозоғистон давлати ва Сирдарё вилоятлари билан чегарадош. Чегарасининг умумий узунлиги 850 километрдан ортиқ.

Вилоятнинг ташқи иқтисодий

алоқалари асосан мустақилликка эришгандан сўнг янада ривож топди. Хорижий инвесторлар учун вилоятда мавжуд бўлган табиий бойликлар ва меҳнат ресурсларидан тўғри ва оқилона фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратилмоқда. Эндиликда ривожланган давлатлар хисобланган АҚШ, Буюк Британия, Германия, Италия, шунингдек Хитой, Покистон, Ҳиндистон, Туркия, Эрон, Россия, Украина, Қозоғистон ва бир қатор бошқа мамлакатларнинг фирма ва компаниялари билан яқин иқтисодий алоқалар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда вилоят ҳудудида 50 дан ортиқ қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Улар замонавий технологиялар билан жихозланиб, вилоят халқ хўжалигининг турли соҳаларида 100 дан зиёд турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда. Булар орасида республикадаги ягона бўлган “ЎзЭксайд” Жиззах-Америка қўшма корхонасини мисол келтириш мумкин. Қўшма корхона 2000 дан ортиқ кишини иш билан таъминлаб, ҳар йили 1,0 миллион дондан ортиқ кислотали аккумуляторлар ишлаб чивариш қувватига эга. Корхона ишлаб чиқараётган маҳсулот нафақат ички бозорда, балки қўшни Ҳамдўстлик давлатларида ҳам унга талаб катта.

Вилоят марказида қуввати 50 минг тонна чигитни қайта ишлаб, ўсимлик мойи, шелуха ва кунжара ишлаб чиқарадиган “Жибри” Жиззах-Буюк Британия қўшма корхонаси ҳамда “Жиззах ЛРС Пласт” Жиззах-Германия ва бир неча қўшма корхоналар фаолият кўрсатиб, вилоят иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига ўз хиссасини қўшмоқда.

Ўзбекистон ташқи фаолият миллий банки Жиззах вилояти бўлими халқаро молия ташкилотлари билан ҳамкорлик қилмоқда. Банкнинг кўмаги асосида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган “Бахмал Инвест ЛТД” Ўзбекистон–Ҳиндистон ҳамда 6 минг тонна чигитни қайта ишлаш асосида ўсимлик мойи тайёрловчи “Мадинабону” Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси маҳсулот бермоқда.

Жиззах вилояти географик ўрнининг “марказийлиги” ва трансчегаравийлиги унинг тарихий, иқтисодий ва сиёсий ривожланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилган. Қадимдан Буяк Ипак йўли Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Ўратепа чорраҳасида жойлашганлиги минтақанинг тарихий, иқтисодий-ижтимоий ривожланишини белгилаган. Минтақа турли фойдали қазилмаларга бой. Учқулоч полиметал (рух, кўрғошин), Қўйтош вольфрам, молибден, Маржонбулоқ олтин, Узунсой мрамор, Чимкўрғон оҳак конлари саноат ишлаб чиқариши учун муҳим аҳамиятга эга. Масалан, Учқулоч полиметал конидан қазиб олинаётган рух ва кўрғошин рудалари Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинати учун хом-ашё манбаи хисобланади.

Вилоят ўзининг минтақавий иқтисодиёт тузилмасига кўра тез суръатлар билан ривожланиб бораётган аграр-индустриал минтақа хисобланади. 2012 йилги маълумотларга қараганда, вилоят ҳиссасига республика ялпи ички маҳсулоти қийматининг 2,6 фоизи тўғри келади. Бу ерда қишлоқ хўжалиги етакчи ҳисбланади; қишлоқ хўжалик экинларининг умумий майдони 3775 минг гектарни ташкил қилади. Етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий қисми нодавлат сектори ҳисобланган фермер ва деҳқон хўжаликлари улушига мос келади. Деҳқон хўжаликларининг аҳамияти хусусан чорвачиликда, сабзавот ва полиз

маҳсулотлари етиштиришда кўпроқ.

Маълумки, республика аҳолиси 30 миллион кишидан ортиб кетди. Бу эса, ўз навбатида, аҳолини турар жой, иш билан таъминланиш масаласини келтириб чиқаради. Вилоятни янада ривожлантириш ҳамда ободонлаштириш борасида Президентимизнинг сайёҳи-ҳаракатлари билан кўплаб янги посёлкалар, аҳоли пунктлари бунёд этилмоқда. Янги-янги кўшма корхоналар очиш, йўллар қуриш, аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида кичик бизнесни ривожлантириш, ички бозор учун зарур бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларни ривожлантириш вилоят олдида турган муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Хулоса

Вилоятда меҳнат ресурслари етарли, шу боис, минтақада меҳнатни кўп талаб қилувчи тоғ-кон, рангли металлургия ҳамда озиқ-овқат ва енгил саноат тармоқларини ривожлантириш имкониятлари катта. Жиззахнинг қулай транспорт ва иқтисодий географик ўрnidан фойдаланиб, вилоят Марказий ва Зарафшон минтақаларини боғловчи халқа ва ўзига хос ўсиш кутби сифатида ривожланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2013 йил 18 мартдаги фармони билан “Жиззах” махсус индустриал зонаси барпо этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинди. Келажакда Жиззах вилояти ҳудудида саноат тармоқлари ишлаб чиқариш уч қарра кўпаяди.

Адабиётлар:

1. Тошкенбоев А., Носиров Ў. Жиззах вилояти. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1996.
2. Ҳакимов Қ., Ғўдалов М. Жиззах вилояти географияси. – Жиззах, 2004.
3. Солиев А., Назаров М., Қурбонов Ш. Ўзбекистон ҳудудлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиши. Монография. – Тошкент: “Мумтоз сўз”, 2010.

Резюме

В статье рассмотрены некоторые аспекты социально-экономического развития Джиззакского вилоята. Анализируются потенциальные возможности перспективного развития региона.

Тавсия этувчи:

проф. Солиев А.С.

ЗАРАФШОН МИНТАҚАСИДА ҚУРИЛИШ САНОАТИ ВА УНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИДА ТУТГАН ЎРНИ

Уралов Е.О.

Ўзбекистоннинг марказий қисмида жойлашган Зарафшон минтақаси таркибига Бухоро, Навоий ва Самарқанд вилоятлари киради. Минтақа майдони 168,1 минг км² бўлиб, унга республика худудининг 37,4 фоизи, аҳолисининг 19,9 фоизи, ялпи ички маҳсулотининг 27 фоизи, саноат маҳсулотининг 25,7 фоизи, қурилиш материалларининг 33,5 фоизи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 26,7 фоизи тўғри келади (2011 й.).

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг қисқа вақт мобайнида бозор муносабатларининг қарор топиши ва ривожланиши учун абъектив ижтимоий – иқтисодий, ҳуқуқий ва сиёсий шарт-шароитлар яратилди ва улар бугунги кунда ҳам давом эттирилмоқда. Аммо иқтисодийнинг барқорор ривожланиши учун энг аввало стратегик вазифаларни аниқ белгилаб олиш зарур. “2011-2015 йилларда Ўзбекистон саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида дастури тасдиқланди. Ушбу дастур саноат соҳасида умумий қиймати қариб 50 миллиард долларни ташкил этадиган 500 дан ортиқ йирик инвестиция лойиҳасини амалга оширишни кўзда тутади”¹

Демак, келгусидаги асосий вазифалари қурилиш - асосий моддий ишлаб чиқариш тармоқларидан биридир. У миллий иқтисодиётда учинчи (саноат ва қишлоқ хўжалигидан кейин) ўринда туради. Қурилиш маҳсулоти - барча турдаги ишлар бўйича тугалланган ва ишга туширишга тайёр бўлган ишлаб

чиқариш ва ноишлаб чиқариш асосий фондлари, шунингдек, амалдаги корхоналарнинг кенгайтирилиши ва қайта таъмирланиши, уларда ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан қайта жиҳозланишидир. Уй-жой муаммоларининг ечими батамом қурилиш зиммасига юклатилади.

Қурилиш ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва миллий иқтисодиётни комплекс юксалтиришда катта роль ўйнайди. Бу тармоқда жамғариш фондининг тахминан учдан икки қисми амалга оширилади, мамлакат ялпи ижтимоий маҳсулотининг 10 фоизидан кўпроқ қисми яратилади. Қурилишнинг миллий хўжалик микёсидаги аҳамияти ва етакчи роль ўйнашига яна бир сабаб шуки, у аҳолининг катта қисмини иш билан таъминлайди, фан-техника ва ижтимоий тараққиётнинг жадаллашишига, ижтимоий меҳнат унумдорлигининг ўсишига имкон яратади.

Қурилиш, моддий ишлаб чиқариш тармоғи сифатида, аввало ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг характери, яъни унинг кўчмаслиги, ўлчамлари катталиги, серқирра ва мураккаблиги билан боғлиқ ўзига хос хусусиятларга эгадир. Қурилиш маҳсулоти кўп меҳнат ва капитал сарф-ҳаражатларни талаб қилади, уни ишлаб чиқариш цикли узоқ муддатлидир, уни ишлаб чиқаришга соат ёки дақиқа эмас, балки ҳатто 10, 20 кундан ҳам кўп вақт талаб қилинади. Қурилишда қўлланиладиган асбоб-ускуналар ва меҳнат предметлари ўзига хос турда ва таркибда бўлишидан ташқари, улар ҳаракатланувчи ҳам бўлади.

Мамлакатимиз кўп тармоқли қурилиш материаллари саноатига эга. Бу саноатнинг хом ашё ресурслари республикаимизнинг барча минтақаларида жуда кўп миқдорда учрайди. Цемент, асбест-цемент, деворбоп материаллар,

¹ И. Каримов. “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” – 2010 йилнинг асосий яқунлари ва 2011 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2011 йил 22 январь.

темин-бетон конструкциялари, юмшоқ том ёпгич ва гидроизоляция материаллари, табиий тошлардан қоплама материаллари, қурилиш керамикаси, иссиқлик изоляцияси материаллари, ойна, линолеум, оҳақ, гипс, боғловчи материаллари ва улардан буюмлар, санитария-гигиена жиҳозлари, полимер хом ашёдан қурилиш материаллари ва нометалл хом ашёлардан дала шпати, асбест, глауоконит, волластант, графит, тальк, абразивлар, кварц кумлари, бетонит гили кабилар ушбу тармоқ маҳсулотидир. Қимматбаҳо ва ишлов бериладиган тошлардан топаз, фερуза, тоғ, хрусталли, яшма, аметисит, халцедон, нефрит, лазурит, радонит, амазонит, агальмотанитларнинг ҳам йирик-йирик заҳиралари мавжуд. Жумладан, республикада волластанитнинг 50 га яқин, мрамарнинг 20 дан ортиқ, графитнинг 30 дан ортиқ конлари топилган.

Тармоқ корхоналарида 100 дан ортиқ номдаги асосий маҳсулот турлари тайёрланади. Республикада турли қурилиш материалари ишлаб чиқарилган 80 дан зиёд корхоналар “Ўзқурилишматериаллари” компаниясига таркибига киради; 23 та акциядорлик жамияти, 39 та масъулияти чекланган жамият, 14 та

хусусий корхоналар фоалият кўрсатиб келмоқда.

Мустақиллик йилларида қурилиш материаллари саноати ҳам деярли қайта тикланди, замонавий ускуналар, янги технология асосида жиҳозланганди. Жуда кўп қўшма корхоналар пайдо бўлди, натижада, катта миқдорда ва сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми тез ўсиб бормоқда.

Қурилиш материаллари саноати тармоқлари юксак механизациялашган ва халқ хўжалигининг қурилиш материалларига бўлган талабини тўла қондиради. Хорижий инвесторлар иштирокида янги қўшма корхоналар қурилмоқда, ишлаб турган корхоналар замонавий технология билан жиҳозланиб кенгайтирилмоқда.

Ўзбекистонда табиий хом ашёдан қурилиш материаллари сифатида фойдаланиш тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Айниқса бинолар қурилишида пиширилган ва хом ғишт, гувала, ёғоч синч, оддий тупроқ, яъни лойдан тикланадиган пахса асрлар давомида асосий қурилиш материаллари бўлиб келган. Хумдонларда пиширилган ғишт, сопол, чинни кошин, ганч, йўнилган гранит, мрамар тошлар сарой, мадраса, масжид, работлари қурилишида кенг қўлланилган.

1-жадвал

Минтақалар бўйича цемент ишлаб чиқариш (минг тонна)

Минтақалар	2000 й.	2003 й.	2005 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 м	2011 й.
Ўзбекистон Республикасида	3284,4	4062,2	5067,9	6042,5	6647,0	6552,8	6807,8	6707,0
Тошкент	1254,9	1392,6	1660,1	2434,3	2656,2	2669,9	2578,9	2468,04
Фарғона	741,9	780,8	900,0	1007,4	941,9	1037,8	1073,3	1074
Зарафшон	1287,6	1888,8	2507,8	2600,8	3048,9	3145,1	3155,5	3165,0
Мизачўл	-	-	-	-	-	-	0,1	-
Жанубий	-	-	-	-	-	-	-	-
Қуйи Амударё	-	-	-	-	-	-	-	-

Жадвал Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Минтақалар бўйича энг кўп цемент Зарафшон минтақасида (Навоий вилоятида) ишлаб чиқарилмоқда. 2000 йилда бу ерда 1287,6 минг тонна цемент тайёрланган. Бу кўрсаткич 2011 йилда 3165,0 минг тонна ташкил этди.

Цемент ишлаб чиқаришда

минтақалар ичида кейинги иккинчи ўринни Тошкент минтақаси эгалайди. 2000 йилда 1254,9 минг тонна, 2011 йилда эса 2468,0 минг тонна цемент ишлаб чиқарган. Учинчи ўринда Фарғона минтақаси туради: 2000 йилда 741,9 минг тонна, 2011 йилда 1065,0 минг тонна

цемент ишлаб чиқарилган. Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича девор учун материаллар ишлаб чиқариш бўйича

2000 йилда Қуйи Амударё, Тошкент, Зарафшон, Фарғона, Жанубий минтақалари ажралиб турган.

2-жадвал

Худудлар бўйича девор материаллар ишлаб чиқариш (минг тонна)

Минтақалар	2000 й.	2003 й.	2005 й.	2007 й.	2010 й.
Ўзбекистон республикаси	650,9	489,5	502,3	582,2	754,3
Тошкент	173,4	143,8	166,8	157,9	217,8
Фарғона	103,9	75,8	69,9	87,7	105,1
Зарафшон	143,3	113,5	123,2	128,4	167,3
Мирзачўл	11	3,8	3,7	4,0	9,1
Жанубий	82,8	87,2	83	137,1	189,4
Қуйи Амударё	136,5	65,4	55,7	67,1	65,6

Манба: Ўзбекистон қурилиш саноати материаллари. – Тошкент, 2012.

2005 йилда эса Тошкент, Зарафшон, Жанубий минтақаларида ишлаб чиқариш юқори кўрсаткичга эга. Қуйи Амударё, Зарафшон минтақаларида 2000 йилга

нисбатан пасайиш кузатилган. 2010 йилда Тошкент, Жанубий, Фарғона минтақаларида ўсиш юз берди. Қолган минтақаларда пасайиш қайд этилади.

3-жадвал

Ўзбекистонда ғишт ишлаб чиқариш (миллион дона)

Минтақалар	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.
Ўзбекистон Республикаси	653,9	817,1	1141,6	1225,0
Тошкент	224,8	273,5	394,8	330,7
Фарғона	84,4	119,9	181,1	255,4
Зарафшон	127,8	175,9	238,6	277,6
Мирзачўл	10,1	18,8	26,2	47,1
Жанубий	117,4	135,1	180,2	175,1
Қуйи Амударё	89,4	93,9	120,7	139,1

Ўзбекистонда ғишт ишлаб чиқаришда асосан Тошкент, Зарафшон, Жанубий минтақалар етакчилик қилади. Масалан, 2008 йилда республика бўйича 653,9 млн. дона ғишт ишлаб чиқарган, шундан 34,4 фоизи Тошкент минтақасига тўғри келади. Зарафшон минтақаси унинг

19,5 фоизини ташкил этади.

Юқоридаги жадваллардан маълумки мамлакатимиз кўп тармоқли қурилиш материаллари саноатига эга. Бу саноатнинг хом ашё ресурслари республикамизнинг барча минтақаларида жуда кўп миқдорда учрайди.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 1995.
2. Набиев Э., Қаюмов А. Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти. – Тошкент, 2000.
3. Солиев А, Ахмедов Э., Махаммадалиев Р. ва бошқ. Минтақавий иқтисодиёт. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Университет, 2003.
4. Ўзбекистон қурилиш саноати материаллари. – Тошкент, 2012.

Резюме

Содержание статьи дает некоторое представление о развитии и размещении промышленности строительных материалов, о географии производства отдельных видов строительных материалов в Зарафшанском экономическом районе.

Тавсия этувчи:

проф. Қаюмов А.А.

НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ СОЗДАНИЯ СЭЗ В УЗБЕКИСТАНЕ

Алимова Г.А.

Процесс интеграции и глобализации, стирая границы в продвижении товаров и услуг, стирает и рамки конкуренции между странами. Если раньше страны конкурировали в пределах своего региона или континента, то в условиях ускоряющейся глобализации товаропроизводителям любой страны приходится конкурировать с производителями почти всего остального мира. В результате развивающиеся страны испытывают жесткое влияние конкуренции со стороны более развитых стран. Поэтому развивающиеся страны должны применять соответствующие меры для здорового функционирования экономики страны.

К примеру в Узбекистане во избежание таких проблем последовательно осуществляются рыночные экономические реформы, и этот процесс углубляется с каждым годом [1, с. 27-40]. В целях формирования благоприятных условий для дальнейшего привлечения иностранных инвестиций, организации современных высокотехнологичных производств 2 декабря 2008 года был принят Указ Президента Республики Узбекистан «О создании свободной индустриально-экономической зоны в Навоийской области» [2].

Сегодня во многих государствах одной из эффективных и перспективных форм привлечения инвестиций для развития экономического и научного потенциала стали свободные экономические зоны (СЭЗ). В настоящее время насчитывается около 3500 СЭЗ в более чем 130 странах мира, в том числе в таких, как Германия, Англия, Канада, США, Япония. Только экспортный оборот этих зон, где работают свыше 50 миллионов

человек, превышает 600 миллиардов долларов США.

Классификация свободных экономических зон, выделении различных их типов (видов). Чаще всего основой для

классификации СЭЗ служат четыре главных критерия:

1) характер деятельности и функциональное предназначение. Это одна из наиболее ранних (возникших еще в XVI-XVII вв.) разновидностей свободных экономических зон. К ней относятся свободные таможенные зоны, торгово-складские зоны, свободные порты, но в первую очередь — *зоны свободной торговли (ЗСТ)*, получившие наиболее широкое распространение;

2) степень интегрированности в мировую и национальную экономику. СЭЗ этого типа принято подразделять на экспорто-ориентированные и импорто-ориентированные. Первые из них работают на внешний рынок, а вторые на внутренний. *Экспортно-производственных зон* значительно больше, так что они в основном и формируют вторую группу СЭЗ. В отличие от зон свободной торговли, экспортно-производственные зоны предназначены прежде всего для увеличения экспортного потенциала страны и, соответственно, ее валютных доходов. Некоторые из них возникли на базе трансформации зон свободной торговли, но большинство создавалось целенаправленно с экспортной ориентацией. Для многих таких зон характерно преобладание сборочных предприятий;

3) отраслевой признак образуют научно-технологические (технико-внедренческие) СЭЗ, в которых концентрируются национальные и зарубежные проектные, исследовательские, научно-производственные фирмы, также пользующиеся единой системой налоговых и финансовых льгот. Задача таких СЭЗ заключается в разработке и внедрении в отечественную практику новейших технологий. Они имеют характер инновационных и научных центров, научных, исследовательских парков, технопарков и др;

4) характер собственности (они могут быть государственными, частными и смешанными) предоставляющие

льготные условия тем фирмам и учреждениям, которые специализируются на оказании различного рода услуг, в основном финансовых, но также и других. Среди них различают оффшорные зоны, финансовые центры, центры предоставления банковских, туристских и иных услуг.

Все это создает достаточно широкий диапазон для разного рода трактовок: одни авторы считают, что существует до 25—30 разновидностей СЭЗ, другие ограничиваются 10—15 и еще меньшим числом их типов.

Проанализировав мировой опыт, можно выявить следующие условия которые обеспечивают успешное функционирование СЭЗ [3, с. 36-56]:

-выбор территории для создание СЭЗ;

-специализация СЭЗ;

-виды предоставляемых льгот;

Выбор территории на которой будет функционировать СЭЗ – это первый и важный шаг, определяющий последующее состояние не только проекта, но и дальнейшую перспективу развития и уровня жизни населения. Выбранная территория должна быть не только интересна для предпринимателей, инвесторов, но и обязана стать точкой импульса роста соседних регионов. Таким образом, одним из неперенных условий создание СЭЗ является выгодное экономико-географическое положение. Для небольших, «точечных», СЭЗ это прежде всего соседство с международным портом или аэропортом.

Вопросы специализации СЭЗ вызывают споры среди специалистов и учёных, которые считают, что многие успешные СЭЗ были созданы без четко определенной специализации. Однако это лишь на первый взгляд. Ряд самых известных, успешных СЭЗ «Азиатских тигров» не были созданы в качестве специальных промышленных зон, направленных на развитие одного или нескольких отраслей промышленности. К примеру В США созданы такие СЭЗ, которые направлены исключительно на внутреннее развитие, т.е на поддержание

слаборазвитых и депрессивных регионов. В таких СЭЗ роль таможенных льгот снижается до минимального, но усиливается значение налоговых льгот.

Создание СЭЗ обычно предусматривает особые льготы для осуществления торговых операций, здесь возможна даже отмена экспортно-импортных пошлин, налоговые льготы, которые при необходимости могут быть отменены налогообложения, финансовые льготы на предоставление коммунальных и иных услуг и административные льготы, облегчающие процедуры въезда и выезда, регистрации предприятий и т. д.

Однако процесс создания и обеспечения успешного функционирования СЭЗ является сложным и ёмким. Так, после обретения независимости большинство первых СЭЗ в силу неготовности экономических институтов, прежде всего, нахождения частного сектора в начальной стадии формирования, потерпели неудачу и были в последующем расформированы.

Сегодня СИЭЗ Навоий можно назвать успешно функционирующей. Итак, почему же СИЭЗ Навоий мы считаем успешным?

- Развитая транспортная инфраструктура: г. Навои расположен на перекрёстке важнейших торговых путей между Китаем и Европой;

- Реконструированный аэропорт г. Навои с возможностью посадки грузовых самолётов;

- Широкий сырьевой потенциал;

- Выгодное географическое положение: город находится в географическом центре РУЗ, т.е. до сопредельных стран примерно одинаковое расстояние.

Созданные условия в СИЭЗ «Навоий» оказались благоприятными и надежными для привлечения инвестиций. В результате возрос интерес со стороны инвесторов. Сегодня на территории СИЭЗ успешно начали функционировать свыше 20 предприятий зарубежных инвесторов из таких стран, как Южная Корея, КНР, Сингапур, Индия, ОАЭ и др.

СИЭЗ «Навоий» это колоссальный опыт, который открывает новые возможности для реализации других программ развития. Так, на основе полученного опыта СИЭЗ «Навои» и с учетом природно-экономического потенциала регионов, Указом Президента Республики Узбекистан от 13 апреля 2012г. УП-4436 была создана Специальная индустриальная зона «Ангрен». Неслучайно «Ангрен» был выбран в качестве ещё одного крупного проекта. Эта зона всегда вызывала повышенный интерес, как со стороны государства, так и крупных инвесторов. В данном регионе заключён колоссальный потенциал и конечно сам процесс выбора зоны «Ангрен» был осуществлен на основе тщательного анализа промышленного и инвестиционного потенциала регионов, их удобного расположения для выхода на внешние рынки[4].

Но мы не можем говорить о идентичности СИЭЗ «Навоий» и СИЗ «Ангрен» так как сами эти регионы сильно отличаются друг от друга. Ангрен-Ахангаранский регион относится к депрессивному региону, т.е данная зона была некогда индустриальной с комплексом предприятий, подкреплённой ресурсной базой и опытом, квалификацией рабочей силы, однако в силу определенных сложностей находящемся в временно депрессивном состоянии.

Сегодня со стороны Правительство страны были приняты индивидуальные меры, которые не ограничиваются только налоговыми льготами и сроками предоставления их, но и всеми

необходимыми для быстрого развития льготами. Согласно Указу Президента страны УП-4436, в случае СИЗ «Ангрен» нижняя планка необходимого объема инвестиций для получения предлагаемых льгот и преференций была установлена ниже, чем в случае с СИЭЗ «Навои». Это обусловлено, как уже было сказано выше, спецификой Ангреновской зоны.

Немаловажной особенностью СИЗ «Ангрен» является его географическое расположение, т.е вблизи столицы г. Ташкента. Этот факт является преимуществом и для СИЗ «Ангрен», который получает возможность привлечения крупных инвесторов, основная часть которых находится в столице, что говорит об их предпочтении вести деятельность непосредственно в столице или в столичной области. С учетом этих факторов представляется целесообразным создание в СИЗ «Ангрен» в большей степени трудоемких, чем капиталоемких производств.

Таким образом, создание СЭЗ является неотъемлемой частью быстрого роста экономики страны, её интеграционного процесса. В этой связи принятый 2 декабря 2008 года Указ Президента Республики Узбекистан «О создании свободной индустриально-экономической зоны в Навоийской области», а также принятый в апреле 2012 года Указ Президента страны О создании специальной индустриальной зоны «Ангрен» подтверждает, что в Узбекистан планомерно осуществляет намеченную общую экономическую политику страны[4].

Литература:

1. Каримов И.А., Узбекистан по пути углубления экономических реформ. – Ташкент: Из-во Узбекистон, 1995. - С. 27-40.
2. Фатеев В.С. Региональная политика: теория и практика. – Минск: Из-во ЕГУ, 2004. - С. 36-56.
3. Указ Президента Республики Узбекистан «О создании свободной индустриально-экономической зоны в Навоийской области». – Ташкент, 2 декабря 2008 года.
4. Указ Президента страны принятый «создании специальной индустриальной зоны «Ангрен». 13 апреля 2012 года.
5. <http://www.reserves.ru/autors/>
6. <http://old-opec.hse.ru>
7. <http://www.worldbank.org/>

Резюме

Мақолада мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий салоҳиятини юксалтиришда инвестицаларни самарали ва истиқболли жалб қилиш шакли сифатида эркин иқтисодий зоналарнинг (ЭИЗ) ўрни ва аҳамияти ёритилган

Рекомендуэт:

проф. Салиев А.С.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ДЕМОГРАФИК РИВОЖЛАНИШИНИНГ МЕХНАТ РЕСУРСЛАРИ ВА АҲОЛИ БАНДЛИГИГА ТАЪСИРИ

Ибрагимов Л.З.

Кириш

Республикамиз бозор иқтисодиёти шароитида меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш, ишсизлик муаммосини бартараф этиш, меҳнат бозорини тартибга солиш бўйича фаол ижтимоий-иқтисодий сиёсат олиб борилмоқда. Сабаби, меҳнат салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, миллий иқтисодиётни ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш ҳамда юксак тараққий этган давлатлар қаторига қўшилиш ҳар бир мамалакат олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир. Шу нуқтаи назардан, мамлакат ва унинг турли ҳудудларидаги демографик вазиятни ўрганиш долзарб масала ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади. Ушбу ишнинг мақсади минтақадаги геодемографик вазиятни таҳлил қилиш асосида унинг меҳнат ресурслари ва аҳолининг иш билан бандлигига таъсирини кўрсатиб беришдан иборат.

Асосий қисм. Ҳозирги вақтда республикамиз ва унинг турли минтақаларида ўсиб бораётган меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш учун кўпгина чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Айнан шундай ҳудудлардан бири Самарқанд вилоятида ҳам аҳолининг иш билан бандлигини ошириш, меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш борасида қатор ишлар бажарилмоқда. Аммо бу борада олиб борилаётган иқтисодий ислохатларга қарамасдан, баъзи муаммолар борлиги кўзга ташланади. Муаллиф фикрича, мавжуд муаммоларни босқича-босқич бартараф этиш учун демографик омилларнинг таҳлили, аҳолининг ҳудудий хусусиятлари, туманлар миқёсида унинг демографик ривожланиши, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш каби масалаларни чуқур ўрганиш талаб этилади.

Меҳнат ресурслари сонининг ўзга-

риши, ишсизлик муаммоси, аҳолининг бандлик даражаси ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий вазияти бевосита минтақанинг демографик ривожланишига боғлиқ бўлиб, улар қуйидагиларда ўз аксини топади:

- минтақа аҳолиси сонининг тез ўсиб бораётганлиги;

- туғилишнинг юқори суръатда сақланиб қолаётганлиги;

- аҳолининг миграцияга мойиллигининг юқорилиги;

- меҳнат ресурслари салмоғининг катталиги ҳамда ортиб бораётганлиги.

Самарқанд вилояти аҳоли сони 2011 йил маълумотларига кўра, 3270,8 минг киши бўлиб, шундан меҳнат ресурслари сони 1900,2 минг киши, аҳолининг иш билан бандлик бўлган қисми эса 1269,8 минг кишини ташкил этган. Мустақилликнинг дастлабки йилларидан 2012 йилга қадар вилоят аҳолиси 151,7 фоизга ўсган. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, республика аҳолиси 1991-2010 йиллар орасида 8,2 млн кишига ортган ёки 1,4 мартага кўпайган бўлса, шунинг 1 миллиони Самарқанд вилоят ҳиссасига тўғри келади. Бундай ҳолат вилоят аҳолисининг мутлоқ ўсишида юқори кўрсаткич ҳисобланади. Натижада, республиканинг демографик ривожланишида вилоятнинг улуши узлуксиз ошиб бораётганлигини кўришимиз мумкин.

Вилоят аҳолиси асосан табиий ўсиш ҳисобига кўпаймоқда. Ушбу жараёни туманлар миқёсида таҳлил қилиш асосида уларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Туғилиш коэффициенти юқори (24 промилледан ортиқ) бўлган туманлар: Пайарик, Нуробод, Ургут.

2. Туғилиш коэффициенти ўртача (22-24 промилле) бўлган туманлар: Булунғур, Жомбой, Иштихон, Қўшробод, Самарқанд, Пастдарғом.

3. Туғилиш коэффиценти паст бўлган (22 промилледан паст) туманлар: Тойлок, Пахтачи, Оқдарё, Нарпай, Каттакўрғон.

Табиий кўпайиш ҳам туғилишга мос ҳолда ортиб бормоқда. Туғилиш, табиий кўпайиш кўрсаткичлари 1991 йилга нисбатан 12 промиллега пасайганлиги ва унинг охириги 4-5 йил мобайнида яна бироз кўтарилиб бораётганлини кўришимиз мумкин. Масалан, 2006-2010 йиллар давомида республикада жами аҳоли сони 26663,8 минг кишидан 28453,7 минг кишига ёки 6,7 фоизга, Самарқанд вилоятида эса, мос равишда, 2912,0 минг кишидан 3140,2 минг кишига, яъни 7,8 фоизга кўпайган. Таҳлил қилинаётган даврда республикада аҳолининг ўртача йиллик кўпайиш суръати 1,34, Самарқанд вилоятида эса 1,56 фоизни ташкил этган. Кўриниб турибдики, сўнгги йиллар давомида вилоятда аҳолининг ўсиш суръати республика ўртача кўрсаткичидан юқори бўлган. Табиий кўпайиш минтақада ўртача 18 промилле (2011 й.) атрофида. 2006-2010 йиллар давомида вилоят бўйича жами аҳоли сони 228,2 минг кишига кўпайган. Аҳоли сонининг кўпайиши вилоятнинг шаҳар ва туманларида бир меъёрда кечмаган. Жумладан, Оқдарё, Булунғур, Жомбой, Иштихон, Каттакўрғон, Қўшрабод, Пастдарғом, Нуробод, Ургут ва Тойлок туманларида аҳоли сонининг ўсиши вилоят ўртача кўрсаткичидан юқори, Самарқанд, Каттакўрғон шаҳарлари ва Нарпай, Пойарик, Пахтачи, Самарқанд туманларида эса, аксинча, паст бўлган.

Аҳоли сонининг ўсиб бориши, биринчи навбатда, оиланинг демографик ривожланишига боғлиқдир. Статистик маълумотлар таҳлили Самарқанд вилоятида яшовчи оилалар сонининг ортиб бораётганлигини кўрсатади. Жумладан, 2006 йилда вилоят бўйича оилалар сони 716,6 мингтани ташкил этган бўлса, 2010 йилга келиб бу миқдор 753,2 мингга етган ёки 5,1 фоизга кўпайган. Шунга боғлиқ ҳолда битта оиллага тўғри келувчи фарзандлар сони 4,0 нафардан 4,1 нафарга ошган; 2 ёшгача

болалари бўлган оилалар сони 2006 йилда 132,4, 2010 йилда эса 158,7 мингтани ташкил этган ёки 19,8 фоизга кўпайган.

Аҳоли сонининг ортиб бориши билан вилоятда аҳоли зичлиги ҳам ортиб бормоқда. 1991 йил ўртача 1 кв.км га 130 киши тўғри келган бўлса, 2012 йилда бу кўрсаткич 194 киши тенг бўлган. Бу эса аҳолининг ҳудудий таркибида турли тафовутлар ва муаммолар борлигини кўрсатади. Аҳолининг энг юқори зичлиги Самарқанд қишлоқ туманига тўғри келади (590), иккинчи ўринда (552) Тойлок тумани туради. Бу туманлар кўрсаткичлари республикада аҳоли зичлиги энг юқори бўлган Андижон вилоятига ўхшаб кетади. Шунингдек, Ургут, Нарпай, Пастдарғом туманларида ҳам зичлик кўрсаткичлар юқори. Аҳоли сийрак жойлашган ҳудудлар асосан тоғли ҳудудлар бўлиб, бу ердаги туманларда аҳоли зичлиги 1 кв. км га (24-47) киши, ваҳоланки, унинг икки тумани (Нуробод ва Қўшрабод) вилоят майдонининг 40 фоизини эгаллайди.

Сўнгги йилларда шаҳар аҳоли манзилгоҳларидаги аҳолининг мутлоқ сони пасайиб бормоқда, лекин қишлоқ аҳоли манзилгоҳларида ҳамон кўпайиш давом этмоқда. Вилоятда туғилиш кўрсаткичининг юқори даражада давом этаётганлиги меҳнат ресурсларининг ўсиш суръатига бевосита таъсир кўрсатмоқда. Бу борада минтақадаги меҳнат ресурслари сони мамлакатдаги ўртача кўрсаткичдан юқоридир. Мамлакатдаги бундай ҳудудларга нафақат Самарқанд вилояти, балки Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Сурхондарё, Фарғона вилоятлари ҳам қиради.

Вилоят меҳнат ресурсларининг салоҳияти ҳудуддаги демографик ривожланиш таъсири натижасида йилдан-йилга ошиб бормоқда. Агар вилоят меҳнат ресурслари сонининг динамикасига эътибор қаратилса, 2000 йилда 1256,2 минг, 2006 йилда 1668 минг, 2010 йилда 1782,1 минг, 2011 йилга келиб эса, 1900,2 минг кишига етган. Бошқача қилиб айтганда, 2000-2011

Йиллар давомида меҳнат ресурсларининг сони 151,2 фоизга ўсганини кўриш мумкин.

Жадвал

**Самарқанд вилоятида меҳнат ресурслари ва аҳоли бандлиги кўрсаткичлари
(минг киши ҳисобида)**

Кўрсаткичлар	2000	2002	2004	2006	2008	2010	2011	2000-2011 йилларда ўсиш, %
Доимий аҳоли сони	2568,7	2749,8	2835,1	2912,8	3003,4	3119,8	3270,8	127,3
Меҳнат ресурслари	1256,2	1328,0	1418,2	1668,1	1672,2	1782,1	1900,2	151,2
Иш билан банд бўлганлар	867,8	949,6	1075,6	1080,7	1152,0	1229,9	1269,8	146,2

Манба: Ўзбекистон Республикаси Статистика давлат қўмитаси маълумотлари.

Аҳоли сонининг ўсиб бориши кўрилатган ҳудуддаги меҳнат ресурсларини ортишига қарамадан улардан фойдаланиш кўрсаткичи нисбатан паст. 2000 йилда жами иш билан банд бўлганлар 867,8 минг, 2006 йилда 1080,7 минг, 2010 йилда 1229,9 минг, 2011 йилга келиб эса 1269,8 минг кишини ташкил этган. Ўтган 10 йил давомида иш билан банд бўлганлар сони 14,6 фоизга кўпайган. Статистик маълумотлардан кўришиб турибдики, вилоятда 2000 йилдан кейин аҳолининг иш билан бандлик кўрсаткичи, меҳнат ресурсларига нисбатан ҳисобланганда, пасайганлиги кўзга ташланади.

Аҳоли бандлигини юқорилиги унинг жойлашувига ҳам боғлиқдир. Ўрганилаётган ҳудуд аҳолисининг жойлашувига кўра тоғ ва текислик районларига ажратиш мумкин. Аҳолининг асосий қисми интенсив суғорма деҳқончилик ривожланган туманларда, Самарқанд шаҳри атрофида, тоғ оралиғидан оқиб чиққан сойлар бўйларида жойлашган. Тоғ ва тоғолди районларидаги Қўшрабод, Пайарик, Жомбой, Булунғур, Тойлоқ, Ургут, Самарқанд туманларида қишлоқ аҳолисининг 54 фоизи, жами аҳолининг 45 фоизи яшайди.

Кўпчилик аҳолининг қишлоқларда яшаши ҳудудлардаги мавжуд меҳнат ресурсларини тўлиқ иш билан таъминлай олмайди. Бундай жараён меҳнат ресурслари сонинининг ортиши ва меҳнат миграциясининг асосий сабабларидан биридир. Ҳозирги вақтда

ҳар бир минтақада бўлгани сингари вилоятда ҳам аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ўрни ниҳоятда катта бўлиб, у жами банд аҳолининг 81 % ташкил этади. Умуман олганда, минтақада бу соҳани ривожлантириш учун бандлик муаммосини бартараф этиш учун кўплаб имкониятлар мавжуд.

Хулоса

Аҳоли сони тез ўсиб бораётган минтақа ва ҳудудларда аҳолининг иш билан бандлиги борасида бироз муаммолар бор. Республиканинг бошқа ҳудудларида бўлганидек, меҳнат ресурсларидан тўла ва самарали фойдаланиш муаммоси кўрилатган ҳудудда ҳам долзарбдир. Вилоятнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтиришда, аҳолининг иш билан бандлик даражасини оширишда, аввало, ҳудудларнинг демографик ривожланишини ўзига хос хусусиятларини ўрганиб, аҳолини иш билан таъминлаш юзасидан чоратадбирлар ва таклифлар ишлаб чиқиш лозимдир. Меҳнат ресурслари таркибининг учдан икки қисми қишлоқ аҳолиси ҳисобига кўпаяётганини ҳисобга олиб, вилоятда аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал этишда, биринчи навбатда, қишлоқ жойларига алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини кўрсатади. Ортиқча меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш асосида вилоятнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишини янада мустаҳкамлашга эришиш мумкин.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий – иқтисодий ривожланишининг устувор йуналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади.” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий кўлланма. Т.: “Ўқитувчи” НМИУ, 2012.
2. Солиев А., Назаров М., Курбонов Ш. Ўзбекистон ҳудудлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиши. Монография. – Т.: Mumtoz so'z, 2010.
3. Тожиева З.Н. Ўзбекистон аҳолиси: ўсиши ва жойланиши. – Т.: Фан ва технология, 2010.
4. Демографическое развитие Республики Узбекистан за годы независимости. Материалы Республиканской научно-практической конференции, посвященной 20-летию юбилею независимого развития республики. UNFPA Фонд ООН в области народонаселения в Узбекистана. - Ташкент.,2011.
5. Ўзбекистон ижтимоий- иқтисодий тараққиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни ва аҳамияти. Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. –Тошкент, 2011.

Резюме

Занятость населения является одной из ключевых проблем социально – экономического развития Республики Узбекистан и ее регионов. В данной статье разрабатываются вопросы влияния региональной демографической ситуации на использование трудовые ресурсы.

Тавсия этувчи:

проф. Солиев А.С.

EUGLENOPHYTA БЎЛИМИ СУВЎТЛАРИНИНГ САНГЗОР ДАРЁСИДА ТАРҚАЛИШИ ВА МАВСУМИЙ РИВОЖЛАНИШИ

Исматова З.А.

Кириш

Биологик хилма-хиллик Ер биосферасининг муҳим сифатларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бизни ўраб турган табиатда қандай ўсимликлар тарқалганлигини ўрганиш, таҳлил қилиш лозим. Сувўтларидан халқ хўжалигининг турли соҳаларида кенг қўлланилади, бундан ташқари сувўтларининг турига қараб, дарё сувларининг ифлос ва тозалик даражалари аниқланади.

Дарёлар муҳим табиий ресурслардир. Шу билан биргаликда, дарёлар ерларни суғоришда, энергия олишда, транспортда, аҳолини ва саноатни сув билан таъминлашда, балиқ овлашда ва бошқаларда фойдаланилади. Дарёлар суви, энг аввало, кишиларнинг ва саноатнинг чучук сувга бўлган талабини қондиришда катта аҳамиятга эга.

Кишиларнинг маиший истемоли учун, дунёдаги саноат корхоналари учун, ерларни суғориш учун дарё сувларидан фойдаланилади. Шундан $\frac{1}{4}$ қисми яна ер остига шимилади ва дарёларга қайтиб қўшилади, $\frac{3}{4}$ қисми эса бутунлай сарфланиб кетади.

Сўнгги йилларда дарё сувларидан

халқ хўжалигида режасиз фойдаланиш туфайли Ер шаридаги дарёлар сувининг хусусияти бузилиб, ифлосланиб бормоқда. Бу эса сувда ҳаёт кечирадиган хайвонларга ва ўсимликларга салбий таъсир этади.

Асосий қисм

Сувўтлари Сангзор водийсида ҳам кенг тарқалган бўлиб, турли экологик шароитларда ўсади. Сувўтлари ичида айрим турлари эса сувни ортиқча биоген ва минерал элементлардан тозалаш хусусиятига эга.

Илмий манбаларда келтирилган маълумотларга кўра, индикатор – сапроб сувўтлари энг тоза ва энг ифлосланган сувҳавзаларидаги сувларда ҳам ривожлана олади. Сув ҳавзаларининг сувўтлар флораси таркиби ва уларнинг миқдорий кўрсаткичларига қараб, сувнинг ифлосланганлик даражасини аниқлаш мумкин.

Биз Сангзор дарёси альгафлорасини 2009 – 2011 йиллар мобайнида ўргандик. Белгилаб олган кузатув нуқталаримиздан йилнинг тўрт фаслида альгалогикузатишлар олиб борилди ва альгалогикузатишлар намуналар йиғилди. Изланишлар давомида Сангзор дарёсининг юқори,

ўрта ва қуйи оқимларидан 350 та дан ортик альгалогики намуналар йиғдик.

Альгалогики намуналарни йиғиш даврида сув ва ҳавонинг ҳарорати, дарёнинг кенглиги, сувининг тиниқлиги ва ранги, оқим тезлиги, шунингдек, ифлослантурувчи манбалар, сувдаги кислороднинг миқдори ва сув муҳити (рН) ҳам ҳисобга олинди.

Планктон организмларнинг намуналарини йиғишда № 76, 78 рақамли планктон тўридан фойдаланилди. Бентос ва перифитон сувўтларининг намуналарини йиғишда скалпел, линейка ва сув батометридан фойдаланилди.

Дарёнинг девор бетонларига ёпишиб ўсганларини, қирғоқдаги ва сув юзасида тошларга ёпишиб ўсиб турган ипсимон, яшил, кўк – яшил, жигарранг плёнка ҳосил қилган сувўтларини бевосита кўл билан, 1-10 см² майдондаги жойдан скалпел, пичоқларда қирқиб, қириб олдик. Уларнинг узунлиги шу жойда линейка ёрдамида ўлчанилди.

Намуналарни шиша идишларга солиб, устига 3-4 томчи 4 % ли формалин эритмасидан томизиб, фиксация (консервация) қилинди. Лаборатория шароитида олиб келинган альгалогики намуналардан препаратлар тайёрлаб, микроскоп остида сувўтларининг турлар таркиби аниқланди. Намуналардан препарат тайёрлаш учун дастлаб *Cyanophyta*, *Rhodophyta*, *Xanthophyta*, *Chrysophyta*, *Euglenophyta*, *Chlorophyta* сувўтлари, сўнгра намуналарни турли аралашмалардан тозалаб, *Basillariophyta* сувўтларини аниқланди. *Basillariophyta* сувўтларидан доимий препаратлар асосан қиздириш – куйдириш методи асосида тайёрланди. Формалиндан ювилган материал буюм ойнасига юпка қилиб суртилиб, 2 – 3 соатга электр плитага қўйилади. Ишнинг қолган жараёнлари В.С.Шешукова методи буйича давом этди. Намуналарни узокрок муддат сақлаш учун буюм ойначасининг атрофига глицерин суртиб қўйдик.

Сувўтларни микроскопда текшириш жараёнида, уларнинг учраш даражасини аниқлашда сувўтларнинг доминант ва субдоминант турларини белгилашда 1 – 9

балли шкаладан [82] фойдаланилди. Бунда: 1 балл – бир дона, 2 балл – жуда кам, 3 балл – кам, 5 балл – кўпроқ, 7 балл – кўп, 9 балл – жуда кўп каби даражаларга тенг.

Сув ва ҳавонинг ҳароратини ртутли термометр (0,1) ёрдамида, сувдаги водород ионларининг миқдорини Михаэлсон индикатор (лакмус) қоғозлар тўплами ва универсал индикаторлар ёрдамида аниқланди. Сувнинг тиниқлигини Секи диски орқали, оқим тезлигини секундометр билан пўкак ёрдамида ўлчанилди.

Сангзор дарёсида олиб борилган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатдики, дарёда 522 та тур ва тур хиллари тарқалган бўлиб, бу сувўтлари 7 бўлимга мансубдир. Улар кўк – яшил сувўтлари, қизил сувўтлари, сариқ сувўтлари, тилларанг сувўтлари, диатом сувўтлари, эвглена сувўтлари ва яшил сувўтлари вакиллари дир.

Қуйида биз ўсимликлар географияси нуқтаи назаридан Сангзор дарёсида аниқланган тур ва тур хиллари сонининг 2,87% ини ташкил этадиган эвглена (*Euglenophyta*) сувўтларига тўхталиб ўтамиз.

Сангзор дарёсида *Euglenophyta* бўлими сувўтларининг битта синф, битта тартиб, икки оила, беш туркумига мансуб, 15 та тур ва тур хиллари борлиги ўрганилди (1 – жадвал). Оилалар ичида *Euglenaceae* Klebs. оиласи, туркумлар орасида эса *Trachelomonas* Ehrh. туркуми турлари сонига бойлиги билан етакчи ўринни эгаллайди ва улар 10 та тур ва тур хилларидан иборат. *Euglena* Ehrh. туркуми 2 та, қолган туркумлар эса биттадан турдан ташкил топган.

Табиатда тарқалган барча ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши ва тарқалишида экологик омилларнинг аҳамияти жуда катта, жумладан, сувўтларининг ҳам ҳар хил биоценозларга тарқалишига ва уларнинг таркибида турларнинг мўл ёки кам бўлишига кўплаб табиий омиллар таъсир кўрсатади.

Сангзор дарёси альгафлорасини ўрганиш жараёнида сувўтларининг турли

– туманлиги ва дарё оқими бўйлаб барча нуқталарда турли сувўтлари турларининг турлича тарқалишининг гувоҳи бўлди.

Дарёнинг юқори оқими – Зомин қўриқхонасидан Сутлибулоқ қишлоғигача бўлган нуқталар оралиғидан, ўрта оқими – Сутлибулоқ қишлоғидан Заргар қишлоғигача бўлган нуқталар оралиғидан, дарёнинг қуйи оқими эса – Заргар қишлоғидан Қлининг ўрта қисмигача бўлган оралиғидан оқиб ўтади.

Дарёнинг юқори оқимида *Trachelomonas asymmetrica* Roll., *T. dubla*

Swir. emend. Defl., *T. hexangulata var. polonica* (Koczw.) Popova., *T. teres* Mask. турлари тарқалган бўлиб, дарёнинг ўрта оқимига қараб тур ва тур хилларининг сони ортиб боради (2 – жадвал).

Trachelomonas bulla Stein., *T. cylindrica* Ehr. sec. Playf., *T. hexangulata* Swir., *T. volvocina* Erh. var. *punctata* Playf., *Euglena clara* Skuja., *E. matvienkoi* Popova., *Gyropaigne spirale* (Matv.) Bourr. et Georg. каби тур ва тур хилларининг Сангзор дарёсининг ўрта оқимида тарқалганлиги аниқланди.

1-жадвал

Сангзор дарёсида тарқалган эвглена (*Euglenophyta*) сувўтларининг систематик таҳлили

Синф	Тартиб	Оила	Туркум	Тур
<i>Euglenophyceae</i>	<i>Euglenales</i>	<i>Euglenaceae</i> Klebs.	<i>Trachelomonas</i> Ehr.	1. <i>T. asymmetrica</i> Roll. 2. <i>T. bulla</i> Stein. 3. <i>T. cylindrica</i> Ehr. sec. Playf. 4. <i>T. dubla</i> Swir. emend. Defl. 5. <i>T. hexangulata</i> Swir. 6. <i>T. hexangulata var. polonica</i> (Koczw.) Popova. 7. <i>T. oblonga</i> Lemm. 8. <i>T. pseudobulla</i> Swir. 9. <i>T. teres</i> Mask. 10. <i>T. volvocina</i> Erh. var. <i>punctata</i> Playf.
			<i>Strombomonas</i> Defl.	1. <i>S. fluviatilis</i> Lemm. Defl.
			<i>Euglena</i> Ehr.	1. <i>E. clara</i> Skuja. 2. <i>E. matvienkoi</i> Popova.
		<i>Astasiaceae</i> Klebs.	<i>Astasia</i> Ehr. emend. Duj. <i>Gyropaigne</i> Skuja.	1. <i>A. inflata</i> Duj. 1. <i>G. spirale</i> (Matv.) Bourr. et Georg.
Жами: 1	1	2	5	15

2-жадвал

Сангзор дарёсида тарқалган *Euglenophyta* бўлими туркумларининг дарё оқимлари бўйлаб тарқалиши

<i>Euglenophyta</i> бўлими туркумлари	Дарё оқимлари						Жами тур ва тур хиллари сони
	Юқори		Ўрта		Қуйи		
	тур	вари ация	тур	вари ация	тур	вари ация	
<i>Trachelomonas</i> Ehr.	3	1	5	2	2	-	10
<i>Strombomonas</i> Defl.	-	-	-	-	1	-	1
<i>Euglena</i> Ehr.	-	-	2	-	-	-	2
<i>Astasia</i> Ehr. emend. Duj.	-	-	-	-	1	-	1
<i>Gyropaigne</i> Skuja.	-	-	1	-	-	-	1
Жами: 5	3	1	8	2	4	-	15

Trachelomonas asymmetrica Roll., *T. hexangulata var. polonica* (Koczw.) Popova., *T. teres* Mask. каби тур ва тур хиллари эса дарёнинг ҳар иккала оқимида ҳам учраши кузатилди.

Дарёнинг қуйи оқимида эса,

Trachelomonas oblonga Lemm., *T. pseudobulla* Swir., *Strombomonas fluviatilis* Lemm. Defl., *Astasia inflata* Duj. каби турларни учради.

Ҳарорат сувўтларининг тарқалиши ва ривожланишида, турлар таркибининг

бир хилда бўлмаслигини белгилайдиган табиий омиллардан биридир. Сувўтларининг ўсиши ва ривожланиши учун маълум даражадаги иссиқлик талаб этади. Ҳар қайси сувўти ривожланиши учун ўзига хос минимум, оптимум ва максимум иссиқлик талаб этади. Ҳар бир сувўтининг ривожланиши учун ҳарорат оптимуми ҳар хил бўлиб, сув ҳавзаларида ҳарорат йил фаслларига қараб ўзгариб туради. Шунга кўра сув ҳавзаларида ҳар бир фасл давомида сувўтлар уюшмаси алмашилиб туради.

Сувўтларининг турлар таркибини ва

микдорини ўзгаришида ҳароратнинг мавсумий ўзгаришлари ҳам муҳим ўрин тутди.

Баҳорда *Euglenophyta* бўлими сувўтларининг 9 та тур ва тур хиллари аниқланган бўлиб, *Trachelomonas asymmetrica* Roll., *T. hexangulata* var. *polonica* (Koczw.) Popova., *T. bulla* Stein., *Strombomonas fluviatilis* Lemm. Defl., *Gyropaigne spirale* (Matv.) Bourr. et Georg., *Euglena clara* Skuja. каби турларини учратишимиз мумкин (жадвал – 3).

3-жадвал

Сангзор дарёсида тарқалган *Euglenophyta* бўлими туркумларининг мавсумий ривожланиши

<i>Euglenophyta</i> бўлими туркумлари	Баҳор		Ёз		Куз		Қиш	
	тур	вариация	тур	вариация	тур	вариация	тур	вариация
<i>Trachelomonas</i> Ehr.	5	1	4	-	1	1	-	-
<i>Strombomonas</i> Defl.	1	-	-	-	-	-	-	-
<i>Euglena</i> Ehr.	1	-	-	-	1	-	-	-
<i>Astasia</i> Ehr. emend. Duj.	-	-	-	-	1	-	-	-
<i>Gyropaigne</i> Skuja.	1	-	-	-	-	-	-	-
Жами: 5	8	1	4	-	3	1	-	-

Ёз мавсумида эвглена сувўтларининг *Trachelomonas dubla* Swir. emend. Defl., *T. hexangulata* Swir., *T. oblonga* Lemm., *T. teres* Mask. турлари учраган бўлса, куз мавсумида эса, *Trachelomonas teres* Mask., *T. volvocina* Erh. var. *punctata* Playf., *Euglena matvienkoi* Popova., *Astasia inflata* Duj. каби турларини кўришимиз мумкин. Айна вақтда қиш фаслида *Euglenophyta* бўлими сувўтлари вакилларининг учрамаслигининг гувоҳи бўлдик.

Хулоса

Сангзор дарёсида илк бор аниқланган 522 та сувўтларининг 15 та тур ва тур хиллари *Euglenophyta* бўлими

сувўтлари вакиллари бўлиб, улар 1 та синф, 1 тартиб, 2 оила ва 5 туркумига мансубдир. Сувўтларининг дарё оқимлари бўйлаб тарқалишида турлар сони ва хилма – хиллигининг юқори (4) ва қуйи (4) оқимларга нисбатан ўрта оқимда (10) ортиб бориши аниқланди. Ушбу ҳолат дарёнинг оқими бўйлаб, сувнинг емириш хусусиятларини хилма – хиллигини келиб чиқишига сабаб бўлади.

Euglenophyta бўлими сувўтларининг дарёда йил мавсумлари давомида тур ва тур хилларининг сонининг кўпайиши баҳор мавсумида максимал даражада (9) бўлиши аниқланди.

Адабиётлар:

1. Баратов П. Ер билими ва ўлкашунослик. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1980. - 272 б.
2. Тубан ўсимликлар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. - 392 б.
3. Ҳамдамов И. ва бошқалар. Ботаника асослари. – Тошкент: “Мехнат”, 1990. 319 б.

Резюме

Изучая эвгленовые водоросли в реке Сангзор, впервые было выявлено 15 видов и разновидностей, которые по таксономическому анализу принадлежат к 5 родам, 2 семействам, 1 порядку и 1 классу. Видовой состав водорослей увеличивается в средней части реки по сравнению с верхней и нижней частями реки. Результаты исследований показывают, что в весенний период видовой состав водорослей увеличивается по сравнению с зимним, осенним и летним периодом.

Тавсия этувчи:

проф. Нигматов А.Н.

СРАВНИТЕЛЬНОЕ ИЗУЧЕНИЕ ПУСТЫННЫХ КОРМОВЫХ РАСТЕНИЙ В УСЛОВИЯХ ПРЕДГОРНОЙ ПОЛУПУСТЫНИ И ИХ ИСПОЛЬЗОВАНИЕ В ФИТОМЕЛИОРАЦИИ

Назаров Х.Т., Давронов К.К., Эшкуватов Б.Б.

Введение

Современное состояние пустынных и полупустынных пастбищ Узбекистана характеризуется прогрессирующим ухудшением продуктивности и качества кормов. К настоящему времени испытано свыше 260 видов кормовых растений из природной флоры и выделено более 30 перспективных полукустарников, отличающихся продуктивностью и высокой приспособленностью к экстремальным условиям пустынь (Амелин, 1941; Шамсутдинов, 1968, 1975; Махмудов, 1968; Саидов и др., 1979; Ибрагимов, 1980; Матвеев, 1992). Особую актуальность при этом приобретает сравнительное эколого-биологическое изучение важнейших видов кормовых полукустарников, позволяющее проводить отбор наиболее перспективных видов, сортов аридных кормовых растений для фитомелиорации пастбищ предгорной полупустыни Узбекистана. Этой актуальной задаче и посвящена данная работа, представляющая собой итог многолетних исследований по изучению и оценке различных видов и сортов полукустарников в условиях предгорной полупустыни Узбекистана.

Цель исследования. Целью исследования являлся подбор и изучение эколого-биологических и хозяйственно ценных особенностей наиболее перспективных видов кормовых полукустарников и их сортов, пригодных для создания сеянных кормовых угодий и сенокосов в предгорной полупустыне Узбекистана.

Объект и методы исследования. Объектом исследования являлись 6 видов аридных культур - чогон, камфоросма, кейреук, изень, терескена и полынь.

Опытные посева производили в осенне-зимний период года на предварительно обработанных почвах:

зяблевая вспашка на глубину 22-25 см, боронование в два следа с малованием. Учетные площади делянок 30м², повторность опытов 4-х-кратная. Способ посева широкорядный с междурядьями 60 см. Нормы высева для изень 3 кг/га, кейреук и терескена – 5 кг/га, чогона и полынь – 0,5 кг/га 100% хозяйственной годности семян. Фенологические наблюдения проводились по методике И.Н.Бейдеман (1960); выживаемость растений определялась на основе подсчета выживания, растений весной (май) и осенью (октябрь), а также по годам в сопоставлении с количеством появившихся всходов в первый год вегетации; динамика роста растений путем ежемесячного измерения высоты растения в популяциях (на 100 растениях).

Урожайность кормовой массы и семян определяли по методическим указаниям отдела кормовых культур ВИР (1979) и ВНИИ кормов (1978).

Результаты и их обсуждения.

Фенология. При подзимнем севе семена пустынных кормовых растений всходят ранней весной в период таяния снега. Первыми всходят (2-3 декады февраля) камфоросма, терескен и полынь; через 20 дней (1 декада марта) – изень, чогон, кейреук. В последующие годы первыми (2 декада февраля) отрастают также камфоросма, терескен, полынь; во вторую очередь (1-2 декада марта) – изень, чогон и кейреук. Фаза "начало цветения" проходит в следующей последовательности: изень (1 декада мая) - чогон, камфоросма и солянка (3 декада мая) - терескен и полынь (1 декада июня). Семена маревых культур созревают в 3 декаде октября, в последовательности - терескен - изень – кейреук – чогон – камфоросма, а астровых культур (полынь) только в первой декаде ноября и позже. По длительности

вегетационного периода культуры распределяются следующим образом: кейреук (235 дней) - терескен (240) - изень (243-255) - чогон (250) - камфоросма (255-265) - полынь (255-265 дней);

Выживаемость особей. На 6 году жизни по выживаемости культуры распределились следующим порядком: изень (80,1-85,3%) - кейреук (75,3-78,2%) - терескен (72-73%) - полынь (40-60%) - чогон (45,3%) - камфоросма (36,4%).

Корневая система. Изучением корневых систем отдельных аридных кормовых растений (в различных районах) занимались многочисленные исследователи (Амелин, 1951; Благовещенский, 1949; Петров, 1955; Нечаева и др., 1959; Шалыт, 1950; Шамсутдинов, 1962; Раббимов, 1986 и др.). В условиях культуры предгорной полупустыни Нурата корневые системы аридных кормовых растений на 5-м году жизни проникают на различную глубину чогон на 450 см, кейреук - 325 см, изень -

325 см, полынь - 250-300 см, терескен - 250 см. Горизонтальное распространение корней по культурам находится в пределах 150-200 см в диаметре.

Высота растений. В среднем за 6 лет изучения наибольшей высотой (77-89 см) обладали изень, чога и полынь (табл.1). Кейреук уже в первый год жизни достигли по высоте среднего 6-летнего уровня по данному признаку. Остальные виды в первый год жизни были ниже среднего 6-летнего уровня на 24 см (полыни), 21 см (терескен), чогон, изень.

Кормовая и семенная продуктивность. В среднем за 6 лет изучения урожайность пустынных кормовых растений составила 3,9-23,5 ц/га сухой кормовой массы (табл.2). Наибольшей урожайностью обладают изень (11,2-23,5 ц/га), кейреук (18,9-20,3 ц/га) и чогон (16,4 ц/га). Урожайность семян по данным культурам в среднем за 6 лет изучения составила 0,7-5,8 ц/га. Самая высокая урожайность семян отмечена у кейреук (5,3-5,8 ц/га), изень (3,7 - 3,9 ц/га).

Таблица 1

Высота растений (см) пустынных кормовых растений в предгорной полупустыне (Нуратинское опытное поле)

№	Вид, сорт	1-й год	2-й год	3-й год	6-й год	В среднем за 6 лет
1	Изень	74,1±1,1	68,3±3,5	91,2±3,3	95,1±2,3	88,7
2	Чогон	63,4±0,8	80,5±3,2	67,7±1,8	88,3±1,7	77,3
3	Полынь	53,5±0,9	89,6±2,9	75,4±1,1	68,1±0,7	77,0
4	Терескен	44,6±0,9	68,9±6,1	54,7±3,6	70,1±0,9	65,6
5	Камфоросма	46,5±1,2	47,8±2,1	48,3±1,3	58,1±2,1	53,6
6	Кейреук	48,5±1,4	59,4±4,1	41,8±1,2	38,2±1,3	49,8

Таблица 2

Урожай сухой кормовой (ц/га) пустынных кормовых растений в условиях предгорной полупустыни (Нуратинское опытное поле)

№	Вид, сорт	1-й год	2-й год	3-й год	6-й год	В среднем за 6 лет
1	Изень	4,8	18,3	30,5	28,1	23,5±3,8
2	Кейреук	4,8	13,1	24,5	18,4	18,9±3,1
3	Чогон	7,2	13,7	17,0	21,0	16,4±2,0
4	Полынь	6,5	11,8	12,8	11,1	10,1±0,8
5	Терескен	2,9	9,7	10,1	11,0	9,8±1,4
6	Камфоросма	0,8	10,8	9,4	12,6	8,6±1,5

Выводы

1. В условиях предгорной полупустыни Нурата Навоийской области Узбекистана проведено 6-летнее

сравнительное комплексное изучение 6 видов шести наиболее перспективных пустынных кормовых растений из семейства маревых и астровых,

относящихся к полукустарниковой и полукустарничковой жизненным формам.

2. По длительности вегетационного периода культуры распределяются в следующем порядке: кейреук (235 дней), терескен (240), изень (243-255), чогон (250), камфоросма (255-265), полынь (255-265 дней).

3. В условиях культуры на пятом году жизни корневые системы изученных видов проникают на различную глубину: чогон на 450см, кейреук – 325см, изень – 325см, полынь 250-300 см, терескен – 250см.

4. Высокой выживаемостью растений на шестом году жизни обладают изень (80,1-85,3%), кейреук (75,3 – 78,2%), терескен (72-73%); средней выживаемостью – полынь (40-60%), чогон (45,3%), камфоросма (36,4%);

5. В среднем за 6 лет урожайность пустынных кормовых растений составила 3,9-23,5 ц/га сухой кормовой массы. Наибольшей урожайностью обладает изень (11,2-23,5 ц/га), кейреук (18,9-20,3 ц/га) и чогон (16,4 ц/га). Урожайность семян по культурам в среднем за 6 лет составила 0,7-5,8 ц/га. Самая высокая урожайность семян отмечена у кейреук (5,3-5,8 ц/га), изень (3,7-3,9 ц/га), и чогон (2,7 – 2,9 ц/га).

6. По комплексу хозяйственно ценных признаков наиболее перспективными для создания высокопродуктивных пастбищных агрофитоценозов осенне-зимнего использования в условиях предгорной полупустыни Узбекистана являются из полукустарников – чогон и терескен и из полукустарничков - сорта изень, кейреук, полыни.

Литература:

1. Амелин И.С. Об улучшении пустынных и полупустынных пастбищ Средней Азии. Бюлл. ВНИИК. – Самарканд, 1941.
2. Закиров К.З. Флора и растительность бассейна реки Зеравшан. ч.1. Растительность. -Ташкент, 1955.
3. Назаров Х.Т. Изучение корневых систем некоторых полукустарников в культуре. - Труды УзНИИК. - Ташкент, 1992. - С. 26-30.
4. Шамсутдинов З.Ш. Создание долголетних пастбищ в аридной зоне Средней Азии. Изд. «Фан». – Ташкент, 1975. – С.175.
5. Махмудов М. Биолого-экологические основы введения в культуру кейреука в условиях Юго-Западного Кызылкума. - Душанбе, 1968.

Резюме

Мақола Ўзбекистоннинг тоғ олди чала чўлларида мос ўсимликларнинг эколого-биологик хусусиятларини таққослаб ўрганиш асосида фитомелиоратив тадбирлар ўтказиш ва яйловлар экологик ҳолатини яхшилашга бағишланган.

Рекомендует:

проф. Абдуллаев А.К.

ЧИЗИҚЛИ ОБЪЕКТЛАР ГЕНЕРАЛИЗАЦИЯСИ АЛГОРИТМЛАРИ (АВТОМОБИЛ ЙЎЛЛАРИ МИСОЛИДА)

Сайидов А. К.

Картографик генерализация карта яратиш жараёнининг ажралмас қисми бўлиб, унинг воситасида картанинг оптимал мазмуни ва график кўриниши сақлаб қолинади. Бугунги кунда бу жараённинг автоматлаштирилишига картограф мутахасислар ва бир қатор соҳа мутахасислари бош қотиришиб уни ечимини излаб келишмоқда [3], [4]. Шундай бўлсада, ҳозирги кунгача барча картографик қонун ва қоидаларга мос

келадиган, картанинг мазмунини ўзгартирмай унда етарлича тафсилотларни сиғдира оладиган автоматлашган тизим мавжуд эмас [2].

Ушбу мақолада Ўзбекистон Миллий университети, география факультети, геодезия, картография ва кадастр кафедраси мутахасислари томонидан карталарни автоматик тарзда генерализация қилиш бўйича изланишларининг баъзи натижалари келтирилган, унинг

ниҳоясида картадаги чизиқли объектларни ярим автоматик тарзда генерализация қилиш дастури ишлаб чиқилган. Ярим автоматик жараёнида фойдаланувчи ва дастур орасида картани генерализация қилиш мобайнида бевосита мулоқот амалга оширилади. Бу эса, келажакда қутилган натижаларни олиш учун хизмат қилиши мумкин.

Карталарни анъанавий усулда яратиш ёки бир картадан иккинчисини масштабни ўзгартириб янги карталар олиш жуда мураккаб жараён, бу эксперт-картографдан картографик билим ва катта ГИС тажрибани талаб қилади [1]. Ундан ташқари, бир хил талабларда яратилиши керак бўлган карта учун мутахассислар турлича карталар яратишлари бу эса карта яратилиши жараёнини субъективланишиги олиб келади. Жараёнларнинг ўрнатилган картографик қонун-қоидалар асосида

автоматлаштирилиши субъектив факторлар улушини камайтириб, ижобий натижалар бериши мумкин. Шу билан бир қаторда, карталарни автоматик равишда тез яратилиш – динамик ҳолатли, жадал ўзгариб бораётган инфратузилма талабларига жавоб бериши мумкин.

Масштаб майдалашгани сари муҳим объектларнинг картадаги ўрнини сақлаб қолишга ҳаракат қилинади. Реал воқеликни уни картадаги тасвири билан имкон борича ўхшашлигига катта аҳамият берилади. Энг макул ва тўғри келадиган натижаларга эришиш учун картографлар ва карталарни яратувчи ташкилотлар томонидан қатор қоидалар ва чекловлар ишлаб чиқилган, бироқ бу цензлар ҳалигача ўзининг меъёрини топмаган бўлиб, кўплаб картограф тадқиқотчилар бу борада ўз тадқиқот ва изланишларини давом эттирмақдалар.

1-жадвал

Йўллар даражаси, кенглиги	Асосий йўллар (6-18 метр)	Иккинчи даражали йўллар (3-12 метр)	Кичик йўллар (4-6 метр)
Ўрганилаётган объект			
Йўллар сони	18 та	38 та	21 та

Умумгеографик карталарнинг асосан учта асосий элементини ажратиб кўрсатишимиз мумкин: йўллар, гидрографик тармоқлар ва аҳоли пунктлари. Ушбу мақолада географик карталарнинг асосий ва ажралмас қисимларидан бири бўлган йўл тармоқларини автоматик равишда генерализация қилиниши методларини ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш бўйича тадқиқотлар натижаси келтирилган.

Объект сифатида Ҳиндистоннинг Уттаракхон штати, Дехрадун шаҳри олинган, чунки мазкур шаҳарда турли хилдаги, кенгликдаги ва узунликдаги йўллар ҳамда жуда кўп чорраҳаларда иборат. Бу эса, ўз навбатида, тадқиқотни олиб бориш учун жуда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Йўлларнинг кенглиги 3 метрда 18 метргача бўлиб, аҳамияти жихатидан уч

турга ажратилган: асосий йўллар, иккинчи даражали йўллар ва кичик йўллар (1-жадвал).

Йўлларнинг рақамли форматини олиш учун Дехрадун шаҳри 1:20 000 масштабни топографик картаси ишлатилиб уларни янгилаш учун “CartoSat-I (PAN Panchromatic)” ва “IRS P6 LISS IV MX (multispectral)” қўшилган космик суратидан фойдаланилган. Тадқиқотнинг ноҳоясида–йўлларни генерализация қиладиган дастур яратилган, 1:50 000 масштабни катра Уттараканд штати 1:50 000 масштабни топографик картаси билан устма-уст қўйилиб, аниқлиги баҳоланган.

Йўл тармоқларини генерализациясини амалга ошириш учун бир нечта операторлардан фойдаланилади: таснифлаш, танлаб олиш, ўчириш, соддалаштириш ҳамда силлиқлаш.

Таснифлаш – объектларнинг атрибутларига боғлиқ ҳолда амалга оширилиб бизнинг мисолимизда йўллар учта синфга ажратилади: асосий йўллар, иккиламчи йўллар ва кичик йўллар. Ушбу классификация Деҳрадун 1:20 000

хизмат қилади.

Танлаб олиш–йўлларни танлаб олиниши уч тоифа бўйича амалга оширилади, у йўлларнинг “кенглиги”, “узунлиги” ҳамда “аттрибут қийматлари” бўйича сараланади (1-расм).




1-расм. Танлаб олиш оператори ёрдамида олинган карта. Асосий ва иккиламчи йўллар танланган

2-расм.Ўчириш оператори ёрдамида олинган карта. Барча узунлиги 200 метрдан кам бўлган йўллар олиб

масштабли топографик карта ҳамда дала ишларидан олинган маълумотларга асосланган ҳолда амалга оширилган. Классификация генерализация жараёнини соддалашга олиб келиб, йўлларни танлаш ёки бўлмаса олиб ташлаш учун

Ўчириш – оператори йўлларнинг геометрик хусусиятларига асосланиб амалга оширилади, яъни ўчириш оператори фақат йўлларнинг узунлиги ва кенглиги бўйича амалларни бажариши мумкин (2-расм).




3-расм. Чизиқли объектларни соддалаштириш мисоли (www.geogra.uah.es).

Соддалаштириш – оператори йўлларнинг бурулиш нукталарини камайтириш ҳисобига амалга оширилади (3-расм). Адабиётлар таҳлилидан тавсия этиладиган чизиқли объектларни соддалаштиришнинг энг мақбул алгоритми сифатида олинган. Бошқа мавжуд алгоритмларга қараганда ушбу алгоритмнинг аниқлик даражаси жуда юқори бўлиб, операторнинг ишлаш

тезлиги ҳам баланд.


Силлиқлаш– оператори йўлларга соддалаштириш операторидан кейин эстетик чирой бағишлаш учун қўлланилиши билан бир қаторда масштаб ўзгаргандаги йўлларнинг силлиқ ўзгаришини ҳам таъминлаб беради (4-расм). Соддалаштириш оператори учун Безиернинг силлиқлаш алгоритми олинган.



4-расм. Чизиқли объектларни силлиқлаш мисоли (www.geogra.uah.es).

Натижаларни текшириш учун 1:50 000 масштабда топографик карта устига генерализация қилиниб олинган карта кўйилиб, унинг аниқлиги баҳоланди. 1:50 000 масштабдаги топографик карта билан солиштирилганда баъзи бир фарқлар кўзга ташланши мумкин (5-расм).

Натижалардан яна шунга эътибор қаратиш мумкинки, генерализация қилиниб олинган картада йўллар сони топографик карталардаги йўллар сонидан кўп (2-жадвал). Буни эса, топографик картанинг анча эски эканлиги билан тушунтириш мумкин.



5-расм. 1:20 000 масштабдаги карта ҳамда 1:50 000 масштабда генерализация қилинган карта

2-жадвал
1:50 000 масштабдаги топографик карта ҳамда генерализация қилинган 1:50 000 масштабдаги картадаги йўллар ва уларнинг фарқлари

Йўллар	Топо-картада	Генерализация қилинган картада	Фарқи
Асосий йўллар	15	18	3
Иккиламчи йўллар	23	28	5
Кичик йўллар	5	9	4

Хулоса сифатида шунини таъкидлаш лозимки, автоматик равишда генерализация қилиш методларини қўлланиши карта яратиш жараёнидаги субъективликни йўқотиш учун самарали бўлиши билан биргаликда, топографик карталарни тезкор суръатда янгилаш

имконини ҳам бериши мумкин. Ундан ташқари, автоматик тарзда карталарни яратишнинг бошқа бир афзаллиги замонавий технологияларда зарур бўлган навигаторлар учун тезкор суръатда янгилаш имконини ҳам бериши мумкин.

Адабиётлар:

1. Берлянт А.М., Мусин О.Р., Собчук Т. В. Картографическая генерализация и теория фракталов. - М.: Изд-во МГУ, 1998. - 136 с.
2. Eckert, Max (1908), "On the Nature of Maps and Map Logic," Trans. by W. Joerg. Bulletin of the American Geographical Society, 40(6):344-351.
3. McMaster, R.B., and K.S. Shea, 1988. Cartographic generalisation in a digital environment: a framework for implementation in a geographic information system. Proceedings of the GIS/LIS'88, 29 November – 30 December 1988, Antonio, Texas, USA, pp.240-249.
4. Joao, E. M., (1998) Causes and Consequences of Map Generalization. London: Taylor and Francis.

Резюме

Статья посвящена анализу алгоритмов генерализации линейных объектов и оценке результатов автоматизированной генерализации дорог на примере города Дехрадун (Индия).

Тавсия этувчи:

проф. Сафаров Э.Ю.

АЛОҚА ОБЪЕКТЛАРИ КАДАСТРИ ГИС МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Алланазаров О.Р.

Алоқа объектлари давлат кадастри “Давлат кадастрлари тўғрисидаги”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2005 й 16-февралдаги 66-сонли қарори билан тасдиқланган Давлат кадастри ягона тизимини яратиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомга, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган низомга мувофиқ юритилади.

Ҳозирги кунда алоқа объектлари давлат кадастрини ГИС асосида юритиш ривожланган давлатлар учун муҳим аҳамият касб этади. Кадастр ишларини юритишда дастлаб ГИС дастурларида маълумотлар базасини шакллантириш муҳим масалалардан бири ҳисобланиб, ушбу мақолада уларни яртатилиш усуллари ёритилади. Ҳар қандай кадастрни самарали бошқариш ва юритишнинг гарови сифатида маълумотларни кўрсатиш мумкин. Алоқа объектлари кадастрида маълумотлар базасини яратиш, маълумотларини тўплаш, уларни бошқариш, янгиланган ҳамда тарқатиш жарёнлари Microsoft SQL Server дастури орқали амалга оширилади. Маълумотлар базасини яратиш қуйидаги босқичларини ўз ичига олади:


1. Объектларнинг жойлашишини билдирадиган фазовий маълумотлар координаталарини киритиш (координата ва бошқалар)

2. Объектлар хусусиятларини билдирадиган сонли ва сифатли кўрсаткичларни киритиш (атрибут маълумотлар)

3. Ушбу икки хил маълумотлар (фазовий ва атрибутлар) орасидаги муносабатлар мезонларини ўрнатиш.


4. Объектларнинг координаталарини билдирадиган маълумотлар рақамлаш йўли билан компьютер хотирасига киритилади, кейин улар қайта ишланади. Текис юзада майдонли объектларни ягона синф сифатида устма-

уст тушириб бўлмайди. Шунинг учун маълумотлар таркиби қабул қилинган, бу географик ахборот тизимларида бажариладиган “дарча”ни асосий ўлчови деб ҳисобланади.



Географик ахборот тизимларида маълумотларни киритиш

Бу файл бўлиб ГИСда тўртта файл, ID, DAT, MAP, TAB номланади, бунда полигонлар, тўғри ва тескари дарчаларни



ГИСда қатламларнинг кўриниши

кетма-кет туриши, уларнинг бош ва охири нуқталари тўғрисида маълумотни сақлайди. Шундай қилиб, ҳар бир чизик алоҳида рўйхатга олинади, унинг бошида ва охирида турган нуқталар эса икки мартадан сақланади, чунки улар икки

чизикқа тегишлидир. Агар полигон чегаралари тўлиқ узлуксиз рақамлаб чиқилган бўлса улар хатосиз деб ҳисобланади.


Маълумотларни рақамлаш ишлари мураккаб жараён ҳисобланиб, маълум бир матнни компьютер хотирасига киритганда нуқталарни белгилаб олади ва чизикни шу нуқталар орқали чизганда кўп ҳатоликлар пайдо бўлиши мумкин. Шунинг учун полигон чизилгач, унга тегишли ном берилиб ҳамда шу ном орқали уни компьютер хотирасига жойлаштиради. Полигонлар чизилгач, уни тўғри ёки нотўғри эканини номлари орқали солиштириб аниқлаш мумкин. Бу нуқталарни киритиш жараёнида компьютер экранда шакллар ҳосил бўлади ва нуқталарда туташмаган чизиклар, полигон чегараси охиригача чизилмагани ёки ортиқча чизилган бўлса улар яққол кўринади ва туташмаган нуқталарни дастур автоматик бирлаштиради ва нуқталар бир-бирига яқинлиги ҳисобланади. Агар бу нуқталар белгиланган миқдордан яқин бўлса, дастур уларни битта нуқта деб ҳисоблайди. Шундай вазиятда дастур фойдаланувчиларга нуқталардан қайсинисини ўчириш кераклигини сўрайди. Жой координаталари икки марта компьютер хотирасига киритилган бўлса, кичик ҳато полигонлар ҳосил бўлиш мумкин. Бунда полигонлар тизими дастурда автоматик равишда аниқланади ва йўқотилади.

Географик ахборот тизимларининг ютуқли томони шундаки, у иккита ва ундан ортиқ карталарни устма-уст туширишни таъминлайди. Унда икки чизик туташган жойда янги нуқталарни ҳосил қилиб, уларни компьютер хотирасида сақлайди. Тез-тез учраб турадиган муаммолардан бири икки картадаги чегаралар устма-уст тушганда кичик полигонлар яратилади. Айниқса, карталарнинг масштаблари ва картографик элементларининг умумлаштириш даражаси ҳар хил бўлса, дарё, маъмурий чегаралар, йўллар турли кўринишда бўлиши мумкин ва улардан қайси бири ҳақиқийлигини билиш қийин.

Бу дастур шундай имконият яратадики, хатоларни кўриб чиқишда, ҳисоб китобларни бажарганда барча “x, y” координатасидан фойдаланилмайди. Мисол учун, бирорта нуқта маълум бўлган полигоннинг ичидами-йўқми эканлигини аниқлаш мақсадида фақат энг катта ва энг кичик миқдорлар текширилади. Бу миқдорлар ҳисобланиб, дарча файли билан биргаликда маълумотлар базасида сақланади.

Алоқа объектлари кадастр маълумотлар базасини яратишда кўплаб дастур турларидан фойдаланиш мумкин. Бу дастурларда ўзгаришларни таққослаш ва аниқлаш қулайлиги учун Microsoft Access ва Microsoft SQL Server платформаларидан кенг фойдаланилади.

Маълумотлар базаси тоифасининг диапазони ўз ичига қамраб оладиган




жадваллардан иборат. Жадваллар олдиндан аниқланган тузилмага эга ва уларда сақланадиган маълумотлар ушбу тузилмага мос келади. Бу дастурларини ишлаб чиқарувчилар асосан *Visual Basic* тилидан фойдаланиб, *Microsoft SQL* маълумотлар базасини яратишмоқда.

Алоқа объектлари кадастр маълумотини йиғиш, қайта ишлаш бўйича электрон тизимни таҳлил қилиш ва яратиш бўйича фойдаланишнинг бир неча фойдаланувчи режимига эга ва шунинг учун ушбу лойиҳа тўлиқ ҳисобланади. Бу мижоз/сервер архитектурасининг моҳияти бўлиб, маълумотлар базаси билан юқорида таъкидлаганидек, ишнинг кўп фойдаланувчи режимига эга. Бундай

вазифа билан маълумотлар базасининг

компьютерда бажаради, кейин фақат сўралган маълумотларни қайтаради. Шундай қилиб, 10 мингта ёзувларни ўз ичига оладиган жадваллардан битта ёзувни чиқариб ташлаш учун серверга команда узатилади, серверли дастурий таъминот ушбу командани бажаради ва мижозга фақат қидириладиган ёзув қайтарилади. Бунда тармокли график бир мунча қисқаради, умумий унумдорлик компьютер-сервернинг ҳисоблаш қуввати (яъни, процессор ишлашининг тезлиги ва оператив хотира ҳажми) компьютернинг



асосий қисми серверда жойлашган, шунинг учун маълумотлар базасининг таксимланган тузилмаси *Microsoft SQL* дастурида бажаради.

Microsoft SQL дастурида бир нечта фойдаланувчилар тармоқда бир хил маълумотлардан фойдаланади, яъни, маълумотлар базасининг битта ёки бир нечта файллари мижоз компьютерларидан кира олиш имконини беради. «Мижоз сервер» архитектурасида серверли қисм кўзда тутилган бўлиб, маълумотларни чиқариб ташлаш, чеклаш, мижозлар томонидан маълумотлардан фойдаланиш, шунингдек, хавфсизликни таъминлаш имконини беради. Масалан, *SQL Server* сўровларни мижоз компьютерларидан олади, уларни сервер

ҳисоблаш қувватига нисбатан бажарилади.

Ҳозирги вақтда дастурий таъминотни ишлаб чиқарувчи компаниялар маълумотлар базасини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш йўлини давом эттиришни кўзда тутган. Уларнинг янги версияси, яъни, жуда қувватли, унумдор бўлган *SQL Server 2005*, асосан йирик компания ва корпорацияларда қўлланилмоқда.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, алоқа объектлари давлат кадастр маълумотлар базасини шакллантириш имкониятлари қулай бўлганлиши сабабли *Microsoft SQL Server* дастуридан кенг фойдаланиш йўлга қўйилган.

Адабиётлар:

1. Алоқа объектларини давлат кадастрини юритиш учун кадастр ахборотини йиғиш ва уни давлат кадастри ягона тизимига тақдим этиш тартиби тўғрисида услубий қўлланма. RH 45-087. - Ташкент, 2008.
2. Мухитдинов М.М., Сайфулин Р.Р. Система сбора и обработки кадастровой информации объектов связи. - Ташкент, 2007.
3. Мухитдинов М.М., Махмудов М.М., Сайфулин Р.Р. Свидетельство № DGU 01225 программа. Система сбора и обработки кадастровой информации. Государственное патентное ведомство республики Узбекистан. 2007.
4. Макашарипов С. Программирование баз данных на Visual Basic5. - М.: Санк-Петербург, 1997.
5. Концепция системы по сбору, обработке и представлению отчетности с кадастровой информацией объектов связи. Узбекское агентство связи и информатизации. - Ташкент, 2006.

Резюме

В статье изложены подходы к организации базы данных ГИС кадастра объектов связи, приводятся основные этапы работ по организации базы данных и принимаемых при этом программы.

Тавсия этувчи:

доц. Эгамбердиев А.

РАСТР ФОРМАТИДА ГЕНЕРАЛИЗАЦИЯНИ АМАЛГА ОШИРИШ УСУЛЛАРИ


Сайидов А. К., Сафаров Э. Ю.

Картографик генерализация ҳозирги кунда соҳа мутахасислари эътиборида бўлиб, уни автоматлаштирилиши борасида кўплаб тадқиқотлар олиб борилмоқда. Тезкор суръатда картларнинг яратилиши эса, ўз навбатида, турли муаммолар ечимини топиш, мавжуд картларнинг янгиланиши шиддат билан ривожланиб бораётган замон талаби ҳисобланади [2].

Картларни тез ва объектив тарзда яратиш ҳамда янгиланишнинг энг қулай йўллари билан бири масофавий зондаш манбаларидан фойдаланиш ҳисобланади. Ушбу мақола растр генерализациясига бағишланган бўлиб, унда “Lansat” сунъий йўлдоши суратинингтаҳлил қилиниши ва интерпритация йўли билан чизиқли объектларни генерализацияси жараён-ларига аҳамият берилади (1-расм).

Мазкур сурат 1999 йил сентябр ойида Ўзбекистон худудининг жануби-шарқий қисми олинган бўлиб, проекцияси “WGS 84 / 41N UTM зонасига тегишли. ”Суратни қайта ишлаш учун “ERDAS Imagine” дастуридан фойдаланилади.


Карталар олинаётган манбага қараб генерализациялашни икки турга ажратиш мумкин: растрли ва векторли генерализациялар [3]. Векторли генерализация асосан нукталар координатасининг ўзгартирилиши билан амалга оширилса, растрлида–манбаларда ҳар бир объект учун ўзига хос рақамли қийматлари бўлади. Ҳар бир объект ўзига тегишли рақамга эга бўлади ва у рақамларнинг талил қилиниши ва интерпритацияси орқали фойдали ва зарур бўлган маълумотлар олиниши мумкин [1].



1-расм. “Lansat” космик сурати

“ERDAS Imagine” дастури юкланиб, унда “Lansat” сунъий йўлдоши сурати очилади. “Lansat” сунъий йўлдоши ҳар бир суратни 8 та турли сахаларда олиниши учун даставвал суратлар бир-

бирига боғланади, яъни алоҳида банд суратлари оқ-қора тасвирни ҳосил қилса, суратлар боғланишидан сўнг рангли тасвир ҳосил қилинади (2-расм).




2-расм. Рангли сурат ҳосил қилиниши. а) Бир бандли оқ-қора тасвир. б) Суратлар боғланишидан олинган рангли тасвир

Рангли тасвир ҳосил қилинганидан сўнг дастлабки қайта ишлаш жараёни бошланади. Унда суратнинг пиксел қийматлари ўзгартирилиши турли хилдаги филтрлаш усуллари, “чеккаларни аниқлаш”, “чеккаларни кучайтириш”, “паст частотали филтрлаш”, “юқори частотали филтрлаш”, вертикал ва горизонтал конвуляция (катакларга бўлиб филтерлаш) ва бошқалардан фойдаланиш мумкин. Дастлаб суратни 3x3 катакли “чеккаларни аниқлаш” филтридан ўтказамиз. Унда суратдаги барча чизиқли объектлар равон кўринишга эга бўлади (3-расм).

Навбатдаги босқичда филтрларнинг конвуляция ўлчами ошириб борилади ва фарқларни солиштириб кўрилади. 4-расмдан шу жихат аёнки катакларсони қанчалик

ошиб борса шунчалик даражада филтрларнинг суратда чизиқли объектларни аниқроқ тасвирини олиш имконияти яратилади. 3x3 ҳажимдаги катакли филтрланган суратда кўпроқ умумий чегаралар, катта йўлларнинг чеккалари кўринган бўлиб, қолган кичик чегараларни англаб олиш имконияти кийроқ кўриниш ҳосил қилган. 5x5 ҳажимдаги филтрида эса, нисбатан кўпчилик тафсилотлар яққолроқ кўринишга эга бўлиб катта йўллар ва кичик йўллар ўртасидаги чегаралар, йўллар ва бошқа объектлар орасидаги фарқларни ажратиш олиш янада яққоллашган. 7x7 ўлчамдаги филтр натижасида олинган сурат қолган икки суратдан анчагина аниқ кўринишга эга бўлиб, деярли барча тафсилотлар, ҳатто кичик йўллар ва чегараларни фарқлай олиш имконияти пайдо бўлган (4-расм).



4-расм. Филтрнинг катаклари сонини кўпайтириш натижасида тасвирнинг сифатини ошириш. А) 3x3 филтр натижасида олинган сурат, б) 5x5 филтр натижасида олинган сурат, в) 7x7 филтр натижасида олинган сурат

Адабиётлар:

1. Берлянт А.М., Мусин О.Р., Собчук Т. В. Картографическая генерализация и теория фракталов. - М.: Изд-во МГУ, 1998. - 136 с.
2. Eckert, Max (1908), "On the Nature of Maps and Map Logic," Trans. by W. Joerg. Bulletin of the American Geographical Society, 40(6):344-351.
3. Joao, E. M., (1998) Causes and Consequences of Map Generalization. - London: Taylor and Francis.

Резюме

В статье, на основе материалов дистанционного зондирования, рассматриваются методы ведения генерализации линейных объектов на растровых форматах.

Тавсия этувчи:

доц. Эгамбердиев А.

ПРИНЦИПЫ УСТАНОВЛЕНИЯ НАЗВАНИЙ И ТРАНСКРИБИРОВАНИЯ НА ИСТОРИЧЕСКИХ КАРТАХ

Умарова К.Б.

Вопрос о транскрипции различных географических и политических наименований на исторических картах до последнего времени почти не разработан. Если при установлении содержания исторических карт редактор всегда опирается на соответствующие труды историков, картографов и географов, то вопросу транскрипции не уделяется внимания в научно-исторической литературе. Правда, некоторые историки понимают и утверждают необходимость и важность установления единых принципов транскрипции исторических наименований. Здесь нужно отметить, что при создании любой исторической карты соблюдения принципов установления названий, является самой главной задачей автора.

Несмотря на такие пожелания в деле унификации историки и лингвисты разработали транскрипции исторических наименований. Поэтому задача установления единых принципов транскрибирования исторических наименований во всей своей сложности встает перед теми, кто непосредственно пользуется теми, кто непосредственно пользуется этими наименованиями, в частности, перед редактором исторических карт.

Транскрипция исторических наименований в ряде случаев имеет важное политическое значение, например, при установлении наименований на территориях, подвергшихся иноземному захвату, а также других событий и явлений. Унификация транскрипции имеет очень большое значение и особенно необходимо для учебных пособий.

Радикальным решением вопроса о транскрипции исторических наименований было бы создание инструкции, аналогичной той, которая имеется для транскрипции современных географических названий.

В практике создания исторических карт выработался ряд установок по выявлению названий и их транскрипции. На исторических картах, как правило, даются исторические наименования, соответствующие хронологическим рамкам карты.

На картах, отображающих древнейшие периоды истории, наименования того периода ввиду их малой известности в ряде случаев дополняются современными названиями, которые заключаются в скобки. Для тех объектов, исторические наименования которых неизвестны, даются только современные, но со скобками. На картах, предназначенных для средней школы, ряд объектов (например, моря, реки, орография и т. д.) подписывают современными наименованиями, так как большинство исторических наименований ученикам средней школы неизвестно.

При установлении названий на картах, отображающих древнейшую историю человечества, основная трудность заключается в недостаточной изученности их. По мере приближения к современности количество исторических сведений увеличивается, но трудности установления названий не уменьшаются. Возникает существенно важный вопрос — какого принципа придерживаться в установлении названия географического объекта, когда у различных народов он имел разное наименование? Наиболее логично принять такое название объекта, которым его называл народ, живший на этой территории в данную эпоху, а в ряде случаев и давший это название. Но если следовать этому принципу, то объекты, расположенные на территории определенного государства, должны иметь названия, являющиеся официальными в данном государстве,

иначе говоря, название объекта определяется политической принадлежностью территории, на которой объект находится.

Для названий на тех территориях, которые были присоединены к какому-либо государству насильственным путем, этот принцип может оказаться неверным. Историческая наука учит к каждому явлению подходить не формально, а рассмотреть его по существу, учитывая конкретные исторические особенности. Поэтому к установлению названий, изменявшихся в связи с различными историческими причинами, должен быть дифференцированный подход. Наиболее простым случаем являются переименования, вызванные событиями внутренней истории государства, например переименования в Узбекистане (Шош — Ташкент, Мароканда — Самарканд и т. д.). Такие переименования, безусловно, отражаются на исторической карте. Если переименование произошло в период, охватываемый хронологическими рамками карты, даются оба наименования, причем первым, как правило, ставится то, которое соответствует дате показа границ. В тех случаях, когда переименование произошло раньше картографируемого периода, старое название на карте не указывается.

Если изменение наименования связано с изменением политической принадлежности территории, вопрос будет решаться иначе. Возьмем хотя бы такой пример.

Вторая половина XIX века — начало XX века среднеазиатские земли подвергались русской агрессии. В результате многие города и посёлки получили русские наименования. Если следовать изложенному выше принципу, славянские названия с момента захвата следует заменить немецкими, оставив их как вторые наименования только на картах, отображающих самый момент захвата. Но такое решение вопроса будет

формальным, не отражающим существа происходившей внутренней борьбы среднеазиатских народов против русской агрессии. Подобные примеры можно привести из истории Чехии, которая не покорялась немецкой агрессии и сохраняла свои национальные особенности. Поэтому в таких случаях надо разбираться по существу и устанавливать принципы определения названия, исходя из конкретной истории данного государства в соответствующий период.

Общая инструкция по передаче географических названий на картах, обсужденная многими историками и географами по вопросам транскрипции, осуществляющими картографические издания.

Основные принципы транскрибирования географических наименований, установленные инструкцией, следующие.

1. Узбекские географические наименования передаются в их официальной форме соответственно правилам современной узбекской грамматики.

2. Иноязычные наименования (на национальных территориях Средней Азии и в зарубежных странах) передаются по-узбекски (на латинском и узбекском (кириллица)) в приблизительной фонетической транскрипции, т.е. с возможной для узбекского алфавита точностью воспроизводится звучание географического наименования так, как оно должно звучать на данном иностранном языке.

При этом:

а) наименования на национальных территориях Средней Азии устанавливаются по современному написанию на основном национальном литературном языке данной национальности.

б) наименования зарубежных стран устанавливаются по современному написанию на государственном литературном языке данной страны.

Исключением из этого правила являются так называемые традиционные названия, которые для широко известных объектов оставляют в общеизвестной

форме, хотя бы она и не соответствовала общим правилам транскрибирования.

На основании общей инструкции по передаче географических названий разработаны частные инструкции для всех основных иностранных языков, чем разрешен вопрос унификации географических наименований.

При транскрипции исторических наименований надо пользоваться существующими инструкциями для географических наименований. Таким образом, будет достигнуто единство наименований на исторических и географических картах. Это вызывает иногда возражение потому, что в существующей исторической литературе исторические наименования даны в «исторической транскрипции». Эти возражения нельзя признать убедительными.

Во-первых, принятая в качестве обязательной всеми ведомствами, осуществляющими основные картографические работы, инструкция основана на принципиально правильных положениях, которые с течением времени перейдут и в литературу.

Во-вторых, ссылка на «историческую транскрипцию» не основательна, так как в большинстве случаев сводится к традиции. Иногда это-традиционная,

2. Демьянов В., Савельева Е. Геостатистика: теория и практика. –М.: «Наука», 2010. - 327 с.
3. Ибрахимов М., Эшчанов Р., Жобборов Х. Сизот сувларини бошқариш // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. – Тошкент, 2006. №6. - Б. 25-26.
4. Fotheringham S., Clarke G., Abrahart B. Geocomputation and GIS. Transactions in GIS. - New York, 1997. - 200 p.

Резюме

Сугорма дехқончилик қилинадиган минтақаларда ер ости сувларининг ҳолати мавжуд гидромелиоратив тизимнинг ишлаш самарадорлигини белгилайди. Ушбу мақолада ер ости сувлари минераллашувини прогноз қилишнинг геоахборот тизимларига асосланган усуллари ёритилган ва қишлоқ хўжалигида мелиоратив мониторинг натijasларини таҳлил қилишда янгича ёндашувлар баён қилинган.

Тавсия этувчи:

проф. Хикматов Ф.Х.

Диққат! Диққат! Янги кашфиёт.

МАМОНТНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ НОЁБ ТОПИЛМАСИ ҲАҚИДА

Тойчиев Х.А., Крахмаль К.А., Абдуназаров У.К.

Тўртламчи даврнинг стратиграфияси ва палеографиясига оид муҳим маълумотларни палеонтологик топилмалар ёрдамида олиш мумкин. Шунинг учун қадимги давр ҳайвонот дунёсининг қолдиқлари хартомонлама диққат билан ўрганилади. Лекин тўртламчи давр ётқизикларини қадимдан ўрганилишига қарамасдан Ўзбекистон ҳудудида йирик сут эмизувчи ҳайвонларнинг қолдиқлари деярли топилмаган. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги тўртламчи давр ётқизиклари, айниқса, лессимон тоғ жинсларининг палеонтологик топилмаларга камбағаллиги органик қолдиқлар жуда тез минераллашиб кетувчи шароитда тўпланганлиги билан боғлиқ. Бунга далил сифатида XX асрда Р.Қамбаритдинов ва бошқалар томонидан махсус палеонтологик қидирув ишлари олиб борилишига қарамасдан деярли ҳеч нима топилмаганини кўрсатиш мумкин. Ю.А.Скворцов, Н.П.Васильковский, Р.Қамбаритдинов ва бошқаларнинг ишларида баъзибир палеонтологик топилмалар ҳақида маълумотлар бор, бироқ улар бутун ҳайвонларнинг қолдиқлари бўлмасдан, бир жойдан иккинчи жойга оқизиб келинган ётқизиклар таркибидаги суяк қолдиқларидан иборат. Шунинг учун бу топилмалардан мутахассислар ўз хулосаларида жуда эҳтиёткорлик билан фойдаланадилар. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, 2013 йил сентябр ойида топилган мамонт суякларининг қолдиғи Ўзбекистон палеонтологиясида янги саҳифа очди, десак адашмаймиз. Сут эмизувчилар оиласига кирувчи Европа, Осиё, Африка ва Шимолий Америкада тўртламчи даврда яшаган мамонтлар ўзининг вазни (10-12 тоннагача) ва бўйи (5,5 метргача) жиҳатидан ҳозирги филларга нисбатан анча катта бўлган. Мутахассисларнинг фикрича, улар бундан 4,8 млн. йил илгари пайдо бўлганлар ва бундан 4,5 минг йил илгари йўқолиб кетганлар. Кўплаб мамонтларнинг қолдиғи Сибир ва Аляскада топилган бўлиб, уларнинг баъзилари доимий музлоқ ерларда бўлганлиги сабабли яхши сақланиб қолган. Мамонтларнинг йўқолиб кетишининг сабаблари ҳақида ҳар хил фаразлар бор. Улардан бирида мамонтларнинг асосий қисми қадимги одамлар томонидан кенг миқёсда овланиши натижаси йўқолиб кетган деган фикр мавжуд. Лекин кўпчилик мамонтлар сонининг камайиб кетиши фақат инсон таъсиридагина эмас, балки тўртламчи даврда бўлиб ўтган иқлимий ўзгаришлар натижасида, катта майдонларни музликлар босганлиги билан боғлайдилар. Шунинг учун Ўзбекистонда биринчи топилган мамонт қолдиқлари ҳудудимизнинг палеогеографик шароити ва ҳайвонот дунёси ҳақида жуда муҳим маълумот бериши мумкин, деб ўйлаймиз.

Ўзбекистондаги мамонт қолдиғи Оҳангарон водийсида, Оҳангарон шаҳридан тахминан 20 км жануби-шарқда, Овжасой қишлоғи яқинидаги сойда топилган (1 расм). Мамонтнинг тиши, муғизи (бивня) ва мия суягининг бир қисми баҳор ойида рўй берган сел натижасида сой ўзани ёнида очилиб қолган (2 расм). Суяк қолдиқлари қалинлиги 0,5-1,0 м келувчи унча яхши силлиқланмаган тош-шағал-қум-гилли конгломератсимон аллювиал қатламда *in situ* жойлашган, яъни бир жойдан оқизиб келинмаган, шу қатлам билан бир вақтда кўмилиб кетган. Мамонт буғизи узунлиги 4 м атрофида, диаметри 20-40 см (3,4 расм). Бу қатлам устида линзасимон, қалинлиги 0,5-1м келувчи яшил-кулранг, кулранг, гилли қатлам жойлашган. Фикримизча, сув ўтказмайдиган бу қатламнинг мавжудлиги суяк қолдиқларини узоқ вақт давомида, бугунги кунгача яхши сақланиб қолишига ёрдам берган. Сой ўзани ёнида бўлиб ўтган сел натижасида мамонт суякларининг бир қисми очилиб қолган, унинг қолган қисмларини очиш учун қазил ишларини амалга ошириш лозим. Умуман, мамонт суяклари топилган қатламгача сой бўйидаги очилма қуйидаги горизонтлардан иборат (тепадан пастга қараб):

1. 0,0-4,0 м. Унча қалин бўлмаган тошли оч жигарранг тупроқ (0,6-0,7 м) остида жойлашган оч жигарранг-кулранг кумоқ қатлам, у аста-секин гилли-тошли қатламга алмашиб боради. Қуйи горизонтга ўтиши анча аниқ кўзга ташланади.

2. 4,0-6,5м. - тошли-шағалли, қум-гилли цемент билан жипслашган қатлам. Қуйи қатлам билан чегараси аниқ кўзга ташланади.

3. 6,5-7,0м.- цементлашган майда шағалли қумтошли қизил-жигарранг қатлам. Қуйи қатламга ўтиши яққол кўзга ташланади.

4. 7,0-8,0 м. -қизил-жигарранг қумтош билан жипслашган дағал тошли қатлам. Қуйи қатламга ўтиши аниқ кўзга ташланади.


5. 8,0-9,5 м - ўртача катталиқдаги қумли тошли қаттиқ цементлашган конгломератли қатлам. Унинг ҳам қуйи қатламга ўтиши яққол сезилади.

6. 9,5-10,0м. -яшил-кулранг линзамисон гилли қатлам.

7. 10,0 м.- майда ва ўртача катталиқдаги шағалли-қумли, гилли қатлам. Мамонт қолдиқлари шу қатлам таркибда топилган.

Очилманинг юқори 6,5 метрига бўлган қисми қуйи қатламлардан ранги ва таркиби билан кескин ажралиб туради, улар голоцен даврида тўпланган ётқизикларидирт. 6,5-10,0м чуқурликдаги қизил-жигарранг қатлам ўрта ва қуйи плейстоцен ётқизикларидан иборат. Шунинг учун мамонт суяклари мавжуд қатламнинг ёши тахминан 1,6-1,8 млн йил деб айтиш мумкин.

Шу ўринда айтиш лозимики, ҳозиргача ҳаммаси бўлиб нисбатан яхши сақланиб қолган жанубий мамонтнинг еттита склети мавжуд, улардан учтаси Россияда, иккитаси Италияда ва биттадан Франция ва Сербияда сақланмоқда. Дунёнинг бошқа музейларида мамонтларнинг фақат муғизи (бивняси) мавжуд, холос.



1-расм



2-расм



3-расм



4-расм

Адабиёт:

1.Тихонов А. Н. Мамонт // Серия «Разнообразие животных», вып.3. – М. – СПб: Товарищество научных изданий КМК, 2005. – 90 с.

Резюме

В статье дается краткое сообщение о новой находке в Центральной Азии - об останках мамонта в Ахангаранском районе Узбекистана.

Тавсия этувчи:

проф. Солиев А.С.

УСТОЗЛАРНИ ЭСЛАБ...

Уразбаев А.К.

Ҳар бир ижодкорларнинг катта муваффақиятларга эришишида устозларнинг роли ниҳоятда катта ва унитилмасдир. Ана шунинг учун ҳам мен каби оддий қишлоқ йигитининг маълум бир ютуқларга эришишида устозларнинг хизмати бениҳоя катта. Бинобарин, бу устозларни эслаш ва уларнинг ҳурматини жойига қўйиш ҳар бир шогирдларнинг олдида турган бурчлардан бири, деб ҳисоблайман.

Бу ўринда менинг ҳам мактаб партасидан тортиб ҳозирги ютуқларимга эришишимда устозларим катта роль ўйнайди. Авваламбор Бўстонлик туманининг Ғазалкент қишлоғида туғилганлигим боис, менда табиатга бўлган муҳаббат эрта уйғонди, десам муболаға бўлмайди. Аммо табиатга бўлган бу қизиқишимнинг янада ривожланишида мактабдаги география ўқитувчим, Иккинчи Жаҳон уруши қатнашчиси, ажойиб инсон **Бойтўра Нишон**нинг ўрни айниқса катта. Бу устоздан олган илк география билимларимни хотирлаб, шундай хулосага келаман: менда устозим география энг кекса фан бўлиши билан бир қаторда доимий ёш фан эканлигига ишонч ҳосил қила олди. Мактабдан олган табиатшунослик билимлари мени иккиланмасдан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг (ҳозирги ТДПУ) география-биология бўлимига ҳужжатларимни топширишга имконият яратди. Бу ўқитувчимни эслаб, устоз менга фақатгина география фанидан илк сабоқларини берибгина қолмай, балки шу билан бир қаторда Она табиатга бўлган муҳаббатни уйғотди, десам ҳақиқатга яқин бўлади.

Барчага маълумки, институт талабалари мактабда олган билимларини янада мустаҳкамлашга ҳаракат қилади. Бу борада ҳам институт профессор-ўқитувчиларнинг роли диққатга сазовордир. 1975 йили, яъни мен 3-курсда институтда бўлиб ўтадиган анъанавий студентларнинг илмий конференциясида маъруза қилдим. Илмий маърузанинг номи “XX-асрда Чирчиқ водийси табиатининг текширилиш тарихи ва унинг табиий ресурсларидан оқилона фойдаланиш муаммолари”. Илмий раҳбарим, республикада кўзга кўринган географ олимлардан бири **Илҳом Иноғомов** эди.

Мен ўзимнинг ҳаёт йўлимда ҳар бир устозимдан маълум бир ижобий томонларни олдим, дея айта оламан. Илҳом Иноғомов ўз соҳасининг, яъни Ўзбекистон табиатини текшириш тарихи бўйича етук мутахассислардан бири бўлиб, менда ҳар бир ўлкани тадқиқот қилиш учун авваламбор унинг текширилиш тарихини билиш лозимлигини қайта-қайта такрорлаб, бу мавзуга бўлган илмий қизиқишимнинг янада ривожланишига сабаб бўлди. Бу ўринда айнан Чирчиқ водийси табиатининг текширилиш тарихини ўрганиш мен учун янада катта масъулият юқлади. Ана шунинг учун ҳам бу мавзу устида ҳар томонлама ижод қилишим, ўз навбатида, институтдаги талабалар орасида биринчи ўрин олишимга асос яратди. Институтда совриндор ўринни олгандан сўнг Наманган шаҳрида бўлиб ўтган студентларнинг Республика илмий конференциясида учинчи ўринни олдим. Бу эса мени янада илм йўлида тўхтовсиз меҳнат қилишимга ундади.

Студентларнинг Республика илмий конференциясида қатнашим менинг келажакда олим бўлиб етишимда биринчи туртки бўлди. Ана шунинг учун ҳам бу конференция ҳақида ўзимнинг шахсий фикримни айтиб ўтмоқчиман. Ўша вақтларда институтларда ҳамда республикада бўлиб ўтадиган студентларнинг илмий конференцияси жуда катта роль ўйнаган ва бу менинг шахсий илмий фаолиятимда исботланди. Студентларнинг илмий конференциялари, яъни бўлажак олимлар фаннинг долзарб муаммолари билан студентлик даврдаёқ шуғулланиб, илк муваффақиятларини маъруза қиладилар ва бу эса уларни келажакда яна илм билан шуғулланишига пойдевор яратади. Шу билан бир қаторда бу конференцияларнинг бўлиб ўтиши устоз билан шогирд ўртасидаги илмий алоқадорликнинг пайдо бўлишига ва ривожланишига имконият яратди.

Мен институтда 1975 йили, яъни айнан студентларнинг илмий конференциясида ажойиб инсон, устозим **Баҳодир Бахритдинов** билан танишдим. Орамиздаги илмий

боғланишга ва устоз-шогирд муносабатларига 38 йил бўлди. Бу давр ичида устозим менга фаннинг очилмаган сирларини ва ҳаёт сабоқларини ўргатиб келди ва келмоқда. Устозим бахтимга соғ-саломат бўлсин ва худо ато қилган умрини кўрсин.

Баходир Бахритдинов билан бўлган илмий алоқалар ажойиб инсон ва етук олим **Игорь Николаевич Степанов** билан танишишимга асос бўлди. У киши билан мен илк бор 1977 йилнинг куз ойларидан бирида Ўзбекистон Миллий университетининг биология факультетида (у вақтда факультет ҳозирги юридик институтининг биносида жойлашган эди) танишдим. Игорь Николаевич Степанов билан танишишим мен учун улкан шараф ва омад эди. Бу устозимдан мен фақат бир нарсани ўргандим ва шунга умримнинг сўнггигача амал қилишга ҳаракат қиламан: ижод, ижод ва яна ижод. Сабаб, устозим тинмай ижод қилиш билан бирга, фаннинг бошқа олимлар эътибор бермайдиган муаммоларини ечишга ҳаракат қиларди ва бунга менга ўхшаган ўнлаб шогирдларини ишонтира оларди. Менинг фан доктори илмий даражасига етишишимда устозимнинг илмий ғоялари катта аҳамиятга эга бўлди. Устозим ҳаётда узоқ умр кўрмаган бўлса-да унинг илмий ғоялари кўп йиллар яшайди, деб шогирдлар номидан ишонтира оламан. Шу ерда яна бир ҳақиқатни айтиб ўтмоқчиман. Агар устозим Игорь Николаевич Степанов Ўзбекистонда ўз илмий фаолиятини давом эттирганда эди, ҳозирги даврда унинг шогирдлари республикамиз география фанининг равнақига бундан ҳам кўпроқ ўз улушларини қўшган бўлар эди.

1976 йили “Табиий география” кафедрасининг мудирини М. Расулов профессор **Зиёвуддин Мухиддинович Акрамов** билан илмий учрашув ўтказди. Бу учрашув менда янада фанга бўлган қизиқишимнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди. Бу учрашувда менда профессор З.М. Акрамовга ўхшаш олим бўла оламанми ёки йўқми, деган илк орзулар пайдо бўлди ва орзулар мени География бўлимида устоз билан бирга ижод қилишимга сабаб бўлди. Шу боис, мен домлани ўзимнинг ҳақиқий устозим дея айта оламан. Сабаб, География бўлимида устоз билан меҳнат фаолиятимнинг илк кунларидан бошлаб устоз умрининг охиригача бирга ижод қилдик ва устоздан кўп таълим-тарбия сабоқларини олдим. Устоз ҳар бир шогирдларининг ютуқларидан қувона билди ва шогирдларига ҳам шу нарсани уқтирди. Ана шунинг учун ҳам устоз ҳаётининг сўнгги дамларигача шогирдлар даврасида бўлди. Ҳар биримизга ҳаётининг сўнгги кунларигача шогирдлар даврасида бўлиш насиб этсин.

Асом Алимович Рафиқов билан мен илк бор 1977 йилнинг куз фаслида География бўлимида учрашдим. Мен А.А.Рафиқовни ҳам ўзимнинг устозим деб ҳисоблайман. У киши билан 26 йил География бўлимида бирга ижод қилганимдан бахтиёрман. Ҳаётим давомида юқорида айтиб ўтилган барча устозларимдан ҳаёт сабоқларини ва илмнинг очилмаган қирраларини ўргандим. Шу жумладан устозим Асом Алимовичдан ҳам ўрганган сабоқларимни шундай сатрлар билан айта оламан: Устоз ўзининг ижобий ютуқларига фақат меҳнат-меҳнат орқали эришди ва буни мен каби шогирдларидан ҳам талаб қилди.

Ҳар бир ижодкор ўзининг ҳаёт йўлида жуда кўп устозларни кўради ваулардан нимадир олишга ҳаракат қилади. Ана шундай инсонлардан бири бўлган **Хурбой Ваҳобов**ни чин кўнгилдан ўзимнинг устозим деб айта оламан. Устоз билан мен илк бор “Ўзбекгидрогеология” бирлашмасида 1989 йили танишдим. Устознинг Ўзбекистон Миллий университетида ижод қилиш даврида устоз-шогирд муносабатлари янада мустаҳкамланди. Менинг докторлик ҳимоямда устознинг берган илмий маслаҳатлари ҳаётимда катта из қолдирди. 2003 йилдан бошлаб умрининг охиригача устоз билан бирга ижод қилдим. Ҳаётим давомида мен устоздан катта сабоқ олдим: камтарлик, камтарлик ва яна камтарлик. Шу билан бир қаторда устоз ҳеч қачон омма орасида: “Мен сендан кўра кўп нарсани биламан”, деб жар солмаган. Аммо устоз фаннинг кўп соҳаларидан хабардор эди, яъни табиий география, инженерлик географияси, география ўқитиш методикаси ва ҳоказо. Домланинг бу қадар камтар бўлиши унинг обрўсига обрў қўшди. Инсон қанча камтар бўлса, бу камтарлик унинг ижобий томонларига янада ижобий хислатлар қўшади, деб айтишади машҳур алломаларимиз.

Юқорида менга устозлик қилган инсонлар ҳақида ўз ўй-фикрларимни билдиришга ҳаётнинг ўзи тақозо қилди ва бу ишни устозлар олдида ўзимнинг бурчим деб билдим. Ана шу устозларнинг меҳнати орқали мен ўзимнинг ҳозирги ютуқларимга эришдим. Хотима ўрнида шуни таъкидлаб ўтмоқчиманки, устозлар берган илм ва ҳаёт сабоқларини ёш бўлажак географ олимларга етказган ҳолда, улар ҳам бизларни устозлар деб эслаб юриш барчамизга насиб этсин.

Резюме

В статье автор – доктор географических наук А.Уразбаев приводит воспоминания о своих воспитанниках – крупных ученых республики в области географии. Статья, несомненно, имеет большое воспитательное значение.

Тавсия этувчи:

проф. Солиев А.С.

Юбилярни табриклаймиз!

УМАРОВ ЕСЕНҒАЛИ ҚУРБАНОВИЧ ТАВАЛЛУДИНИНГ 75 ЙИЛЛИГИГА

Умаров Е.Қ. Қорақалпоқ давлат педагогика институти География ҳамда ОзПИнинг Биология ва қишлоқ хўжалиги асослари факультетларини тугатган. 1961-1964 йилларда Озарбайжон Фанлар академияси География институтида мақсадли аспирантурада таълим олиб, «Қуйи Амударё иқтисодий районида ишлаб чиқариш кучларини мажмуали ривожлантириш истиқболлари» мавзусида номзодлик, 2003 йили «Қорақалпоғистон Республикаси ишлаб чиқариш кучларининг ҳудудий таркибини такомиллаштириш муаммолари» мавзуси бўйича докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.



1964-1972 йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими экономика секторида катта илмий ходим, 1972-1997 йилларда Бердақ номидаги ҚДУ География кафедраси доценти, кафедра мудири, факультет декани ўқув ишлари бўйича ўринбосари, География-ҳуқуқшунослик факультети декани лавозимларида ишлаган. Университет негизда Ажиниёз номидаги Нукус ДПИ ташкил этилгач, 1997 йилдан География кафедраси мудири, 2003 йилдан буён мазкур кафедра профессори лавозимида фаолият олиб бормоқда.

Е.Қ.Умаров 200 дан ортиқ илмий-услубий ишлар муаллифи. Унинг илмий-услубий ишларидан: «Специализация и размещение отраслей народного хозяйства Республики Каракалпакстан» (1969), «Проблемы совершенствования транспортно-экономических связей Республики Каракалпакстан» (1970), «Қорақалпоғистоннинг табиати ва хўжалиги» (1989), «Ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришнинг ҳудудий муаммолари» (Қорақалпоғистон мисолида) 2007, «Проблемы совершенствования территориальной структуры производительных сил Республики Каракалпакстан» (2009), «Аральский экологический кризис и особенности демографического развития сельской местности Республики Каракалпакстан» (2009), «Орол инқирози шароитида чорвачилик тармоқларини ҳудудий тадқиқ этиш муаммолари (Қорақалпоғистон Республикаси мисолида)» (2010), «Приоритеты устойчивого экономического развития сельской местности Республики Каракалпакстан» (2011) каби тадқиқотлар, шунингдек, 8-синфлар учун «Қорақалпоғистоннинг иқтисодий ва ижтимоий географияси» (2004), академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари учун «Қорақалпоғистон географияси» (2005), олий ўқув юртлари учун «Қорақалпоғистон иқтисодий ва ижтимоий географияси» (2011) дарсликлари алоҳида аҳамият касб этади.

Е.Қ.Умаров илмий раҳбарлигида 2007-2009 йилларда «Региональные проблемы социально-демографического развития сельской местности Республики Каракалпакстан с учетом экологических особенностей Южного Приаралья» (шифр-А-11-94), 2010-2011 йилларда «Разработка и подготовка к изданию нового поколения учебника экономической и социальной география Республики Каракалпакстан» (шифр-И-1-6), 2007-2011 йилларда «Проблемы устойчивого экономического развития сельской местности Республики Каракалпакстан» (шифр-ОТ-Ф7-037) каби мавзуларда илмий амалий, инновацион фундаментал тадқиқотлар амалга оширилди. Бундан ташқари, Е.Қ.Умаров Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ажиниёз номидаги Нукус ДПИ ректорати томонидан 2010 ва 2011 йил якунлари бўйича «*Энг илгор олим*» номинацияси ғолиби деб топилиб, махсус диплом билан тақдирланган. У республикамиз илмий жамоатчилиги, институт профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалар орасида юксак ҳурмат-эътиборга эга устозлардан ҳисобланади.

Ўзбекистон География жамияти президиуми Есенғали Қурбановични қутлуг 75-йиллиги билан табриклайди, унга соғлиқ, боқий умр ва илмий-педагогик фаолиятида юксак муваффақиятлар тилайди.

Профессор Абдусами Солиев

*Юбилярни табриклаймиз!***ГЕОГРАФ ТАДҚИҚОТЧИНИНГ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИДАН ЧИЗГИЛАР
(Арзимурод Рахматуллаев 70 ёшда)**

Республикамызда ўзининг барча билимини география фанининг равнакига бағишлаган фидойи профессор-ўқитувчилар кўп. Шулардан бири Самарқанд давлат университети “Гидрометеорология ва ландшафтшунослик” кафедраси доценти Арзимурод Рахматуллаев бўлади.

Навоий вилояти Нурота туманининг Қадоқ қишлоғида туғилиб, ўрта мактабни “аъло” баҳолар билан тамомлаган Арзимурод ака Самарқанд давлат университетининг география бўлимига ўқишга кирди ва уни муваффақиятли тамомлагач, Москва давлат университетига машхур ландшафтшунос олим Николай Адольфевич Солнцев раҳбарлигида аспирантурани ўтади. Ўзининг илмий салоҳиятлари билан дунёга танилган профессорлар Ю.Г.Саушкин, Н.А.Гвоздецкий, И.С.Щукин, С.А.Хромов, А.И.Перельман, А.М.Рябчиков, М.А.Глазовская ва бошқаларнинг маърузаларини эшитиб, семинарларида қатнашиб илм алангаларида тобланади, ўзига катта илмий асос яратади. Аспирантурани муваффақиятли тамомлаб, номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиб, ўзининг кадрдон университетига қайтади ва ўқитувчилик фаолиятини давом эттиради.



Дунё миқёсида ва унинг алоҳида худудларида экологик вазиятнинг кескинлашуви аҳоли сонининг олиб бориши билан боғлиқлик деган ғояга таянган ҳолда Арзимурод Рахматуллаев география фанлар тизимида “антропоген юк” тушунчасига аниқлик киритди. Аҳоли сонининг кўпайиши “антропоген юк” салмоғини табиатга ошириб боради, шу сабабли ҳам ҳар бир худуд учун майдон бирлигига тўғри келадиган “антропоген юк” меъёри ишлаб чиқирилиши лозим деган фикрга асосланиб, Ўрта ва Қуйи Зарафшон учун ушбу юкни кўрсатадиган дастлабки картани тузди. Мазкур ғояга асосланилган илмий мақола АҚШнинг “Атроф-муҳит муҳофазаси ва инженерия” номли нуфузли илмий журналида чоп этилди. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида докторлик диссертация ёзиб тугатилган ва илмий семинарларда маъруза қилиниб, ижобий хулосалар олинган.

Арзимурод Рахматуллаевнинг 200 дан ортиқ мақолалари чоп этилган, уларнинг кўпчилиги географиянинг назарий ва амалий муаммоларига бағишланган. У “Самарқанд вилоятининг ўлкашунослик атласини тузиш” мавзусидаги амалий тадқиқотлар гранти ва “Самарқанд вилоятининг экологик, атроф-муҳит муҳофазаси, ичимлик сув сифати, маиший-хўжалик чиқиндилари карталарини тузиш” бўйича инновацион республика грантларига раҳбарлик қилмоқда. Шулар билан бирга, Темпус дастурида Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимида магистрлар учун “Атроф-муҳит муҳофазаси ва барқарор ривожланишнинг сув ресурсларини бошқариш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш” деб номланган халқаро грант иштирокчисидир.

Арзимурод ака ҳозирги давр талаб қилаётган фан йўналишлари, муаммолари бўйича доимо изланишда. Бу тадқиқотчининг ўз устида тинимсиз ишлашнинг белгиларидан ҳисобланади. Иқтидорли талабалар билан ишлашга катта эътибор қаратади. А.Рахматуллаев раҳбарлик қилган талабалардан учтаси Беруний ва Улуғбек номли республика атоқли стипендиати, учтаси СамДУ миқёсидаги номдор стипендиати.

А.Рахматуллаев ўн йил география факультети декани лавозимида ишлади. Шу даврда факультетнинг чет мамлакатлар нуфузли олий ўқув юртлари, илмий марказлари билан алоқаси мустаҳкамланди, бир нечта халқаро ва республика миқёсида илмий анжуманлар ўтказилди. География бўлимида очилган гидрометеорология йўналиши ва шу йўналишда очилган ортиқ талабалар ва ўндан ортиқ магистрлар таълим олишмоқда.

Ҳамма вақт ўз фанининг фидойиси, ҳамкасблар, шогирдлар хизматига тайёр, камтар, ҳамкасб дўстимиз, устозимизнинг таваллуд топган кунлари билан самимий табриклар, ижодий ишларига улкан муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Ўзбекистон География жамияти президиуми

*Юбилярни табриклаймиз!***МЕҲРИБОН ОНА, МЕҲНАТКАШ ОЛИМА, ТАЛАБЧАН УСТОЗ!**

Биринчи ўзбек гидролог олима аёлларидан устозимиз - география фанлари номзоди, доцент Сирлибоева Зухра Салимовнанинг фидокорона меҳнат билан йўғрилган, айна пайтда жўшқин ва самарали илмий-педагогик фаолиятига 2013 йил 17 декабрда 50 йил тўлади.

Сирлибоева З.С. 1961 йилда ўрта мактабни “аъло” баҳолар («Кумуш медаль») билан тамомлаган ва шу йилнинг ўзида ҳозирги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети (собиқ Тошкент давлат университети) география факультети гидрология бўлимининг талабаси бўлди. Ушбу муътабар илм даргоҳида тиришқок талаба Н.Долимов, В.Л.Шульц, О.П.Шеглова, Ҳ.Ҳ.Ҳасанов, Л.И.Шалатова, Л.Н.Бабушкин, Р.Машрапов, И.Р.Алимухамедов каби таниқли олимлардан сабоқ олди. Ёш мутахассис 1966 йилда университетни муваффақиятли тамомлаб, тақсирот бўйича Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказига йўлланма олди ва бу ерда муҳандис лавозимида меҳнат фаолиятини бошлади.



Бўлажак олима 1967-1972 йилларда Ўрта Осиё Ирригация илмий тадқиқот институти (САНИИРИ)нинг гидрология бўлимида кичик илмий ходим лавозимида ишлади. Шу йилларда бўлим бошлиғи, ЎЗР ФАнинг муҳбир аъзоси Р.А.Алимов раҳнамолигида З.С.Сирлибоеванинг бир неча илмий мақолалари чоп этилди. Ёш тадқиқотчининг илм-фан йўлидаги ушбу илк қадамлари университетдаги устозларининг эътиборидан четда қолмади. Улар 1972 йилда устозлари – профессорлар В.Л.Шульц ва О.П.Шегловалар томонидан ўзлари битириб чиққан Куруқлик гидрологияси кафедрасига ўқитувчиликка тақлиф этилди.

Кафедрада жўшқин педагогик фаолият билан бир вақтда З.С.Сирлибоева география фанлари доктори, профессор О.П.Шеглова раҳбарлигида илмий тадқиқот ишларини ҳам давом эттирди. Натижада 1984 йилда устозимиз «Андижон сув омбори ҳавзаси муаллақ оқизиклари» мавзусидаги номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Диссертация иши илмий жамоатчилик, жумладан, унинг расмий оппоненти, Россия Федерациясида хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби, техника фанлари доктори, профессор А.В.Караушев тамонидан юқори баҳоланди.

Олима мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларидаёқ, аниқроғи 1993 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан “доцент” илмий унвонига тасдиқланди. Шу йилларда кафедрада устозлар бошлаган ишлар гидролог олимларнинг иккинчи авлоди - профессор Г.Е.Глазирин, доцентлар А.Р.Расулов, Г.Н.Трофимов, Ф.Ҳ.Ҳикматов ва бошқалар томонидан давом эттирилди. Улар орасида доцент З.С.Сирлибоеванинг ўрни алоҳидадир. Кўпгина йўқотишларнинг гувоҳи ва шу туфайли кафедра учун энг оғир бўлган 90-йилларнинг охирида уни бошқариш устозимиз Зухра Салимовна зиммасига юклатилди. Уларнинг юксак даражадаги илмий-педагогик ва раҳбарлик салоҳияти туфайли ЎЗМУда гидрология ва гидрометеорология таълим йўналишлари янада ривожланди, кафедрада магистратура, аспирантура ва докторантура очилди.

Раҳбар–олиманинг ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида ЎЗМУнинг Куруқлик гидрологияси кафедрасида шу йилларда янги ўқув курслари, жумладан «Сув ҳавзалари гидрохимёси», «Мелиоратив гидрология» кабилар ўқитила бошланди, ушбу курслар бўйича замон талабларига жавоб берадиган маърузалар матнлари, услубий кўрсатмалар ва ўқув қўлланмалар яратилди.

Педагог–олиманинг ўткир қаламига мансуб бўлган ва ўта илмий синчковлик билан ёзилган 100 дан ортиқ ишлари – монография, ўқув қўлланмалари, илмий-услубий кўрсатмалари, илмий мақолалари мамлакатимизда гидрологиянинг фундаментал фан сифатида кенг қўламда ривожланишига сезиларли ҳисса бўлиб қўшилди. Айниқса «Гидрологик ҳисоблашлар» ўқув қўлланмасининг ўзбек тилида илк бор яратилиши тарихий воқеа бўлди. Устоз–олима ўз ҳаёти ва меҳнат фаолияти давомида гидрология фанига эътиқодли шогирдлар тайёрлаш тамойилига қатъий амал қилди, ўзлари намуна бўлган ҳолда юқори малакали илмий-педагогик кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратди. Ҳозирги кунда З.С.Сирлибоева раҳбарлигида илк бор илмий тадқиқот ишларига қадам қўйган талабалари орасидан 30 дан ортиқ фан номзодлари ва докторлари етишиб чиқди. Олиманинг шогирдлари нафақат республикада, балки МДҲ ва чет мамлакатларда ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон География жамияти ва Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети География факультети ҳамда Куруқлик гидрологияси кафедраси жамоалари меҳрибон она, меҳнаткаш олима ва талабчан устоз – Зухра Салимовнага мустаҳкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик, ўсиб келаётган ёш ҳамкасбларимизни ватанимизга ва илм-фанга муҳаббат руҳида тарбиялашда доимо бардамлик тилайди.

Солиев А.С. – Ўзбекистон География жамияти президенти, география фанлари доктори, профессор;

Шогирдлари номидан:

Ҳикматов Ф.Ҳ. – география фанлари доктори, профессор;

Айтбаев Д.П. - география фанлари номзоди, доцент;

Юнусов Ғ.Х. - - география фанлари номзоди, доцент.

*Юбилярни табриклаймиз!***ЖЎРАҚУЛОВ ХАЙРУЛЛА 60 ЁШДА!**

Хайрулла Жўрақулов ҳозирги Навоий вилоятининг Нурота туманида туғилган. 1969 йилда ўрта мактабни тугатгач, СамДУнинг география факультетига ўқишга кирди. Факультетнинг кечки бўлимида ўқиш билан бирга, кундузи меҳнат қилиб, оиласига ёрдам берди. Университетни битириб, шу йилнинг ўзида Самарқанд шаҳридаги 2-мактабда ўқитувчилик, педагогик фаолиятини бошлади.



Эгаллаган билими орқали юрт равнакига ҳисса қўшиш, соҳани ривожлантиришдек олийжаноб мақсадига эришиш йўлида ўз устида ишлаш ва изланишдан чўчимади. Бунинг натижасида 1980-1983 йилларда Озарбайжон Фанлар Академияси қошидаги География институтининг аспирантурасига ўқишга кирди. Ўқиш давомида жамоатчилик ишларида фаол қатнашди, доимо изланишда бўлди. Бу изланиш ва қизиқишларни юқори баҳолаган Озарбайжон Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси, география фанлари доктори, профессор Ноиб Ширинов унинг илмий тадқиқот ишларига раҳбарлик қилди.

Аспирантура даврида “Зарафшон тоғ ва тоғ олди ландшафтларининг табақаланиши” мавзусида илмий изланиш олиб борган Х.Жўрақулов тез орада номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. 1990 йилдан бошлаб СамДУнинг табиий фанлар факультети география бўлимида доцент вазифасида ишлаб, соҳанинг Геология-геоморфология, Умумий ер билими, Амалий география фанларидан талабаларга сабоқ бериб бормоқда.

Х.Жўрақулов 1993-1998 йиллар давомида факультет маънавият ва маърифат ишлари бўйича декан ўринбосари, 2010 йилдан буён география бўлими касб-хунар коллежлари ўртасидаги илмий алоқалар бўйича масъул вазифаларда самарали меҳнат қилиб келмоқда.

Хайрулла Жўрақулов томонидан шу кунга қадар 3 та ўқув қўлланма, 1 та монография ва 80 дан ортиқ илмий мақолалари халқаро ва республика илмий-амалий конференция тўпламларида, нуфузли журналларда чоп этилган.

“Фан чегара билмайди, фаннинг ичига фанчалий чуқур кириб бораверсангиз, яна шунча янгидан-янги маълумотларга эга бўлаверасиз. Буни мен факультетимизда изланиш олиб бораётган ёш ўқитувчилар ва талабалар мисолида айтаяпман. Ҳозир университетимизда ўқиб, ўрганиш учун барча шароитлар яратилган. Чет эллар билан мустаҳкам алоқаларимиз бор. Бундай имкониятлардан самарали фойдаланаётган талабаларимиз кўплигидан доим фахрланиб юраман”, дейди Х.Жўрақулов.

Домланинг оиласи ҳам ибрат олса арзигулик. Турмуш ўртағи Дилором ая билан икки нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказишди. Улар ҳам ҳаётда ўз йўлларини топиб, халқимизга хизмат қилиб келишмоқда. Ҳозирги кунда Х.Жўрақулов уч нафар сеvimли набираларнинг бобоси бўлиб, илмий-педагогик фаолиятини давом эттириб келмоқда.

*Самарқанд давлат университети География бўлими жамоаси,
Ўзбекистон География жамияти президиуми Хайрулла Жўрақуловни
қутлуг юбилейи билан табриклаб, унга сўхат-саломатлик,
оилавий бахт ва илмий-педагогик муваффақиятлар тилайди.*

ГИДРОЛОГИК БАШОРАТЛАРДАН ЯНГИ ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

Мамлакатимиз мустақиллиги шарофати билан Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларини замонавий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мирзо Улуғбек номидаги ЎЗМУ Қуруқлик гидрологияси кафедрасида «Гидрологик башорат» фанидан шу номда тайёрланган ўқув қўлланма фикримизнинг ёрқин далилидир (муаллифлар: Ф.Х.Ҳикматов, Ғ.Х.Юнусов, К.Р.Рахмонов Тошкент, “Faylasuflar” нашриёти, 2013).

Мазкур ўқув қўлланма гидрометеорология соҳасидаги касб-хунар коллежларининг ўқувчилари учун мўлжалланган. Қўлланма ўзининг ҳажми ва унда баён этилган мавзуларнинг мазмуни ҳамда моҳияти билан ушбу фаннинг намунавий дастурига мос ҳолда ўзбек тилида илк бор яратилди. Қўлланманинг *кириш* қисмида гидрологик башоратларнинг илмий ва амалий аҳамияти, фанни ўқитишдан кўзда тутилган мақсад ва вазифалар, курснинг бошқа географик ва гидрологик фанлар билан боғлиқлиги ҳамда ушбу фан бўйича ўқувчиларнинг назарий билимларига қўйиладиган талаблар каби масалалар аниқ ёритиб берилган.


Қўлланма икки қисмдан иборат бўлиб, унинг *биринчи қисмида* гидрологик башоратлар фанининг асосий мавзулари ёритилган. Жумладан, фаннинг шаклланиш ва ривожланиш тарихи, гидрологик башоратларнинг асосий атамалари, таъриф ва тушунчалари, халқ хўжалигидаги аҳамияти, замонавий гидрологик башоратлаш усуллари, башоратлаш жараёнида дистанцион усулларни қўллаш ва бошқа назарий масалалар кўриб чиқилган. Ўқув қўлланмада текислик ва тоғ дарёлари сув режими элементларини башоратлаш усуллари ўрганишга алоҳида-алоҳида ёндашилган. Лекин, Ўзбекистон шароитдан келиб чиқиб, қўлланмада тоғ дарёлари оқимини узок муддатли башоратлаш ва уларнинг замонавий усуллари ёритишга жиддий эътибор қаратилган. Аниқроқ айтганда, мазкур масалалар қўлланмада бошқа мавзуларга нисбатан кенгрок ёритилган.

Қўлланманинг *иккинчи қисми* «Гидрологик башоратлар» фанидан амалий машғулотларни бажаришга бағишланган. Таъкидлаш лозимки, ушбу машғулотларнинг мавзулари ҳам маърузалар мазмунига мос қилиб тузилган. Қўлланмада амалий машғулотларнинг Ўзбекистон ва унга туташ бўлган худудлардаги дарёларга тегишли бўлган маълумотлар асосида тавсия этилиши услубий жиҳатдан жуда муҳимдир. Чунки, муаллифларнинг қўлланмани тайёрлашдаги бундай ёндашувлари ўқувчиларда ўз ўлкаси табиатидан фахрланиш, уни авайлаб-асраш ва, пировард натижада, уларда ватанпарварлик туйғусининг янада мустаҳкамланишига ва ривожланишига имкон беради. Фикримизча, қўлланмада фанни ўрганиш жараёнида фойдаланиш учун муаллифлар томонидан ўқувчиларга тавсия этилган адабиётлар ҳам тўғри танланган. Афсуски, улар орасида давлат тили – ўзбек тилида яратилганлари бармоқ билан санарлидир. Бу ҳолатни собиқ Иттифок даврида мазкур йўналиш бўйича дарсликлар, ўқув қўлланмаларининг ўзбек тилида яратилмаганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Умуман олганда, «Гидрологик башорат» фанидан тайёрланган ўқув қўлланма гидрометеорология касб-хунар коллежлари ўқувчиларига билим беришнинг ҳозирги замон талабларига жавоб беради. Унда гидрологик башоратлар фанига тааллуқли назарий ва амалий масалалар шу фан дастури талаблари даражасида ёритилган. Ўйлаймизки, қўлланма нафақат касб-хунар коллежлари ўқувчиларига балки махсус фан ўқитувчиларига ҳам катта қулайлик яратади.

**Ўзгидрометнинг ГМИТИ Агроиклим ресурслари
мониторинги ва агроэкология бўлими бошлиғи,
география фанлари доктори**

Абдуллаев А.Қ.



**“Ўзбекистон География жамияти ахбороти” журнаliga
мақолалар тақдим этиш қоидалари:**

1. Тақдим этилаётган мақолага муаллиф ишлаётган вилоят География жамияти бўлими раҳбарининг йўлланма хати илова қилинади.
2. Мақола таҳририятга бир нусхада, шунингдек электрон вариантда (“Microsoft Word” дастури, “Pragmatic Uz” ёки “Times Uz” 14 шрифт, қаторлар оралиғи бир ярим интервалда) топширилади. Мақола таҳририят компютерига кўчириб олинганидан сўнг, флешка муаллифга қайтарилади. Мақоланинг тахминий ҳажми 5 саҳифа, айрим ҳолларда, агар мақолага буюртма берилган бўлса, унинг ҳажми кўпроқ бўлиши мумкин.
3. Мақола таркиби қуйидаги бўлимлардан иборат бўлиши керак:
 - мақоланинг номи, аннотация, таянч сўзлар мақола матни;
 - кириш (*мавзунинг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари аниқ ёритилиши лозим*);
 - асосий қисм (*тадқиқот объекти ва предмети, бирламчи маълумотлар ва уларнинг таҳлили, тадқиқот усуллари, асосий натижалар ва уларнинг таҳлили*);
 - хулоса (*хулосалар ишончли манбаларга ва далилларга асосланган ҳамда илмий жиҳатдан манتيқан изчил бўлиши лозим*);
 - фойдаланилган адабиётлар рўйхати мақола охирида алифбо тартибда келтирилади.
 - мақола охирида инглиз ва рус тилларида (навбат бўйича) номи, муаллиф (лар)нинг ФИШ ва резюме келтирилади.
4. Мақоланинг охириги таҳрир қилинган нусхаси муаллиф томонидан имзоланиши ҳамда муаллифнинг фамилияси, исми-шарифи, лавозими, манзили кўрсатилиши зарур.
5. Мақолага киритилган иллюстрация (расм, жадвал, чизма, график ва бошқалар) аниқ-равшан тасвирланиши, сўзлар қисқартирилмасдан тўлиқ ёзилиши керак.
6. Ахборотга яқка муаллифликда ёки ҳаммуаллифликда фақат битта мақола топширилади, ҳаммуаллифлар сони 3 кишидан ошмаслиги керак.
7. Мақола муаллифи Ўзбекистон География жамияти аъзоси бўлиши шарт.
8. Қабул қилинган мақолалар матнини таҳририят қисқартириш ва унга таҳририй ўзгартиришлар киритишга ҳақли.
9. Кўриб чиқилган мақола таҳририят аъзосининг тавсияси билан чоп этиришга қабул қилинади.
10. Мақолани чоп этириш ва у билан боғлиқ харажатлар учун муаллиф белгиланган тартибда маблағ тўлайди.
11. Юқоридаги талабларга жавоб бермайдиган мақолалар таҳририят томонидан қабул қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
12. Журналда босилган мақолалар, унда келтирилган факт ва рақамлар учун муаллиф жавобгар.

700174, Тошкент – 174
Талабалар шаҳарчаси
Ўзбекистон Миллий университети (ЎЗМУ)
бош ўқув биноси. Отсек “В”
География факультети, 307-хона.
Телефонлар: 246 – 36 – 35, 246 – 97 – 90.

Мундарижа:

Бет

Миракмалов М.Т., Солиев А.С. Ўзбекистонда географик номларнинг ўрганилиши тарихи, ҳозирги ҳолати ва истиқболлари.....	3
Ғулумов П.Н. Топонимларнинг турлари ва жой номларини районлаштириш ҳақида мулоҳазалар.....	8
Караев С.К., Саидов А.Х. Топонимика и законы.....	11
Аҳмадалиев Ю., Отақулов Ф. Замоновий жой номлари ва уларга қўйиладиган талаблар.....	16
Ҳакимов Қ.М. Топонимика ва ҳозирги замон.....	20
Қурбонов К., Ҳакимов Қ. «Ер тили» билан сирлашган олим.....	23
Эназаров Т., Даурова Х. Номларнинг таснифланиши масаласи.....	26
Баллиева Р., Ходжаева Г.А., Уринбаева Ф. Вопросы изучения географических названий Республики Каракалпакстан (в историческом, географическом, лингвистическом аспекте).....	30
Қодиров М.А., Усмонов М.Р., Ибрагимов Л.З. Жой номларини ўрганишининг географик жиҳатлари.....	32
Уринбаева Ф.Б., Туреева Г.А. «Нукус» топонимининг вужудга келиши тарихи ва этимологияси ҳақида.....	36
Абдуғаниев О., Қўчқарова М., Ғаниева М. Худудларни тадқиқ этишида топонимларнинг индикаторлик функциясидан фойдаланиши.....	39
Ғулумов П.Н., Уринбаева Ф.Б. Қорақалпоғистон топонимиясида этнотопонимларнинг тутган ўрни.....	41
Низомов А. Топонимик районлаштириш масалалари.....	44
Тажекова А.Ж., Налибаев К.К. Туристу о названиях казахстанских городов.....	46
Саидова Н.П. Географик объектлар табиий хусусиятларининг улар номларида акс эттирилиши.....	48
Махкамов Э., Абдувалиев Ҳ., Жўраева О. Оронимларда жойнинг туристик ва рекреацион хусусиятларининг акс эттирилиши.....	50
Тошов Х.Р., Неъматов А.Н. Чўл ландшафтларини ўрганишида жой номларининг ўрни.....	53
Eshboyev V.T. Qashqadaryo vohasi xalq og'zaki ijodiyotida toponimlar tahlili.....	55
Мавлонов А., Қодиров А. Чўл топонимлари хусусида айрим мулоҳазалар (Бухоро вилояти аҳоли манзилгоҳлари мисолида)	57
Ҳакимов Қ.М., Ақчаев Ф.Ш. Топонимика фанининг тадқиқот методлари.....	59
Султанова Н.Б. Умумий ўрта таълим мактаблари география дарсларида топонимик атамалардан фойдаланиш масалалари.....	63
Усмонов М., Ҳакимов Қ.М., Бурхонов Э. Зоотопонимлар географияси ҳақида.....	68
Усмонова С.А. Географик номлар трансформацияси ҳақида.....	70
Солиев А.С., Позилова У. Тошкент шаҳри маҳаллаларининг географик номлари ҳақида.....	72
Файзуллаев М.А. Қашқадарё вилояти янги ўзлаштирилган ҳудудлари аҳолиси ва жой номларининг шаклланиш хусусиятлари.....	75
Ҳайдарова С.А. Янги ерларнинг ўзлаштирилиши билан боглиқ бўлган аҳоли миграциясининг жой номларига таъсири	78
Нурматов М.Ш., Собирхонов А. Чуст тумани топонимларини ўрганишининг географик хусусиятлари.....	81
Федорко В.Н. Использование метода топонимической индикации при создании схем природно-хозяйственного районирования.....	84
Қурбонов Ш.Б. Хоразм воҳаси қишлоқ жойлари топонимлари ҳақида баъзи бир мулоҳазалар.....	87
Ражабов Ф.Т. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг ҳудудий ихтисослашуви билан	

<i>боғлиқ географик жой номлари.....</i>	90
Исматов Ж.А. <i>Ўзбекистон гидроурбонимлари.....</i>	93
Қодирова М.М., Абдиева З.А. <i>Хатирчи тумани топонимлари.....</i>	96
Ибраимова А.А. <i>Дунё сиёсий харитаси ва топонимика.....</i>	98
Холдорова Г.М. <i>Сангзор топоними ҳақида.....</i>	102
Тожиева З.Н. <i>Ўзбекистонда демографик модернизациялаш.....</i>	105
Худайберганова Р.Т. <i>Қуйи Амударё минтақаси саноат ишлаб чиқариши ривожланиши ва ҳудудий таъшиқ этилишининг айрим масалалари</i>	107
Ҳайдарова С.А., Дўсманов Ф. <i>Мирзачўл иқтисодий районида аҳоли миграция ҳаракатларининг ўзгаришлари ва истиқболи.....</i>	110
Ғаппаров А. <i>Ўзлаштирилган ҳудудлардаги аҳоли пунктларининг қиёсий тавсифи.....</i>	112
Турсунов Х.Т. <i>Некоторые вопросы экологического районирования Узбекистана.....</i>	116
Турдымамбетов И.Р. <i>Проблемы и пути улучшения нозоэкологической ситуации в Республике Каракалпакстан.....</i>	118
Усмонов М.Р., Қурбонов К. <i>Жиззах вилояти ва унинг ривожланиши истиқболлари.....</i>	122
Уралов Е.О. <i>Зарафшон минтақасида қурилиши саноати ва унинг Ўзбекистон иқтисодиётида тутган ўрни.....</i>	125
Алимова Г.А. <i>Некоторые аспекты создания СЭЗ в Узбекистане.....</i>	128
Ибрагимов Л.З. <i>Самарқанд вилояти демографик ривожланишининг меҳнат ресурслари ва аҳоли бандлигига таъсири.....</i>	131
Исматова З.А. <i>Euglenophyta бўлими сувўтларининг Сангзор дарёсида тарқалиши ва мавсумий ривожланиши.....</i>	134
Назаров Х.Т., Давронов К.К., Эшқувватов Б.Б. <i>Сравнительное изучение пустынных кормовых растений в условиях предгорной полупустыни и их использование в фитомелиорации.....</i>	138
Сайидов А. К. <i>Чизиқли объектлар генерализацияси алгоритмлари (автомобил йўллари мисолида).....</i>	140
Алланазаров О.Р. <i>Алоқа объектлари кадастри ГИС маълумотлар базасини шакллантириши масалалари.....</i>	144
Сайидов А. К., Сафаров Э. Ю. <i>Растр форматда генерализацияни амалга ошириши усуллари.....</i>	147
Умарова К.Б. <i>Принципы установления названий и транскрибирования на исторических картах.....</i>	149
Умаров Е.К., Курбаниязов А.К., Умаров А. <i>Амударё ҳавзаси сув ва ер ресурсларидан фойдаланиши масалалари (Қорақалпоғистон мисолида).....</i>	151
Аденбаев Б.Е., Ҳайдарова О.А. <i>Динамика использования водных ресурсов Амударьи и водообеспеченность ее низовьев.....</i>	156
Верещагина Н.Г., Кудышкин Т.В., Рахматова Н.И. <i>Особенности гидрографии и гидрохимического режима Центрального Голодностепского коллектора.....</i>	161
Сагдеев Н.З., Кадилова С.Н. <i>Многолетние изменения климата и стока в бассейне р. Шахмардан.....</i>	164
Холматжанов Б.М., Сулаймонова Н.Н., Курбанов Ф. <i>Состояние воздушной среды в условиях горного рельефа и ее влияние на здоровье человека.....</i>	168
Томашевская И.Г., Сабитов Т.Ю., Сирлибаева З.С. <i>Оценка климатических ресурсов территорий возможного развития богарного земледелия в горных районах Республики Узбекистан.....</i>	173
Кутлимуратов Х. Р. <i>Охват площади фаз цветения хлопчатника как показатель состояния продуктивности посева в условиях Узбекистана.....</i>	177
Юсупов Ш.Н., Нишоннов Б.Э. <i>Ер ости сувлари минераллашувини майдон бўйича ўзгаришини таҳлил қилишида геоахборот тизимлари усулини қўллаш имкониятлари ҳақида.....</i>	179
Тойчиев Х.А., Крахмаль К.А., Абдуназаров У.К. <i>Мамонтнинг Ўзбекистондаги ноёб</i>	

<i>топилмаси ҳақида</i>	183
Уразбаев А.К. Устозларни эслаб	185

ЮБИЛЯРНИ ҚУТЛАЙМИЗ!

<i>Умаров Есенгали Қурбанович таваллудининг 75 йиллигига</i>	188
<i>Географ тадқиқотчининг ижодий фаолиятдан чизгилар</i>	189
<i>Меҳрибон она, меҳнаткаш олима, талабчан устоз!</i>	190
<i>Жўрақулов Хайрулла 60 ёшида!</i>	191
<i>Гидрологик башиоратлардан янги ўқув қўлланма</i>	192